

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НИШАНОВ ФОЗИЛЖОН НИШОНОВИЧ, АБДУЛЛАЖАНОВ БАХРОМ
РУСТАМЖАНОВИЧ, ТУРСУНОВ БОТИРЖОН КОДИРОВИЧ, БОЗОРОВ
НУРИТДИН ЭРГАШЕВИЧ

ЖАРРОҲЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ

фанидан

ЎТКИР ИЧАҚ ТУТИЛИШИ номли

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Даволаш иши – 5510100
Касб таълими (даволаш иши-5510100) -5111000
таълим йўналишлари учун

Андижон 2020 йил

Муаллифлар:

Ф.Н.Нишанов	т.ф.д., хирургия ва урология кафедраси мудири, профессор
Б.Р.Абдуллажанов	т.ф.д., хирургия ва урология кафедраси доценти
Н.Э.Бозоров	т.ф.н., хирургия ва урология кафедраси доценти
Б.К.Турсунов	т.ф.н., хирургия ва урология кафедраси доценти

Тақризчилар:

М.Ш.Хакимов	Тошкент тиббиёт академияси №1 Факультет ва госпитал хирургия кафедраси мудири, профессор
Г.М.Ходжиматов	т.ф.д., профессор, Андижон давлат тиббиёт инсти- тути илмий ишлар бўйича проректори.

Ўқув қўлланмада йўғон ичак анатомияси, физиологиясидан бошлиб, ўтқир ичак тутулишини келиб чиқиши сабаблари, синфланиши, диагностикаси, қиёсий диагностикаси, касаллик келиб чиқишини олдини олиши чора-тадбирлари, консерватив ва жарроҳлик йўли билан замонавий даволаи усуллари кенг ёритилган.

ИШЛАТИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

ГАК	— гистомоскелишни асосий комплекси
ГИП	— гастроингибирловчи пептид
ИФА	— иммунофермент анализ
КАХ	— кислота-асосли холат
КДС	— катта дуоденал сүрғич
КИМ	— кислота-ишқорли мұхит
КТ	— компьютер томографияси
МНС	— марказий нерв системаси
МРТ	— магнитно-резонанс томография
НОЧ	— нафас олиш частотаси
ПОЕ	— полиорган етишмовчилик босқичи
ПЭГ	— полиэтиленгликол
ТГР	— түғри гемагглютинация реакцияси
УВГГ	— умумий вариабел гипогаммаглобулинемия
УТТ	— ультратовуш текшируви
ЭАЛ	— эпителийлараро лимфоцитлар
ЭАР	— энзимик антитаналар реакцияси
ЮҚС	— юрак қисқаришлари сони
ҮСВ	— ўпкани сунъий вентиляцияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОЛОРЕКТАЛ ХИРУРГИЯНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Колоректал хиругия умумий хиругиянинг бир қисми бўлганлиги сабабли тиббиётни бошқа қисмлари билан биргаликда ривожланган. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб дунёning ривожланган давлатларида йўғон ичакнинг терапевтик ва хиругик касалликларини ўрганиш авж олган, Россияда бу йўналишни ривожланиши 50-йилларда бошланиб, бу соҳада А.М.Аминов ва А.Н.Рыжихларнинг хиссаси катта бўлган.

Ўзбекистонда колоректал хиругия 1968-йили Э.Ж.Жураев бошчилигига Наманганд вилоятида ихтисослашган шифохона очилиши билан бошланган. Кейинчалик З.Низамов томонидан Тошкент шахрида 10-шаҳар шифохонаси қошида колоректал хиругик касалликларга ихтисослашган бўлимлар очилган.

Колопротологияни хиругиянинг бир қисми сифатида ривожланиши т.ф.д., В.Д.Федоровнинг Россия федерацияси колопротология клиникаси илмий текшириш лабараториясига раҳбарлик қила бошлаган пайтдан янада авж олган. В.Д.Федоровнинг биринчи вазифаларидан бири бу, кадрлар малакасини ошириш бўлган. Шу сабабли 1977-йили академик УА.Арипов хиругия кафедраси ходимлари Э.Э.Назаров ва С.Н.Наврузовлар Москва шахрига малака оширишга юборилганлар ва Тошкентга малакали мутахасис бўлиб қайтишган.

1980-йили Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигини буйруғи остида №1 Республика клиник шифохонаси қошида проктология бўлими очилган ва унга ёш олим С.Н.Наврузов раҳбарлик қилган.

С.Н.Наврузов томонидан сурункали йўғон ичак стази, носпецифик ярали колит, Крон касаллиги, йўғон ичак дивертикулёзи, Гиршпрунг касалликларида реконструктив-тикловчи абдоминал операциялари амалга оширилган.

Узоқ йиллар ичидә йўғон ичак касалликларида илмий изланишлар олиб борилган ва амалиётга тадбиқ қилинган. Бир қатор профессор М.А.Ахмедов, профессор Ф.А.Даутов, т.ф.д. Ш.Б.Тогаев, т.ф.д. Д.А.Сапаев, т.ф.д. А.А.Юсуфбеков, т.ф.д. Б.С.Наврузов, т.ф.д. С.Б. Абдужаппаров каби ёш мутахасислар тайёрланган.

Колоректал хирургияда фаолият юритаётган ходимларнинг малакаси ва илмий потенциали ортиши ҳисобига 1988-йили замонавий диагностика ва даволаш талабларига мос келувчи республика колопроктология марказини очишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан ушбу марказга т.ф.д. С.Н.Наврузов директор қилиб тайинланган. Академик В.Д.Федоров шогирди, илмий изланишда катта малакага эга, бошқарувчилик ва ташкилотчилик сифатига эга бўлган С.Н.Наврузов колоректал хирургияни ривожлантириш мақсадида йўғон ичак касалликларини даволашда доимий илмий изланишлар олиб борди.

Шу вақтдан бошлаб 20 та номзодлик, 6 та докторлик диссертациялари химоя қилинган. 2500 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп этилди, 20 дан ортиқ методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон колоректал хирургиясининг ривожланиши, кадрлар тайёргарлик холатининг юқори савиядалиги, йўғон ичак касалликларининг замонавий, эрта диагностикасига ва профессионал даражада даволаш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келди.

Бу йўлда Ўзбекистон колоректал хирургиясини ривожланишига катта хисса қўшган профессор У.А.Арипов, профессор В.В.Вохидов, кейинчалик профессор Ш.И.Каримов, профессор Ф.Г.Назировлар яратган хирургия илмий мактаблари алоҳида аҳамиятга эга.

Бу реформалар натижасида Ўзбекистон колопроктология клиник амалиётига ярали колит, Крон касаллиги, сурункали йўғон ичак стази ва амёбиози каби касалликларининг замонавий диагностикаси ва даволаш

усуллари тадбиқ қилинди. Бу йұналишда илмий изланишлар олиб борилди ва бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинди.

Колопроктологик беморларни текшириш ва даволаш махсус клиникаларда олиб боришли керак, аммо бундай беморларнинг сони күплиги, улар орасида касаллик асоратларининг қўпайиб бораётганлиги малакали ёрдам кўрсатишни тақозо қиласи. Шунинг учун бу китобни яратишда худди шу масала олдимиизга мақсад қилиб қўйилган.

I БОБ. УМУМИЙ САВОЛЛАР

ЙЎҒОН ИЧАКНИНГ АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ

Умумий характеристика

Йўғон ичак, *intestinum crassum*, ҳазм тракти найининг охирги қисми бўлиб, илеоцекал соҳадан бошланиб, тўғри ичакнинг анал канали билан якунланади. Кўричак ҳам ўзининг ривожланмаган анатомик ва функционал боғланиши туфайли илеоцекал соҳадаги ягона хосила ҳисобланади ва шунинг учун ҳам алоҳида ўрганилади.

Кўричак ва тўғри ичаккача жойлашган бутун йўғон ичак ўзининг характеристири конфигурациясини кўрсатувчи қисми бир сўз билан – чамбар ичак, *colon* деб аталади. Чамбар ичак юқорига кўтариувчи чамбар ичак, *colon ascendens*, кўндаланг чамбар ичак, *colon transversum*, пастга тушувчи чамбар ичак, *colon descendens* ва сигмасимон чамбар ичак, *colon sigmoideum* га ажратилади. Юқорига кўтариувчи қисмининг кўндаланг қисмга ўтиш, кўндаланг соҳанинг пастга тушувчи соҳага ўтиш соҳаси алоҳида қаралади, унг чамбар ичак эгрилиги - *flexura coli dextra*, ёки жигар эгрилиги - *flexura hepatica* ва чап чамбар ичак эгрилиги - *flexura coli sinistra*, ёки талоқ эгрилиги - *flexura lienalis* деб аталади.

Жарроҳлик амалиётларидаги амалий тажрибалар ҳамда йўғон ичакнинг қон билан таъминланиши ва иннервацияси хусусиятларидан келиб чиқиб, йўғон ичак ўнг ва чап яримларга, ёки ўнг ва чап қанотларга ажратилади. Ўнг ярми илеоцекал бирлашмадан кўндаланг чамбар ичак ярмигача, чап ярми кўндаланг чамбар ичак ярмидан сигмасимон ва тўғри ичаккача соҳани эгаллайди.

Йўғон ичакнинг дистал қисмлари (пастга тушувчи ва айниқса сигмасимон) ахлат массаларини сақлашда асосий ўрин тутади ва бевосита транспорт-эвакуатор функциясини таъминлайди.

Йўғон ичакда жарроҳлик амалиётларини ўтказиш унинг васскуляризацияси ва иннервацияси, ҳамда бемор ёши, жинси, тана тузилиши, олдинги қорин деворида ёғ клечаткаси ва мушакларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ йўғон ичакнинг индивидуал шакллари ва турли қисмларининг жойлашиши ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишни талаб қиласи.

Йўғон ичак ўзининг физиологик тармоқланишига қараб, бу ичак найининг юқорида ётувчи қисмлари билан умумийликка эга, улар билан бирга ягона ҳазм тизими сифатида фаолият қўрсатади. Йўғон ичакдаги бузилишлар ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ингичка ичакда рефлектор ўзгаришлар чақиради.

Чамбар ичакнинг анатомик характеристикаси

Йўғон ичак, *intestinum crassum*, ташқи томондан ингичка ичакдан фарқ қилувчи бир қатор характерли хусусиятларга эга.

Йўғон ичак ингичка ичакдан катта диаметрга эгалиги билан фарқланади, бошланғич қисмларда каттароқ ўлчамга эга,aboral йўналишда аста-секин камаяди. Саесум соҳада йўғон ичак диаметри 7-14 см ни ташкил қиласи, пастга тушувчи ва сигмасимон ичак периферик қисмларида 4-6 см, сигмасимон ичакдан тўғри ичакка ўтиш жойида - 2-3 см га teng. Ўзининг катта диаметри туфайли «йўғон» ичак номини олган.

Йўғон ичак ингичка ичакдан ранги билан фарқланади. Йўғон ичак учун кулранг, ингичка ичак учун эса – пушти, ялтироқлик хос. Йўғон ва ингичка ичак ранг тузилишидаги фарқ аъзо ичи томир тўрининг бир хилда ривожланмаганлиги билан боғлиқ, бу ингичка ичакда яққолроқ кўринади.

Йўғон ичак ингичка ичакдан кўндаланг мушак тутамлари жойлашиши билан ҳам фарқланади, улар ичак деворида ясси қаватни хосил қиласи, учта мушак тортмалари ёки тасмалар кўринишида, *taeniae libera* жойлашади. *Taeniae coli* чамбар ичак характерли белги ҳисобланади.

Чамбар ичак бўйлаб 3 та кўндаланг мушак тортмалари ёки тасмалари мавжуд: эркин - *taenia libera*, тутқич - *taenia mesocolica* ва чарви тасмаси -

taenia omentalis. Чамбар ичак тасмалари бир-биридан тенг масофада жойлашади ва ҳар бири 3-4 мм кенгликка эга.


Кўричакда бу учала тасмалар бирлашади, бир-бирига яқинлашиб, чувалчангсимон ўсимта асосида ягона мушак қаватини хосил қиласди. Ҳар бир тасма йўғон ичак сегментига боғлиқ холда характерли жойлашишга эга. *Taenia libera* кўричакнинг олдинги юзаси ва чамбар ичак бўйлаб жойлашади. *Colon transversum* да эркин тасма ичакнинг орқа юзасига ўтиб кетади. *Colon descendens* да *taenia libera* яна ичакнинг олдинги юзасида бўлади.

Taenia mesocolica colon ascendens ва *colon descendens* орқа-медиал юзаси бўйлаб жойлашади. *Colon transversum* да тутқич тасмаси қўндаланг чамбар ичак тутқичи бириккан чизиги бўйлаб, юкори қирғоғига ўтиб кетади.

Taenia omentalis юкорига кўтариувчи ва пастга тушувчи чамбар ичакларда орқа-латерал қирғоқлари бўйлаб тарқалади. Кўндаланг чамбар ичакда чарви тасмаси катта чарви бириккан чизиги бўйлаб ичакнинг олдинги юзасига ўтади.

Йўғон ичак ингичка ичақдан ўзининг юзаси билан ҳам фарқланади. У ташки томондан нотекис най кўринишида бўлиб, йифилган бурмалар ва алоҳида ажратилган бўртмалар хосил қиласди. Йўғон ичак бўртмалари, *haustrae coli*, ҳар бир ичак сатҳида учала қўндаланг тасмалар орасида жойлашади. *Haustrae coli* турли сатҳлари бир-бири билан ичакнинг бўйлама ўқи бўйлаб қўндаланг жойлашган эгатчалар билан ажратилган. Бу эгатчалар ичак бўшлиғидаги бўртмачалар бўлиб, йўғон ичакда ярим ойсимон бўрмалар хосил қиласди - *plicae semilunares coli* (Расм 1.1.).

Йўғон ичакнинг алоҳида бурмаларга бўлиниши, *haustrae coli*, ичак узунлиги ва бўйлама тасмалар узунлиги орасидаги ўзаро номутаносиблик натижасида, ҳамда ичак деворидаги циркуляр мушак толаларининг нотекис қисқариши натижасида юзага келган. Ўртacha 1,8 м йўғон ичакнинг умумий узунлигига 1,2 м бўйлама мушак тасмалари тўғри келади. Бу *colon* узунлиги ва бўйлама мушак тасмалари орасидаги диспропорция *haustrae coli* хосил бўлиши билан тушунтирилади.



Расм 1.1. Йўғон ичак. 1 – ичак девори; 2 – *plica semitunares colis*; 3 – *taenia mesocolica*; 4 – *mesacolon*; 5 – *haustra coli*; 6 – *taenia libera*; 7 – *appendices epiploicae*; 8 – *omentum majus*; 9 – *taenia omentalis*

Меъёрда гаустра қирғоқлари силлиқ, текис, бутун ичак гаустрацияси бир текисда ва симметрик кўринишда бўлади.

Йўғон ичак ингичка ичакдан сероз қаватидаги ёки чарви ўсимталари, *appendices epiploicae* борлиги билан фарқланади. Улар 4-5 см узунликда бўлиб, ўзида кўп ёки кам миқдорда ёғ тутувчи висцерал қорин парда дубликатурасини намоён қиласди.

Appendices epiploicae эркин ва чарви тасмалари бўйлаб жойлашади ва ичак қисмига қараб, турли тузилишга эга. Юқорига қўтарилиувчи, пастга тушувчи ва сигмасимон ичакда *appendices epiploicae* қўпроқ икки қатор, кўндаланг чамбар ичакда эса бир қатор хосил қиласди. Кўричакда улар одатда бўлмайди. Чарви ўсимталари кўндаланг ва сигмасимон чамбар ичакда ўта кучли ривожланган. *Colon* бошланғич қисмларида ёғ ўсимталари горизонтал йўналишда бўлиб, яssi, текис бўлади. Чамбар ичакнинг охири бўйлаб улар узунлашади ва шохланган бўлади. Сигмасимон ичакда улар икки ёки уч тармоқланган бўлади.

Чамбар ичак узунлиги одамнинг индивидуал холати ва ёшига боғлик. Турси муаллифларнинг маълумотларига кўра, йўғон ичак узунлиги кўричак-

дан то сигмасимон-тўғри ичаккача 150 дан 200 см, 100 дан 150 см, 100 дан 200 см, 126 дан 192 см ва х.к. тўғри келади.

Йўғон ичакнинг турли қисмлари узунлигига фарқлар мавжуд. Демак, кўричак узунлиги тахминан 3 дан 8-10 см; юқорига кўтарилиувчи чамбар ичак узунлиги - 12-20 дан 22-25 см; кўндаланг чамар ичак узунлиги - 25-30 дан 50-62 см; пастга тушувчи чамбар ичак узунлиги - 10 дан 23-30 см ва сигмасимон ичак узунлиги - 15 дан 67 см га тўғри келади.

Кўп холатларда йўғон ичак узунлиги, тўғри ичакдан ташқари, ўртача 150 см ҳисоблайдилар, ундан *caecum* га 7 см, *colon ascendens* - 20 см, *colon transversum* - 50 см, *colon descendens* - 23 см ва *colon sigmoideum* - 54 см тўғри келади. Йўғон ичак катта ўлчамларни ташкил қилган холатлари кўндаланг ва сигмасимон чамбар ичакнинг одатий бўлмаган катта узунлиги билан тушунирилади. Чамбар ичакнинг қолган қисмлари доимий ўз ўлчамларида бўлади.

Юқорига кўтарилиувчи чамбар ичак чақалоқларда ва 4 ёшгача болаларда пастга тушувчи чамбар ичакка нисбатан қисқароқ бўлади. 4 ёшдан юқорига кўтарилиувчи чамбар ичак, узунлиги бўйича пастга тушувчи чамбар ичакка тенглашади ва боланинг 7 ёшидан сўнг катта организми учун хос бўлган- юқорига кўтарилиувчи ва пастга тушувчи чамбар ичак узунлиги ўзаро тенг бўлади.

Кўндаланг чамбар ичак 1 ёшгача болаларда 26-28 см, 10 ёшда ўртача 35 см га тўғри келади. Ҳомиладорлик даврида кўндаланг чамбар ичак танага нисбатан тез ўсади, сўнгра 4 ёшга келганда, тана билан тенг ўсади, 4 ёшдан сўнг эса танага нисбатан қисқа бўлади.

Пастга тушувчи чамбар ичак чақалоқларда юқорига кўтарилиувчи чамбар ичакка нисбатан узунроқ бўлади. Бола хаётининг биринчи йили давомида пастга тушувчи чамбар ичак икки баробар катталашади (ўртача 5 дан 10 см гача); 1 дан 5 ёшгача – 1/3 (ўртача 10 дан 13 см); 5 дан 10 ёшгача – 1/4 (13 дан 16 см). 10 ёшдан сўнг пастга тушувчи чамбар ичак узунлиги 18-20 см ни ташкил қиласди.

Сигмасимон чамбар ичак чақалоқларда нисбатан узунроқ ва юқори ҳаракатчанликка эга бўлади. Бола хаётининг биринчи йили сигмасимон ичак ўртача 20 дан 26-28 см, 1 дан 5 ёшгacha - 28 дан 30 см, 5 дан 10 ёшгacha - 30 дан 37 см ни ташкил қиласди (Ф.И.Валкер). А.Ю.Созон-Ярошевич сигмасимон ичакни 50 та ўликда ўлчаб, қуидаги маълумотларни олди: 10 ёшгacha болаларда ўртача 31-55 см; 11 дан 20 ёшгacha 36 см; 21 дан 30 ёшгacha - 47,75 см; 31 дан 40 ёшгacha - 51,66 см; 40 ва ундан юқори ёшда - 57,27 см га тенг.

Чамбар ичак шакли одамнинг тана тузилиши, ёши ва жинсига боғлиқ холда индивидуал фарқларни хосил қиласди. Чамбар ичак шакли ичак фиксацияси, тутқич ўлчами ва унинг илдизи йўналишига боғлиқ.

Кўндаланг чамбар ичак шакллари П.А.Куприянов томонидан қуидаги гурухларга ажратилди.

Такасимон шакл, хеч қандай эгриликларсиз, юқорига, диафрагмага бўртиб турган равоқли. *Colon transversum* бундай шаклида жигар ва талоқ эгрилиги ривожланмаган. Равокни хосил қилувчи юқорига кўтарилиувчи чамбар ичак кўндаланг чамбар ичакка ўтади, ўз навбатида пастга тушувчи чамбар ичакка ўтиб кетади. *Colon transversum* бундай шакли болалар учун тегишлидир.

Кўндаланг шакл ичак пастдан текисда осилиб туради. Бу шакли деярли бир хилдаги бурчаклар, жигар ва талоқ эгриликларини хосил қилиш билан характерланади. Кўп учрайди.

U-симон шакли, жигар ва талоқ эгрилиги ўткир бўлади (45° ва ундан кичик). *Colon transversum* букилиш соҳасида гумбази билан симфизга қараган бурчак хосил қиласди. Шунинг ҳисобига кўндаланг чамбар ичак икки эгрилик – пастга тушувчи, *flexura coli dextra* дан бурчак гумбазигача ва юқорига кўтарилиувчи – гумбаздан *flexura coli sinistra* гача хосил қиласди. Бундай шакл иккинчи ўринда туради. Баъзан ичакнинг осилиши кучли намоён бўлади, *colon transversum* учта букилма хосил қиласди ва М-симон шаклни олади.

Қийшиқ шакли, бунда *flexura hepatica* даги ўнг эгрилик түмтоқ бурчак, *flexura lienalis* даги чап эгрилик эса ўткир бурчак хосил қиласы. Бунда ўнг томондаги қийшиқлик пастда туриши билан фарқ қиласы ва *colon transversum* ўнг ёнбош чуқурлигидан чап қовурғалараро сатхга күтарилады. Бундай шакл жуда кам учрайди. П.А.Куприянов томонидан *colon transversum* шакли қорин шакли ва кўкрак қафасининг пастки апертурасига қараб бўлишини аниқланган. Кенг *appert. thoracis inferior* га эга одамларда кўндаланг чамбар ичак шакли пастга осилишга нисбатан горизонтал холатда бўлиб, гирляндлар кўринишида бўлади. Бундай шакл кўпроқ эркакларда кузатилади. Тор *appert. thoracis inferior angulus costalis va symphysis pubica* орасидаги кенг масофада кўндаланг чамбар ичак V-симон шаклда бўлиб, пастга қараган буртма хосил қиласы. Бу кўпроқ аёлларда учрайди. Осилиб турган *colon transversum* икки ва уч эгриликлари билан ичакдаги массасини димланиши ва ичак оғриқли холатининг ривожланиши учун шароит яратади. Шу билан боғлиқ холда, *colon transversum* катта ёшли аёлларда бундай жойлашуви кўп учрайди.

Кўндаланг чамбар ичак шакли ҳар қандай аниқ холатларда жигар ва талоқ эгриликлари шаклланиши хусусияти билан боғлиқ.

Кўп холатларда жигар эгрилиги ўзида пастга ва ички томонга қараган түмтоқ бурчак намоён қиласы. Талоқ эгрилиги эса ўткир бурчак хосил қиласы. Бундай муносабат қориннинг овал ва ноксимон шакли учун тегишли бўлиб, юқорига қараганда кенг охирга эга бўлади. Ноксимон қориндаги кенг охирга эга кўндаланг чамбар ичак иккала эгрилиги ўткир бурчак хосил қиласы.

Сигмасимон чамбар ичак шакли ҳам турлича. А.Ю.Созон-Ярошевич сигмасимон чамбар ичакнинг 4 та асосий шаклларини аниқлади.

Биринчи шаклида сигмасимон ичак қисқа, кам букилган най кўринишида бўлиб, вертикал йўналишда ётади. Бундай ичак 3-4 ойлик эмбрион учун хос. А.Ю.Созон-Ярошевич фикрича, бундай ичак шакли катталарда эрта эмбрионал босқичда ичак ривожланишининг орқада қолиши деб қаралади.

Иккинчи шаклида сигмасимон чамбар ичак умуртқа поғонасидан чапда ётұвчи қовузлоқ хосил қиласы. Қовузлоқ гүмбази юқорига қараган бўлиб, баъзан талоқнинг пастки сатҳигача етиб боради. Сигмасимон ичакнинг бундай шакли ривожланишнинг бузилиши билан намоён бўлади ва *colon sigmoideum* шакли она корнида ривожланишининг 6-7 ойларига тўғри келади.

Учинчи шаклида сигмасимон ичак қорин бўшлиғининг ўнг ярмига ўтиб кетувчи кенг қовузлоқ шаклида бўлиб, баъзан жигаргача етиб боради.

Тўртинчи шакли colon sigmoideum, кўп учрайди, сигмасимон ичак қовузлоғи узунроқ бўлади, кичик чаноқдан ташқарига чиқмайди ва вертикал, горизонтал йўналишдаги эгриликлар хосил қиласы.

Чамбар ичак шаклига қўшни аъзолар, уларнинг тўлиши таъсир кўрсатади. Масалан, ошқозон тўлганда, ошқозон ичак билан бирга пастга тушади. Ингичка ичак газ билан тўлганда эса *colon transversum* юқорига кўтарилади ва юқорига қараган равоқ хосил қилиши мумкин. Бундай холатлар яна қорин парда бўшлиғининг суюқлик билан тўлиши натижасида ҳам кузатилади. Кичик чаноқ аъзоларининг катталашиши (ҳомиладорлик вақтида бачадоннинг катталашиши, бачадон ўсмалари ва х.к.) кўндаланг ва сигмасимон чамбар ичак ўрнининг ўзгариши ва шаклининг ўзгаришига олиб келади. Катталашган талоқ эгрилигининг ўзгариши ва кўндаланг чамбар ичак шаклини ўзгаришига таъсир қиласы. Жигар эгрилигининг осилиб қолиши жигар катталашиши билан юзага келади.

Нихоят, чамбар ичак шаклининг ўзгариши йўғон ичак осилиб қолиши билан юзага келади, бунда қорин бўшлиғи бошқа аъзолари билан бирга келиши кузатилади: ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, буйраклар ва х.к. Чамбар ичакнинг ўзига хос шаклини йўғон ичак эмбрионегези жараёни бузилиши билан боғлиқ турли аномалиялар хосил қиласы.


Чамбар ичак артериялари

Чамбар ичак иккита томирли магистраллардан – юқори тутқич артерияси, *a. mesenterica superior* ва пастки тутқич артерияси *a. mesenterica inferior*, артериал шохларини олади. (Расм 1.2.).

Юқори тутқич артерияси чамбар ичакка ёнбош-чамбар ичак артериясини, *a. ileocolica*, ўнг чамбар ичак артериясини, *a. colica dextra* ва ўрта чамбар ичак артерисини, *a. colica media* тармоқларини беради.

Пастки тутқич артерияси чамбар ичакка чап чамбар ичак артерияси, *a. colica sinistra* ва сигмасимон артериялар, *aa. Sigmoideae* тармоқларини беради. Пастки тутқич артерияси охирги шохи юқори түғри ичак артерияси *a. rectalis superior* ёки *a. haemorrhoidalis superior* (BNA) бўлиб, сигмасимон артерия билан анастомоз хосил қиласида ва түғри ичак ампуляр қисмини қон билан таъминлайди.

Юқори ва пастки тутқич артериялари орасидаги йирик анастомоз Риолан равоги бўлиб, ўрта чамбар ичакнинг чап шохи (*a. mesenterica superior* дан) ва чап чамбар ичакнинг юқорига қўтариувчи шохидан (*a. mesenterica inferior* дан) хосил бўлади.



Расм 1.2. Йўғон ичакнинг қон билан таъминланиши. 1 - *mesocolon transversum*; 2 - *v. mesenterica inferior*; 3 - *a. mesenterica inferior*; 4 - *a. colica sinistra*; 5 - *colon descendens*; 6 - *aa. et vv. sigmoideae*; 7 - *a. et v. iliaca communis*; 8 - *a. et v. rectalis superior*; 9 - *colon sigmoideum*; 10 - *appendix vermiformis*; 11 - *caecum*; 12 - *a. et v. ileocolica*; 13 - *colon ascendens*; 14 - *a. et v. colica dextra*; 15 - *a. et v. mesenterica sup.*; 16 - *a. et v. colica media*; 17 - *colon transversum*.

Юқорига кўтариувчи чамбар ичак артериялари *a.colica dextra*, *a. ileocolica* ва *a. colica media* дан чиқувчи шохлар ҳисобланади.

A. colica dextra вариабел ва доимий эмас. У мустақил холда юқори тутқич артериясидан ажralиши ёки *a. ileocolica* нинг шохи бўлиши ёхуд *a. colica media* дан чиқиши мумкин.

A. colica dextra мустақил холда артериал ўзан бўлмаганда, юқорига кўтариувчи чамбар ичакнинг қон билан таъминланиши *a. colica media* ва *a. ileocolica* шохлари орасидаги анастомозлар ҳисобига амалга оширилади.

Агар ўнг чамбар ичак ўзани яхши ривожланган бўлса, у кўпроқ юқорига кўтариувчи чамбар ичакнинг ўрта ёки пастки қисмига йўналади, ичаккача 4-6 см етиб бормай, юқорига кўтариувчи ва пастки тушувчи шохларга бўлинади. Улардан биринчиси *a. colica media* пастки тушувчи шохи билан, иккинчиси *a. ileocolica* юқорига кўтариувчи шохи билан бирлашади. *A. colica dextra colon ascendens* йўналиши бўйлаб, париетал қорин парда орқасига ёки юқорига кўтариувчи чамбар ичак тутқичига ўтади.

Ўнг чамбар ичак артерияси узунлиги 3,2 дан 9 см, диаметри - 1,19 дан 3 мм га teng. *A. colica dextra* юқорига кўтариувчи чамбар ичакнинг 2/3 қисми ва ўнг томондан кўндаланг чамбар ичакнинг унча катта бўлмаган қисмини қон билан таъминлайди.

A. ileocolica ўзининг доимий чамбар ичак шохлари билан бирга *r. ascendens* *a. ileocolicae* юқорига кўтариувчи чамбар ичакни қон билан таъминлашда иштирок этади. Кўп холатларда юқорига кўтариувчи чамбар ичакка *a. ileocolica* дан бир эмас, балки 4 тагача қўшимча чамбар ичак шохлари

күшилади. Улар ичакка бирин-кетин қўшилади, одатда асосий шохдан пастроқда жойлашади.

A. colica media юқорига ўзининг ўнг ёки *a. colica dextra* нинг юқорига кўтариувчи шохи билан анастомоз хосил қилувчи ва пастга тушувчи шохлари билан кўтариувчи чамбар ичакни қон билан таъминлашда иштирок этади. А.Л.Лепехин маълумотига кўра, 34% *a. colica media* ва *a. colica dextra* орасида анастомоз бўлмайди. Бундай холат қизилўнгач пластикаси учун йўғон ичакнинг ўнг ярмидан трансплантат хосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. *A. colica media* ва *a. colica dextra* орасида анастомознинг бўлмаслиги баъзан трансплантатнинг некрозини келтириб чиқариши мумкин.

Кўндаланг чамбар ичак артериялари ўрта чамбар ичак бошланғич қисмидан, чап чамбар ичак артерияси, баъзан қўшимча ўрта чамбар ичак артериясидан тармоқ олади.

A.colica media бевосита ошқозон безининг пастки қирғоги сатҳида юқори тутқич артериясидан ажралади. Жуда кам холатларда, ўрта чамбар ичак артерияси хосил бўлишида талоқ артерияси, ёнбош-чамбар ёки пастки ошқозон ости-ўн икки бармоқли ичак артериялари иштирок этади. *A.colica media* баъзан ошқозон ости бези орқали ўтиб, ундан *mesocolon* га етиб бора-ди.

A.colica media кўндаланг чамбар ичакнинг турли соҳаларига йўналишлар бериши мумкин. Кўп холатларда, *a.colica media* кўндаланг чамбар ичакнинг ўнг 1/3 қисми ўрта қисмига ўтган жойига йўналади. *A.colica media* нисбатан камроқ жигар бурчагига йўналади ва жуда кам – кўндаланг чамбар ичакнинг ўрта 1/3 қисмига тарқалади. *A.colica media* узунлиги - 0,5 дан 12 см, диаметри 2,5-3,0 мм га teng.

А.А.Травин ўрта чамбар ичак артерияси тузилишида 3 та асосий вариантни ажратди. Биринчисида, 55,5% холатларда *a. colica media* ягона ўзан бўлиб, кейин 2-3 шохларга тармоқланади. Иккинчи вариантида, 35,7% холларда, бир-бирига параллел кетувчи 2 та ўрта чамбар ичак артериялари бўла-ди. Учинчи вариантида, 8,8% холатларда, бир қанча (3-4) ўрта чамбар ичак

arterиялари фарқланади. Баъзан *a. colica media* кузатилмаганди, чап эгрилик *a. colica sinistra* ҳисобига қон билан таъминланади.

A. colica media 3 та иккиламчи шохларга бўлинади: магистрал, тармоқланган ва аралаш. А.А.Бабаев (1964) 100 та ўрганилган препаратлар орқали 48 холатда магистрал шаклни, 14- тармоқланган ва 38- аралаш вариантни кузатган. Магистрал вариантида артериянинг асосий ўзани катта узунликка эгалиги кузатилган, катта ёшли ўликларда 9-10 см ни ташкил қилган. Ичакдан 5-7 см масофада *a. colica media* иккита шохга ажralган – ўнг, ёки пастга тушувчи ва чап, ёки юқорига кўтариувчи. Ўнг шохи *a. colica dextra* билан, у бўлмаганди эса *a. ileocolica* билан анастомоз хосил қилган.

Чап шохи пастки тутқич артериясидан тармоқ оловчи *a.colica sinistra* нинг юқорига кўтариувчи шохи билан анастомоз хосил қилган, у билан Риолан правоғини хосил қилган (*arcus Riolani*). Тармоқланган вариантида кисқа ўзанли *a.colica media* (узунлиги 1,0-1,5 см) ўнг ва чапга тўғри бурчак хосил қилиб, дарахтсизон тармоқланади, иккиламчи шохлар яна бўлинниб, бутун тутқич майдони бўйлаб йўналади. Ўрта чамбар ичак артерияси диаметри яққолроқ ажралиб турган. Агар магистрал шакли ўртача 2 мм га teng бўлмаганда, тармоқланган тури 4 мм га ётган бўлади. *A. colica media* шохланишининг аралаш турида магистрал шаклига нисбатан асосий ўзандан чиқувчи шохлар сони қўп бўлган (одатда 3-4 шохлар), аммо улар ҳам тармоқланган шакли каби бутун тутқич майдони бўйлаб тармоқланиб, тутқичнинг ўнг ярмига шохланган. *A. colica media* шохланиши тутқич ўлчамига боғлиқ бўлмаган.

Ўрта чамбар артериясининг магистрал шаклида шохланиш кўпроқ учрайди, бунда *a.colica media* нинг ўрта шохи *a. colica dextra* нинг юқорига кўтариувчи шохи билан, *a. colica media* нинг чап шохи эса (хар доим ҳам эмас) *a. colica sinistra* нинг юқорига кўтариувчи шохи билан анастомоз хосил қиласди.

Шундай қилиб, кўндаланг чамбар ичакнинг қон билан таъминланишида ўрта чамбар ичак артерияси билан бирга чап чамбар ичак артериясининг юқорига кўтариувчи шохи ҳам иштирок этади.

A.colica media colon transversum ни қон билан таъминловчи доимий томир ҳисобланади. И.Л.Иоффе кузатувларида, битта препаратда бирданига *a. colica media* ва ўнг чамбар ичак артерияси ҳам кузатилмаган (1,4%). Ўрта чамбар ичак артерияси бўлмагандага, кўндаланг чамбар ичакнинг қон билан таъминланишида пастки тутқич артерияси тизимидан *a. colica sinistra* ёки *a. colica sinistra* ва *a. colica dextra* дан чиқувчи шохлар ҳисобига амалга оширилади.

Пастка тушувчи чамбар ичак артериялари чап чамбар ичак артерияси, ҳамда биринчи сигмасимон ичак артериясининг юқорига кўтариувчи шохидан тармоқ олади.

A. colica sinistra пастки тутқич артерияси шохи бўлиб, ундан 2,5-3 см наридан бошланади. Кам холатларда чап чамбар ичак артерияси биринчи сигмасимон ичак артериясининг умумий қисқа ўзанидан чиқади. Чап чамбар ичак артерияси одатда талоқ бурчагига (57,4%), камроқ (34,7%) *colon transversum* нинг чап 1/3 қисмига ва 7,8% холатларда пастки тушувчи чамбар ичакка йўналади. *A. colica sinistra* қорин парда ортида *sinus mesentericus sinister* да чап сийдик йўлидан олдинда жойлашади.

Аксарият холатларда *a. colica sinistra* яққол кўринувчи ягона ўзак, баъзан *a.mezenterica supperior* ни иккита алоҳида тармоги холатида намоён бўлади. Чап чамбар ичак артерияси узунлиги 5,5 дан 17,8 см, калибри - 2 дан 3 мм ни ташкил қиласи. Талоқ бурчагида, ёки кам ҳолатларда пастга тушувчи чамбар ичакда *a. colica sinistra* икки шохга бўлинади: юқорига кўтариувчи ва пастга тушувчи. Юқорига кўтариувчи шохи, *r. ascendens*, ўрта чамбар ичак артериясининг чап шохи билан (ҳар доим эмас) Риолан равогини хосил қилиб, анастомоз хосил қиласи. Чап чамбар ичак артериясининг пастга тушувчи шохи сигмасимон артерия билан анастомоз хосил қиласи.

Шундай қилиб, *a. colica sinistra* ўзининг юқорига кўтариувчи шохи билан кўндаланг чамбар ичакнинг чап қисми ва талоқ эгрилигини, чап чамбар ичак артериясининг пастга тушувчи шохи ва сигмасимон артерия билан анастомози эса пастга тушувчи чамбар ичакни қон билан таъминлайди.

Сигмасимон ичак артериялари пастки тутқич артерияларидан чиқади ва ўз номи билан аталади («сигмасимон ичак артериялари»). Улар ўzlари билан, чап чамбар ичак артерияси ҳамда юқори тўғри ичак артерияси билан анастомоз хосил қиласди.

Сигмасимон артериялари дастлаб қорин парда ортида, сўнгра тутқич вараклари орасида жойлашади. Сигмасимон ичак артериялари сони 1 дан 6 тагача, кўпроқ 2-3-4 та бўлиши мумкин (88,8% П. И. Дицковский бўйича). Биринчи сигмасимон артерия кучлирок ҳисобланади, чунки у сигмасимон ичакнинг бошланиш қисмига йўналади ва алоҳида ўзан сифатида пастки тутқич артерияси ёки чап чамбар ичак артериясидан ажralиши мумкин. Агар чап чамбар ичак артериясининг ягона ўзани сифатида ажralиб чикса, *a. sigmoidea* ўзининг тармоқланиш характеристига кўра, *a. colica sinistra* нинг шохи ҳисобланади.

Юқориги тўғри ичак артерияси пастки сигмасимон артериялар анастомозлари билан боғланган ва сигмасимон чамбар ичакнинг периферик қисмини қон билан таъминлашда иштирок этади.

Сигмасимон ичак артерияларнинг сони ва тармоқланиш шакллари Hollinshead да кўрсатилган.

Йўгон ичакнинг васкуляризациясининг характеристи - *colon* ни қон билан таъминловчи ҳар бир артериал ўзанларнинг қўшни чамбар ичак артериялари анастомозлари билан боғланганлиги ва улар билан *параллел*, ёки *қирғоқли томир* хосил қилиб, ичакнинг тутқичли қирғоғигача боришидир. «Параллел томир» ичакнинг тутқичли қирғоғигача жойлашган ва бир-бирига параллел ётувчи анастомозларнинг узлуксиз занжиридан иборат (биринчи қаторнинг томирли равоғи). «Параллел томир» (синонимлари - «девор ёни томири», «маргинал томир», «қирғоқли томир») чамбар ичакни қон билан

таъминлашда асосий тармоқланувчи томирли магистрал ҳисобланади. Параллел томир функцияси, унинг шаклланиш характери ҳар аниқ холатда чамбар ичакнинг турли қисмларини қон билан таъминлаш хусусияти билан белгиланади Параллел томир юзасининг ичакка қараган бўртиши ичак деворига тармоқланади - «тўғри томирлар» ҳосил қиласди, улар йўғон ичакни қон билан таъминлашда иштирок этади. Параллел томир билан бирга вена ҳам бўлиб, ўша соҳада тутқич тутамларидан чиқувчи нерв толалари равоги ҳосил бўлади, лимфа томирларининг биринчи гуруҳи ҳам жойлашади. Буларнинг барчасини ичак найининг чин дарвозалари (гилюс) деб аталади.

Параллел томир алоҳида тармоқлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири томирли аркаданинг I тартибини ҳосил қиласди. Қўшни чамбар ичак артериялари билан анастомоз ҳосил қилишдан шаклланган бу томирли аркадалар йўғон ичак томирлари архитектурасининг асосий элементи ҳисобланади.

Йўғон ичак томирларининг тармоқланиш шакллари ўзгарувчан. Бу йўғон ичакни таъминловчи асосий артериал ўзан – тутқич томирлари ва уларнинг алоҳида шохлари – чамбар ичак артерияларига ҳам таълуқли.

Шуни назарда тутиш керакки, сигмасимон ичакнинг охирги томирли аркадаси (*a. sigmoidea ima*) юқори тўғри ичак артерияси анастомози билан боғланган. *A. sigmoidea ima a. rectalis superior* га қўйиладиган жой «kritik нуқта» деб аталади. «Критик нуқта» дан юқорироқда юқориги тўғри ичак артериясини боғлашда тўғри ичак заарланмайди, тўғри ичакка қон келиши *a.sigmoidea ima* га унинг *a. rectalis superior* анастомози билан сақланади. «Критик нуқта»дан қўйироқда юқориги тўғри ичак артериясини боғлаш бу анастомозни самарасиз қилиб қўяди, чунки тўғри ичакка қон келиши бузилади.

Кўричак ва сигмасимон ичакларда қон айланиши учун қулай шароит яратилади, ўртача юқорига кўтарилиувчи ва кўндаланг чамбар ичак сегментларида, энг ёмон шароит пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ эгрилигига мавжуд.


Жигар ва талоқ эгриликлари аркаданинг ўрта қисмлари бўлиб, шунинг учун бу соҳалар қон билан таъминлашда бошқаларига нисбатан ёмон шароит ҳисобланади. Шунинг учун резекция ёки ичакни пастга тушириш билан боғлиқ пластик ташрихларга ўнг ёки чап эгрилик эмас, балки *colon transversum* нинг ўрта қисмлари рационал танланади.

Йўғон ичакнинг аъзо ичи артериялари ингичка ичак аъзо ичи артерияларидан фарқ қилувчи бир қатор махсус ҳусусиятларга эга. Бу фарқлар параллел томирдан чиқувчи олдинги ва орқа тўғри артерияларнинг шохланиши характеристи ва ичак деворига тутқич қирғоғи бўйлаб кириши билан тушунтирилади. Йўғон ичак деворида ҳар бир тўғри артерия ўткир бурчак хосил қилиб, иккиласми тармоқлар чиқаради ва қўшни тўғри артериялари билан кам тўрли анастомоз хосил қиласди. Йўғон ичак деворида тўғри артерияларнинг томирли тармоқланиш чегараси қисқа асосли учбурчак шаклида бўлиб, гумбазли ва ўткир бурчакли бўлиши билан ҳарактерланади. Йўғон ичак деворида тўғри артерияларнинг шохланиши ичак деворини кўндаланг кесганда, девор ичи томирларига нисбатан асосийси кам травматик ҳисобланади

Тўғри артериялар қисқа ва узун артерияларга бўлинади. Қисқа тўғри артериялар шиллиқ остига кириб, тутқичли бўйлама тасма бўйлаб утади. Узун тўғри артериялар шиллиқ остига киришдан олдин, ичакнинг сероз ости қаватидан эркин ёки чарви тасмаларга ўтади. Сероз ости қавати текширилганда, узун тўғри артериялардан ёғли қолдиқларга 1-3 шохлар чиқаради ва 3-4 шохлар (уларга интестинал шохлар) чиқиб, тўғри артерияларнинг асосий ўзанлари билан бирга мушак қаватига кириб, шиллиқ ости тутамини хосил қиласди (Расм 1.3).

Тўғри артериялар ва интестинал шохлар мушак қаватига киришдан олдин, ўзидан 2-4 мушак-сероз ости ва 1-2 мушаклараро шохлар беради. Уларнинг мушак қаватига кирганидан сўнг, юмалоқ мушак қавати ички юзасида жойлашувчи ҳусусий мушак шохларини беради. Асосий қисқа ва узун тўғри артериялар ва уларнинг асосан интестинал шохлари ичакнинг шиллиқ ости қаватига кириб, у ерда кучли томирли тутам хосил қиласди.

Шиллик остида жойлашган томирли тутамдан икки йўналишда: ички – шиллик қаватга ва ташқи – мушак ҳамда сероз қаватларга шохлар чиқади. Мушак ва сероз қаватларга чиқувчи шиллик ости тутам шохлари қайтувчи артериялар номини олган.



Расм 1.4. Йўғон ичак деворида томирларнинг тармоқланиши умумий схемаси. 1 – параллел томир; 2,3 – қисқа ва узун тўғри артериялар; 4 – ёғли қолдиққа шохланиши; 5 – интестинал шохлар; 6 – мушак-сероз ости шохлар; 7 – мушаклараро шохлар; 8 – хусусий мушак шохлари; 9 – шиллик ости тутам; 10 – шиллик қаватга шохланиши; 11 – қайтувчи артериялар; 12 tme – ташқи мушак қавати; 13 tmr – ички мушак қавати; 14 sm – шиллик ости асоси; 15 tm – шиллик қават.

Кўричак ва юқорига кўтарилиувчи чамбар ичакда I, II ва III қаторли шохларидан базал тўр шаклланган, улар кенг тармоқланиш бассейнига эгалиги ва бир-бирига қаттиқ ўралиши билан характерланади. Бошқа томондан олиб қараганда, сигмасимон ичакда базал артериал тўр I-II қаторли шохлардан хосил бўлган, артериолалар қисқа тармоқланиш бассейнига эга ва бир-бирига

деярли ўралмайди, шунинг учун томирли тўр бир қатор бўлиб кўринади. Кўндаланг ва пастга тушувчи чамбар ичакларда базал тўр чамбар ичакнинг бошланғич қисмларида *colon ascendens* ва якунида *colon sigmoideum* каби ўтувчан манзара ҳисобланади.

Ичак деворининг барча қаватларида томирли тутамлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва ягона томирли тўр ҳосил қиласди.

Девор ичи томирлари ривожланишида ёшнинг аҳамияти катта. Болала-рда катталарга нифатан, ичакнинг интраорган томирлар тармоқланишнинг тор соҳасини ҳосил қиласди. 2 дан 17 ёшгача одамда ичак девори бой томирли тўрга эга бўлади.

Чамбар ичак веналари

Йўғон ичак веналари юқориги ва пастки тутқич веналари тизимиға киради. Ичак деворига киравчи ҳар бир артериал ўзан ва улардан чиқувчи шохлар бир номдаги веналар билан бирга кечади. Жуда кам холатларда айрим веноз ўзанлар ўз номидаги артериялардан ажралган бўлиши мумкин.

Йўғон ичакнинг веноз тизимининг тузилиши хусусияти – веноз ўзанларни боғлашда катта аҳамиятга эга. Тўрсимон шаклдаги тармоқланишда бир қанча веноз ўзанлари қон айланишдан маҳрум қилинса, йўғон ичакда веноз қон оқими бузилмайди. Ажратилган шаклида веноз томирларни боғлаш йўғон ичакда қон айланишнинг кескин бузилишларини чақиради, хатто ўлимига олиб боради.

Чамбар ичак веноз томирлари портокавал анастомозларда катта рол ўйнайди. Бунга пастга тушувчи чамбар ичакнинг каудал қисми веналарининг чап уруғ тизимчasi венаси ҳамда қорин парда орти клечаткаси веналари (қуий қовак вена тизимидан) билан анастомоз ҳосил қилиши киради. Портокавал анастомозларнинг ҳосил бўлиши веноз тизимининг тузилиш шаклига боғлиқ. Веноз тизимининг тўрсимон шаклида анастомозлар кўпроқ бўлади.

Йўғон ичакнинг лимфа тизими

Йўғон ичакдан лимфа олиб кетувчи лимфа томирлари ва тугунлари ичакни қон билан таъминловчи артериялар билан бирга жойлашади. Улар лимфани юқориги ва пастки тутқич артериялари билан ёнма-ён ётувчи лимфа тугунларининг марказий гуруҳларига олиб боради.

Кўричак ва чувалчансимон ўсимтадан лимфа оқими ёнбош-чамбар ичак артериялари йўлидаги лимфа томирларида амалга ошади. Бу соҳада қуи, юқори ва ўрта гуруҳдаги лимфа тугунлари фарқланади (М.С.Спиров). Тугунларнинг қуи гуруҳи ёнбош-чамбар ичак артериясининг тармоқланиш соҳасида, яъни илеоцекал бурчакда, ўрта гуруҳи таҳминан ёнбош-чамбар ичак артериялари йўли бўйлаб қуи ва юқориги гуруҳ тугунлари орасида жойлашади. Бу тугунлардаги лимфа тутқич лимфа тугунларининг марказий гуруҳига берилади.

Илеоцекал бурчакнинг лимфа томирлари ва тугунлари буйраклар, жигар, ўт пуфаги, ўн икки бармоқли ичак, ошқозон ва бошқа аъзолар лимфа тугунлари билан кўплаб анастомозларга эга. Анастомозларнинг кенг тўри чувалчансимон ўсимтанинг яллиғланишида бошқа аъзоларга инфекциянинг тарқалишига имкон яратади.

Чамбар ичакдан лимфа оқими чамбар ичак усти ва чамбар ичак атрофи тугунларда амалга оширилади. Чамбар ичак усти тугунлари кўричак ва чамбар ичаклардан алоҳида чиқувчи лимфа томирлари йўлида ётади, улар хатто ёғли қолдиқларда ҳам жойлашиши мумкин (М.С.Спиров). Бу тугунлардан чиқувчи томирлар чамбар ичак атрофи лимфа тугунларига боради (23-50 тугунлар). Улар периферик артериал равоқлар ва йўғон ичак девори орасида жойлашади. Юқорига кўтариувчи ва пастга тушувчи чамбар ичакнинг чамбар ичак атрофи лимфа тугунлари тутқич бўшлиқларида, қўндаланг ва сиг-масимон чамбар ичак тугунлари эса ўзининг тутқичларида жойлашади. Бу тугунлардан чиқувчи томирлар тутқич лимфа тугунларининг марказий гуруҳларига ўз номидаги томирлар йўли бўйлаб йўналади (*a.ileocolica, a.colica dextra, a.colica media, a.colica sinistra, aa.sigmoideae*). Марказий лимфа тугун-

ларига лимфанинг оқими йўлида оралиқ лимфа тугунлари бўлиб, улар асосий артерия ва ичакнинг бошланишида жойлашади.

Чамбар ичак лимфа тизимининг тузилиши, *colon* нинг турли қисмларида анастомозлардан лимфа томирларининг ажralиб чиқиши яллигланиш, инфекцион жараёнларининг тарқалиши қонуниятларини аниqlашда, ҳамда йўғон ичакда ўсмаларнинг метастазланишини тушунишда катта аҳамиятга эга.

Чамбар ичак иннервацияси

Чамбар ичак иннервациясида вегетатив нерв тизимининг симпатик ва парасимпатик қисмлари иштирок этади.

Симпатик иннервация манбаи юқориги тутқич тутами, *plexus mesentericus superior*, пастки тутқич чигали, *plexus mesentericus inferior*, қорин аортал чигали, *plexus aorticus abdominalis*, юқори ошқозон ости чигали, *plexus hypogastricus superior (n. presacralis)* ва пастки ошқозон ости чигали, *plexus hypogastricus inferior*, ёки ошқозон ости чигали, *plexus hypogastricus* ва чаноқ чигали, *plexus pelvinus* киради.

Парасимпатик иннервация манбаи адашган нервнинг парасимпатик толалари ва ички думғаза нервлари, *nn. splanchnici sacrales*, ёки чаноқ нервлари киради.

Симпатик иннервация. Юқорига кўтариувчи ва кўндаланг чамбар ичакнинг ўнг ярми симпатик иннервацияни юқориги тутқич чигалидан, *plexus mesentericus superior* олади. *Plexus mesentericus superior* юқориги тутқич артериясининг аортадан чиқиши жойида жойлашади ва унинг хосил бўлишида ошқозон ости чигаллари шохлари, *plexus coeliacus* ва қорин аортал чигали, *plexus aorticus abdominalis* иштирок этади.

Plexus mesentericus superior дан йўғон ичакнинг тутқич қирғоғигача нерв толалари, *rami colici* чиқади. Улар периваскуляр клетчаткада жойлашади ва юқориги тутқич артерияси шохлари бўйлаб йўналади - *a. ileocolica*, *a. colica dextra* и *a. colica media*.

Colon ascendens ва *colon transversum* нинг ўнг ярмига келувчи экстраорган нерв толалари қалин нерв тўрини хосил қиласди. Юқориги тутқич чигали таркибида гангиоз масса концентрациясининг кескин ортишида йўғон ичак шохлари орасида биргина тугунча бўлиб, асосан кам сонли боғланишларга эга.

Кўндаланг чамбар ичакнинг чап ярми, пастга тушувчи ва сигмасимон чамбар ичак пастки тутқич чигалидан симпатик иннервация олади. Пастки тутқич чигалидан чиқувчи ва *colon* каудал қисмларига йўналувчи толаларга дастлаб қорин аортал, юқори ошқозон ости ва пастки ошқозон ости чигалидан чиқувчи толалар бирикади. *Colon* нинг чап ярми симпатик иннервацияси учун асосий манба бўлиб пастки тутқич чигали хизмат қиласди.

Plexus mesentericus inferior пастки тутқич артерияси илдизи сатҳида жойлашган. Унинг юқориги тутқич чигали каби ташқи морфологик хусусиятлари индивидуал ўзгарувчан бўлиб, гангиоз массанинг концентрациясига боғлик.

Plexus mesentericus inferior colon transversum нинг тутқичли қирғоги, *colon descendens*, *colon sigmoideum* ва тўғри ичакнинг бошланиш қисмидан йўғон ичак нерв толалари *rr. colici* чиқади. Пастки тутқич чигали толаларининг асосий қисми ичаккача ўз номидаги артериялар бўйлаб боради: чап чамбар ичак артерияси, сигмасимон ичак артериялар ва юқориги тўғри ичак артерияси. *rr. colici* одатда пастки тутқич артерияларининг томирли шохлари йўли бўйлаб жойлашади ва ажратилган характерга эга бўлади. Гангиоз масса тарқоқ бўлган холатда, йўғон ичак нерв толалари *plexus mesentericus inferior* дан томирлардан мустақил холда ажralади ва бир-бири билан биришиб, периферик тўр хосил қиласди.

Қорин бўшлиғи симпатик нерв чигалларига асосан орқа миянинг тораколюмбал қисми ён шохлари кулранг моддасидан симпатик ядролар оловчи преганглионар толалар киради. Бу преганглионар толалар узлуксиз равища 6- дан 9-чи кўкрак симпатик тугунлар орқали ўтади, катта ички нерв, *n. splanchnicus major* хосил қиласди. 10-11 чи ва баъзан 12-кўкрак симпатик ган-

глияларидан узлуксиз чиқувчи преганглионар толалар кичик ички нерв ҳосил қиласи - *n. splanchnicus minor*. Катта ва кичик ички нерв таркибида кетувчи преганглионар толалар қуёш чигали - қорин аортал чигали ва юқориги тутқич чигали ганглийларнинг синаптик боғлари билан якунланади.

Парасимпатик иннервация. *Юқорига кўтарилиувчи, кўндаланг чамбар ичак ва пастга тушиувчи чамбар ичакнинг бошлиниши қисми* адашган нерв толаларидан парасимпатик иннервация олади.

Адашган нерв таркибида преганглионар парасимпатик толалар ўтади, улар адашган нервнинг вегетатив дорзал ядрои ҳужайралари нейронларидан иборат, *nucleus dorsalis n. vagi*, ромбсимон чуқурлик тубидаги узунчоқ мияда жойлашади. Адашган нерв преганглионар толалари ичак деворидаги интрамурал ганглий нейронларининг синаптик аппаратида якунланади.

Пастга тушиувчи ва сигмасимон чамбар ичак ички думғаза нервлари, *nn. splanchnici sacrales*, ёки чаноқ нервлари, *nn. pelvini* билан иннервацияланади.

Парасимпатик нерв тизими шу қисмининг маркази парасимпатик думғаза ядролари бўлиб, *nuclei parasympathici sacrales*, улар 2-3 ва 4-думғаза сегментлари сатҳидаги орқа миянинг кулранг моддаси ён соҳаларида жойлашган. Орқа миянинг бу сегментида жойлашган нерв ҳужайраларнинг парасимпатик ядроларидан преганглионар юмшоқ нерв толалари бошланади, улар орқа миядан думғаза нервларининг олдинги илдизлар таркиби бўлиб чиқади. Думғаза тешигидан ўтгач, улар II, III ва IV думғаза нервлари олдинги шохларидан ажралади, ички думғаза ёки чаноқ нервларини ҳосил қиласи.

Девор ичи нервларининг шаклланиши. Йўғон ичак деворида уч нерв чигаллари фарқланади: сероз ости, *plexus subserosus*, мушаклараро, ёки Аүэрбах, *plexus myentericus* ва шиллиқ ости, ёки Мейснер чигали, *plexus submucosus*. Улар бир-бири билан узвий боғланган ва ичак деворининг ягона интрамурал нерв чигалини ҳосил қиласи.

Сероз ости нерв чигали юмшоқ бўлмаган толалар орасида ингичка тўр ҳосил қилишдан ҳосил бўлади. Ганглиоз масса бу тўрда кам учрайди. Энг

кўп ривожланган сероз ости чигали мушак тасмалари бўйлаб ва ичакка қон томирлари кирган жойда кузатилади.

Мушаклараро, ёки Ауэрбах, нерв чигали ҳалқасимон ва бўйлама мушак қаватлари орасида жойлашади. Улар ичакнинг бўйлама ва кўндаланг узунлиги бўйлаб кетувчи қўплаб нерв тутамларидан иборат бўлиб, ковузлоқлар ҳосил қиласди. Нерв тутамлари кесишган жойда йирик тугунлар бўлиб, улар ўзида кўпгина нерв ҳужайраларини тутади. Тугунлар шакли ва сонига қараб, мушаклараро чигали чамбар ичак бўйлаб турли тузилишга эга.

Йўғон ичакнинг Ауэрбах чигали ингичка ичакка нисбатан бир қатор фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Йўғон ичакда нерв тутамлари толаларга қараганда йўғонроқ, ковузлоқлар йирикроқ, тугунлар эса тарқоқ жойлашади. Организм ўсган сари, йўғон ва ингичка ичак Ауэрбах чигаллари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Йўғон ичак мушаклараро чигалининг умумий структураси ингичка ичакка нисбатан мураккаброқ.

Йўғон ичакнинг *шиллиқ ости*, ёки *Мейснер* чигали шиллиқ ости қавати бўйлаб жойлашади ва нерв тутамларининг қалин тўрини ҳосил қиласди ва бир-бирига бирикиш жойида нерв тугунчаларини ҳосил қиласди. Тугунчаларда нерв ҳужайраларининг сони мушаклараро чигал тугунларига қараганда камроқ бўлади. Йўғон ичакнинг шиллиқ ости чигали, Е.П.Мельман ва Н.В.Долишний маълумотларига кўра, тугунларнинг йирик полиморфизми билан фарқ қиласди. Чигал мушаклараро нерв чигали билан кўп сонли нерв устунчалари ёрдамида боғланган.

2-БОБ. ЙЎГОН ИЧАК ФИЗИОЛОГИЯСИ

Йўғон ичакнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: сув ва тузларни сўриш, ахлатни шакллантириш ва ундан халос бўлиш.

2.1. Ионлар ва сувнинг сўрилиши

Йўғон ичакни сув ва минерал моддалар сўрилишида катта аҳамияти бор. Одатий овқатланиш шароитида одам йўғон ичагига хар куни 1500-2000 мл сув, 200 моль Na^+ , 10 моль K^+ , 100 мол Cl^- тушади. Суткалик ахлат массаси тахминан 150г бўлиб; 70% (100 мл га яқин) сувга тўғри келади. Йўғон ичак орқали 1400-1900 мл сув сўрилади.

Йўғон ичакдаги сўрилиш жараёнлари ингичка ичакка қараганда кам ўрганилган. Ингичка ичакдан тушувчи ва ахлат массаларида турли моддалар ва суюқликларнинг миқдорини ўлчаш натижасида ичакнинг бу қисми транспорт функцияси механизмлари ҳақида чекланган маълумотлар олиш мумкин. Шунинг учун 1962 г. R.Levitan, J.S.Fordtran ва B.A.Burrows кўп каналли зонд ёрдамида йўғон ичакнинг перорал ёки перназал перфузияси усулни таклиф этдилар. 1983 г. J.Rask-Madsen бу усулни модификациялаб, ошқозон-ичак тракти орқали перорал ёки перназал киритиладиган ўтказгич қўллади. 1986 г. S.Fukuda ўтказгичга илеоцекал каналга киритиладиган 4-каналли зондини улади (баугин клапани). Йўғон ичак турли қисмлари перфузияси билан ретроград колонофиброскоп ёрдамида 5-каналли зондни қўллашни таклиф этдилар. Шундай қилиб, йўғон ичакнинг турли сегментларида сўришни ўрганиш имкони пайдо бўлди. Юқорида санаб ўтилган усуллар ёрдамида шу аниқландики, сув ва ионларнинг катта миқдори йўғон ичакнинг проксимал қисмларида сўрилади. Йўғон ичак транспорт функциясининг регионал фарқларини тушунтириш учун 2 назария таклиф этилган. Биринчисига кўра, ичакнинг ўнг ярми чап қисмига кўра катта сўриш майдо-

нига эга. Иккинчи назарияга кўра, ичак массаси транзити тезлиги йўғон ичакнинг чап ярмида ўнг ярмига қараганда юқори ҳисобланади.

Перфузион усул ёрдамида R.Levitan Na^+ ва сув бевосита қўричак ва кўндаланг чамбар ичакда сўрилишини аниқладилар. Na^+ сўрилиш механизмларидаги аниқ фарқлар ҳам ўрганилган. Дистал йўналишда ҳаракатлашиш натижасида Na^+ электроген транспортининг ортиши кузатилган. P.C.Hawker, J.S.McKay ва L.A.Turnberg лар (1980) аниқлашича, Na^+ сўрилиш электроген механизмига қўшимча равишда одам йўғон ичаги $\text{Na}^+ - \text{Cl}^-$ занжирланган абсорбция хусусиятига эга. Олимлар ионлар ўрнини босувчи тажрибалар ёрдамида Cl^- тутмайдиган эритмаларда Na^+ сўрилишининг пасайишини кўрсатиб бердилар. Демак, одам йўғон ичагида Na^+ электронейтрал абсорбцияси мавжуд. Бу жараён механизми номаълумлигича қолмоқда. Шундай қилиб, одам йўғон ичагида Na^+ сўрилишининг 2 механизми мавжуд.

Колоноцитлар мембранаси орқали K^+ транспортининг фаол механизмлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар олинган. Фаол абсорбция K^+ фаоллаштирувчи АТФ – билан амалга оширилади. P.L. Smith ва R.D. McCabe (1984) маълумотларига кўра, K^+ сўрилиши энергия талаб қиласидиган жараён бўлиши мумкин. K^+ фаол абсорбцияси йўғон ичак дистал қисмларида аниқланган бўлса, проксимал қисмларида эса унинг секрецияси кузатилган. Йўғон ичакнинг дистал қисмларида K^+ абсорбцияси ва проксимал қисмларида K^+ фаол секрециясини таъминловчи маҳсус юқори фаолликка эга каналчалар борлиги аниқланган.

Одам йўғон ичагида Ca^{++} транспортини текшириш усуллари унчалик кўп эмас. Радионуклидли колоноскопияда Ca^{++} изотопларини киритиш натижасида йўғон ичакда абсорбцияланган Ca^{++} нинг миқдори организмдаги умумий миқдорига тўғри қелиши аниқланган. Ca^{++} йўғон ичак проксимал қисмларида сўрилса, дистал қисмларида эса унинг секрецияси кузатилади.

Баъзан йўғон ичакни ич кетишларни пайдо бўлиш механизмида катта аҳамияти бор. Айрим моддалар (дигидроксидланган ўт кислоталари, гидроксидланган ёғ кислоталари) йўғон ичак шиллиқ қаватида электролитларнинг

фаол секрециясини чақиради (цАМФ механизми орқали). Холеретиклар ва холекинетик тутувчи турли фермент препаратлари ич кетишлигини чақиради. Агар ёнбон ичакда ўт кислоталарининг етарлича тўлиқ сўрилиши қузатилмаса, улар йўғон ичакка тушиб, диарея чақиради. Бу хлоридорея (туғма алкалоз диарея билан) деб аталиб, ахлатда маълум миқдорда хлор йўқотилиши билан характерланади.

Шундай қилиб, одам йўғон ичагида ионларнинг фаол абсорбациясини таъминловчи транспорт механизmlар мавжуд. Бу жараёнларга кўплаб биологик фаол моддалар, хатто патологик жараёнлар ҳам таъсир кўrsатади.

2.2. Секреция

Юза эпителий ва крипталарда кўп миқдорда шиллик тутувчи кўп сонли кадахсимон ҳужайралар мавжуд. Суюқлик секрецияси жуда суст кечади. Йўғон ичак секрецияси изотоник, ишқорий реакцияга эга. Бикарбонатлар ва калий шиллик қаватдан концентрация градиентига қарши, яъни фаол транспорт тизимлари ёрдамида ажралади. Йўғон ичак секрецияси амилаза ва кўп бўлмаган лизоцимлардан ташқари, ичак ферментлари тутмайди.

Шиллик - колоноцитлар секрециясининг деярли 0,4% ни ташкил қиласди. Шиллик концентрацияси суюқлик сўрилиши ҳисобига ортади. Ичак юзасини қўзғатувчи моддалар ёки механик омиллар иннервацияга боғлиқ бўлмаган холда шиллик секрециясини чақиради. Моторика, секреция ва шиллик қаватнинг қон билан таъминланиши бир йўналишда кечади. Симпатик толаларнинг қўзғалиши йўғон ичак моторикасини тормозлайди, томирлар спазмини чақиради ва бир вақтда секрецияни камайтиради.

Чувалчангсимон ўсимта ҳар куни шилликка бой 2-3 мл суюқлик ишлаб чиқаради. Секретда кўп миқдорда IgA ва лизоцим мавжуд.

2.3. Ҳазм қилиш

Йўғон ичакда ҳазм жараёни деярли мавжуд эмас. Бу ерда глюкоза, микроблар ишлаб чиқарувчи айрим витаминлар ва аминокислоталар, 95% сув

ва электролитлар сўрилади. Йўғон ичакда кўп микдорда микроорганизмлар бўлиб, улар қолдиқ ҳазм бўлмаган нутриентларни утилизациясида иштирок этади. Озиқ қолдиқларининг микробли метаболизми натижасида хосил бўлган органик кислоталар, ис гази, метан, водород сульфиди, токсик моддалар (индол, скатол, фенол) сўрилади ва жигарда заарсизлантирилади.

2.4. Ичак бактериялари

Одам ичагида 400 дан 500 тагача микроблар мавжуд, уларнинг умумий микдори 10^{14} ни ташкил қиласи. Микроорганизмлар микдори дистал йўналишда ортиб боради, йўғон ичакда 1 г ахлатда 10^{11} бактериялар бўлиб, бу ичак массасининг 1/3 қуруқ моддасига тўғри келади.

Соғлом одамларда оч ичакдаги 1 мл массада бактериялар микдори 10^4 - 10^5 дан ошмайди. Унда стрептококклар, стафилококклар, ичак таёқчаси, бошқа граммусбат аэроб бактериялар ва замбуруғларни аниқлаш мумкин.

Ёнбош ичак дистал қисмида микроблар микдори 10^7 - 10^8 гача, биринчи навбатда энтерококклар, ичак таёқчаси, бактероидлар ва анаэроб бактериялар ҳисобига ортади. Ичак бўшлиғида тез кўпаювчи микроблар – лактобациллалар ва клостридиялар яшайди. Ворсинкалар юзасида бевосита грамманфий микроблар, крипталар тубида эса факультатив анаэроб микроблар тарқалган, йўғон ичакда микробларнинг 90-95% ини анаэроблар (бифидобактериялар ва бактероидлар) ва фақат 5-10% ини – турғун аэроб ва факультатив флора (суг тоёқчалари ва ичак тоёқчаси, энтерококклар, стафилококклар, замбуруғлар, протей) ташкил қиласи.

Йўғон ичак микрофлорасининг кичик қисми кўпроқ ўрганилган бўлиб, улар кислородли муҳитда ўсиши (аэроблар) ва кислород бўлмаган шароитда ҳам яшай олади (факультатив анаэроблар). Факультатив анаэробларга эшерихия коли киради. Хатто аэроб ва факультатив анаэроблар орасида микроорганизмларни ажратиб олишда қийинчиликлар туғилади, чунки улар жуда кам микдорда бўлади.

Клиник амалиётда ичак микрофлорасини ўрганишда ҳозирги вақтгача серияларга ажратиш усули аниқ усуллардан хисобланади. Унинг ёрдамида аэроб микроблар, ҳазм каналининг анаэроб вакилларининг (бифидобактериялар) сифат ва миқдор жиҳатдан ўрганиш имкони туғилади.

Йўғон ичакнинг барча микроблари З гурухга бўлинади: асосий (бифидобактериялар ва бактероидлар), ҳамроҳ (сут таёқчалари, эшерихия коли, энтерококклар) ва қолдик (стафилококклар, замбуруғлар, протей). 1 - жадвалда соғлом одамлардаги йўғон ичак флораси кўрсатилган.

Узвий алоқада яшайдиган кўп миқдордаги микроорганизмларнинг яашаш хусусияти бир-бири билан, хатто макроорганизм билан ўзаро боғлиқлигидан дарак беради. Ичак флораси таркиби овқатланиш хусусиятларига боғлиқ. Оқсилни аминокислота аралашмаларига алмаштириш бифидобактериялар миқдорининг камайишига сабаб бўлади.

Йўғон ичак микробли флораси макроорганизм хаёти учун жуда муҳим саналади.

Йўғон ичак микробли флорасининг физиологик аҳамияти турли аспектларда ўрганилган. Айримлари микробсиз шароитларда хайвонларда ўстириш натижасида олинган.

Жадвал 1.

Соғлом одамларда йўғон ичакнинг микробли флораси

Микроорганизмлар	1 г ахлатдаги микроблар миқдори	$M \pm m$
Барча микроблар, млрд	0,08-40	$6,2 \pm 0,5$
Бифидобактериялар, млрд	0,01-18	$3,6 \pm 0,2$
Чиритувчи микроблар, млн	7-8000	850 ± 98
Эшерихия коли, млн	0,07-1000	$101,4 \pm 13,4$
Энтерококклар, млн	0-650	$32,3 \pm 6,4$
Ацидофил таёқчалар, млн	0,02-800	$55,0 \pm 8,9$
Стафилококклар, млн	0-6,5	$0,22 \pm 0,068$
Замбуруғлар, минг.	0-800	$7,8 \pm 2,0$
Протей	21-13 400	570 ± 85

Йўғон ичак нормал микрофлорасининг кўплаб вакиллари (эшерихиа коли, энтерококклар, бифидобактериялар, ацидофил тоёқчалар ва бошқалар) яққол антагонистик хусусиятларга эга. Нормал фаолият кўрсатаётган ичак шароитида улар турли патоген ва нопатогенлар ўсишини секинлаштиради. Микробсиз хайвонлар инфекцияларга ўта сезувчан ҳисобланади.

Йўғон ичакнинг нормал микрофлораси иммунитет ишлаб чиқаришда иштирок этади. Эндотоксинларнинг кам миқдори – хужайра қобиқларидағи липополисахаридлар барча грамманфий бактериялар – кўпинча макроорганизмнинг хусусий микролари, бактериал заарланишга ва бошқа антигенларга, иммун танаачалари синтезига фойдали таъсир кўрсатиши мумкин.

Ингичка ичакда ҳазм бўлмаган озиқ моддаларнинг йўғон ичакда парчаланиши бактериялар ферментлари таъсирида амалга ошади, бунда турли кўринишдаги аминлар, феноллар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар хосил бўлади. Микробли метаболизм жараёнида хосил бўлган токсик моддалар (кадаверин, гистамин ва бошқа аминлар), сийдик орқали чиқарилади ва нормада организмга хеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Айрим аминлар, масалан гистамин ва серотонин, эволюция жараёнида регулятор тизимга қўшилади. Гистамин хлорид кислотаси секрециясини назорат қиласи. Бактериал флорада гистамин гиперпродукцияси ошқозон яраси хосил бўлишида сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тахминлар бор.

Ингичка ичакда абсорбцияланмаган экзо- ва эндоген липидлар ичак микрофлораси томонидан таъсирга учрайди. Ичакнинг дистал қисмларидағи микрофлоранинг ферментатив тизимлари ҳазм шираларидан ажralадиган биологик фаол моддалар инактивациясида иштирок этади (энтерокиназалар ва ишкорий фосфатазалар).

Ичак бактериялари ёғ кислоталари метаболизми, улардан узун занжирли углерод атомлари тутувчи гидрооксикислоталар, гидрооксистеарин хосил бўлишида иштирок этади. Бу кислота кимёвий жихатдан рипинолеин кислотасига – кастро мойининг бош компонентига ўхшаш. Ичак микрофлораси холестерин ва ўт кислоталари метаболизмининг охирги босқичларида асосий

рол ўйнайди. Холестериннинг йўғон ичакда сўрилмайдиган стеарин – копростанолга айланashi – ичак бактериялар ҳисобига амалга ошади. Улар холестерин молекулаларининг чуқур гидролизини таъминлайди. Аммо холестерин катаболизмида ўт кислоталарига айланishiда ичак микрофлорасининг аҳамияти катта.

Ўт кислоталари реабсорбцияси ингичка ичакнинг дистал қисмларида амалга ошади. Бу ерда микрофлоранинг ферментлари таъсирида ўт кислоталарининг турли қўринишда ҳосил бўлиши қузатилади: деконъюгация, бирламчи ва иккиламчи ўт кислоталарининг пайдо бўлиши, кетон ҳосилали холан кислота ва номаълум структурали ўт кислоталари. Бу турли қўринишлар турли микроорганизмлар томонидан амалга ошади.

Физиологик шароитларда 80 дан 95% гача ўт кислоталари реабсорбцияланади. Қолганлари ахлат орқали бактериал метаболитлар қўринишида чиқарилади. Уларнинг йўғон ичакда бўлиши сувнинг сўрилишини тормозлайди ва ахлатнинг ортиқча гипогидратациясига қаршилик қўрсатади. Шундай қилиб, микрофлоранинг ферментатив фаолияти ахлат массаларининг нормал шаклланишини таъминлайди.

Ичакнинг дистал қисмларидаги микрофлора билирубиннинг стеркобилин ва уробилинга трансформациясини таъминлайди. Аммо патологик шароитларда (микроорганизмларнинг ингичка ичакнинг юқори қисмларига тарқалиши ёки йўғон ичакка ортиқча ёғ ва ўт кислоталарининг тушиши) микрофлоранинг ферментатив фаолияти ингичка ичакда сўрилишнинг бузилиши ва диареянинг пайдо бўлишида патогенетик механизмлардан бирига айланади.

Демак, витаминаларнинг айrim қисмлари ва алмашмайдиган аминокислоталар организмга бактериялар ҳисобига тушади.

Ичак микрофлораси витамин К ва В грухидаги витаминаларни синтезлайди. Аммо қузатувлар шуни қўрсатдики, организмнинг витаминалар билан таъминланишида микрофлоранинг иштироки ҳозиргача ўрганилмаган.

Ингичка ичакнинг пастки қисмлари ва йўғон ичакнинг нормал микроФлораси – бу эубиоз, гомеостазни кўрсатувчи муҳим экотизим саналади.

Маълумки, йўғон ичак микробли флораси метаболизмида углеводлардан кўп миқдорда газлар, водород хосил бўлади. Бу далил кўпроқ водород тестиning очилишида асосий ҳисобланади – чиқарилаётган ҳавода водород миқдорини аниқлаш. Тест дисбактериоз ташҳисоти ва ингичка ичак бўйлаб пассаж вақтини аниқлашда қўлланилади.

Ичакда микробли флора bemорга антибиотиклар тавсия этилганда маълум миқдорда камайиши мумкин. Бунга бошқа таъсир кўрсатувчи йўл ҳам мавжуд. У bemорга элементли диета тавсия этиш билан характерланиб, унга моносахаридлар, аминокислота, ёғ кислоталари, витаминалар, минерал тузлар ва микроэлементлар кирмайди. Бундай овқатланишни узоқ вақт қўллаш ичак ферментлари синтезининг камайишига олиб келади, чунки фермент тизимга юклама кескин камаяди. Элементли диетани қисқа вақт қўллаш амалиётда тўлиқ самара беришда исботини топган. Бу диетанинг барча компонентлари ингичка ичакнинг проксимал қисмларида сўрилади. Ичакдаги мавжуд микроблар озиқ муҳитидан маҳрум бўлгач, уларнинг миқдори тез камаяди. Таширих олди тайёргарлигига бу диетани қўллаш амалда стерил йўғон ичакда таширих ўтказиш имконини беради.

Шундай қилиб, микрофлора макроорганизм – микроорганизмлар ўртасидаги муҳим компонент ҳисобланади. Макроорганизм ва бактериал флоранинг ўзаро муносабати патологик шароитда ўзгаришини ҳисобга олиш зарур.

2.5. Моторика

Кўричак катталарда гастроилеал рефлекс воситаси бўлиб, ҳар қуни ёнбош ичак терминал қисмидан 300-500 мл химус тушади, унда ҳазм бўлмаган (целлюлоза) ва резорбцияланмаган озиқ моддалари мавжуд. Одамлардаги ҳаракатлар пропульсив таъсир кўрсатмайди, йўғон ичакдаги масса аралашиб, сув сўрилиши секин-аста кузатилади. Уч-тўрт массив қисқаришлар бу масса-

нинг дистал йўналишини – пастга тушувчи чамбар ичакдан тўғри ичакка ўтишини таъминлайди.

Кўндаланг чамбар ичакда циркуляр қисқаришлар шаклидаги аралаштирувчи ҳаракатлар юзага келади. Циркуляр қисқаришлар одатда 5 мм см.ус. (айрим холатларда 40 мм см.ус.) босимни юзага келтиради. Аралаштирувчи ҳаракатлар пропульсив таъсирга эга эмас. Улар ичак массасини қаттиқроқ бўлишини таъминлайди.

Сигмасимон чамбар ичакда секин кечувчи босувчи ҳаракатлар пайдо бўлади, уларнинг даврийлиги 20-30сек. ни ташкил қилади. Амплитудалар баландлиги 5 дан 100 мм см. ус. ташкил қилади. Қисқаришлар фазаси тинчлик фазаси билан алмашади. Юқорида кўрсатилган сегментар ҳаракатлар пропульсив таъсирга эга эмас. Сигмасимон чамбар ичак массасининг ҳаракати босим градиентига боғлиқ холда 2 йўналишда бўлади.

G.Holzknecht ва S.Jonas (1909 й) ёзишларича, овқат билан боғлиқ йўғон ичакнинг катта ҳаракатлари «гастроцекал рефлекс» деб аталади. Тахминан овқат егандан сўнг 1-10 мин ўтгач, фаоллик даврий равишда ортади, шиллиқ қаватнинг интенсив моторикаси, гиперемияси ва секрецияси кузатилади. Гастроцекал рефлекс бир вақтда гастроилеал рефлекс билан бирга пайдо бўлсада, химуснинг йўғон ичакка ўтиши йўғон ичак қўзғалиши учун шарт ҳисобланмайди. Бу рефлекс массив мотор фаолиятни чақиради, унда йўғон ичакнинг барча сегментлари бир вақтда қисқаради. Бу фаолият частотаси турли хил бўлиши мумкин.

Гастроцекал рефлекс ҳар бир кўп миқдордаги овқатдан сўнг пайдо бўлади (3-4 мах/сут). Йўғон ичакнинг массив ҳаракатлари билан ўта қўзғалувчи шахсларда ич кетишлар юзага келиши мумкин. Ярали колити бор беморларда қўзғалишлар даврида диарея ҳар 2-4 мин. сўнг йўғон ичакнинг катта сегментлари кучли қисқаришидан сўнг бошланади. Чамбар ичак катта ҳаракатларининг перистальтик тўлқинлари тўғри ичаккача бориши мумкин. Тўғри ичакнинг ахлат билан тўлиши унинг деворини тортилиши ва дефекацияга чақириқни келтириб чиқаради.

Дефекация вақтидаги зўриқишида қорин девори мушакларининг қисқариши ва диафрагманинг пастга тушиши натижасида қорин бўшлиғи босимининг ортишини таъминлайди. Бир вақтда ушлаб турувчи механизмлар «қўйиб юборилиши» кузатилади: «қарсилловчи» клапан очилади ва орқа чиқарув сфинктери бўшашади. Дефекация акти тугагач, ташқи сфинктер ва чаноқ туби фаоллиги ортади. Натижада чаноқ туби кўтарилади ва аноректал бурчак тикланади.

Агар шароит дефекация тугаши учун яхши бўлмаса, ташқи сфинктерининг ихтиёрий қисқаришлари чаноқ тубининг кўтарилишини келтириб чиқарди, аноректал бурчак катталашади ва фекал масса мажбуран тўғри ичак ампуласига қайтади. Нерв регуляциясининг марказий механизмлари дефекация вақтида номаълумлигича қолади. Ахлатни ушлай олмаслик идиопатик, айниқса диареяларда, хатто тарқоқ склероз ва нерв тизимининг бошқа касаликларида ҳам кузатилиши мумкин.

Дефекацияни регуляр суний тўхтатиш интракретал босимининг ортишида механорецепторларни мослаштириши мумкин. Натижада дефекацион рефлекс ва дефекацияга чақириқ фақатгина юқори бўлмаган интракретал босимда пайдо бўлади. Бу хол қабзият шаклланиш механизми асосида ҳам ётади.

2.6. Анал ушлаш ва дефекация

2.6.1. Анал ушлаш

Ичак массаси ушлаш функциясининг бузилишлари ижтимоий, ҳам тиббий характердаги муаммолар туғдиради.

Табиий холатда орқа чиқарувнинг ички сфинктери юқори тонусга эга, яъни доимий қисқарган, тўғри ичак таранглашгандагина бўшашади.

Тўғри ичак таранглашгандан ва ички сфинктер бўшашгандан сўнг рефлекс сфинктер бўшаштирувчи рефлекс пайдо бўлади. Бу тўғри ичакдаги механорецепторларнинг стимуляцияси натижасида пайдо бўлувчи невроген реак-

ция инteroцептив ҳисобланади, чунки рецепторлар ичакнинг ички деворида жойлашади.

Ичак массасини ушлаш нормал холат бўлиб, ҳам маҳаллий рефлектор, ҳам ихтиёрий ирода кучларига боғлиқ комплекс жараёндир. Ушлаш бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан асосийлари тўғри ва чамбар ичакдаги ахлатнинг консистенцияси, орқа чиқарув канали ва чаноқ тубидаги силлиқ ва кўндаланг-таргил мушакларнинг координациялашган фаоллиги, бу хосилаларнинг анатомик бутунлиги ҳисобланади. Орқа чиқарув канали ва тўғри ичак, хатто орқа чиқарувнинг ички сфинктери силлиқ мушаклари автоном нерв тизими орқали бериладиган маҳаллий қўзғалишларга ва бундан ташқари рефлексларга жавоб беради. Сфинктер аппаратининг ихтиёрий кўндаланг-таргил мушаклари орқа ва бош мия марказлари соматик марказига интилевчи ва марказдан кочувчи нерв толалари орқали назорат қилинади.

2.6.2. Орқа чиқарувнинг ички ва ташқи сфинктерлари

Орқа чиқарув каналида босим соҳаси биринчи навбатда ички сфинктер ҳисобига пайдо бўлади, унинг мушакларини кесилиши эса бироз функционал бузилишларга, асосан газларни ушлай олмасликка олиб келади. Маълумки, ички сфинктер орқа чиқарув каналининг ёпик холатда бўлишини таъминлайди ва тўсатдан газ ва суюқ ахлатнинг чиқишини олдини олади. Ташқи сфинктер халқасининг кесилиши эса минимал функционал бузилишларга олиб келади. Орқа чиқарувнинг ташқи сфинктери ўзининг кучли қисқариши билан суюқ ахлат массаларининг қийинчилик билан ушлаб туришда ахлатнинг ихтиёrsиз чиқишини олдини олади.

Махсус текширувлар шуни кўрсатди, ушлай олиш аноректал бурчакни таъминловчи ков-тўғри ичак мушаклари холатига боғлиқ. Ушбу мушаклар шикастланганда, оғир ахлат ушлай олмаслик юзага келади.

З-БОБ. ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

3.1. КЛИНИК УСУЛЛАР

Клиник текширув усуллари (анамнез, кўрув ва объектив текшириш) замонавий клиник тиббиётда ўзининг аҳамиятини йўқотмайди.

Беморлар билан мақсадга йўналган сухбат ўтказиш ва объектив текширишида касалликни тасдиқлаш, хатто патологик жараённинг жойлашишини аниқлаш имконини беради. Сўрилишнинг бузилиши синдроми ва яллиғланиш касалликлари ривожланган bemорларда ичакдан ташқари симптомлар врач учун катта аҳамият касб этади.

Шикоятлар ва анамнез

Шикоятлар ҳар доим ҳам йўғон ичак касалликлари учун типик бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, bemor сўраб-суриштирилганда тахминий суткалик ахлатнинг микдорини аниқлаш зарур, чунки кўзғалиш даврининг енгил кечишида ҳам доимий, лекин кўп микдорда ахлат келиши кузатилади. Сўрилишнинг оғир бузилиш синдроми бор bemорларда кўпроқ кўп ахлат келиши кузатилади (полифекалия). Айниқса полифекалия яққол намоён бўлган стеаторея глютен энтеропатия, ичак лимфангэктазия ва иммуноглобулинлар етишмовчилиги натижасида юзага келувчи вариабел гипогаммаглобулинемия билан кечувчи bemорлар учун характерлидир.

Хаётий анамнездан сифатли овқатланмаслик давларига аҳамият бериш зарур, айниқса кам оқсилли овқатланиш ичакнинг сурункали касалликларининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Глютен энтеропатия бор bemорлар учун касалликнинг эрта болалиқда бошланиши, кўпроқ аёллар касалланиши, ҳомиладорлик, туғруқдан ва абортдан сўнг кузғалиши хос.

Умумий вариабел гипогаммаглобулинемияси бор беморлар кўпроқ бронхит, зотилжам, синуситлар ва бошқа интеркуррент инфекциялар билан жабрланади.

Ичак патологияси беморлар учун йўғон ичакнинг сўриш функциясининг пасайиши билан кечувчи организмда озуқа моддаларининг етишмовчилиги, умумий холатнинг кўп ёки кам намоён бўлиши хос. Беморлар умумий холсизликка, кувватсизликка, сифатли овқатланиш шароитида прогрессив озиб кетишга шикоят қиласидар. Оғир bemорларда дистрофик жараёнлардан дарак берувчи озиқланишнинг сифат ва миқдорий бузилиши каби бошқа симптомлар - тилнинг қизиши, соchlарнинг тўкилиши, тирноқларнинг синувчанлиги, болдир мушакларининг оғриши, товоn, кафт ва болдирларнинг титраши, суякларда оғриқ, аёлларда менструал циклнинг бузилиши ва эркакларда жинсий заифлик кузатилиши мумкин

Кўп холларда ичакнинг яллиғланиши натижасида ривожланувчи (Крон касаллиги) ёки ўсмаларда сурункали қисман ичак тутилиши учун даврий сувли диарея ёки ич кетиш ва қабзият билан алмашиниши хос.

Йўғон ичак касалликларида ахлат доимий ва суюқ бўлиши, лекин ахлатнинг умумий миқдори ўзгармаслиги мумкин ва полифекалия кузатилмайди. Кўпроқ шиллиқ билан аралашган бўлади. Ичак қўзғалган синдроми бор bemорларда шиллиқ кўп бўлиши мумкин. Бу касалликнинг энг кўп синонимларидан бири “шиллиқли колика” бўлиб, йўғон ичакнинг функционал касалликларида асосий клиник белгилар, қоринда тўлғоқсимон оғриқларнинг бўлиши ва дефекацияда шиллиқнинг лента ёки тугунчалар кўринишида ажралиши хос.

Ярали колит, дизентерия ва йўғон ичакнинг бошқа яллиғланиш хастиаликларида касалликнинг яққол белгилари учун дефекацияда ёлғон оғриқли чақирикларда суюқ ахлатда йиринг ва қоннинг бўлиши (тенезмлар), умумий холсизлик ва тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Дизентерияда бир вақтнинг ўзида қоринда оғриқ кузатилади. Ярали колити бор bemорларда патологик жараён шиллиқ қават билан чегаралангунга қадар

оғриқ кузатилмайды. Бу касалликда бирданига оғриқнинг пайдо бўлиши бу касалликнинг асорати - перфорациясидан дарак беради.

Объектив текширув

Беморни кўришда диққат билан ва навбат билан ичакдан ташқари ва кўп тизимли касалликларнинг белгиларини ҳисобга олган холда ўтказиш зарур.

Йўғон ичак хасталиклирида кўрув ва қорин бўшлиги аъзоларини текшириш сўрилишнинг бузилиш синдроми оғирлигини белгиловчи моддалар алмашинуви бузилиши симптомларини аниқлашда ёрдам беради.

Бу холатларда терининг қуруқлашуви ва кепакланиши, рангининг ўзига хос кир-кулранг тусга ўзгариши, нур тушган ва ишқаланиш жойларда, бундан ташқари кўкрак безлари сурғичлари, жинсий аъзолар ва қориннинг оқ чизиги соҳасида тери гиперпигментациясини кўриш мумкин. Оғиз бурчаги, бурун қанотларида нам ёрилишлар пайдо бўлиши мумкин. Тирноқлар хира, юпқа, уларда кўндаланг чизиклар пайдо бўлади, кенгайган, соат ойнаси кўринишини олади. Дистал фаланглар йўғонлашган ва қўл бармоқлари барабан тоёқчаларига ўхшаб қолади.

Баъзан қон кетишининг ортиши белгилари тери ости қон қуйилишлари кўринишида, кам холларда қон кетишлар (бурундан, милклардан, ошқозон-ичакдан, бачадондан, гематуриялар) пайдо бўлади.

Ярали колити бор bemорларда терининг заарланиши оғир пиодермия ва тугунчали эритема, яраланиш ва орқа чиқарув йўлининг ёрилиши кўринишида, бўғим ва умуртқа погонасининг заарланиши (артритлар, сакроилеитлар), кўзда увеитлар ва кератитлар, хатто склерозланувчи холангит натижасида сариқлик кузатилиши мумкин.

Сўрилишнинг бузилиши синдроми ва экссудатив энтеропатияларда оқсилсиз шишлар пайдо бўлади. Оғир холларда анасаркагача бориши мумкин.

Электролитлар алмашинувининг бузилиши натижасида кўп холларда нерв-мушак қўзгалувчанлигининг ортиши кузатилади. У майда гурухли

мушакларда титрашлар билан характерланади. Унда одатда мушак валигининг мусбат симптоми – қитиқлаш ва игнада тирнаш билан кўзғатилганда, елканинг икки бошли мушакларининг қисқариши дарак беради.

Амалда барча bemорларда тил ўзгаради, бу нафақат ошқозоннинг, балки ичакнинг ҳам ойнаси ҳисобланади. У нозик, оқарган, четларида тиш излари ва шиш бўлади. Бошқа холларда малина рангида, сўргичлари гипертрофияланган ва чуқур ёриқлар кузатилади. Сўргичлар атрофиясида тил силлиқ бўлади.

Ичак касалликларида қоринни қўриш ташхис учун қимматли маълумотлар бериши мумкин. Тортилган қорин диареяда бўш ичакларида кузатилади. Қориннинг кафтсимон тортилиши менингитда ичакларнинг рефлектор спазмига хос. Қориннинг текис шиши метеоризмда кузатилади. Сўрилишнинг бузилишида киндик атрофида қориннинг чегаралangan шишини аниқлаш мумкин (тўнтарилган тувак симптоми). Қориннинг шарсимон шиши ўткир перитонитда, заҳарланганда ва истериялarda кузатилиб, паралитик ичак тутилишига характерли бўлади (Алварец симптоми). Қорин ассиметрияси механик ичак тутилишида пайдо бўлади. Вал кўринишидаги кучли перисталтика шовқини билан кечувчи қорин деворининг даврий бўртиб қолиши кўпроқ сурункали ичак тутилишидан дарак беради.

Сўрилишнинг оғир бузилиши бор bemорларда қорин ўлчамлари кўпроқ катталашган, шишган ва бақасимон кенгайган бўлади. Палпацияда қорин бўшлигининг “нотўлиқлилиги” сезилади, плеск ва перисталтика шовқини нафақат йўғон ичакда, балки ингичка ичак қовузлоқларида осон чақирилади.

Чуқур сирпанувчи палпацияни сигмасимон чамбар ичақдан бошлаб, сўнг Стражеско усули бўйича кўричакка ва ёнбош ичакнинг охирги қисмларига ва чувалчангсимон ўсимтага ўтилади, сўнгра кўндаланг чамбар ичак текширилади.

Сигмасимон чамбар ичак нормал холатда катта бармоқ қалинлигидаги силлик зич цилиндр кўринишида осон аниқланади. Сигмасимон ичакда ўсма ривожланганда у нотекис, яллиғланишида оғриқли бўлиши мумкин. Ичакнинг функционал касалликларида сигмасимон чамбар ичак спазмга учраган ва оғриқли бўлади.

Кўричак нормал холатда силлик, икки бармоқ қалинлигидаги ҳаракатчан цилиндр шаклида сезилади. Ўнг ёнбош соҳада кўричакнинг йўқлиги ичакнинг ротацияси бузилиши натижасида бўлиши мумкин, аммо ҳаракатининг ортиши эса ичак тутқичининг туғма катталашувидан дарак беради (coecum mobile). Яллиғланиш ва функционал касалликларда ичак зич ва оғриқли бўлади, кўпроқ Образцов симптоми – палпацияда кучли перисталтика шовқини пайдо бўлади. Кўричакнинг сили ва ракида қаттиқ нотекис хосила кўриниши сезилади.

Кўндаланг чамбар ичак ҳаракатчан, пастга қайрилган цилиндр кўринишида ушланади. Яллиғланиш ва функционал касалликларида у оғриқли ва зич бўлади. Ичак торайишларида супрастенотик кенгайишлар ва шовқин аниқланиши мумкин.

Чамбар ичакнинг ўзгаришлари айниқса кўзгалган ичак синдроми бор bemорлар учун характерли. Ичакларнинг спастик, айниқса унинг физиологик сфинктерларининг қисқаришлари санчиқлар характеридаги кучли оғриқ ҳисси ва холецистит, панкреатит, гастрит ва бошқа касалликларнинг нотўғри ташхиси манбаи бўлиши мумкин. Чамбар ичак турли қисмларнинг спазмларида палпацияда оғриқ доимий бўлмаслиги ва турли кунларда локализациясини ўзгартириши мумкин.

Баъзи bemорлар хат ёзганда ва кийиниш жараёнида қийинчилик хис этадилар. Баъзан дизартрия, дисфония ва диплопия пайдо бўлади. Целиакия бор bemорларда хатти-ҳаракат ва кайфиятнинг бузилиши, қон зардобида аминокислоталарнинг нонормал концентрацияси кузатилиши мумкин. Катта ёшли bemорларда бош мия атрофияси натижасида пресениал деменция бўлиши мумкин.

3.2. УМУМИЙ КЛИНИК ЛАБОРАТОР ТЕКШИРУВЛАР

Қоннинг умумий тахлили

Функционал характердаги ичак касалликлари қон тизимида ўзгаришлар чақирмайди. Ингичка ва йўғон ичакнинг бошқа барча хасталикларида турли кўринишдаги гематологик ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Камқонликнинг пайдо бўлиши ярали колитларда, ўсмаларда, бавосил ва тўғри ичакнинг ёрилишларида ўткир ва сурункали қон кетишлари билан боғлиқ. Бундай холатларда темир танқислиги камқонлиги ривожланади.

Ярали колити бор, узок вақт сулфазалин қабул қилувчи bemорларда баъзан фолат кислотаси етишмовчилиги белгилари пайдо бўлади, бу препарат фолат кислотанинг сўрилишини секинлаштиради. Витамин В₁₂ ва фолат кислота етишмовчилигида умумий қон тахлили қон яратишнинг мегалобластик типини; гиперхром макроцитар камқонлик; эритроцитларнинг ўртача диаметрининг катталашуви; базофил ва окси菲尔 мегалобластларнинг пайдо бўлиши ва бошқаларни кўрсатади.

Пернициоз камқонлик умумий вариабел гипогаммаглобулинемия (УВГГ) бор bemорларда ҳам ва айрим холларда касалликнинг бошқа клиник белгилари юзага келишидан илгари кузатилади. Камқонликнинг сабаби ички омил етишмовчилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо ҳозиргacha унга ёки париетал хужайраларга циркуляциядаги антитаналар аниқланмаган бўлса ҳам, УВГГ бор bemорларда тўлиқ ичак метаплазияси ва ахолияси билан гастритнинг оғир атрофик тури равожланиши аниқланган.

Яққол намоён бўлган секретор диареяси бор bemорларда умумий қон тахлилида плазма ҳажмининг камайиши, яъни қон қуюқлашиши билан боғлиқ гемоглобин ортиши ва эритроцитлар миқдорининг қўпайиши кузатилиши мумкин.

Лейкоцитлар сонининг ўзгариши. Ичакнинг лимфома, бошқа ёмон сифатли ўсмалари ва яллиғланиш касалликларида лейкоцитар формуланинг чапга силжиши билан лейкоцитоз ва ЭЧТ ортиши пайдо бўлади. Эксудатив

энтеропатия синдроми бор беморларда лейкопения аниқланади ва бу ошқозон-ичак трактига маълум миқдорда лейкоцитларнинг пасайишини тушунтиради. Номаълум генезли ичак патологияси бор беморларда турғун ва яққол эозинофилия, аллергик энтеропатия, эозинофил энтерит ёки эозинофил гранулема белгилари билан кузатилади.

Қоннинг биокимёвий тахлиллари

Қоннинг биокимёвий спектрининг орқада қолиши сўрилишнинг бузилиши бор беморлар учун хос. Сўрилишнинг бузилиши синдромининг II-чи оғирлик даражасида сув-электролит, оқсил ва липидлар алмашинувининг селектив бузилишлари пайдо бўлади. Улар учун конда калий, натрий, кальций, триглицеридлар, холестерин концентрациясининг камайиши; гипоалбуминемия ҳисобига диспротеинемия хос. III - оғирлик даражасида гипопротеинемия, гипохолестеринемия, гипокалциемия, гипокалиемия, гипомагниемия, гипоферриемия пайдо бўлади. Организмда электролитлар етишмовчилиги бор беморларда метаболик ацидоз ва алкалоз ривожланиши мумкин. Конда у ёки бу модда концентрациясининг камайишида, озиқ моддалар тўқима етишмовчилигининг ривожланиши ҳам диагностик аҳамият касб этади. Гомеостаз конга тўқималардан ёмон сўрилувчи моддаларнинг тушишининг ортиши ҳисобига нормал сатҳда сақланиши мумкин.

Сийдик тахлили

Сўрилишнинг бузилиши оғир синдромида ва ичакнинг массив резекциясидан сўнг ахлат билан маълум миқдорда сувнинг йўқотилиши билан боғлиқ холда сийдикнинг суткалик миқдори бироз камаяди. Камдан-кам холларда оксалатурия кузатилади. Унинг пайдо бўлиши сабаби нормада оскалатлар кальций билан боғланади ва ичакда эримайдиган тузлар хосил бўлади. Ёғлар сўрилишининг бузилишида охирги махсулотлар кальций билан осон бирикиб, абсорбцияланмайдиган совунларни хосил қиласи. Ичакда қолган кўп миқдордаги оксалатлар сўрилади ва организмдан буйраклар орқали чиқарилади. Бунинг натижасида кўпроқ сийдик-тош касаллиги ривожланади.

Копрологик текширувлар

Суткалик ахлат миқдорини, ошқозон-ичак тракти бўйлаб озиқ моддаларининг ҳаракатини аниқлаш (карболен синамаси ёки радионуклид усул натижаларига кўра), макроскопик ва микроскопик текширувлар катта диагностик аҳамиятга эга.

Нормада ахлатнинг суткалик порцияси миқдори 300 г дан ошмайди, ичакдан пассажи эса 24-72 соатни ташкил қиласди.

Ахлатни кўриш ташхис учун ҳам етарлича аҳамият касб этади. Диареяда ахлатда сув миқдори ортади, у дастлаб бўтқасимон, сўнгра суюқ, умуман сувли бўлади, ахлатнинг тиник-сариқ ёки яшил рангда бўлиши унда кўп миқдорда ўт кислоталари бўлишидадир, (хологен диарея учун хос). Оч ва хатто оқ (аҳолик) ахлат ўт ажралиши бузилган беморлар учун хос. Ҳажмий бўтқасимон ёки суюқ ахлат, ёғли (ялтироқ) ахлат унда кўп миқдорда ёғ борлигидан дарак беради (стеоторея). Суюқ, кўпиксимон оч-сариқ рангдаги кислотали бижғиган хидли ахлат углеводларнинг сўрилиши бузилган беморлар учун характерлидир. Бадбўй хидли ахлат унинг таркибидаги оқсилнинг ортиши, бактериялар қўпайиши учун етарли шароит бўлишидан дарак беради.

Қонли ахлат қон кетиш манбасининг локализациясига қараб турлича бўлади. Қанчалик қон кетаётган соҳа юқорида жойлашса, ахлат шунча тўқ рангда бўлади. Ахлатда шиллик ва айниқса йириングнинг бўлиши яллиғланиш жараёни белгиси ҳисобланади. Қора ахлат – ошқозон ёки ўн икки бармоқ ичакдан қон кетиш белгиси ҳисобланади.

Ахлатнинг микроскопик ўрганиш, сўрилишнинг бузилиш синдроми борлигини тасдиқлашда ёрдам беради, бунда ахлатда кўп миқдорда ҳазм бўлмаган мушак толалари, крахмал ва ёғ бўлиши хос. Ичакда яллиғланиш жараёни белгилари – йиринг ва қон бўлиши билан аниқланади. Бу вақтда копограмма ошқозон-ичак трактида ҳазм жараёнининг самарадорлигини тўлиқ аниқлаш имконини бермайди, қўзғалган ичак синдроми бор bemorларда моторика бузилганда кузатилиши ҳам мумкин.

Гижжа ёки паразитар инвазияга шубҳа қилинганда, оддий патоген флора ва гижжа тухумлари учун қайта ахлат таҳлили (7-8 мартағача) ўтказиш зарур. Ахлатда амёба ва лямбилияларни аниқлашда ахлат дефекациядан сўнг текширилади.

Яширин қон кетиш ташҳисининг қайта текшируvida қон пигментининг пайдо бўлиши катта аҳамият касб этади. Ахлатда қон пигменти одатда гематин кўринишида бўлади. Баъзан ўзгармаган гемоглобин ҳам тутиши мумкин.

Қон пигментини аниқлаш учун қўлланиладиган барча биокимёвий реакциялар каталитик реакциялар ҳисобланади. Бу реакцияларда 1) кислородга осон берилувчи модда, 2) осон оксидланувчи модда, 3) катализатор иштирок этади. Кислородга осон берилувчи моддалар сифатида озонланувчи сквидар, водород пероксида ёки барий пероксида қўлланилади. Осон оксидланувчи моддалар жуда кўп: бензидин, фенолфталеин, пирамидон ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Вебер реакцияси ва бензидин билан Грегерсен реакцияси кўпроқ тала бўлиниади. Вебер реакцияси суткасига 30 мл гача қон ажралгандагина мусбат ҳисобланади. Грегерсен реакцияси суткасига 15 млдан ошувчи қон кетаётганда аниқланади. Бундан ташқари, гўшт таркибида гем бўлиши ҳисобига соҳта мусбат натижа ҳам бериши мумкин.

Ошқозон-ичак трактидан қон кетиш даражаси ва ахлатда қон эритроцитлар бўлиши ҳақидаги тўлиқ маълумотни нишонланган ^{51}Cr қўллаш билан адионуклид усули беради. Беморнинг гепаринлашган қонига $\text{Na}_2^{51}\text{CrO}_4$ эритмасини 30-60 мин давомида қўшиш натижасида ^{51}Cr эритроцитларга кириб, гемоглобиннинг оқсил қисми - глобин билан боғланади. Бу вақтнинг охирида 70-80% хромнинг охирги фаоллигига эритроцитларга бириқади. Нишонланган ^{51}Cr билан эритроцитлар моддаси bemorga киритилгандан сўнг 24 соат давомида ўз радиоактивлигини йўқотмайди. ^{51}Cr нинг ўлган ва тирик эритроцитлардан ажралиши нормада суткасига 5% ни ташкил қиласди,

шунинг учун ^{51}Cr нинг қондаги концентрацияси нисбатан кам ўзгаради ва нишонланган эритроцитлар амалда ошқозон-ичак трактига тушмайди.

^{51}Cr нинг ахлат билан ажралиш миқдори қоннинг миллилитрлари эквивалентида аниқланади. Нормада ошқозон-ичак трактидан ўтувчи ^{51}Cr , миқдори 0-2 мл кон эквивалентини ташкил қиласди. Радиоактив хром амалда ахлат билан бирга эритроцитлар таркибида ажралади, шунинг учун ахлатнинг радиоактивлигига қон кетишни тушуниш керак. Бу усулни қўллаш натижасида суткасига 100 мл қон кетишидагина ахлатда мелена қузатилиши мумкинлигини кўрсатади.

Маълум вақт давомида ахлатда ^{51}Cr миқдорини аниқлаш орқали, йўқотилган қоннинг суткалик миқдори, хатто қон кетишнинг ортиши ёки камайиши ҳақида фикрлаш мумкин.

3.3. ИММУНОЛОГИК УСУЛЛАР

Иммун бузилишлар ичакнинг кўп касалликларида ривожланади. Иммун статуснинг орқада қолиши кўпроқ иккиласми характерда бўлади. Турли этиологияли экссудатив колопатияси бор беморларда қон плазмасида иммуноглобулинларнинг асосий гурухларини камайиши патологик ўзгарган йўғон ичак орқали кон оқсилларининг йўқотилишининг ортиши билан боғлиқ. Бу синдром ва унга боғлиқ иккиласми иммун етишмовчилиги йўғон ичакнинг катта ҳажмли резекцияларидан сўнг қорин орти лимфатик тугунлари лимфопролифератив касалликларида, глютен энтеропатия ва айрим беморларда оғир алиментар дистрофияларда қузатилади. УВГГ бор беморларда иммунологик етишмовчилик генетик детерминланган, яъни бирламчи характерда бўлади.

Шуни эсда тутиш керакки, сўрилишнинг бузилиши синдроми билан иммунотанқисликнинг бирга келиши кўпроқ УВГГ учун хос. Шунинг учун сўрилиш бузилиши синдроми II ва III оғирлик даражаларида, беморларда зардоб иммуноглобулинларнинг барча гурухлари концентрациясини

аниқлаш күп холларда бирламчи иммунотанқислики ташхислаш имконини беради.

Айниқса α - занжир касалликларини ташхислашда иммунологик текширувлар катта аҳамият касб этади. Бу касалликда енгил занжирдан озод бўлган ва интакт Fc-фрагмент тутувчи ва Fd-фрагментнинг асосий қисми йўқотилишидан хосил бўлган нотўлик иммуноглобулинлар ажралади. Зардоб оқсилларининг иммунокимёвий тахлилида α_2 и β соҳасида одатий бўлмаган кенг жойлашган патологик оқсиллар аниқланади. Патологик оқсил оғир α - занжирларга антизардоб билан таъсир қиласида, β ва λ -енгил занжирларга антизардоб билан таъсир қилмайди.

α -занжир касалликларида флюоресцентли моноспецифик антизардоб ёрдамида пролиферацияланувчи ҳужайралар, енгил κ - ва λ -занжирлар билан секретланмайдиган иммуноглобулинлар аниқланади. Аномал ҳужайралар анти-IgA-зардоб сифатида турғун специфик бўялади, антизардоб κ , γ -занжирлар, антизардоб κ - ва λ -енгил занжирларга реакция қўллагандага кузатилмайди.

3.4. ҚОН ЗАРДОБИ ГОРМОНЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Хайвонларда ўтказилган тажрибалар ва клиник текширувларда электролит эритмалари билан одам йўғон ичаги перфузиясини қўллаш натижасида барча гормонлар ва бошқа биологик актив моддалар таъсири натижасида ичакдан сув ва ионларнинг сўрилиши ва секрециясига таъсир қилиниши аниқланган. Улар ошқозон-ичак трактининг мотор функциясига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу текширувлар ёрдамида эндокрин касалликлар ва ўсмаларда ишлаб чиқувчи гормонлар таъсирида ичак функциясининг бузилиш механизми кашф этилган, замонавий радиоиммун усууллар одам биологик бўшлиқларида гормонларни текшириш бу касалликлар ташхисотида янги эра очди. Кўпроқ гормонал диареялар (эндокрин) ташхисотида ажойиб ютуқларга эришилди. Буларга сабаб ичак бўшлиғида сув ва ионлар секрециясини тезлаштирувчи ичак гормонлари

продукциясининг ўта кўплигидир. Скрининг-тест сифатида сурункали диареяли беморлар қонида ҳазм тракти гормонларини аниқлаш қўлланилади.

3.5. СЎРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Клиника амалиётида асосан йўғон ичакнинг сўриш функциясини бевосита (тўғридан-тўғри) аниқлаш усуллари қўлланилади, улар ёрдамида сўрилиш тезлиги ва ичганда ёки зонд орқали киритилган турли хил моддаларнинг қон, сўлак, сийдик ва ахлатда пайдо бўлиши миқдорини аниқлаш мумкин.

Абсорбцион тестларнинг методик хусусиятларига кўра зўриқишли, балласт ва тўғри усулларга бўлинади.

Зўриқишли синамалар ичиш учун белгиланган тест моддасининг қон ёки сийдикда аниқлаш учун тавсия этилган. Уларга шакар, витаминлар ва тузли эритмалар билан зўриқтириш синамалари киради.

Балласт усули ичишга берилган ва ахлат орқали ажралган модда миқдорлари орасидаги фарқни аниқлашга асосланган.

Тўғри усуллар перфузион эритма таркибида ичак сегментидан киритилувчи моддаларнинг сўрилиш тезлигини аниқлашга асосланган.

Зўриқишли абсорбцион тестлар

1. Глюкоза ёки бошқа гексозалар билан синама ўтказиш (галактоза, фруктоза билан).

Эрталаб нахорда қон глюкозага текширилади ва беморга 50 г глюкоза 400 мл сув билан ичишга берилади (ёки бошқа моносахарид). Сўрилиш функциясининг кўрсаткичи сифатида зўриқишдан сўнг 15 минут ўтгач, қонда глюкозанинг ўсиши белгиланади. Сўрилишнинг бузилишида қонда глюкоза 1 ммоль/л гача ўсиши қузатилади.

2. Дисахаридлар билан синама ўтказиш (лактоза, сахароза, малтоза).

Бу текширув ҳам юқоридаги каби натижа беради. Кондаги глюкозанинг оз миқдордаги ўсиши (1 ммоль/л гача) дисахаридларнинг мемранали гидролизи бузилишидан дарак беради. Бу холатда глюкоза билан синама

ўтказиш мақсадга мувофиқ. Қонда глюкозанинг кўп микдордаги ошиши мембранали ҳазмнинг бузилиши, паст микдорда бўлиши эса сўрилишнинг бузилишидан далолат беради.

3. Витамин В₁₂ билан синама ўтказиш.

Нахорда мушак орасига 0,25 мг карбаҳолин беморни ички омили - секрецияни стимуллаш мақсадида юборилади. 15 минутдан сўнг ичиш учун 20 мл сувга нишонланган ⁵⁸Со, 2 мкг витамин В₁₂ берилади. Нормада 24 соат давомида ахлат орқали киритилган дозадан 20% и ажралади. Бу кўрсаткичнинг пасайиши организмда витамин В₁₂ етишмовчилигини кўрсатади.

4. Витамин А билан синама ўтказиш.

Қонда витамин А микдорини аниқлаш учун 6 соат давомида (1 соат интервал билан) зўриқишдан сўнг 500 000 МБ бу модданинг ёғли эритмаси юборилади. Ясси эгри чизиқ витамин А нинг ёмон сўрилишини кўрсатади.

5. Калий йодид билан синама ўтказиш.

Ичиш учун 0,25 г калий йодид 250 мл сув билан бирга берилади ва сўлакда йод пайдо бўлиш вақти аниқланади. Сўлак хар 2 мин давомида 10% крахмал эритмаси тутувчи пробиркаларга йигилади. Нормада сўлакда йод 12 мин.дан сўнг пайдо бўлади. Йод мавжуд бўлса, крахмал эритмаси кўкаради.

6. Темир билан синама ўтказиш.

Ичиш учун фаолликдаги 5 мг ⁵⁹Fe ва 100 мл сувда эритилган 0,1 г аскорбин кислотаси берилади. Ахлат йигилади ва унинг радиоактивлиги аниқланади. Нормада 80% гача радиоактив темир ажралади, қолганлари сўрилади.

7. d-ксилоза билан синама ўтказиш.

Ичиш учун 5 г d-ксилоза берилади ва сийдикнинг 2- ва 5-соатли порцияларда унинг экскрецияси аниқланади. Нормада 1,2 г 2 соат давомида ва 5 соатда 2,5 г ксилоза ажралади.

Балласт синамалари

1. Ван-Де-Камер усули

Усул суткалик ахлат таркибидаги нейтрал ёғ ва ёғ кислоталарини биокимёвий аниқлашга асосланган.

Ахлат 72 соат давомида йиғилади. Йиғиш давомида тўпланма совуқ холатда сақланади. Сийдик билан ифлосланишига йўл қўйилмайди. Ахлат йиғишдан 2 кун олдин овқат билан суткасига 50-150 г ёғ қабул қилиш зарур.

Ёғнинг сўрилиши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Ёғларни сўрилиши (\%)} = \frac{\text{Тушаётган ёғ} - \text{чиқаётган ёғ}}{\text{Тушаётган ёғ}} \times 100$$

Титрометрия усули билан ахлатда умумий ёғ ва ёғ кислоталарининг миқдори аниқланади, нормада ахлатда липидлар 60-80% ни ташкил қиласди. Нормада умумий оқсил миқдори 5-6 г/сут.дан ортмайди. Ёғларнинг ҳазм қилиниши бузилган беморларда нейтрал ёғ ҳисобига стеаторея кузатилади. Сўрилишнинг бузилишларида стеаторея озод ёғ кислоталари билан характерланади.

2. Радионуклид усули.

Текширув нишонланган ёғ (^{131}I -олеин кислотаси ва ^{131}I -триолеатглициерин) қўллашга, ахлат ва қоннинг радиоактивлигини аниқлашга асосланган. Ёғ сўрилиши бузилганда ахлатнинг радиоактивлиги ортади, қонда эса нормал кўрсаткичларга нисбатан камаяди.

Бевосита абсорбцияланувчи тестларнинг диагностик аҳамияти деярли бир хил. Бу усулларнинг умумий камчилиги ошқозон, жигар, буйракларнинг эвакуатор функцияси, ошқозон ости безининг эндосекретор функциясининг холати ҳисобланади. Улар фақат абсорбция бузилишининг II ва III оғирлик даражаларида аниқланади.

3.6. ИЧАКНИНГ МОТОР-ЭВАКУАТОР ФУНКЦИЯСИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ичақдаги масса проксимал ва дистал сегментларидағи босимлар фарқи ҳисобига каудал йўналишда ҳаракатланади. Ичак массасининг ҳаракат тезлиги ва ҳажми бу градиентнинг катталиги, ичак диаметри ва ичак

массасининг ёпишқоқлиги билан коррекцияланади. Бу кўрсаткичлар катта ўзгарувчанлиги билан фарқланади. Шундай қилиб, ичак диаметри унинг турли қисмларида турлича, консистенцияси проксимал қисмдан дистал қисмга ўтишда суюқдан қаттиқقا ўтади. Бу билан ичак моторикаси ҳақида тўлиқ маълумот олиш қийин.

Кўплаб ичак касалликлари асосида ҳаракат функциясининг бузилиши ётади, шунинг учун тўғри ташхис қўйиш ва самарали даволашда бу бузилишларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш керак. Тўлиқова (1997) бўйича йўғон ичак мотор фаолиятининг барча функционал бузилишлари 2 катта гуруҳга бўлинади:

1. Йўғон ичак ҳаракат фаолиятининг параметрлари ўзгаришини ўз ичига оловчи **кологен бузилишлар:**

- а) ичак девори тонусининг ўзгариши (гипо-, атония ёки гипертонус);
- б) ичак ичи босими градиентининг ўзгариши;
- в) ичак девори фаолиятининг умумий вақтдаги ўзгариши;
- г) амплитуда-вақтли характеристикиси ва мотор фаолиятининг тўлқинлар типи нисбатининг ўзгариши;
- д) функционал тестларга реакцияларнинг бузилиши (озуқали, электрик, механик, фармакологик стимуляциялар).

2. Тўғри ичак ва унинг қисувчи аппаратининг функционал холатининг турли патологик орқада қолишини ўз ичига оловчи **проктоген бузилишлар:**

- а) ректоанал рефлекснинг бузилиши;
- б) тўғри ичак резервуар функциясининг ўзгариши;
- в) тўлганда тўғри ичак сезувчанлигининг бузилиши;
- г) орқа чиқарув ички сфинктерининг спазми;
- д) кучанишда ков-тўғри ичак мушаклари реакциясининг бузилиши.

Кўпгина экспериментал текширувларга қарамасдан, клиник амалиётда қисқарувчанлик ва электрик фаолликни рўйхатга оловчи етарли даражада техник усуллар борлигига қарамай, моториканинг асосий текширув усули сифатида рентгенологик усул бўлиб қолмоқда.

Ошқозон ва ичак мотор фаолиятини баҳолашда мавжуд усулларни 6 гурухга бирлаштириш мумкин:

1. Ичак ичи босимини регистрация қилишга асосланган усуллар.
2. Ошқозон ва ичак биопотенциалларини регистрация қилишга асосланган усуллар (электрофизиологик).
3. Фонография.
4. Радиотелеметрия.
5. Рентгенологик усуллар.
6. Бўялувчи, рентгеноконтраст ёки радионуклид белгиларни қўллашга асосланган усуллар.

1. Ичак ичи босимини рўйхатга оловчи

Бу гурухга ичак ҳаракат фаоллигини рўйхатга оловчи усуллар киради. Биринчи марта текширув 1902 йили W.Bayliss ва E.Starling томонидан операция қилинган хайвонларнинг чегераланган ичак қовузлоқларида ва W.Cannon томонидан рентгенологик усул ёрдамида ўтказилган. Кейинчалик зондни қўллаш усуллари кенг қўлланила бошлади: баллонография, очиқ катетер усули, тензометрия, рентгеноэнтерография ва импедансография. Асосан ингичка ичакнинг маълум қисмлари ёки йўғон ичакнинг энг қулай дистал қисмлари моторикаси ўрганилган. Бу усуллар ичакларнинг турли нуқталарида бўшлиқ ичи босимини рўйхатга олиш ва перисталтик ҳаракатни кузатиш имконини беради. Бу усулларнинг умумий камчиликлари шундаки, олинган қийшиқ чизиклар қорин ичи босими ва зонд ҳаракатининг ўзгаришида белги қолдиради.

Баллонографик усул

Ичак қисқаришларини рўйхатга оловчи баллонографик усул ўрганилаётган ошқозон-ичак тракти соҳаси бўшлиғига киритилган баллонда босимни ўлчашга ва кимографда олинган натижаларга асосланган.

Ичакка ингичка резинадан тайёрланган баллончик тутган зонд киритилади. Ингичка ёки йўғон ичакка баллончик ўрнатилгандан сўнг, унинг бўшлиғи ҳаво ёки сув билан система ёрдамида тўлдирилади, ичак деворлари

қисқаришлар чақирган системадаги босим ўзгариши график равища рүйхатга олинади. Бу усул ошқозон-ичак тракти мотор фаолиятининг барча уч ритмини - базал, минутли ва соатли, ёки ультрадианли ритмларни рүйхатга олиш имконини беради. Ҳаракат фаоллигини баҳолаш айрим тўлқинлардан иборат ритмик ва тоник характеристикага; мотор индекси сарфи; ишлаш ва нисбатан тинчлик даврлари давомийлигига асосланган. Бу усулни қўллаш давомийлигига қарамай, камчилиги шундаки, олинган натижаларнинг нофизиологиклигидир. Биринчидан, баллон ичак механорецепторларининг қўзғалишини чакиради, бу эса мотор функциясини ўзгартиради. Иккинчидан, ичак бўшлиғи обтурацияси, химуснинг оқими ва ўрганилаётган сегмент моторикаси бузилишига сабаб бўлади. Учинчидан, натижалар бутун ичак моторикаси ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини бермайди.

Очиқ катетер усули

Бу усулда ўрганилаётган ичак қисмига суюқлик билан тўлдирилган диаметри 1,5-2 мм ли катетер киритилади. Суюқлик сатҳи қабул қилинади ва системага ичак бўшлиғидаги босимнинг ўзгариши график ёзувлар кўринишида берилади. Бу усул юқоридаги усулга қараганда, физиологик ҳисобланади ва кўплаб кашфиётчилар томонидан қўлланилади. Аммо унда ҳам етарлича камчиликлар мавжуд, олинган маълумотлар нафақат бутун ичакка, балки битта сегментга тегишли бўлиб, аниқ чегарага эга эмас. Охирги вақтда бу камчиликларини камайтириш мақсадида ичакнинг бир қанча соҳаларида бир вақтнинг ўзида маълумот олиш имконини берувчи кўп тешикка эга катетерлар қўлланила бошлади.

Бўшлиқ ичи босими қўрсаткичлари тахлили турли усуллар билан ўтказилади. Бўшлиқ ичи босими даражаси асосида ичак тонуси, мотор индекси аниқланади, қисқаришлар шакли ва ритми, уларнинг частотаси ва амплитудаси баҳоланади, соат олди ритми давомийлиги, ишлаш ва тинчлик даври давомийлиги ўлчанади, қуйи ва юқори қисмлари перисталтикаси тўлқинларининг тарқалиш синхронлиги характеристини беради.

Орқа чиқарув ички ва ташқи сфинктерларининг функциясини текшириш учун Шустер зонди қўлланилади [Schuster M.M. et al., 1965]. У икки баллонли металл цилиндр бўлиб, баллонлардан бири орқа чиқарув ички сфинктери, иккинчиси эса ташқи сфинктернинг қисқариш кучини ўлчаш учун қўлланилади. Тинчлик вақтида орқа чиқарув каналидаги босим секин ва жуда секин тўлқинлар кўринишида, амплитудаси нисбатан 50-250 мм сув.ус. ва 300-1000 мм сув.ус., қисқариш частотаси 10-20 ва 1-2/1 мин ёзиб олинади. Бавосил, идиопатик қабзият ва Гиршпрунг касаллиги билан оғриётган шахсларда босим кўрсаткичлари тинчлик вақтида бироз ошган. Гиршпрунг касаллигига бундан ташқари, тўғри ичак тортилиши натижасида орқа чиқарув каналининг релаксацияси кузатилмайди. Қабзиятда bemорда стимулланган нажас чиқаришини, инерт йўғон ичак мажуд бўлган bemордан фарқлаш имконини беради.

Тензометрик усул

Тензометрия усули маҳсус операция ўтказилган ҳайвонларда, тажрибалар ўтказиш физиологиясида қўлланилади. У тензосезувчан элементларнинг деформацияларида электрик қаршилигини ўлчашга асосланган. Ингичка резинали найча кўринишидаги, кўмир кукуни билан тўлдирилган қаршилик датчиклар ёки ингичка металл ўтказгичлар, ичакларнинг мушак ва сероз қаватлари орасига имплантацияланади. Аъзо қийшиклигининг ўзгариши, осциллографияда рўйхатга олинадиган тензоэлементлардаги қаршиликни ўзgartиради.

Импедансография

Ичак моторикасини текшириш усулларини ишлаб чиқищдаги муваффақиятлар зондли импедансография қўллаш билан боғлиқ. [Попова Т.С. 1991]. Импедансография асосида ичак мотрикасини аниқлашнинг 2 усули маълум, яъни ичакларнинг айрим қисмлари электрик занжирлари тўлиқ қаршилигини аниқлаш (импеданса). Тўғри импедансография усули ичак девори мушак қаватига киритилган икки халқали электродлар орасида юзага келувчи потенциалларнинг ўзгаришига асосланган. Бу усул тажриба

хайвонларида ичак силлиқ мушакларининг нисбатан узайиши ва унинг деворлари қисқариш жараёнини реал баҳолашда қўлланилади. Билвосита импедансография инсон ичаги бўшлиғига киритилган зондда жойлашган электродлар ёрдамида электрик импедансларнинг ўзгаришига асосланган. Бу усул ёрдамида ичакнинг қўндаланг кесилган соҳасидаги ўзгариш тўғрисида тўлиқ маълумот олиш ва унинг мотор фаоллигини объектив баҳолаш мумкин.

2. Ичак электр фаоллигини баҳолаш усуллари

Ичакнинг электрик фаоллиги ичак деворлари биопотенциалларини ёзиб олиш йўли билан ўлчанади. Бу мақсадда экспериментал шароитларда ичак деворига киритилган электродлар ёрдамида тўғри электромиография усули қўлланилади. Олинган электромиограмма миокардда аналогик кечувчи ичак силлиқ мушакларидаги электрик жараёнларни белгилайди ва экспериментал шароитларда кенг қўлланилади.

Ичак силлиқ қавати юзасида электроэнтерограмма ёзиб олишда кўпгина олимларнинг фикрича, факт секин тўлқинларни ёзиб олиш мумкин, мушак қисқаришларини кўрсатувчи битишмалар бу усулда олинмайди. Бу ичак девори билан электродларнинг контактини яратиш имконини бермайди: электрод ичак деворига факт фаол қисқариш вақтида зич бирикади. Шунинг учун бу турдаги текширув усули амалиётда қўлланилмайди.

Ошқозон-ичак тракти маълум қисмининг ритмини белгиловчи биопотенциалларни аниқлаш мақсадида яssi чизиқли фильтрация (0,02-0,03 Гц) қўлланилади. Яssi чизиқли филтрларни қўллаш билан қўл-оёқлардаги биопотенциаллар тармоқларидан олинган ёзувлар ошқозон ва ичакнинг турли қисмларидан келувчи потенциалларнинг ўзгариши характеристини кузатиш мумкин. В.Г.Ребров томонидан бу ритмларни қайд қилиш ва ажратиш учун маҳсус восита ЭГС-4М асосида ЭВМ да спектрал тахлилларни кўрсатувчи ошқозон-ичак трактининг турли қисмлари фаолиятини рўйхатга олишда ишлатилади. Бунда доимий ток режимида 0-1 Гц чизиқларни юқори сезувчан кучайтиргичлар ёрдамида бошқа аъзоларнинг юқори частотали

потенциаллари электрограммаларига келувчи түлқинларни чеклаш ва түлқинни миқдорий түғрилаш ўтказилади.

Ошқозон ва ичакнинг турли қисмларининг секин электрик фаоллигини характерловчи 5 типдаги доминантли биоритмлар фарқланади: ингичка ичакнинг проксимал қисми - 0,2 Гц, ингичка ичакнинг дистал қисми - 0,1 Гц, ошқозон - 0,05 Гц ва йўғон ичак - 0,017 Гц.

Электроэнтерографияни клиника амалиётида қўллаш ошқозон - ичакнинг турли қисм касалликларида ва ўткир жарроҳлик патологияларида мотор фаоллигини баҳолашда ёрдам беради.

Кўплаб қулайликларга қарамай, бемор учун даволаш чоратадбирларининг таъсири ва патологик жараённинг динамикасини кузатиш муҳим, яна шуни эсда тутиш керакки, бу усуслар ёрдамида олинган маълумотлар патологик жараён характеристири ва жойлашуви тўғрисида тўлиқ маълумот беролмайди.

Периферик полиэлектрография натижалари интеграл характеристика эга бўлса-да, ошқозон-ичак тракти турли қисмларидаги локал ўзгаришлар ҳақида маълумот беролмайди, бу усуслини ошқозон ва ичакнинг функционал бузилишлари характеристири ва даражаси ҳақида маълумот беришда, кўмак берувчи рентгенологик усул билан бирга олиб бориш зарур.

3. Фонография

Фонография асосида ҳазм трактининг пропульсив фаоллигини адекват кўрсатувчи ичак шовқинларининг интенсивлигини баҳолаш ва рўйхатга олиш ётади.

Усулнинг камчилиги патологик жараённинг жойлашуви эмас, балки пропульсив функция холати ҳақида тўлиқ маълумот беради.

4. Радиотелеметрия

В.В.Парин (1959) томонидан транзистор, кимирловчи контур ва батарейкадан иборат радиоизотоп кашф этилган. Аппарат инсон ички муҳити комплекс параметрлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва рўйхатга олиш хусусиятига эга. Бемор томонидан ютиладиган радиоизотоп ошқозон-ичак

тракти бўшлиғидаги рН, ҳарорат ва босим тўғрисида маълумот узатади. Унинг ёрдамида ичакда перисталтик қисқаришлар кучи ва тонуси холатини ўлчаш, ичак бўйлаб пассаж тезлигини аниқлаш мумкин. Олинган маълумотлар имкониятларига қарамай, бу усул айрим сабабларга кўра тушунарсиз ҳисобланади ва клиник амалиётда кенг қўлланилмайди.

5. Бўялувчи белгиларни қўллашга асосланган усуллар

Ҳазм тракти бўйлаб ичак массасининг пассажи тезлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлишда нонуштага қўшиладиган белгилар (маркерлар) қўлланилади. Маркерлар сифатида кўпроқ карболен ёки кармин 0,5 г дозада ишлатилади. Нормада 24-48 соатдан сўнг ахлат қизил (карминли) ёки қора (кўмир) рангда бўлади. Эвакуатор функцияning холатига қараб ахлатнинг бўялган порцияларини пайдо бўлиш вақти қисқаради ёки узунлашади.

Транзит тезлигини ўлчаш учун бундан ташқари, ^{99m}Tc нишонланган нонушта, ундан кейин сканерлаш қўлланилади.

А.Рогозин (1990) томонидан рентгеноконтраст маркерларни (капсулалар) қўллаш билан ичак эвакуатор функциясини текшириш таклиф этилган. Диаметри 3-3,5 мм ли капсулалар тиббий пластмассадан тайёрланади ва барий сулфат билан тўлдирилади, овқат химуси нисбий зичлигига яқин $1,2 \text{ г}/\text{см}^3$ зичликка эга бўлади.

Методикаси: Бемор 50-60 та синама капсулаларни нонушта билан қабул қиласи. 24 соатдан сўнг қорин бўшлиғи рентгенографияси ўтказилади. 48 ва 72 соатда керак бўлса қайта рентгенография ўтказилади. Рентгенограммаларда ичакнинг турли қисмларида жойлашган капсулалар саналади. Нормада 24 соатдан сўнг йўғон ичакда 10-15% капсула қолади.

Қабзиятларда 24-48 соатдан сўнг бутун йўғон ичак бўйлаб қисман текис бўлиб капсулалар жойлашади. Колостазда 70-80% капсулалар ўнг ёки чап йўғон ичак қисмида тўпланади.

Шундай қилиб, бу усул йўғон ичакнинг мотор-эвакуатор фаолиятининг функционал холатини объектив баҳолаш имконини беради.

6. Йўғон ичакнинг мотор фаолиятини радионуклидли текшириш

Йўғон ичак мотор фаолиятини текшириш учун РФ колопроктология Давлат илмий текшириш марказида (ГНЦК) МЗ РФ энтероколосцинтиграфия ва сцинтидефекография қўллаш йўлга қўйилган. Энтероколосцинтиграфия ёнбош ва чамбар ичаклар бўйлаб ичак массаси транзитини аниқлашда, сцинтидефекография эса тўғри ичакнинг эвакуатор функциясини текширишда қўлланилади.

Бу усулларни комплекс қўллаш йўғон ичакнинг мотор функцияси бузилишларини З гурухга бўлишга имкон яратади.

1. Сцинтидефекографияда чамбар ичак бўйлаб нормал транзит аниқланган тўғри ичак эвакуатор функциясининг проктоген бузилишлари.

2. Тўғри ичак нормал эвакуатор функциясида чамбар ичак бўйлаб транзитнинг кологен бузилишлари.

3. Аралаш бузилишлар.

Нормада эвакуациянинг умумий вақти $13,6 \pm 1,07$ с, ярим чиқиш вақти $6,8 \pm 0,58$ с, қолдиқ ҳажм катталиги - $5,1 \pm 0,9\%$ ни ташкил қиласиди. Бу кўрсаткичларнинг ортиши, тўғри ичак эвакуатор функциясининг бузилишидан дарак беради.

Энтероколосцинтиграфия сўрилмайдиган радиофармацевтик препарат тутувчи оддий овқатнинг ўтишини белгиловчи динамик эгри чизиқларнинг пайдо бўлишига асосланган.

Энтероколосцинтиграфия натижаларининг қиёсий тахлили йўғон ичак бўйлаб ичак массаси транзити секинлашувининг З даражага ажратади. Интервалларнинг ўртача 2-4 марта ортиши транзит секинлашувининг енгил даражаси, бу диетага осон коррекцияланади. 5-6 марта катталашуви ўрта даражасини, ёки мотор бузилишларнинг субкомпенсациясини билдиради. Кўрсаткичнинг 6 ва ундан ортиши мотор функциясини бузилишини декомпенсацияси белгиси ҳисобланади, бунда консерватив даво самарасиз ҳисобланади.

И.Н.Кабанова (1997) томонидан чамбар ичак бўйлаб ичак массаси транзити бузилишларининг 3 варианти бўлинган.

1- тип: чамбар ичакнинг дистал қисмнинг қисқариши проксимал қисми бўйлаб секинлашуви билан;

2- тип: йўғон ичакнинг 2 ва ундан ортиқ аралаш сегментларида транзит секинлашувининг енгил ва ўрта оғир даражаси;

3- тип: ичакнинг бир ёки бир қанча сегментларида транзитнинг секинлашуви ёки «стаз».


Энтероколосцинтиграмма 1- типи йўғон ичакнинг яллиғланиш касалликлари, дивертикулёз ва қўзғалган ичак синдромига тегишли.

Бузилишнинг 2- типи функционал қабзиятлар учун, 3- типи сурункали йўғон ичак колостази учун хос.

3.7. Рентгенологик текширув

Рентгенологик текширув кенг тарқалган текширув усули ҳисобланади. Бунда олдинига обзор рентген текшируви ўтказилади. Бу турдаги текширувда ичаклар холатига, ичак таркибига эътибор бериш керак.

Ичак бўшлиғидаги газ ва суюқликни аниқлаш мақсадида қорин бўшлиғи аъзолари рентгенография қилинади (расм 3.1.).




Расм 3.1. Обзор рентгеноскопик текширув. Ўткир ичак тутилишида ичак бўшлиғида кўплаб Клойбер косачалари кўриниб турибди.

Вақтида ва мақсадга йўналтирилган рентгенологик текширув ўтказиши мақсадида рентгенологик текширув босқичма-босқич амалга оширилади. Биринчи бўлиб кўкрак қафаси аъзолари, кейин қорин бўлим аъзолари текширилади.

Кўрсатма бўлган холатларда bemorlarغا контрастли рентген текшируви ўтказилади. Бунда bemorlarга ичиш учун барий сульфат эритмаси 1000-1500 мл мидорда берилади ва контраст моддани ҳазм тракти давомида эвакуацияси кузатилади. Бу усул орқали ичак матор эвакуатор холати ўрганилади.

Аномалиялар ва ривожланиш нуқсонлари

Ичак атрезияси, туғма торайишлар ёки кенгайишлар, калталашуви ва узунлашиши ҳамда иккиланиши фарқланади. Йўғон ичакнинг иккиланиши тўлиқ ёки қисман, бир ёки икки орқа чиқарув тешикли бўлиши мумкин. Иккиланиш ирригоскопия ёрдамида аниқланади (Расм 3.2.). Янги туғилган чақалоқларда кузатиладиган йўғон ичакнинг бундай бузилишлари ва фиксациялари педиатрлар амалиётида ҳам кузатилади. Гастроэнтеролог амалиётида кўпроқ чамбар ичакнинг туғма кенгайиши (мегаколон) ва узайиши (долихоколон), дивертикуллар ва атипик жойлашуви кузатилади. Мегаколон исботи бўлиб ичакнинг бир ёки бир нечта сегментларининг ёки бутун ичакнинг кенгайиши ҳисобланади (Гиршпрунг касаллиги). Патологиянинг бундай кўриниши натрий хлориднинг изотоник эритмаси билан контраст хуқна ёрдамида аниқланади. Ичакнинг торайган соҳаси тўғри ичакдан бироз юқорида жойлашади. Четлари текис бўлади.



Расм 3.2. Ирригоскопик текширув жараёни.

Түғма дивертикуллар йўғон ичакнинг ҳар қандай қисми, тўғри ичакдан мустасно холда, бевосита чап ярми деворининг юмалоқ якка ёки кўплаб шишини кўрсатади. Кўпроқ улар чарви бириккан томонда жойлашади, бу томирлар кирган жойларда мушак қаватининг түғма носозлиги билан боғлиқ. Дивертикуллар хукна ёрдамида контрастлашда, ҳамда барий эритмаси ичилгандан сўнг 24 соат ўтгач ичак кўрилганда аниқланади.

Йўғон ичакнинг атипик жойлашуви одатда чарвининг ривожланиш нуқсонлари билан боғлиқ (*mesenterium ileocolicum commune*). Бундай холларда оч ва ёнбош ичак тутқичлари ўнгда, йўғон ичак эса қорин бўшлигининг чап томонида жойлашади.

Харакатчан кўричак (*coecum mobile*) нинг ва юқорига кўтарилиувчи чамбар ичакнинг фиксацияси бузилишига тегишилидир. Ноодатий харакатчан кўричак рентгенопалпацияда яхшироқ аниқланади. Клиник симптоматика ўнг ёнбош соҳада оғриқлар билан характерланади.

Хилайдити синдроми йўғон ичакнинг топографик аномалиясидир (кам холларда ингичка ичакда ҳам): чамбар ичакнинг ўнгга букилиши диафрагма ва жигар орасида жойлашади; клиник кундузи кучавчи ва кечаси сусаювчи

қориннинг юқори қисмидаги ноаниқ оғриқлар, қорин шиши ва қабзият билан кечади.

Функционал бузилишлар

Йўғон ичак мотор функциясининг бузилишини аниқлаш учун ичишга барий сулфат берилгандан сўнг 24, 48 ва 72 соат ўтгач, қўриш усули ўтказилади. Ичакнинг контраст билан тўлишиш ва ундан бўшашиб хусусиятига, пассаж давомийлигига, гаустрлар катталигига, ичак бўшлиғидаги спастик майдонларга, газлар ва суюқликнинг мавжудлигига эътибор берилади.

Бу усулнинг 2 та камчилиги мавжуд. Биринчидан, ирригоскопиядан фарқли унинг ёрдамида йўғон ичакнинг органик заарланишлари, биринчи навбатда ўсмалардан фарқлаш мумкин эмас. Иккинчидан, барий эритмаси ошқозон-ичак тракти учун физиологик ҳисобланмайди, шунинг учун текшириш жараёнида кузатиладиган тонус ва перисталтиканинг ўзгариши нафақат функционал бузилишлар, балки ичак бўшлиғига тушган контраст моддага бўлган реакция ҳисобланади. Бундан ташқари, функционал қабзиятларда одатда бутун ичакнинг ёки унинг сегментлари мотор функциясининг пасайиши ва тонусининг ортиши ёки камайиши кузатилади. Қабзиятнинг спастик шаклида барийнинг секин пассажи ичакнинг у ёки бу қисмини торайиши ва тонусининг ортиши билан, ҳамда чуқур сегментланувчи гаустрация ҳисобига бўлиши мумкин. Қабзиятнинг атоник шакли ичак тонусининг камайиши, гаустрация бўшлиғи ва юзасининг кенгайиши билан характерланади.

Барий эритмаси қабзиятларда ичакда ушланиб қолади. 72 ва ундан ортиқ вақтдагача аниқланади. Барийнинг ушланиб қолиши сигмасимон ичакда унинг узайиши билан боғлиқ холда кузатилади. Ҳар бир колостаз холатида ўсма, битишмалар ёки яллигланиш жараёни натижасида чандиқли ўзгаришларда ичак торайишини инкор этиш керак.

Йўғон ичак структур ўзгаришлари билан намоён бўлувчи касалликлар.

Йўғон ичакнинг структур ўзгаришлари диагностикаси учун барий эритмаси билан ретрографад тўлдириш усули (ирригоскопия), икки марта контрастлаш мақсадида ичак бўшатилгач, ҳаво юборилиб, ичак релефини ўрганиш қўлланилади. Бир вақтнинг ўзида йўғон ичакни ва ёнбош ичакнинг дистал қисмини контраст модда билан тўлдириш зарур. Рельефнинг патологик ўзгариши кўринишини, йўғон ичакни медикаментоз бўшаштириш ёрдамида эришиш мумкин.


Ирригоскопия колоноскопия билан бирга ҳозирги вақтгача йўғон ичакнинг ўсмалари, Крон касаллиги, ярали колит, ичак сили ва бошқа касалликлари ташхисотида асосий усул бўлиб қолмоқда. Рентгенологик усулнинг бошқа қулайликлари тўғрисида айrim нозологик шаклларга багишлиган бўлимларда келтирилган.

Компьютер ёрдамида рентгенологик текширув.

Кўрсатма бўлган холатларда ингичка ва йўғон ичак касалликларини компьютер ёрдамида рентгенологик текширувдан ўtkазилади. Бу усулдаги текширув маҳсус «Рентген тасвирини олиш» дастури ёрдамида амалга оширилади (Патент №6085. 16.08.1999 й).

Бунинг учун bemорга 100-150 мл барий сульфат эритмаси ичиш учун берилади. 15-20 диқиқдан сўнг текширув бошланади.

Текширув ўтказиш учун, маҳсус дастур ўрнатилган компьютердан чиқкан ўтказгич рентген аппарати «Видеоконига» уланади. «Рентген тасвирини олиш» дастури ишга туширилгандан сўнг рентген аппарати монитори билан бир вақтда компьютер мониторида рентген тасвири кўринади (расм 3.3.).



Расм 3.3. Рентген аппарати монитори билан бир вақтда компьютер мониторида рентген тасвирининг кўриниши.

Бу усулдаги текширув натижалари компьютер хотирасига «avi» форматдаги видеотасвир кўринишида автоматик тарзда сақланади.

Компьютер хотирасидаги рентген тасвирини керакли вақтда пухта ўрганиш, қайтариб, секинлаштириб, кичиклаштириб ва катталаштириб кўриш имконияти бўлади. Олинган маълумотларни принтер орқали чиқариш, интернет орқали жўнатиш, керак бўлса CD дискга ёзиш мумкин.

Рентгенографик маълумотларни дигитайзер REGIUS MODEL 210 аппарати ёрдамида ўқиш.

Дигитайзер REGIUS MODEL 210 аппарати ёрдамида барча турдаги bemорларга ташхис қўйишида рентген, ультратовуш текшируви ва эндоскопик текширув натижаларини REGIS кассета ичидаги тасвиirlарини ўқиш, компьютерга ўtkазиш вазифасини бажаради (расм 3.4.).



Расм 3.4. Дигитайзер REGIUS MODEL 210 аппарати.

Компьютер хотирасидаги рентген тасвирни керакли вақтда пухта ўрганиш, кичиклаштириб ва катталаштириб кўриш имконияти бўлади. Олинган маълумотларни принтер орқали чиқариш, интернет орқали жўнатиш, керак бўлса CD дискга ёзиш мумкин (расм 3.5.).



Расм 3.5. Дигитайзер REGIUS MODEL 210 аппарати ёрдамида компьютер хотирасига ўtkазилган ва оддий қоғозга принтер орқали чиқарилган рентген маълумоти.

3.8. Компьютер томографияси.

КТ қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари ташҳисотида кенг қўлланилади.

КТ принципи - bemor танаси бўйлаб ўтувчи рентген нурларининг кучсиз, қисқа коллимирланган тутамларини рўйхатга олишга асосланган. Олинган ракамли маълумот ЭВМ да махсус алгоритм бўйича қайта ишланади. Натижада монитор экранидаги кўндаланг кесим тасвири кўринишида намоён бўлади. Детекторларнинг юқори сезувчанлиги бир вақтнинг ўзида структураларнинг зичлиги бўйича турли тасвирлар олиш ва тўқималарни кичик зичликдаги тўқималар билан қиёслаш имконини беради.

КТ қўйидаги ичак касалликлари ташҳисотида фойдали бўлиши мумкин.

1) Ичакка аралашувчи ва шикастловчи аъзо ва тўқималарни аниқлаш ва характеристикиси (ўсмалар ҳам) учун;

2) Ошқозон-ичак тракти ўсмалари локализациясига аниқлик киритиш учун;

3) Ичакка таъсир қилувчи яллиғланиш жараёнларини баҳолаш учун.

КТ назорати остида қорин бўшлиғидаги патологик хосилаларнинг биопсияси ўтказиш мумкин. Унинг ёрдамида қорин орти клечатканинг яллиғланиш инфильтратлари ва абсцесслари, аъздан ташқари қоринпарда орти ўсмалари ташҳисоти учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлди.

3.9. Магнит-резонанс томография

МРТ ички аъзолар касалликларида ноинвазив ташҳисот усуслардан етакчиси ҳисобланади.

Унинг асосида кимёвий моддаларнинг айрим ядролари магнит таркиби ётади. Магнит майдонидаги ядро унга нисбатан параллел тўғриланади ва энергия ютади, ўтаётганда эса бирламчи холати уни нурлаштириш ҳисобланади. Маълумот олиш учун қулай шароит доимий магнит майдонини яратиш ва унинг радиодатчиклари учун қатъий зўриқишиш бўлиши керак.

Тиббиётда инсон организми учун умуман хавфсиз бўлган параметрлардаги магнит майдонлари қўлланилади. Магнит майдони

зўриқишига кўра МРТ ўта паст майдонли, паст майдонли, ўрта майдонли, юқори майдонли ва ўта юқори майдонлиларга бўлинади.

МРТ нинг асосий хусусияти организм тўқималарини хеч қандай маҳсус контраст моддаларисиз қиёслаш имконини яратиш ҳисобланади.

МРТ нинг бу хусусиятлари ичак ўスマлари бор беморларни текширишда қимматли ҳисобланади. МРТ ўスマларнинг ўлчамлари, унинг локализацияси ва ўсма жараёнининг қўшни аъзо ва тўқималарга таъсир қилиши, регионар лимфатик тугунларга рак метастазлари ва алоҳидаланган метастазларни аниқлаш имконини беради. Ташибдан кейинги даврда МРТ ичак анастомози соҳасида яллиғланиш инфильтратлари ва абсцессларини ўз вақтида аниқлашда кўмак беради.

3.10. Ультратовушли текшириш.

УТТ паренхиматоз аъзолар касалликлари ташхисотида кенг қўлланилади. Охирги йилларда ковак аъзолар, шу жумладан, ичак касалликлари ташхисоти учун УТТ имкониятлари ўрганилмоқда.

Ультратовуш қўллаш билан олинган маълумотлар турли акустик қаршиликлар билан бўшлиқларда товушнинг пайдо бўлиши ва унинг тўқималардан ўтишига асосланган. Пезокристалл тутувчи эхозонда электрик тўлқинлар организмга чукур тарқалувчи ультратовушли тўлқинларга айланади. Пайдо бўлган тўлқинлар эхозонд билан ушланади, электрик тўлқинларга айланади ва дисплейга узатилади. Дисплей экранида ўрганилаётган объектдан текширувчи томонидан бўшлиқлардан кесмалар тасвири пайдо бўлади. Бу тасвирлар инсон танаси ўқига нисбатан: кўндаланг, бўйлама ва қийшиқ фарқланади.

УТТ ингичка ва йўғон ичак ўスマлари, ичак сили ва дивертикулёзи, Крон касаллиги, ярали колит, ўткир аппендицит, ичак инвагинацияси ва механик ичак тутилиш скрининг диагностикасида катта аҳамиятга эга.

Аниқ қўйилган ташхисда УТТ ичак девори холатини ўрганишда ёрдам беради. УТТ да кам холларда ичакнинг ўзгармаган деворлари аниқланади.

Кесмада ўзгармаган ичақда, ичак деворида ҳалқа ёки чамбар шаклидаги қисқа периферик соҳа ва ичак массаси ҳамда шиллик қават бурмаларини кўрсатувчи кенг марказий қисм фарқланади. Ультратовушли тасвирда ингичка ва йўғон ичакнинг деворлари қалинлиги уларда патологик ўзгаришлар бўлмаганда, турли муаллифлар бўйича 2-6 мм ни ташкил қиласди. Ингичка ичак бўшлигининг максимал диаметри 40 мм, йўғон ичак эса 60 мм дан ошмайди. Шиш, фиброз, қон қуилиш, ўсмалар ва қўшни аъзоларга патологик жараёнларнинг ўтиши натижасида юзага келувчи ичак деворининг қалинлашувида юқоридаги пропорциялар бузилади. Периферик ҳалқа маълум масофагача кенгаяди, марказий қисм эса нисбатан каттароқ бўлади. Бу адабий “нишон”, “буқа кўзи” ёки “заарланган ковак аъзо симптоми” деб номланади.

3.11. Колоноскопия

Чамбар ичакнинг охирги қисмлари, умуман барча қисмларини кўришга уринишлар қадимдан маълум. Бунинг учун аввал турли ойналар, қадимий гравюралар ва ўрта асрнинг паритет ихтиrolари L.Heister (1740), N.Bidloo (1710) ни мисол қилиш мумкин. Асбобларни мустаҳкамлаш мақсадида, электрик ёритиш имкони пайдо бўлиши натижасида амалиётга ректоскопия киритилди. Россияда биринчи ректоскоп С.П.Федоров томонидан 1897 й. ихтиро этилган. кейинчалик дағал асбоблар бутун тўғри ичак ва сигмасимон чамбар ичакнинг дистал қисмини кўриш имконини берди. Улар чамбар ичакнинг турли қисмларини кўришда ҳам қўлланила бошланди (жарроҳлик амалиёти давомида). Клиник амалиётига эгилувчан толали оптиканинг кири-тилиши чамбар ичак касалликларини ташхислашда ёрдам берди. Аста-секин чамбар ичакнинг бутун қисмлари, кўриш учун қулай бўлиб қолди. Чамбар ичак касалликлари, ўсмалар шулар жумласидан, ташхислашнинг замонавий шароитида колоноскопия кўлланилиши зарур бўлмоқда. R.Turell томонидан 1963 й. рентгенологик усул билан ташхисланмайдиган чамбар ичакдаги ўзгаришларни колоноскопия ёрдамида аниқлашнинг самарадорлиги ҳақида би-

ринчи мақола ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. "Olimpus", "Machida" (Япония); "Karl Storz", "Richard Wolf" (Германия) каби фирмалар томонидан колоноскопларнинг турли моделларини ишлаб чиқарилиши ҳамон ўсишда давом этмоқда. Полиплар ва чамбар ичакнинг бошқа яхши сифатли ўсмаларини колоноскопия ёрдамида ташхислаш натижасида олинган малакалар, нафақат юқори самара кўрсатибгина қолмай, балки рентгенологик ва эндоскопик усулларга кўшимча бўлиши зарур. Рентгенологларнинг замонавий, юқори малакали вакиллари чамбар ичак ўсмалари рентгенологик ташхисотида мураккаб холатларни хал қилишда биринчи ўринда колоноскопияни тавсия этидилар.

Клиник ва рентгенологик текширувларга асосланиб, ёки тахмин қилиниб аниқланган полиплар ва чамбар ичакнинг бошқа яхши сифатли ўсмалари колоноскопия учун кўрсатма ҳисобланади. Асосий диққат беморни текширувга тайёрлашни талаб қиласи. Унинг асосий вазифаси – чамбар ичакнинг ундаги массалардан тозалашдир. Ичакни тайёрлашда умумқабул қилинган усул - бир кун олдин кечаси 30-40 г кастро мойини ичиш тавсия этилади. Сўнгра кечасига иккита тозалов хуқналари (1-1,5 л иссиқ сув) ўтказилади. Текширув куни эрталаб яна иккита тозалов хуқналари, охиргиси текширудан 1 соат олдин ўтказилади. Қабзиятга мойил беморлар узоқ муддат тайёрланиши керак: 2-3 кун давомида сурги, шлаксиз диета, хуқналар тавсия этилади.

Колоноскопия - bemor учун мураккаб ва машаккатли текширувлардан ҳисобланади. Кўпинча ичак девори таранглашиши ва тутқичларининг ҳаво билан инсуфляцияланиши натижасида қоринда интенсив оғриқлар юзага келади. Нохуш хислар яна колоноскопия вақтида техник қийинчиликлар туғилганда ҳам пайдо бўлади (букилмалар, деформациялар ва ичак спазми бўлган холатларда). Буларнинг барчаси текширувгача 30-40 минут олдин промедикация кўринишида медикаментоз тайёргарликни талаб қиласи.


Колоноскопия – катта ҳажмли текширув бўлиб, ўтказиш вақтида колоноскоп билан мураккаб манипуляциялар ўтказиш, bemor ва стол холатини ўз-

гартириш, қоринни пайпаслаш талаб қиласди. Колоноскопия ўтказишдан олдин орқа чиқарувни кўриш ва тўғри ичакни бармоқ билан текшириш шарт. Шундан сўнг анал тешик махсус кенгайтиргич билан кенгайтирилади ва аппарат тўғри ичакнинг ампуласига киритилади. Сўнгра ичакни ҳаво билан инсуфляциялаш ўтказилади ва шифокор бошланғич мўлжалга қараб, колоноскопни киритишда давом этади. Аппаратни ҳаракатлантириш, ҳамиша ҳаво билан тўлган ичак бўшлиғига йўналган бўлиши керак. Колоноскоп киритишда қийинчиликлар чамбар ичакнинг топографик-анатомик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунинг учун колоноскоп йўналишини, беморнинг столдаги холатини ўзгартириш, биринчи ўринда доимий ичак бўшлиғини кўриш талаб қилинади.

1967 - йилда биринчи марта бутун йўғон ичакни ва ёнбош ичакнинг терминал қисмини эндоскопик визуализацияси ўтказилди. 30 йилдан кейин бу усулни ўтказиш қайта ишланди ва кўп холларда йўғон ичакнинг бутун қисмларини кўришга имкон яратди (Расм 3.6.).

Беморни текширувга тайёрлаш 3 кун давомида шлаксиз диета тавсия этиш билан характерланади. Колоноскопияга 1 кун қолганда, bemor сурги дорилар қабул қиласди, кўришдан 12 ва 24 соат олдин 3-4 марта тозалов хуқналари ўтказилади. Колоноскопия ўзининг техник ўтказилишига кўра, эндоскопик текширувнинг мураккаб усули ҳисобланади.

Колоноскопни йўғон ичак бўйлаб ўтказиш, баъзан оғриқ билан кечади. Оғриқ сабаби ичак бўшлиғини кенгайтириш учун киритилган колоноскоп ва ҳавонинг ичакни таранглаштириши бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тажрибалар шуни кўрсатадики, колоноскопия аввало оғриқсизлантириш билан бошланиши керак. Оғриқ қолдирувчи ва спазмолитиклар оғриқ реакцияси ортганда ёки ўта спазмга учраган ичакка колоноскоп киритиш вақтида парентерал юбориш мақсадга мувофиқ.



Расм 3.6. Колоноскопик текширув.

Колоноскопик текширув, беморни чап ёнбошга ётиб тизза ва сон-чаноқ бўғимлари букилган холда ўтказилади. Вазелин билан юпқа суртилган колоноскопнинг дистал қисми тўғри ичакка бевосита ёки анал кенгайтиргич ёрдамида киритилади. Бу вактда дистал қисм фиксацияланмайди ва тўғри ичакка эркин ўтади. Агар ичак бўшлиғи кўрув майдонида кўринмай қолса, колоноскопни орқага бўшлиқ пайдо бўлгунча тортиш ва яна ичак йўли бўйича харакатлантириш керак. Сигмасимон чамбар ичакка кириш (орқа чиқарувдан 14-16 см) аппарат дистал охири билан олиб борилади. Сигмасимон ичакка киришни аниқлаб (кам холларда инсуффляция қўллаш билан ўтказиш зарур), дистал қисми охири фиксацияланади (расм 3.7.).

Сигмасимон чамбар ичакка аппарат киритилгандан сўнг фиброскопга (орқага) йўналган қайта манипуляция ўтказиш зарур. Гофрасимон найчалар кўринишидаги тўпланган сигмасимон чамбар ичак бироз бўшашади ва bemorda пастга тушувчи чамбар ичак бўйлаб аппарат киритишда оғриқ чақирмайди. Чамбар ичакнинг пастга тушувчи қисми учбурчак бўшлиқ кўринишида, чап букилма – ичакнинг катта эгрилиги бўйлаб йирик кўкимтири доғ кўринишида (талоқнинг қуийи сатҳи сояси) осон аниқланади. Беморни белига ётқизганда аппаратни бу букилмадан ўтказиш осонроқ. Кўндаланг чамбар ичак ҳам кенг бўшлиқка эга, шаклига кўра учбурчакка яқин. Кичик

чаноққа кучли аралашган холларда қайта киритиш ва орқага қайтувчи йўллар билан ичакни жгутга киритиш зарур. Ўнг букилма ҳам бурчак гумбазида жойлашган тўқ “жигар” доғ кўринишидаги аниқ мўлжалга эга.



Расм 3.7. Колоноскопик текширув жараёни.

Ўнг букилмага етиб бориш ва кўричакни кўриш, одатда амалий кўникуммага эга бўлишга нисбатан хеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Илеоцекал канал лабсимон бурма кўриниши бўлиб, шакли ва ўлчами йўғон ичакнинг ўнг қисмидаги ҳаво миқдорига боғлиқ. Ҳавони йўқотиш чорасига кўра, клапан жгутни осон ўтказадиган йўғон деворлар ва кенг бўшлиққа эга икки тавақали бурма кўринишини олади. Ёнбош ичакнинг терминал қисми одатда 5 дан 25-30 см масофадан кўрилади.

Соғлом одамларда йўғон ичак шиллик қавати колоноскопда кўрилганда, интенсив ёруғланишга қараб оқарган рангда бўлади. Шиллик қават ва шиллик ости асосида майда қон томирлар яхши кўринади. Деворлар тиниқ шиллик билан юпқа қопланган бўлиб, ялтироқ кўринади. Циркуляр бурмалар юқорида, гаустрлар чуқур кўринади. Бурмаларнинг ўлчами ва шакли циркуляр мушакларнинг тонусига боғлиқ. Физиологик сфинктерлар жойлашган соҳада тонус жуда юқори, ўтказилаётган текширишга бўлган ичак реакциясига боғлиқ, ичак функцияси бузилганда давомий спастик

қисқаришлар кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, йўғон ичак қўзгалган беморларда мотор функциясининг бузилиши хос. Ичакнинг бутун масофаси бўйлаб ичак тутқичи бирикадиган соҳада тасма ва қирғоқни кўриш мумкин. Кўричақда тасма гумбазга яқинлашган сари марказга яқинлашади. Бу жойда одатда чувалчангсимон ўсимтага кириш соҳасини кўриши мумкин. Нормада даврий равишда очилувчи ва ёпилувчи $0,5 \times 1$ см ли овал тешикни хосил килади.

Ёнбош ичакнинг терминал қисми қизғиши рангда, бархатсимон кўринишида, кўриш вақтида осон тўғриланувчи кам циркуляр бурмалар кўринишида бўлади. Деворлари эластик, даврий перисталтик тўлқинлар кузатилади. Кўпгина bemорларда ичак деворлари релефи шиллиқ ости лимфоид фолликулардан хосил бўлган 0,2 дан 0,5 см гача ўлчамдаги ярим шарсимон хосилалар ҳисобига нотекис кўринади.

Тугунли лимфоид гиперплазиянинг айrim элементлари деярли соғлом одамларда кузатилади, аммо ичак инфекцион касалликлари ёки илгари иерсиниоз ёки бошқа инфекция ўтказган bemорларда кузатилиши мумкин. Айниқса тугунли лимфоид гиперплазия кўпроқ УВГГ бор bemорларда учрайди.

3.12. Виртуал колоноскопия.

Виртуал колоноскопия – бу компьютер томографиянинг алоҳида бир тури бўлиб, йўғон ичакни текширишга мўлжалланган. Оддий колоноскопия (виртуал ҳисобланмайди) – бу эндоскопик текшириш усули ҳисобланаб, унда эндоскоп ичак ичига киргизилади.

Виртуал колоноскопияга асосий қўрсатма – бу йўғон ичак полипи ва бошқа ўсма касалликларининг скрининги (излаш) ҳисобланади.

Скринингли виртуал колоноскопияни мақсади – полиплар эрта босқичларида, яъни ўсмага айланишидан олдин аниқлаш ҳисобланади.

Кўп мутахассислар колоноскопик текширувни 50 ёшдан юқори барча одамларда 7-10 йилда бир маротаба ўtkазиб туришни таклиф қилишади.

Йўғон ичакни ўсамси пайдо бўлишига мойил одамларда 5 йилда бир маротаба ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўсмага мойил одамларга куйидагилар киради:

- Яқин қариндошларида полип аниқланганлар
- Яқин қариндошларида ўсма аниқланганларда
- Ахлатида қон аниқланганда

Виртуал колоноскопияга тайёрланиши.

Теширудан олдин ичак тўлиқ бўшаган бўлиши керак. Бунинг учун беморлар сурги дориларидан истеъмол қилган бўлиши керак. Текширудан бир кун олдин ва бир неча соат олдин тозалов хуқнасини қилиш.

Текширудан бир кун олдин беморлар диета қилиши шарт. Бунда рациондан қаттиқ ва қўйик овқатларни чеклаш керак, беморлар фақатгина суюқлик (компот, чой, сок) истеъмол қилишлари лозим.

Сурункали юрак, жигар, буйрак касаллиги бор беморлар ва аёллар ўз ҳомиладорлиги хақида виртуал колоноскопия ўтказувчи шифокорни огоҳлантириб қўйишлари керак.

Виртуал колоноскопия қандай ўтказилади?

Компьютер томография рентген нурларини ишлатади. Турли орган ва тўқималар рентген нурларини турли дражада ўтказади.

Одатдаги рентгенологик текшируvida рентген нурлари организм орқали ўтиб тасвири рентген плёнкасига туширади.

Компьютер томографияда – рентген аппарат бемор атрофида спиралсимон айланиб тасвири ҳар хир бурчаклардан олади. Бемор танаси орқали ўтган нурлар датчик орқали ушлаб олинади ва бу тасвирга компьютерда ишлов берилади.

Бемор атрофида бир марта бурилиш, “кесиш” дейилиб, тасвири олиш жараёнини батон нонини қаватма-қават кесишга ўхшайди.

Замонавий компьютер томографияларида текшируv ўтказиш бир неча дақиқа эгаллайди халос. Бундан ташқари замонавий спиралли томографлар

бир нечадан 64 тагача датчикларга эга бўлиб, датчиклар сони ошган сари сканерлашни сифати ошиб боради.

КТ ли колонографияда томограф қорин ва кичик тос бўшлиғи аъзоларини 3Д турида кўриб, томографист шифокор ичак бўшлиғидаги тасвир ўрнини жилдириши мумкин (оддий колоноскопияга ўхшаб), шунинг учун ҳам КТ ли колонографияни кўпинча "виртуал колоноскопия" деб аташади.

Текширув ўтказиш учун bemor КТ күшеткасига ётқизилади ва КТ халқасига киргизилади.

Bemor тўғри ичагига 5 см масофадаги ингичка труба киргизилади. Bu трубка орқали тасвир сифатини ошириш мақсадида ичакка оз миқдорда ҳаво юборилади.

Бундан сўнг сканер ишга туширилади. Текширув жараёни 15 дақиқани эгаллаб, bemorга нафасни бир оз вақтга ушлаб туриш айтилади. Одатда bemor орқаси билан ётқизилади, сўнг bemорни чалқанча ётқизилади.

Bеморлар оғриқ сезмайди, тўғри ичакдаги ҳаво ҳисобига бир оз дискомфорт кузатилиши мумкин.

Тасвирларни изоҳлаш 30 дақиқани эгаллайди (расм 3.8.).



Расм 3.8. Виртуал колоноскопияни текшириш усули

Виртуал колоноскопия афзаллиги.

- Виртуал колоноскопия ноизвазив диагностика усули ҳисобланади.
- Виртуал колоноскопияда йўғон ичакни перфорация қилиб қўйиш хавфи пастроқ, оддий колоноскопияга нисбатан.
- Виртуал колоноскопия оддий колоноскопия ўтказища хавф туғдирувчи bemorлага (қонни ивиши паст бўлган bemorlar, оғир нафас этишмовчилиги).
- Виртуал колоноскопияни оддийсига нисбатан ўтказиш енгил.
- Виртуал колоноскопияда қорин ва кичик тос бўшлиги бошқа аъзоларини ҳам текшириш имконияти бор.

Виртуал колоноскопия камчилиги.

- Ичакни ҳаво билан тўлдириша ичак перфорацияси хавфи бор.
- Виртуал колоноскопияда рентген нурларидан фойдаланилади.

Радиация дозаси тахминан 5 mSv.

- Виртуал колоноскопия ҳомиладорларга мумкин эмас.

Оддий колоноскопияга нисбатан виртуал колоноскопия фақатгина диагностик ҳисобланади. Полиплар аниқланганда оддий колоноскопия ёрдамида полипларни олишга тўғри келади.

3.13. Лапароскопия

Кўплаб текширувчилар фикрича, лапароскопия ичак касалликлари ташҳисотида унча катта аҳамият касб этмайди, чунки ичакнинг деярли кўп қисми катта чарви билан қопланган.

Бундан ташқари, ичак тутилишида кенгайган ичак бурмаларини, сероз қаватининг патологик ўзгаришларини (гемангиомалар, метастазлар) кўриш мумкин. Чувалчангсимон ўсимта ва кўричак яхши қўринади. Ичак тутқичлари тромбозини ва малротация синдромини самарали лапароскопик ташхислаш тўғрисида ҳам маълумот мавжуд.

Охирги йилларда ичак жарроҳлигига лапароскопик усуллар самарали ўрганилмоқда (аппендэктомия, йўғон ичак резекцияси ва х.к.).

4-БОБ ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИ

4.1. УМУМИЙ ҚИСМ

Ўткир ичак тутилиши (ЎИТ) (*ileus* - лат.) – ичак бўйлаб ичак массаси ҳаракатининг тўлиқ ёки қисман бузилиши.

Ўткир ичак тутилиши (аникрофи – ичак сақланмаси) ошқозондан орқа чиқарув йўлигача ичак массаси ҳаракатининг бузилиши билан характерланади. У ўзида аниқ нозологик шакл тутмайди, турли касалликларнинг асорати ҳисобланади: қорин ташқи чурралари, ичак ўсмалари, ўт тош касаллиги ва х.к. Аммо бу холат ривожлангач, интоксикация ва сув-электролит алмаси-нуви бузилишлари билан намоён бўлади, типик клиник белгилар билан ке-чади. Шу билан боғлиқ холда, диагностик ва даво тактикаси ичак тутилиши табиатидай бир хил бўлмайди. Шунинг учун жарроҳлик касалликлари ораси-да бу патология ҳам илмий ва ўқув адабиётларида, ҳам тиббиёт статистика-сида бошқача кўрилади.

Ўткир ичак тутилиши шошилинч абдоминал жарроҳликдаги энг хавфли патологик жараён сифатида қаралади. Ихтисослашган жарроҳлик марказларида аниқланган маълумотлар ва охирги илмий конференциялар ма-териалларидан ЎИТ даги ўлим кўрсаткичи 10-20 йил ичida (турли хил муал-лифларнинг маълумотларига кўра) 4-25% ни ташкил қилади.

ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИ ЭТИОЛОГИЯСИ, ТАРҚАЛИШИ ВА ЧАСТОТАСИ.

Ўткир ичак тутилиши этиологиясига кўра, сабаб бўлувчи ва олиб келувчи омилларга бўлинади.

ЎИТ ривожланиши учун асос хосил қилишда сабаб бўлувчи омилларга қуйидагилар киради:

1. Ошқозон-ичак трактининг патологоанаомик хусусиятлари, ўз навбатида бир қатор гурухларга бўлинади: а) ичак найчаси ривожланишининг туғма нуқсонлари (малротация, ҳазм трактининг дубликатураси, Меккел дивертикули, ёнбош ва кўричакларнинг умумий тутқичи, қорин бўшлигининг турли ёриқлари, чуқурликлари ва х.к.) турли битишмалар, тортишмалар ва чандиқларнинг мавжудлиги, улар натижасида ичак қовузлоқларининг нотўғри жойлашиши юзага келади (буралишлар, айланишлар, босилиб қолиши), ичак найчаси ва тутқичини деформациялади; в) ичак бўшлиғидаги турли хосилалар (ўт ва ахлат тошлари, ёт жисмлар, гижжалар ва х.к.), ичак деворидан (ўсмалар, чандиқлар, гематомалар) ёки қўшни аъзолардан ривожланувчи хосилалар (кисталар, ҳомиладор бачадон ва х.к.); г) туғма характердаги аъзоларнинг ўта ҳаракатчанлиги (узун, саесум mobile ва х.к.), ёки орттирилган, боғловчи аппаратнинг бўшашиши.

2. Алиментар омил: нотўғри овқатланиш (овқатни тартибсиз истеъмол қилиш, овқатни кўп миқдорда ютиш, дағал, кам қайнаган овқатлар ва х.к.); кам овқатланиш - ёғ клечаткасини камайишига, қорин пресси мушак тонусини пасайишига, ҳазм тракти мотор функцияси динамикасини ўзгаришига сабаб бўлади.

3. Жинс. Эркаклар аёлларга нисбатан 1,5-2 баробар кўп оғрийдилар. Ўткир ичак тутилишининг бир тури эркакларда кўп кузатилса, бошқаси аёлларга хос бўлади. Демак, эркакларда буралиб қолишлар ва тугунча хосил бўлиши, камроқ чандиқли шакли кузатилади. Аммо динамик ичак тутилиши эркакларда ҳам, аёлларда ҳам деярли бир хил бўлади.

4. Ёш. ЎИТ деярли барча ёшда кузатилади, аммо кўпроқ 30-60 ёшларда учрайди. Болалик даврида ҳазм тракти ривожланиши нуқсонлари сифатида ичак инвагинацияси ва тутилиши кўпроқ кузатилади. 40 ёшгacha обтурациялар, 40 ёшдан сўнг ва қариларда эса буралиб қолишлар кўп учрайди. Ичакнинг чандиқли тутилиши айни ёшликнинг гуллаган вақтида кузатилади.

5. Мавсумийлик. Айрим олимларнинг кузатишларича, ёз-куз ойларида ичак тутилиши қўпроқ кузатилади, буни бу ойларда овқатланиш характери ўзгариши билан боғлайдилар (кўп миқдорда мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш). А.Е.Норенберг-Чарквиани (1969) текширувларига кўра, ЎИТ билан bemorlar январ ойида 7,7% холатларда, февралда -7,3%, марта -8,6%, апрелда -8,1%, майда -8,2%, июнда -7,9%, июлда -9,2%, августда -9,1%, сентябрда -8,8%, октябрда -8,7%, ноябрда -8,0% ва декабрда 8,4% холатларда кузатилган.

Бу маълумотлар шуни қўрсатадики, ичак тутилиши январ ва февралда камроқ (7,7-7,3%), июл ва августда эса қўпроқ (9,2-9,1%) кузатилади, аммо йилнинг айрим мавсумларида тўлқинлар сезиларли эмаслиги учун, ЎИТ ни мавсумий касалликлар қаторига қўшиб бўлмайди.

Юқорида айтиб утилган барча сабаб бўлувчи омиллар ЎИТ ривожланиши учун етарли эмас. Корин бўшлиғи туғма ва ортирилган дефектларини (битишмалар, тортишмалар, тутқич тешилиши ва х.к.) ташиб юрувчи шахсларнинг ҳаммасида ҳам ичак тутилиши кузатилмайди, бундан ташқари, бевосита касалликни юзага келтирувчи **олиб келувчи омилларни билиш зарур.**

Олиб келувчи омилларга қўйидагилар киради: кескин қорин бўшлиғи босимининг ортиши; ортиқча жисмоний зўриқиши; ҳазм трактини кўп овқат билан зўриктириш; ичак мотор функциясининг ўзгариши, ичак мускулатурасининг чандиқли, спастик ва паралитик холати; турли аниқлаш имконини бермайдиган омиллар.

Тарқалиши. ЎИТ ер юзининг барча миллатларида учрайди, аммо бир текисда тарқалмаган. Маълумки, ичак буралишлари ва тугунча хосил қилиши Шарқий Овропа ва Болқон халқарида қўпроқ, инвагинация эса камроқ учрайди. Ғарбий Овропа ва Шимолий Америкада қўпроқ инвагинация ва камроқ буралиб қолиш кузатилади. Ичак тутилиши турли шакларининг бундай тарқалиши аҳолининг овқатланиш характери, ҳазм тракти тузилишининг айрим хусусиятлари билан тушунтириш мумкин. Ғарбда,

маълумки, овқатлар гўштли, Шарқда эса ўсимликлардан тайёрланади. Балки бошқа сабаблар ҳам мавжудки, касаллик келиб чиқишида ўз таъсирини ўтказади.

Частотаси. Ўткир ичак тутилиши частотаси айрим олимларнинг маълумотларига кўра, 100 000 аҳоли орасида 4-20 марта кузатилади.

Агар жарроҳлик шифохоналарида ичак тутилиши билан беморлар сони кўрилса, касаллик 1,2 дан 3,3% ни, барча даволангандар орасида эса ўртacha 2% ни ташкил қиласди.

Шошилинч жарроҳлик бўлимлари маълумотларига асосланса, у холда касаллик 2,6-3,9% гача ва хатто 11,6-12,1% ортади.

ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИ ТАСНИФИ

Ўткир ичак тутилиши турли сабаблар натижасида юзага келиши мумкин. Шунга боғлиқ холда, касалликнинг турли клиник шакллари кузатилади. Шунинг учун патологик жараённи тўғри баҳолай билиш, тўғри даволаш усулини танлаш муҳимдир, тасниф эса бу масалаларни енгиллаштиради.

Касалликнинг патогенетик моҳиятининг замонавий талабларига жавоб берувчи таснифини тузиш ўта қийин масаладир, чунки ЎИТ ўзининг турлича шаклларига эга. Тасниф асосига маҳаллий белгиларни эмас, балки бутун организмнинг реакциясини: ичак, тутқичнинг нерв-томир аппарати, ўзанли ва адашган нервларнинг бузилишини қўйиш лозим, И.К.Страшнин фикрича (1960), ўткир ичак тутилиши жуда мураккаблиги, механик ва функционал омиллар бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги учун, ҳамиша ҳам уларни қайси бири бирламчи ёки иккиламчи эканлигини баҳолаш амри маҳол. Шунинг учун патологоанатомик асосга қараб хулоса чиқариш керак, чунки тутилишнинг ҳар бир шакли, хатто обтурация ҳам организмдаги нисбий функционал ўзгаришлар билан кечади, «чин» динамик ичак тутилиши эса механикка ўтиб кетиши, агар вақтида бартараф этилмаса, ичакнинг парез холатига ўтиши мумкин.

МЕХАНИК ИЧАК ТУТИЛИШИ

I. Обтурацион ичак тутилиши (тутқич иштирокисиз):

1. Ичак деворига боғланмаган ичак ичи обтурация: а) ўт тошлари, б) ахлат тошлари, в) ёт жисм, г) гижжалар.
2. Ичак деворидан чиққан ичак ичи обтурация: а) ўсмалар, б) чандиқли стенозлар.
3. Ичакдан ташқари обтурация: ичакнинг ўсмалар, кисталар билан босилиши.
4. Ўн икки бармоқли ичак обтурацияси: а) артериомезентериал ичак тутилиши, б) гематома билан обтурацияланиши.
5. Тўғри ичак обтурацияси. Ахлат тошлари.

II. Странгуляцион ичак тутилиши (тутқич иштироки билан):

- 1) Буралиб қолишлар: а) ошқозон буралиб қолиши, б) ингичка ичакнинг буралиб қолиши, в) кўричакнинг буралиб қолиши, г) қўндаланг чамбар ичакнинг буралиб қолиши, д) сигмасимон ичакнинг буралиб қолиши.
- 2) Тугун хосил бўлиши.
- 3) Йўғон ичак ёғ тасмаларининг буралиб қолиши.
- 4) Катта чарвининг буралиб қолиши.

III. Обтурацион ва странгуляцион ичак тутилишининг аралаш гурӯҳи:

- 1) Ривожланиш нуқсони натижасида юзага келган ўтқир ичак тутилиши (катталарда): а) малротация, б) дубликация, в) Меккел дивертикули.
- 2) Инвагинация (катталарда).
- 3) Ичакнинг чандиқли тутилиши. .
- 4) Чурраларнинг ички қисилиши.

ДИНАМИК ИЧАК ТУТИЛИШИ.

- 1) Паралитик ичак тутилиши.
- 2) Спастик ичак тутилиши.

ЎИТ ўрганиш жараёнида бир қатор таснифлар таклиф этилган, қуйида келтирилган тасниф замонавий бўлиб, ичакнинг морфологик хусусияти, клиник кечишини, полиорган етишмовчиликни, организмнинг интоксикацияси ва эндотоксикозини ўз ичига олади.

Жадвал 4.1.

Девор ичи микроциркуляциянинг бузилишининг ривожланиш босқичлари

1 босқич-компенсациялашган бузилишлар	Орқага қайтувчи жараёnlар. Шиллик қават ворсинкаларининг юзаки некрози ва стромасининг шиши
2 босқич-субкомпенсациялашган бузилишлар	Хавфли, аммо девор ичи микроциркуляция бузилишларини тиклашнинг давомийлиги билан орқага қайтариш мумкин (48 соатгача). Мушак қаватигача ўчоқли субтотал некроз.
3 босқич-декомпенсациялашган бузилишлар	Мушак ичи бутунлигининг орқага қайтмас бузилишлари, ичак хаётийлигининг бутунлай йўқолиши, ичак деворининг тотал некрози.

1. Вақтинчалик омилни ҳисобга олган холда илеуснинг клиник кечиш фазалари:

- 1 фаза - «илем чинқириғи» (12-16 соат)
- 2 фаза - интоксикация (12-36 соат)
- 3 фаза - терминал (36 соатдан ортиқ)

2. Ўткир ичак тутилишида патологик жараёnlарининг ривожланиш босқичлари:

- 1 босқич - ичак пассажининг ўткир бузилишлари;
- 2 босқич - ичак девори ичи гемоциркуляциясининг ўткир бузилишлари;
- 3 босқич - перитонит;

Жадвал 4.2.

3. Ингичка ичак ўткир тутилишининг клиник кечиши босқичлари

1. Ичак девор ичи гемоциркуляцияси бузилиши	Клиник жихатдан интенсив, кўпроқ тўлғоқсимон оғриқлар билан характерланади, баъзида кўнгил айниши, қайт қилиш, газ тутилиши кузатилади. Корин
---	---

босқичлари ёки ишемия босқичи (12 соатгача).	шишмаган, перисталтика кучайган. Сувсизланиш белгилари йўқ. Пульс ва ҳарорат ўзгармаган. Рентгенологик – яқуний ташхис қўйиш мақсадида 82% беморларда ингичка ичак бўйлаб барийли эритма пассажини текшириш лозим. Сонографик текширув натижа бермайди. Лаборатор кўрсаткичлар ўзгармаган ёки бироз ўзгарган. Жарроҳлик амалиётида келувчи ичак анчагина ўзгарган: ичак диаметри 3-4 см дан ошмайди, унинг бўшлиғида оз миқдорда суюқлик (500 мл гача) ва газ аниқланади, девори шишган, перисталтика меъёрда, баъзида кучайган. Тутқич томирлари пульсацияси қониқарли.
2. Сув-электролит алмашинуви бузилиши босқичи (12-48 соат).	Беморлар кўп марта қайт қилиш, домий оғриқ сезадилар. Ягона клиник симптом сувсизланиш: тери қуруқлиги ва тургорлигининг пасайиши, бироз тахикардия 140 зарб/дақ, қорин шиши, «ўйин шовқини» кузатилади. Рентгенологик текширувлар ЎИТ синдроми ривожланганлигини кўрсатади (Клойбер косаси, ичак шиллиқ қавати шиши). Сонографияда ичак бўшлиғи ва қорин бўшлиғида суюқлик аниқланади. Лаборатор кўрсаткичлар бироз лейкоцитоз, эритроцитлар, гематокритнинг ортиши, умумий айланувчи кон ҳажмининг 19% га камайишини билдиради. Жарроҳлик амалиёти вақтида келувчи ичак таранглашган, деворлари дуоденал тўсиқ жойигача шишган, шиш тутқичга ҳам ўтиб кетади. Сероз қават остида кўнғир доғ ва чизиқлар – ичак девор ичи томирлари ёрилиши натижасида юзага келган қон қўйилиш белгилари аниқланади. Ичак диаметри 6-8 см га боради. Келувчи қовузложда перистальтика аниқланмайди. Ичак бўшлиғида 1-3 л гача суюқлик тўпланади, ичак ўзида анча миқдорда газ тўплайди. Қорин бўшлиғида 300-800 мл гача сероз, сероз-геморагик ёки қўнғир геморагик экссудат аниқланади. Экссудатнинг аниқланиши деворичи микроциркуляцияси бузилишининг орқага қайтmas жараёнга ўтганлигидан дарак беради.
3. Интоксикация ва перитонит босқичи (48-72 соат).	Типик клиник манзара – турли тарқалишдаги перитонит ва эндотоксикоз белгилари билан характерланиди. Рентгенологик текшируларда типик ичак тутилиши белгилари аниқланади. Сонографияда ичак бўшлиғи ва қорин бўшлиғида анча миқдордаги суюқлик аниқланади. Лаборатор кўрсаткичлар эндотоксикоз ривожланганлигидан дарак беради,

	умумий айланиб юрувчи қон ҳажми 27% гача камаяди. Жарроҳлик амалиёти вактида келувчи ичак қисмида ўзгаришлар аниқланади (2 - босқич учун хос), аммо ягона фарқ фибриноз ёки йирингли суюқликнинг мавжудлиги, турли даражадаги париетал ва висцерал қорин парда гиперемияси ва шишидадир.
4. Полиорган етишмовчилик босқичи (ПОЕ). (72 соатдан ортиқ).	Касалликнинг бир неча кунидан сўнг, бевосита ташрихдан кейинги даврда ривожланади, турли аъзо ва тизимлардаги функционал бузилишлар билан характерланади. ПОЕ белгилари билан айрим bemорларда реанимацион бўлимларда интенсив ташрих олди тайёргарлик ўтказилишига қарамай, гемодинамика нотурғунлиги ҳисобига жарроҳлик амалиётини ўтказиш имкони мавжуд эмас. Инструментал ва лаборатор текширув усуллари турли аъзо ва тизимлардаги заарланишларни, гомеостазнинг критик кўрсаткичларини кўрсатади.
5. Сурункали ичак тутилиши босқичи (реабилитация).	Ичак тутилиши бўйича комплекс даво утказган bemорларда кузатилади. Клиник, рентгенологик, лаборатор текширувлар ташрихдан кейинги даврда барча белгиларни сурункали ичак тутилиши синдромига бирлаштиришга кўрсатма ҳисобланади. 41,1% bemорларда бу хол кузатилган ва гастроэнтеролог, диетолог, эндокринолог назорати остида узок вақт даволанишни талаб қиласди.

Жадвал 4.3.

4. ЎИТ ва перитонит билан bemорларда полиорган етишмовчиликни баҳолаш скрининги.

1. З-тизим ёки аъзоларда функционал ўзгаришларни аниқлаш.
2. Дисфункция даражасини аниқлаш (2,3,4) полиорган етишмовчиликнинг 2 фазасини қўшиш билан яхлитланади:
 - 1 фаза - субкомпенсация (18-27 балл) перитонитнинг моноорган босқичига мос келади;
 - 2 фаза - декомпенсация (29-48 балл) перитонитнинг полиорган босқичига мос келади.

Аъзо дисфункцияси даражаси	Компенсация (2x2=4 балл)	Субкомпенсация (3x3=9)	Декомпенсация (4x4=16)
----------------------------	-----------------------------	---------------------------	---------------------------

1. Юрак-қон томир тизими			
Гипотония	Йўқ	Тўғриланувчи	Тўғриланмайдиган
ЮҚС	110 дан кам	120 дан ортиқ	Бради- ёки тахиаритмия
Ритм бузилиши	Йўқ	Ўтиб кетувчи	
2. Нафас тизими			
Нафас олиш	Спонтан	Спонтан, ЎСВ	ЎСВ
НОЧ	20-30	30-40	-----
3. Жигар			
Билирубин	22-44	44-83	83 ортиқ
Умумий оқсил, г/л	60-65	55-59	55 кам
4. Буйраклар			
Диурез, л/кун.	0,6-1,0	0,3-0,9	0,3 кам
Сийдик зичлиги	1022-1030	1010-1015	1008-1010
Мочевина, ммоль/л	6,5-11	13-20	20-30
Креатинин, ммоль/л	158-176	185-211	466-528
5. Ошқозон-ичак тракти			
Моторика	Сақланган	Парез	Паралич
Ўткир яралар	Йўқ	Бор	бор
Қон кетиш	Йўқ	Йўқ	бор
Ишемик перфо- рациялар	Йўқ	Йўқ	бор
6. МНС			
Хуши	Хиралашган	Сопор	Кома
Баллар йигинди- си	18 дан кам Компенсация	18-27 Субкомпенсация	28-48 Декомпенсация

Жадвал 4.4.

5. ЎИТ да интоксикация фазалари

Симптом ва қўрсат- кичлар	Интоксикация фазалари		
	Компенсация	Декомпенса- ция	Терминал
Касалликнинг даво- мийлиги	12 соатгача	24 соат	48 соатдан ортиқ
Перитонит	-----	Реактив	фиброз
Тахикардия	100 гача	100-120	120 ортиқ
НОЧ	30 гача	30-36	36-40

Хушнинг бузилиши	-----	Бузилган	Прекома, кома
Диурез	Норма	800-950	0-350
Ичак парези	-----	Парез	Турғун парез
Аъзолардаги дистро-фиялар	Функционал белгилар	Яққол намоён бўлган белги-лар	Яққол дистро-фия + +ўчоқли некрозлар
Креатинин, мкмоль/л	110 гача	110-180	180 ортиқ
ЛИИ	6 Бр. гача	6-8 Бр.	8 Бр. ортиқ

Жадвал 4.5.

ЎИТ да эндотоксикоз оғирлик даражаларини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Норма	Эндотоксикоз оғирлик даражалари		
		1	2	3
Систол. АБ	120	110-90	90-70	70 кам
ЮҚС	60	80-100	100-120	120 ортиқ
Юрак индекси	2,8-3,0	2,6-2,4	2,4-2,0	2,0 кам
НОЧ	18	20-26	26-30	30 ортиқ
Диурез, мл/час	50	40-30	30-20	20 кам
Бош мия бузилишлари	Кузатилмайди	Хушнинг қисқа вақт хиралashiши	Хушнинг хиралashiши	Сопор, прекома, кома
Перисталтика	Фаол	Суст, стимуляция самара беради	Парез, стимуляция кам самара беради	Турғун парез, стимуляция самара бермайди
Миоглобин, Нг/мл	64 гача	128-256	512-1024	1024 ортиқ
Мочевина, Ммоль/л	8,0	8-12	12-16	16 ортиқ
ЛИИ	1,0	4-6	6-8	8 ортиқ

4.2. ЎИТ СИМПТОМАТОЛОГИЯСИ ВА ТАШХИСОТИ.

ЎИТ да етакчи симптомлар сифатида: қоринда оғриқ, ахлат ва газ келмаслиги, перисталтиканинг кучайиши ёки кечки муддатларда перисталтиканинг умуман бўлмаслиги, қайт қилиш, пульс тезлашишини кўриш мумкин. Бошқа белгилар нисбатан кам кузатилади. Санаб ўтилган белгилар ЎИТ барча шаклларида кузатилади, аммо кўриниши, ичак тутилиши характери, касаллик бошланишидан то ўша вақтдаги холатга

қараб, яққоллилик даражалари турлича бўлади. Санаб ўтилган белгилардан ташқари, қўйидаги ҳам функционал, ҳам жисмоний симптомлар фарқланади:

Аншютц (Anschutz) – ичак тутилишида йўғон ичак дистал қисмлари сатҳидаги кўричакнинг шиши.

Алапи (Alapy) – ичак инвагинациясида қорин деворининг бироз таранглашиши ёки умуман бўлмаслиги.

Бабун – инвагинацияга шубҳа қилинганда, инвагинатни 5 дақиқа давомида пайпаслаб, хуқнадан сўнг ювилган сувда қон аниқланмаслиги. Агар қайта хуқна ўтказилиб, қон аниқланса, инвагинация ташхиси қўйилади.

Байер (Baeyer) – сигмасимон ичакнинг буралиб қолишида – қориннинг ассиметрик шиши.

Бейли (Bailey) – қорин деворига брак охангларининг берилиши (асосан, қориннинг пастки соҳаларида).

Бувре (Bouveret) – дистал қисмлардаги ичак тутилиши ва «ухлаётган» ингичка кўричакнинг шиши.

Вал (Whal) – ЎИТ да қовузлоқ шишади ва локал тимпанит беради. Пайпаслагандаги, қовузлоқ шишган.

Вилмс - «тушаётган томчи шовқини».

Гефер (Hofer) – ичак тутилишида аорта пульсацияси торайиш сатҳида яхшироқ эшитилади.

Гинтце (Hintze) – рентгенологик ичакда газ тўпланиши аниқланади, Вал симптомига ўхшайди.

Гиршпрунг (Hirschprung) – ичак инвагинациясида анал тешик сфинктерининг бўшашиши.

Греков И.И. (Обухов шифохонаси симптоми) – анал сфинктер атонияси ва бўртиб чиқиши, бўш тортилган тўғри ичак ампуласи. Тўғри ичакни бармоқ билан текширилганда, аниқланади.

Дансе (Dance) – ёнбош ичакнинг кўричакка инвагинацияси натижасида ўнг ёнбош соҳанинг ботиши (палпатор).

Делбе, триада (Delbet) – қорин бўшлиғида суюқликнинг тез тўпланиши, қорин шиши, ахлатсимон қайт қилиш, ичак буралиб қолиши белгилари.

Дюран (Durant) – бошланаётган инвагинация учун хос ва кириш соҳасида қорин деворининг кескин зўриқиши кузатилади.

Кейси – рентгенограммаларда балиқ скелети қўндаланг симптоми аниқланади, Фриман-Дал симптоми.

Кениг (Konig) – қоринда оғриқ хуружлари вақтида перисталтиканинг кучайиши, мусикали шовқинлар (ичак шовқини), ич кетиши ёки газларнинг келиши тезлашади. Ингичка ичакнинг турли жараёнлар, ўсмалар билан тўсилиши, обтурацион ичак тутилишида торайиш натижасида кузатилади.

Кивул (Kiwull) – шишган қовузлоқлар сатҳида металл товушига ўхшаш тимпанит. Кўричак ва сигмасимон ичакнинг буралиб қолишида кузатилади.

Клойбер (Kloiber) – рентгенологик текширув вақтида горизонтал суюқлик сатҳи устидан газ пуфакчалари аниқланади.

Крювеле (Cruveillheir) – ахлатда қон бўлиши ёки ахлатнинг қон, шиллиқ билан бўялиши, қориндаги тўлғоқсимон оғриқларнинг тенезмлар билан бирга келиши. Ичак ингвагинацияси белгисидир.

Кюсс (Kuss) синдроми – сурункали қайталанувчи қисман ичак тутилиши, метеоризм, қабзиятлар, тенезмлар.

Лемани (Lehmann) – ичак инвагинациясида тўлиш дефекти характерли кўринишда бўлади: кириб қолган ва инвагинацияланган ичак цилиндрлари орасида иккита ён бўшлиқларнинг бўлиши (контраст инвагинат бошини ўраб олади). Рентгенологик усул билан аниқланади.

Лотиессен (Lotheissen) – қорин девори орқали нафас шовқинлари ва юрак охангларининг эшитилиши.

Мате (Mathien) – ўйин шовқини, киндик усти соҳаси пайпасланганда аниқланади.

Рапунцел (Rapunzel) синдроми – трихобезоар чақирган ичак тутилиши, руҳий касалларда соч ютиб олганда кузатилади.

Ревенкамп (Rovenramp) – рентгенологик стеноз мавжуд бўлмаган холатда ингичка ичак бўйлаб контраст масса пассажининг секинлашиши аниқланади.

Руш – қориндаги ўсма пайпасланганда, оғриқ ва тенезмаларнинг пайдо бўлиши. Инвагинация белгисидир.

Скляров И.П. – ўйин шовқинининг эшитилиши.

Спасокукоцкий С.И. – аускультив тушаётган томчи товуши аниқланади.

Тилиякс (Tilijaks) – инвагинация натижасида газларнинг кетмаслиги, қориндаги оғриқ, тенезмлар, ахлат келмаслиги.

Фриман-Дал (Friman Dahl) – рентгенологик ингичка ичакнинг тортилган қовузлоқларида бурмаларга ўхшаш кўндаланг чизиқларнинг аниқланиши (синоним – Кайеси симптоми).

Хогенегг (Hochntegg) – И.И. Греков ёки Обухов шифохонаси симптомлари синоними.

Цеге-Мантейфел – сигмасимон ичакнинг буралиб қолишида хуқна ёрдамида 0,5-1 л гача суюқликнинг ташқарига чиқариши.

Шиман-Данс («бўш» илеоцекал чуқурлик) – медиал ёки эпигастрал соҳага кўричакнинг ҳаракатланиши.

Шланге (Schlange) – кўринадиган ичак перисталтикаси.

Штирлин (Stierlin) – таранг тортилган ичак қовузлоқларида рентгенологик ёй кўринишдаги газ тўпланган соҳанинг аниқланиши ичак тутилишидан дарак беради.

Касаллик бошланиши кўп холларда кескин, бирданига ўткир бўлади. Касалликнинг ilk босқичларида беморларда шок холати ривожланади: оқариш, терлаш, пульснинг камайиши. Ичак шовқинлари йўқолади. Бир қанча вақтдан сўнг, организм хосил бўлган шароитга кўниккач, шок белгилари камаяди. Бемор холати яхшиланади. Пульс меъёrlашади. Ичак перисталтикаси қайта тикланади. Бемор шифокорга эса аҳволи яхшиланиб қолганлигини айтади.

ЎИТ аниқлашда анамнез ўзига хос аҳамиятга эга. Машхур клиницистлар анамнезни яхшилаб йиғишни талаб қиласылар, чунки у ташхис күйишиңи енгиллаштиради.

Маълумки, беморнинг оғир аҳволида бемордан анамнезни йиғиб олиш мушкулроқ, аммо касалликнинг бошланган, охирги ахлат келган вақтини, унинг характерини билиб олиш керак. Бундан ташқари, бемордан илгари шунга ўхшаш хуруж бўлган-бўлмаганлигини, қандай кўринишида бўлганлигини ҳам сўраш лозим. Бемордан илгари қандай ташрихлар, шикастлар ўтказганлигини, қандай касалликлар билан оғриганлигини сўраш лозим.

Бемор кўрувини унинг тўғри жойлаштирган холда – белга, ёстиқсиз, қатъий горизонтал холатда олиб бориш керак. Қорин кўкрак учларидан то сон ярмигача очик, яхши ёритилган бўлиши керак.

Бемор кўрувини чурра дарвозалари учун хос жойдан – чурранинг ташқи кисилишини инкор этиш мақсадида бошлаш керак. Кейин бемор тери копламини, ундаги ташрихдан, шикастлардан кейинги чандиқли ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим.

Қорин шиши ЎИТ да энг кўп учрайдиган белгилардан биридир. Аммо шиши даражаси обтурациянинг жойлашган жойига, касаллик муддатига боғлиқ. Юқори ичак тутилишида қорин шиши унчалик сезилмаслиги, ёки умуман бўлмаслиги мумкин, пастки қисмлардаги ичак тутилишларда эса қорин шиши яққол сезилади (йўғон ичак тутилишида).

Бундан ташқари, қорин деворининг нафас экспурсиясида иштирок этишига эътибор қаратиш лозим, чунки бу хол перитонит ривожлангунига қадар узоқ вақт сақланиб қолади.

Қориннинг нотўғри конфигурацияси ва ассимметрияси ЎИТ учун характерли белгилардир. Ичак тутилишининг эрта белгиларига – чегараланган, тортилган ичак қовузложи – Вал симптоми (1889) киради. Пайпаслаш вақтида бу қовузлоқ қотирилган бўлади, перкуссияда эса унинг устида яққол тимпанит эшишилади. Кейинчалик бу бирламчи шишган

қовузлоққа шишган бошқа қовузлоқлар ҳам қўшилади, улар колбаса кўринишида, қийшиқ, параллел, қатор бўйлаб жойлашган бўйлама цилиндрлар сифатида қорин териси орқали сезилади (Расм 4.1.). Қорин шакли кескин ўзгаради, ассиметрия пайдо бўлади.



Расм 4.1. Йўғон ичакнинг колбаса кўринишида катталашуви.

Ичакнинг кўриниб турадиган перисталтикаси ичак тутилишида энг муҳим белги бўлиб, юмалоқланган вал ёки бирданига пайдо бўлувчи ва йўқолувчи бўртмалар манзарасини беради. Уни қорин деворини енгил уриб кўриш ёки енгил титратиш билан чақириш мумкин.

Перисталтик тўлқин қайси соҳадан бошланиб, тугашини аниқлаш мумкин, бу обтурциянинг локал жойини кўрсатади. Кўринувчи перисталтика обтурацион, странгуляцион ичак тутилишида кузатилади, бу хол кўпроқ чурра қисилишининг биринчи соатларида, хали ичак хаётийлигини йўқотмаган вақтда аниқланади.

ЎИТ да қоринни пайпаслаш аста-секин, эхтиёткорлик билан, иккала қўл билан ўтказилади, bemorda қорин прессининг химоявий таранглашишини чақирмаслик керак. Қорин деворини юзаки пайпаслашда унинг юмшоқлиги, таранглашмаганлиги, оғриқсизлиги кузатилади.

Чуқур пайпаслаш натижасида ичак қисилган жойга мос келувчи оғриқли жой аниқланади. Бундан ташқари, қоринни пайпаслаш натижасида хали ичак фалажланмасдан олдин «текшираётган бармоқлар остидан

ичакнинг зичланиши» ёки «пружинали эластик қаршилик» аниқланади. Кучли шишган ичаклар ҳисобига қорин олдинги деворининг кескин таранглашишида қаттиқлик, резистентлик сезилади (Г.Мондор, 1937). Бунда перитонитда учрайдиган қорин прессининг рефлектор таранглашишидан фарқлай билиш керак. Баъзан қоринни пайпаслаш орқали ичак тутилишига сабаб бўлган ўсма, инвагинат танасини, ўт тошларини, яллиғланиш инфильтратини ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

Қорин девори енгил титратилганда, чегараланган соҳада ёки бутун қорин бўйлаб «ўйин шовқини» - И.П.Скляров симптоми (1923) аниқланади. Бу симptom суюқлик ва газсимон массалар билан тўлган, таранглашган паретик ичак қовузлоқлари мавжудлигини кўрсатади. Бу симптомнинг мусбатлиги касалликнинг кечикирилганлигини ва зудлик билан ташрихга кўрсатма эканлигини кўрсатади.

ЎИТ қорин деворини тукиллатишида турли баландликдаги товушлардан фарқ қиласидиган тимпанитнинг нотекис тарқалиши аниқланади. Баъзан тимпаник товуш металл товуш тембрини олади, бу эса таранглашган ичак қовузлоқлари билан таранглашган ичаклардаги товушнинг резонансланишини билдиради.

Плессиметр билан қоринни пайпаслаш ва бир вақтнинг ўзида стетоскоп билан эшитиш натижасида аниқ металлик товуш – Kiwull симптоми (1902) аниқланади. Бу симptom газ билан тўлган баллонсимон ичакнинг кескин шишида, кўпроқ сигмасимон ичакнинг буралиб қолишида кузатилади.

ЎИТ да қорин шовқинларининг мавжудлигини аниқлашда қорин аускультацияси катта ташхисий аҳамиятга эга. Соғлом одамларда қорин эшитилиб кўрилганда, турли товуш белгилари аниқланади. Ичак тутилишида эса улар кучайиши мумкин.

ЎИТ да тўғри ичакни бармоқ билан текширишида одатда бўш баллонсимон тўғри ичак ампуласи аниқланади, бунда ичакнинг олдинги девори ичак қовузлогини юмaloқ эластик хосила кўринишида чиқариб қўяди. Бу белги Обухов шифохонаси симптоми номини олган. И.И.Греков (1928), бу

даволаш бўлимини бошқара туриб, «илеусни аниқлаш учун биргина белги кифоя» лигини айтган. Тўғри ичак ампуласи бундай холатларда ичак буралиб қолиши вақтида кескин қўзғатувчига рефлекс сифатида ихтиёrsиз бўшаниш натижасида бўш бўлади (ёки шифохонага келгунларига қадар, беморларга кўпгина хуқналар ўтказиш натижасида). Тўғри ичак ампуласида ичак тутилишига сабаб бўлувчи кўплаб хосилаларни: ёт жисм, ўсма, инвагинат ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

Вагинал текшируv бачадон ва унинг ортиқларида ҳам яллигланиш, ҳам ўсма табиатидаги жараёнлар ҳақида маълумот беради, булар ҳам ичак тутилишининг турли қўринишларига сабабчи бўлиши мумкин.

Лаборатор кўrsatkiчlar

Қоннинг клиник тахлили. ЎИТ нинг бошланғич даврида қон тахлилида ўзгаришлар кузатилмайди. Жараён зўрайган сари, қоннинг суюқ ва қаттиқ қисмларида ўзига хос ўзгаришлар пайдо бўлади. Бу даврда 5500000-6000000 гача эритроцитоз, 100-120% гемоглобиннинг ортиши ва гиперлейкоцитоз 10000-16000 кузатилади. Бундан ташқари, гипоэозинофилия ва нисбий лим-фоцитоз кузатилади.

Сийдик тахлили. ЎИТ да қўйидаги ташхисий белгилар кузатилади: 1) олигоурия – кескин сийдик ҳажмининг камайиши. Бу эса организмда умумий сувсизланиши ривожланганлигидан дарак беради. Ажralаётган сийдик миқдори текширилиши зарур, кўrsatma бўйича беморларга доимий катетер киритилади; 2) эрта индиканурияning пайдо бўлиши; 3) ажralаётган калий ва натрий миқдорининг ўзгариши. Сийдикда оқсил, цилиндрлар ва қоннинг шаклли элементларининг бўлиши, буйракларда дегенератив ўзгаришлар ривожланганлигини кўrsатади.

Қоннинг биокимёвий тахлили. Клиникаларда амалий мақсадда хлоридларни аниқлаш қўлланилади, аммо хлоридлар миқдорининг камайиши ташхисий аҳамиятдан кўра, жараённи кечикканлигини билдиради.


Рентгенологик текшируv

Рентгенологик текширув күкрак қафасидан то қорин бўшлиғигача контрастсиз ёритиш билан бошланади. Бемор бунда экран олдида туриши лозим, агар bemor қувватсиз бўлиб, туриш имкони бўлмаса, уни трохоскопга мустахкамлаб, аста-секин вертикал холатга ўтказилади. Ўтирган холатда текшириш мумкин эмас, чунки бу холатда қориннинг юқори қисмларигина кўринади холос.

Ёритиш рентген расмлар, умумий, серияли дозаланган компрессиялар билан тўлдирилади.

ЎИТ қуйидаги рентгенологик белгиларга эга.

Клойбер косачаси – горизонтал суюқлик сатҳида гумбазсимон ёритиш кузатилади, тўнтарилган коса кўринишида бўлади (Расм 4.2. а). Бемор холати ўзгарганда, бу ёритиш яхшироқ кўринади. Бундай косалар ичакда бирданига эмас, балки ичак қисилган ҳамда ичак тутилишидан бир қанча вақтдан сўнг хосил бўлади. Странгуляцияларда бир соатдан сўнг, обтурацияларда эса – 3-5 соатдан сўнг пайдо бўлади. Ичак деворидаги деструктив жараёнларнинг зўрайишига қараб, газ пуфакчалари баландлиги пасаяди, узунлиги эса ортади. Косалар миқдори турлича 1-2 та, баъзан 12-15 та (бунда бир-бирига поғонали нарвон кўринишида қаватланади) бўлади. Текширувнинг эрта муддатларида косалар камроқ бўлади. Аммо биргина косанинг борлиги ташхис учун етарли хисоланади.




Расм 4.2. Ичак тутилиши. а – Клойбер косалари; б – арқадалар.

Ичакда косалар нафақат ЎИТ да, балки узоқ вақт ётоқ тартибида ётган bemорларда ҳам кузатилиши мумкин (кахексия, рак, колит ва энтерит). Бундан ташқари йўғон ичакдаги косалар хуқнадан сўнг ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Ичак аркадалар ингичка ичак газ билан тўлганда пайдо бўлади, баъзан бундай аркадалар аъзо найлари кўринишида жойлашади. Шишган оч ичакда таранглашган пружина кўринишидаги кўндаланг чизикларни сезиш мумкин, бу циркуляр жойлашган кэркринг бурмаларига боғлиқ (Расм 4.2. б).

Автомобил шинаси ёки икки табақани эслатувчи сигмасимон ичакнинг газ билан кескин тўлишини ҳам аниқлаш мумкин. Кўпроқ у ичак қовузлоқларининг ёрқин қирғоги билан ўралган бўлади. Кичик чаноқда унча кўп бўлмаган суюқлик аниқланиши мумкин. Ичак қирғоқлари текис, аниқ гаустрациясиз бўлиб, девори қалинлашган бўлади.

Бундан ташқари, «қахва дони» манзараси ҳам аниқланади. Бунда куйидаги кўриниш кузатилади: икки қовузлоқ улар орасидаги иккиланган ичак девори «қахва дони» ни эслатади (Расм 4.3.).




Расм 4.3. Рентгеноскопия:
шишган сигмасимон ичак,
«қахва дони» манзараси

«Ёркин қорин» йўғон ичак соҳасидаги тутилишга хос, бунда газ билан тўлган йўғон ичак бутун қоринни эгаллайди. Баъзан ёруғ соҳаларда узун майдонлардаги суюқлик сатҳини кўриш мумкин. Йўғон ичак қирғоқларида гаустрал тортишмаларни кўриш мумкин.

Ошқозон-ичак трактини контраст билан текшириши ҳозирги вақтда ЎИТ да кенг қўлланилади. 50 мл барий аралашмасининг оғиз орқали қабул қилинади. Агар ошқозон тўла бўлса, уни йўғон зонд билан бўшатиш лозим. Контраст берилгандан сўнг, модданинг привратникдан тез ўтиши учун бемор 30 дақиқага ўнг ёнга ётқизилади. Кейин ҳар 30-60 дақиқа давомида рентген суратлар олинади. Контраст 20-60 дақиқада обтурация соҳасигача етиб боради ва у ердан тўсиқ ҳисобига ушланади. Контрастнинг кўричаккача транзит вақти одатда соғлом одамларда 2-3 соат, паралитик ичак тутилишида – 3-4 соатга teng. Агар контраст 4 соатдан ортиқ ушланса, механик ичак тутилишига гумон қилиш керак.

ЎИТ да контрастли хуқналар ёрдамида кўплаб характерли белгиларни аниqlаш мумкин, аммо уни касалликнинг эрта босқичларида, хали ичакда деструктив ўзгаришлар рўй бермасдан олдин ўtkазиш лозим. Контрастли хуқнани юқори босим остида юбориш мумкин эмас, чунки ичак девори ёрилиши кузатилиши мумкин (Расм 4.4.).

Рентгенологик маълумотларни клиник симптоматология билан солиширса, ЎИТ кўриниши ва характерини аниqlаш ёки аксинча, ташхисни инкор этиш мумкин.



Расм 4.4. Рентгенография: сиг-масимон ичак буралиб қолган соҳаси жойида ретроград кири-тилган контраст модда харакатининг тўхташи (кўрсатилган). Буралиш соҳасидан юқорида ичак шишган.

ҚИЁСИЙ ТАШХИСОТ

ҮИТ қиёсий ташхисоти қуйидаги асосий касалликлар билан қилиниши керак.

Ўткир аппендицит. Ўткир аппендицит ва ичак тутилишида умумий белгилар: қориндаги оғриқ, ахлат ва газ келмаслиги, қайт қилишдир. Аммо аппендицитда оғриқ аста-секин бошланади ва ичак тутилиши каби кучга эга бўлади. Аппендицитда оғриқ ўнг ёнбош соҳада аникланади, у ерда қорин деворининг оғриши ва таранглашиши кузатилади, ичак тутилишида эса оғриқ тарқоқ характерда, қорин юмшоқ, оғриқсиз бўлади. Аппендицитда bemor холати – мажбурий, яллифланган ўчоқни химоя қиласи, хечқачон холатини ўзгартирмайди. Бундан ташқари лейкоцитоз, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади, ичак тутилиши эса бундан мустасно. Қорин бўшлиғидан эшитиладиган ичак перисталтикасининг кучайиши ва товуш белгилари аппендицит учун эмас, балки ичак тутилишига хос. Рентгенологик текширув ичак тутилишида мусбат натижалар беради.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг тешилган яраси. Иккала касалликлар орасидаги умумий белгилар – қоринда кўққисдан, кучли оғриқнинг бошланиши, нормал ёки пасайган тана ҳарорати, ахлат келмаслиги хос. Тешилган ярада қорин девори оғрикли, нафас актида иштирок этмайди, «тахта қорин» каби тарангликка эришади, ичак тутилишида эса қорин юмшоқ, кам оғрикли ёки оғриқсиз, нафас актида иштирок этади. Тешилган ярада bemor мажбурий холатни эгаллайди, ичак тутилишида эса bemor бехаловат бўлиб, ўз холатини тез-тез ўзгартиради. Тешилган ярада жигар устида бўғиқлик эмас, балки тимпаник товуш эшитилади. Тешилган ярада қайт қилиш ичак обтурациясига нисбатан камроқ кузатилади. Тешилган ярада қорин бўшлиғи эшитилганда, бошиданоқ «ўлик сокинлик», ичак тутилишида эса товуш белгилари эшитилади, касаллик сўнгидагина «ўлик сокинлик» кузатилади. Рентгенологик манзара: тешилган ярада қорин бўшлиғида эркин газ борлигини, ичак тутилишида аркадалар, косаларни кўрсатади.

Үткір холецистит. Холециститда оғриқ узлуксиз бўлиб, ўнг елка, куракка берилади. Ўт пуфаги соҳасида локал оғриқ сезилади, пайпасланганда пуфаги танаси катталашганлиги аниқланади, баъзан сарғайиш кузатилади. Маҳаллий қорин деворининг таранглашиши кузатилади, тана ҳарорати одатда кўтарилади. Ичак тутилишида бу белгилар кузатилмайди, қорин юмшоқ, оғриқсиз, яллиғланиш белгилари йўқ. Аммо ичак фаолияти кучайиши билан ахлат келмаслиги кузатилади (перисталтиканинг кучайиши, товуш феноменлари ва х.к.). Рентгенологик манзара иккала касалликда турлича бўлади.

Турли этиологияли *перитонитлар* ва эрта босқичдаги ичак тутилиши, хали ичак гангренаси ривожланмаган давргача умумий симптомларга эга бўлади. Уларга қориндаги оғриқ, умумий аҳволнинг оғирлашиши, қайт қилиш, қорин шиши, ахлат ва газ келмаслиги, тезлашган пульс киради. Ичак тутилишида оғриқ тўлғоқсимон характерда бўлиб, доимий эмас, қайт қилиш кичик бўлаклар билан кечади. Қорин бунда оғриқсиз, таранглашмаган бўлади. Перитонитда эса «ўлик сокинлик» кузатилади, бу вақтда қонда гиперлейкоцитоз ва қон формуласининг миелоцитлар, хатто ёш миелоцитларгача кескин силжиши кузатилади.

Мезентериал томирлар тромбози ва эмболияси ўзининг симптоматикаси билан ЎИТ га ўхшаш бўлади: қориндаги аёвсиз оғриқлар, умумий аҳволнинг оғирлашиши, қайт қилиш, юмшоқ қорин, нафас актида иштирок этиши, ахлат ва газ келмаслиги, қуи кон босими, шок ва коллапснинг тез ривожланиши хос. Ичак девори инфарктида ичак перисталтикаси бутунлай йўқолади. Қорин бироз шишган, ассиметрия кузатилмайди. Қорин бўшлиғи эшитилганда, «ўлик сокинлик», перкутор – бўғиқлашган тимпанит аниқланади. Ич келмаслиги нотурғун бўлиб, кўпроқ ич суриши, баъзан қон аралаш бўлади, Обухов шифохонаси симптоми кузатилмайди.

Механик ичак тутилишида кучли перисталтика кузатилади, қорин бўшлиғи бўйлаб катта гамма товуш феноменлари эшитилади, қорин анчагина

шишган, ассиметрия кузатилади. Перкутор металлик товушдаги тимпанит, ахлат ва газ келмаслиги турғун, Обухов шифохонаси симптоми мусбат бўлади. Рентгенологик текширув механик ичак тутилишини томирдаги димланишдан фарқлашга ёрдам беради.

Юқоридаги касалликлардан ташқари, қиёсий ташхисот тухумдон кистасининг буралиб қолиши, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, ургудоннинг буралиб қолиши, буйрак санчиғи, алиментар интоксикация, зотилжам, миокард инфаркти, уремия билан ўтказилиши лозим.


4.3. ОБТУРАЦИОН ИЧАК ТУТИЛИШИ

Обтурацион ичак тутилишига ичак ва тутқичининг қон билан таъминланиши бузилмаган холда, ичак бўшлиғининг қисман ёки бутунлай тўсилиб қолиш холатлари киради.

Обтурацион ичак тутилиши (тутқич иштирокисиз):

1. Ичак деворига боғланмаган холда ичак ичи обтурация: а) ўт тошлари, б) ахлат тошлари, в) ёт жисм, г) гижжалар.
2. Ичак деворидан чиқкан ичак ичи обтурацияси: а) ўсмалар, б) чандиқли стенозлар.
3. Ичақдан ташқари обтурация: ичакнинг ўсма, кисталар билан босилиб қолиши.
4. Тўғри ичак обтурацияси. Ахлат тошлари.

Ичакнинг ички тўсилиши унинг бўшлиғида ўт тошлари, ёт жисм ва х.к. ёки ичак деворига боғлиқ холда (ўсма, чандиқли стенозлар) бўлиши мумкин. Ичакнинг ташқаридан босилиб қолиши ўсма, киста, битишмалар натижасида ичакнинг босилиши ёки букилиши оқибатида юзага келади. Ичак тутилишининг бу кўриниши учун тутқичининг интактлиги хос, бунда тутқич босилмайди ва буралиб қолмайди, шунинг учун ичак девори озиқланишининг бирламчи бузилиши кузатилмайди (Расм 4.5).



Расм 4.5. Обтурацион ичак тутилиши: *а*- ёт жисим билан обтурацияси; *б* – йўғон ичакнинг ўсма билан тўсилиши.

Тарқалиши. Обтурацион ичак тутилиши барча ичак тутилиши ташрихларининг - 5% холатларида кузатилади. Бизнинг клиника маълумотларига кўра, бу кўринишдаги ичак тутилиши 4,7% ташкил қиласди.

Обтурацион ичак тутилишининг кечиши. Касаллик аста-секин ўсиб боради. Ичак мушакларининг озиши даражасига боғлиқ холда қориндаги тўлғоқсимон оғриқлар аста интенсивлашади, ўзининг тўлғоқсимон характеристини йўқотади ва доимий кучсиз оғриқларга айланади. Организмнинг умумий интоксикацияси кечроқ, баъзан бир неча кундан сўнг пайдо бўлади, бу хол обтурациянинг кўриниши ва сатҳига боғлиқ. Касалликнинг кечки босқичларида оғир интоксикация ёки обтурацияланган ичак перфорациясидан сўнг ривожланган перитонит фонида коллапс ривожланиши мумкин.

Таихисот енгил бўлсада, аммо ҳар доим ҳам странгуляциядан фарқлаш осон эмас. Обтурация учун қуйидаги белгилар хос: а) узлукли тўлғоқсимон оғриқнинг тинчлик даври билан ўрин алмасиниши; б) беморнинг умумий холати узоқ вақтгача қониқарли холда сақланади; в) ичакларнинг даврий кўринадиган перисталтикаси, қорин ассиметрияси.

Оқибати гумонли. Леталлик нисбатан юқори кўрсаткичга эга (18,7%). Шуни ҳисобга олган холда, бу кўринишдаги ичак тутилишида бирламчи шок ривожланмайди, кечроқ ичак девори некрози кузатилади, бу эса bemor

холатини ноўрин баҳолаш, касалликнинг аоссий сабабини кеч аниқлаш ва кеч ташрих қилишга олиб келади.

Ичак деворига боғлиқ бўлмаган ичак ичи обтурацияси

Ўт тошли ичак тутилиши

Учраши. Ўт тошли ичак тутилиши кам кузатилади, аммо йирик статистика маълумотларига кўра, бу кўринишдаги обтурация 0,5-2% ни ташкил қиласди.

Этиология ва патогенези. Ичак обтурациясини чақиравчи ўт тошлари ўзининг катта ўлчамлари билан – 2-5,5 см фарқ қиласди. Одди сфинктери орқали ўта оладиган кичик тошлар тўсилишни чақирмайди ва озиқ махсулотлари билан ичак орқали эркин ўта олади.

Ошқозон-ичак трактига тушиб қолган ўт тошлари ингичка ичакнинг турли сатҳларида тиқилиб, обтурация чақиради. Ингичка ичакда тиқилиб қолган тошлар ичак девори интерорецепторларининг ёт жисмга нисбатан қўзғалиши остида юзага келадиган спазмини чақиради. Тош спастик қисқарган қовузлокларни зич ўраб олади ва уларда тиқилиб қолади. Бу хол кўпроқ ёнбош ичакнинг қуи қисмларида кузатилади, яъни ичак найининг бу қисми қисқалиги билан тушунтирилади.

Ичак деворидаги кисилиш жойида ўзига хос ўзгаришлар ривожланади. Шиллиқ қаватда яралар пайдо бўлади, узоқ вақт қисилиш натижасида эса ичак девори некрози перфорация билан, тошнинг қорин бўшлиғига чиқиши, бу эса ўз навбатида чегараланган ёки тарқоқ перитонит ривожланишига олиб келади.

Бундай беморлар ёши катта ёки хатто қари бўлади, шунинг учун бундай обтурацияни ўт тош касаллигининг кечки асорати сифатида кўриш керак.

Клиник манзараси. Ўт тошли обтурациядан азият чекувчи bemorлар кўп холларда семиз бўладилар.

Анамнез. Ўт тош касаллигининг хуружлари, сариқлик, диспептик бузилишлар, қайт массаларида қоннинг бўлиши тошнинг ошқозонга ўтиб қолиши билан боғлиқ.

Касалликнинг бошланиши яшин тезлигига, аммо жараён аста-секин ривожланиши мумкин.

Оғриқ тўлғоқсимон, хуружсимон, даврий тинчлик билан ўрин алмашади. Беморни ҳаракатлантирилганда ёки бирон нарса еб олишга мажбурлагандага, хатто шифокор қўли билан bemor қорнини текширгандага ҳам оғриқ хуружлари қайта пайдо бўлишга мойил. Оғриқ бутун қоринга тарқалсада, ўнг ёнбош соҳада жойлашади, чунки тош кўпроқ шу соҳада учрайди.

Қайт қилиши хуруж бошлангандан сўнг кузатилади, 2-3 кундан сўнг эса «ахлатли» тусга киради. Агар тош ичак бўйлаб яна ҳаракатланса, қайт қилиш бир қанча вақтга тўхташи, хатто ўз характеристини ўзгартириши мумкин: «ахлатли» тусдан оддийга айланади, тошнинг қуви қисмларда янгитдан тиқилиши кузатилади.

Ахлат ва газ келмаслиги ҳам интермиттирловчи характерда кечади. Гоҳ ахлат, гоҳ газ келиши тош ҳаракатига боғлиқ.

Қорин. Метеоризм кузатилади. Қорин асимметрияси ичакнинг проксимал қисмлари шиши ва дистал қисмлари пасайиши билан кечади. Катта хажмдаги тиқилишда оч ичакнинг бошланғич қисмида ичак шиши умуман кузатилмаслиги мумкин. Қорин тукиллатиб кўрилганда, чегараланган соҳада келувчи қовузлоқ шишганлигини билдирувчи тимпанит эшитилади. Ичакнинг кўринадиган перисталтикаси тўлғоқсимон оғриқ хуружи вақтида кузатилади. Қорин пайпасланганда, баъзан ўнг ёнбош соҳада жойлашган жуда зич хосила кўринишидаги қисилган тошни сезиш мумкин. Қорин аускультациясида кўп сондаги ичак шовқинлари эшитилади, улар ичакнинг паретик холатида йўқолади.

Ректал ёки вагинал текширилганда, қисилган тошни пайпасланиши мумкин.

Умумий симптомлар: организм интоксикацияси сувсизланиш кўринишида, тилнинг куриши, юз ифодасининг ўткирлашиши, цианоз ва х.к., нисбатан кечроқ – кўп кунлик обтурациядан сўнг ривожланади.

Рентгенологик текширув ўт тошли обтурацияни аниқлашда қимматли бўлиши мумкин. Унинг учун қуйидаги рентгенологик симптомлар хос: 1) ички пуфак-ичак оқмаси орқали кирилган жигар йўлларида ҳавонинг бўлиши. Бунда ўт йўллари умумий рентгенограммаларда жигар сояси остида дарахтсимон шохланиш кўринишида бўлади; 2) беморнинг вертикал холатида ўт пуфагида суюқлик сатҳи устида газ пуфакчаларини аниқлаш мумкин; 3) ингичка ичак тўсилган қовузлоқларининг кенгайиши; 4) тўсилган ичак сатҳидаги кўринадиган тош сояси; 5) қайта текширув вақтида тош жойининг ёки обтурация сатхининг ўзгариши – тўсувчи объектнинг ҳаракатини кўрсатади. Оғиз орқали барий аралашмасини бериш (50 мл) тўсилиш жойини ва унинг характеристини аниқлаш имконини беради.

Кечиилинига ўт тошли ичак тутилиши тош қисилиши жойига, унинг ҳажмига ва бошқаларга боғлиқ холда турлича кечади.

Умумий аҳвол бемор ёши, унинг конституцияси ва ҳамроҳ касалликларига боғлиқ холда ўт тошли ичак тутилишининг кечишини оғирлаштириши мумкин.

Ташхисот. Тўғри ташхис қўйиш учун қуйидаги белгилар ёрдам беради: 1) кўпроқ ёши катта аёлларда кузатилади; 2) анамнезда ўт - тош касаллиги борлигини кўрсатади; 3) бутун қорин бўйлаб секин тўлғоқсимон оғриқларнинг бўлиши, сўнгра ўнг ёнбошга кўчиши; 4) қайт қилиш эрта «ахлатли» тусни олади, сўнгра бирданига тўхташи ёки ўзининг характеристини ўзгартириши мумкин; 5) қисман ахлат ва газ келмаслиги; 6) чегараланган метеоризм, баъзан умуман кузатилмаслиги мумкин; 7) баъзан зич хосила кўринишидаги тўсилган тошнинг пайпасланиши; 8) мусбат рентгенологик маълумотлар; 9) ахлат билан майдада ўт тошларининг ажралиши.

Ўт тошли ичак тутилишини даволаши жарроҳлик амалиёти билан олиб борилиши керак. Ўт тоши оддий энтеротомия усули билан олиб ташланади.

Баъзи холатларда ичак деворида чуқур яралар, перфорация каби морфологик ўзгаришлар кузатилса, ичак резекцияси ўтказилади.

Ўт тошли ичак тутилиши *оқибати* гумонли бўлади. Обтурациянинг бу турида ўлим кўрсаткичи ҳамон юқорилигича – 10-50% қолмоқда.

Ахлат тошлари ва энтеролитлар билан тўсилиши

Учраши. Ичак тутилишининг бу шакли кам учрайди.

Этиология ва патогенези. Ичак тошлари – копролитлар ва энтеролитлар – ўзининг таркиби бўйича органик (ўсимлик толалари, ҳомила суяклари) ва минерал (мел, кўмир, турли тузлар) табиатига эга бўлиши мумкин.

Ичак тошлари консистенцияси қаттиқ бўлиб, тогай, баъзан суяк зичлигига эга бўлади. Энтеролитлар копролитларга нисбатан қаттиқрок бўлиб, ўзида кўп миқдорда туз саклайди. Улар катта ҳажмларга етиши (2,5 кг гача) ва битта ёки кўп миқдорда бўлиши мумкин. Тошлар кўпинча йўғон ичакда, айниқсачувалчангсизмон ўсимтада аниқланиши мумкин.

Ичак тошлари хосил бўлиши учун олиб келувчи омилларга узок муддат қабзият ва перисталтиканинг кучсизлиги, сурункали эндо- ва экзоген колитлар, қорин прессининг кучсизлиги, узок вақт сурги ва минерал тузларни истеъмол қилиш ва х.к. натижасида ичақда ахлат массасининг димланиши киради. Бундан ташқари, ичак найининг туғма ривожланиш нуқсонлари (мегаколон, мегасигма), ичакнинг ўз вақтида бўшашини тўхтатувчи туғма Джексон мембранасининг мавжудлиги ҳам сабаб бўлади.

Копро- ва энтеролитлар билан тўсилиш эркак ва аёлларда бир хил учрайди. Беморлар орасида ўрта ва катта ёшлилар кўпроқ, аммо болаларда ҳам кузатилиш мумкин (ичакнинг туғма ривожланиш нуқсонлари).

Ичакнинг тошлар билан ўткир тўсилишининг *клиник манзараси* ўт тошли ичак тутилиши билан мос келади.

Контраст масса билан *рентгенологик текшириши* ёт жисм соясини ёки юмалоқ тўлиш дефекти мавжудлигини кўрсатади. Бу касаллик учун кўпроқ

ахлат тошларининг контраст билан тўйиниши, қирғоқларининг аниқ кўриниши хос.

Таихисот қийинроқ бўлсада, рентгенологик маълумотларга асосланиб аниқлаш мумкин.

Даволаши оператив бўлиб, қуйидаги холатларда ўтказилади: ихтиёрий равишда ахлат тошларининг ажралиши бўлмаса, оддий холатларда энтеротомия тошни олиб ташлаш, асоратларда эса тошлар билан бирга ичак резекцияси ўтказилади.

Оқибати эрта, ўз вақтида ташрих қилинса, яхши якун топади.

Ёт жисм билан тўсилиши

Учраши. Ичакка турли ёт жисмларнинг тушиши қўп кузатилса-да, аммо ўткир ичак тутилиши кам учрайди.

Этиология ва патогенези. Ичакнинг тўсилишига турли ёт жисмлар, хайвон ва балиқ суяклари, барча турдаги металл жисмлари (тангалар, мих, игна, пичоқ, санчқи), идиш синиқлари, тиш протезлари, соч толалари сабаб бўлиши мумкин.

Ёт жисмлар ошқозон-ичак трактига оддий йўл билан - тўсатдан ёки мастликда, аммо кўпинча руҳий хаста bemорларнинг уларни ютиб юбориши билан тушиб қолади.

Ошқозон-ичак трактига тушиб қолган кўплаб ёт жисмлар тўсиқсиз ўз ташувчисига зарар келтирмасдан, чиқиб кетади. Аммо баъзида улар ушланиб қолиши мумкин. Бу сабаб бўлувчи омилларнинг, битишмалар, ичакнинг ўткир букилмалари, чандиқли торайиш ва бошқалар мавжудлигига кузатилади.

Ошқозон-ичак трактида физиологик торайиш жойлари мавжуд бўлиб, шу соҳаларда ёт жисмлар тикилиб қолади: flexura duodeno-jejunalis, ёнбош ичакнинг қуи қисми, чамбар ичакнинг талоқ бурчаги ва тўғри ичак ампуласи.

Ичакнинг ёт жисм билан ўткир обтурациясининг *клиник манзараси* ўттошли ичак тутилиши манзарасини эслатади. Ўткир ичак тутилиши симптомлари ёт жисмни ютиб юборгандан сўнг бирданига эмас, балки бир қанча вақтдан сўнг бошланади, ҳамма вақт ҳам тўсилиш тўлиқ бўлмайди.

Рентгенологик текширув рентген нур ўтказувчи жисм манзарасини аниқ кўрсатиб бера олади (металл жисмлар, суяк, ойна ва х.к.). Қайта рентгенографияларда бу жисмларнинг ошқозон-ичак тракти бўйлаб ҳаракатини қузатиш мумкин.

Таихисот анамнестик маълумотлар, клиник ва рентгенологик топилмаларга асосланиб ўтказилади.

Даволаи. Агар ёт жисм ошқозон-ичак трактидан мустақил чиқиб кета олмаса ва ўткир обтурация манзараси мавжуд бўлса, жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Ёт жисмни олиб ташлаш энтеротомия усули билан очилган ичакка чоклар қўйиш билан ўтказилади. Фақат металл игналаргина тикилиб қолган игнани ичкаридан ташқарига қараб ичак деворини тешиш йўли билан олиб ташланади, тешилган соҳадаги ичак сероз қаватига Лембертов чоки қўйилади.

Якуни ўз вақтида ташрих ўтказилса, яхши якун топади.

Гижжалар билан тўсилиш

Учраши. Гижжали ичак тутилиши адабиётлардаги маълумотларга кўра 0,94-10,5% холларда учрайди.

Этиология ва патогенез. Гижжали обтурация аскаридалар орқали юзага келади, аммо бошқа гижжалар ҳам сабабчи бўлиши мумкин: тасмалилар, гижжалар.

Ичақда гижжаларнинг бўлиши ичак тутилиши учун шароит яратмайди. Бунинг учун қўшимча шароит бўлиши зарур (ичак спазми ёки ичак бўшлигининг аскарида таналарининг катта тўплами билан тўсилиши). Аскарида токсини концентрациясининг ортиши натижасида ичак спазми

парез билан алмашади, бу эса гижжали ичак тутилишининг хавфли босқичини юзага келтиради.

Ичак тутилишида ичакда аскаридаларнинг миқдори биттадан юзтагача бориши мумкин. Баъзан 1-2 дона аскаридалар ўз таналари билан ичак бўшлигини тўса олмайди, аммо улар устидан ичак қовузлоқларининг спастик қисқаришлари обтурацияни чақиради. Айрим холларда эса йирик тўпламлар ва 800-900 тагача аскаридаларнинг йигилиши натижасида ичак тўсилиши кузатилади (Расм 4.6).



Расм 4.6. Ташрих вақтида олинган макропрепарат (ташрих топилмаси).

Гижжали инвазия ўзида қуйидаги тўртта ўткир гижжали ичак тутилишини акс эттиради: 1) обтурацион шакли – аскарида тўплами натижасида ичакнинг механик тўсилиши (59,5%); 2) унча кўп бўлмаган аскаридалар мавжудлиги оқибатида спастик ичак тутилиши (21,2%); 3) инвагинация билан асоратланган аскаридозли ичак тутилиши (11,4%); 4) аскаридалар билан тўлган ичак қовузлоқларининг буралиб қолиши (7,9%).

Ёшининг ўрни. Гижжалар билан тўсилиш кўпинча ёш одамларда кузатилади.

Гижжали ичак тутилишида *клиник манзара* ўзига хос хусусиятларга эгаки, улар устидаги бироз тўхталиб ўтамиз.

Анамнез. Беморда гижжалар мавжудлигини кўрсатади, аммо баъзан беморлар буни сезмайдилар. Бошқа томондан қаралса, гижжалар ўткир ичак тутилиши хуружига бевосита муносабатга эга эмас.

Беморниг умумий кўриниши ва холати. Беморлар окарган, бесаранжом бўлиб, ўз холатини ўзгартирадилар. Гижжа заҳарлари билан юз берувчи оғир интоксиацияларда хатто талвасалар кузатилиши мумкин.

Оғриқ интенсив, доимий характерга эга бўлиб, киндик атрофида жойлашади.

Қайт қилиши кўп кузатилади. Бундан ташқари, қўнгил айниши ва диспептик холатлар (кечириш, оғизнинг тахир бўлиши, сўлак оқиши ва х.к.) кузатилиши мумкин. Қусуқ массалари билан бирга аскаридалар ҳам чиқиши мумкин.

Қорин нисбатан кам шишган бўлиб, кўпинча яssi ва бироз ичга ботган бўлади. Қориннинг ўнг қуёйи квадрантида инвагинат деб пайпасланганда, юмалоқ ёки бўйлама шаклдаги хосилалар аниқланади (аскаридалар билан тўла ичак).

Лаборатор маълумотлар. Эозинофилия барча холатларнинг teng ярмида кузатилади. Ахлат ва тўғри ичак шиллик қавати гижжа тухумларига текширилганда, 33% холатларда мусбат бўлади.

Ўткир даврда *рентгенологик текширув* барча холатларда обтурацион ичак тутилиши манзарасини беради: косача, сатҳлар, ёйлар ва х.к. Унча кўп бўлмаган микдорда оғиз орқали контраст модда (50 мл) берилганда, bemornинг горизонтал холати ва нисбатан компрессияда 1,5-2 соатдан сўнг рентгенография ўtkазилганда, гижжалар жойлашган соҳада тасмасимон тўлиш дефектлари кўринади.

Гижжали ичак тутилиши *ташхисоти* баъзан хечқандай қийинчилик тугдирмайди. Айрим холатларда bemорда механик ичак тутилишининг бир тури билан азият чекаётганида аниқлаш мушкул бўлади.

Гижжали ичак тутилиши қуёидаги ўзига хос симптомларга эга: а) анамнезида гижжалар мавжудлиги; б) bemornинг ёши (ёшларда); в) аёвсиз

оғриқ ва беморнинг қониқарли ахволи орасида номутаносиблиқ; г) қоринда аскарида тўпламини аниқлаш; д) кучсиз намоён бўлган метеоризм, яssi ва хатто ичига ботган қорин; е) эозинофилия, тўғри ичак шиллиқ қавати суртмаларида гижжа тухумларининг топилиши; ж) мусбат рентгенологик маълумотлар.

Даволаи. Гижжали ичак тутилишида консерватив даво кўрсатилади, спазмга қарши (паранефрал блокада, атропинизация), иссиқ муолажалар (иситкичлар, қайноқ ванналар), хатто сифонли хуқналар ўтказилади.

Фақат юқоридаги муолажалар самара бермагандан, ташрихга кўрсатма бўла олади. Ягона аскарида мавжудлиги ва ичак қовузлоқларининг спастик қисқаришида ичак тутқичини новокаинизацияси ўтказилади. Бундай холатларда аскаридаларни олиб ташлаш шарт эмас. Ичакда аскаридаларнинг тўплами мавжуд бўлса ёки кўп тўпланганда, (1) аскаридалар тўплами устидан энтеротомия ўтказилади ва паразитлар ичак бўшлиғидан анатомик пинцет билан олиб ташланади. Ичак кесмасини икки қаторли чоклар билан тикилади 2). Ичак қовузлоқларида кўп микдорда аскаридалар тўпланганда ва ичак деворини эҳтиётлаш мақсадида ичакни аскаридалар билан бирга резекцияси ўтказилади. 3). Аскаридалар билан тўлган ичак қовузлоғи чап кўл билан ушланади, ўнг қўл эса тўплам гумбазини босиб туради. Бунда ичакнинг юқорида ётувчи девори бироз инвагинацияланади. Аскаридалар тўплами шу тарзда осон харакатланади. Тўпламни шу тарзда босиш бир неча марта қайталанади, кўричаккача олиб борилади ва шу ердан олиб ташланади.

Ташрихдан кейинги давр умумий қоидаларга асосланиб ўтказилади, аммо гижжали инвазияда спазмга қарши воситалар берилади. Дегелминизация 6-8 қундан сўнг бемор холати яхшиланган сўнг тавсия этилади. Дегелминизация ичакка назогastrал зонд орқали кислород юбориш билан ўтказилади.

Оқибати яхши бўлсада, баъзан ўлим холлари ҳам кузатилиши мумкин.

Ичак деворидан чикувчи ичак ичи обтурацияси

Ўсма билан обтурацияланиш

Ичакнинг ўсма билан тўсилиш частотаси барча ЎИТ орасида 1,6-9,3% фоизни ташкил қиласди, улардан чамбар ичак раки 51,9%, тўғри ичак раки 28,8% ва 2,4% чувалчангсимон ўсимта ракида кузатилади. Бу гуруҳдаги bemorlar орасида ўлим қўрсаткичи 38-52% ни ташкил қиласди.

Этиология ва патогенези. Ичакнинг ўткир обтурацияси ҳам яхши, ҳам ёмон сифатли ўсмалар оқибатида рўй бериши мумкин.

Йўғон ичакда яхши сифатли ўсмалардан аденомалар, полиплар, дивертикуллар ва бошқалар кўп учрайди.

Йўғон ичакнинг ракли заарланиш характеристига қараб: аденокарцинома, қаттиқ рак - скирр, коллоид, атипик шакллари фарқланади.

Скиррлар медулляр ракка қараганда тез ичак тутилишига олиб келади, чандиқли бужмайиш жараёнлари ривожланади. Ўсмаларнинг эндофит ўсиши ҳам экзофит ўсмаларга қараганда, тезрок обтурация рўй беришига сабаб бўлади.

ЎИТ сабаби сифатида нафақат ёмон сифатли ўсмалар, балки ичак тутилишининг бошқа кўринишлари: ўсманинг кичик чаноқ бўшлиғига тушиши натижасида ичакнинг букилиши, ўсмалар атрофида шаклланган битишималар билан босилиши, инвагинациялар ва бошқалар кўринади.

Чамбар ичак чап ярми ўсмаси кўпроқ ЎИТ ни чақиради, қуйидаги холатлар билан кечади: ўсманинг ҳалқасимон ўсиши йўғон ичак чап ярмидаги шаклланган қаттиқ ахлатга нисбатан, ўнг ярмида кўпроқ суюқ массани ушлаб туради.

Жинс. Ичакнинг ракли обтурацияси эркакларга нисбатан, аёлларда кўп учрайди.

Ёши. Ичакнинг ракли обтурацияси кўпинча 40 ёшдан сўнг ривожланади. Саркома эса кўпроқ ёшларда – 21-30 ёшлар орасида кузатилади.

Клиник манзараси. Ўсмалар чақирган ЎИТ - обтурацион ичак тутилиши каби кечади, аммо бошқа механик ичак тутилишларига қараганда, нисбатан секинроқ кечади.

Беморнинг умумий ахволи қониқарли бўлсада, баъзан иштахасизлик, озиш белгилари кузатилади: қахексия бироз кечроқ бошланади.

Ичакнинг ўсмали тўсилишининг характерли хусусиятларидан қуидагиларни кўрсатиш мумкин: а) анамнездан дефекация актида қийинчиликларнинг бўлиши, унинг аста-секин кучайиши, бундан ташқари, ахлатда қон, йиринг бўлиши, ахлат шаклининг тасмасимон бўлиши кузатилади; б) обтурацияловчи ўсма тахминан 40% рак билан хасталанган bemорларда пайпасланади; в) қориннинг нисбатан шиши; г) гипертрофияларга олиб келувчи ичак қовузлоқларининг кўринадиган перисталтикаси кузатилади ва ичак шовқинлари эшитилади; д) йўғон ичак чап ярми ракида ахлат массалари пайпасланади, қорин девори бўйлаб пайпаслаган бармоқларнинг «изи»ни қолдиради; е) тўғри ичакнинг қуий ётувчи ракли ўсмалари бармоқ билан текширилганда аниқланади.

Лаборатор маълумотлар: анемизация ва қоннинг оқ шакли формуласининг чапга силжиши, нейтрофилёз билан бирга; ахлатдаги яширин қонга мусбат реакция кузатилади.

Рентгенологик текширув. ЎИТ оддий белгиларидан ташқари, контрастли текширув вақтида ракли обтурация учун олиб келувчи қовузлоқларнинг кенгайиши ва тўлиш дефектларининг бўлиши хос.

Яхши сифатли ўсмалар ёмон сифатли ўсмалардан тўлиш дефекти – овал ёки юмалоқ шакли билан фарқ қиласи.

Йўғон ичакнинг ёмон сифатли ўсмасида контрастли хуқна ўтказиш фойдалидир, чунки унинг ёрдамида манзара характерини ва ўсма жойини аниқлаш мумкин.

Ўсма чақирган обтурацион ичак тутилишининг кечии. Бунинг асосида қуидагилар фарқланади: а) узоқ вақт, сурунқали кечиш, жараён якунида қайталаниш ва тўла ичак тутилиши учун шароит яратилиши хос; б) даракчиларсиз ўткир ичак тутилишининг кузатилиши.

Ракли ўсманинг оғир асоратларидан бири - ичакнинг эркин қорин бўшлиғига перфорацияси бўлиб, бунинг оқибатида bemorning перитонитдан ўлиши кузатилади.

Ёмон сифатли ўсма фонида ичакнинг ўткир обтурациясини *ташхислаш* қийин туюлсада, ташрих столида қутилмаган топилмалар аниқланади.

Йўғон ичакнинг ўткир обтурацияси ташхисоти учун қуйидаги симптомлар хос: а) анамнестик маълумотларда диспептик бузилишлар, кўнгил айниши, қабзиятнинг ич кетиш билан алмасиниши, ахлатда йиринг ва қоннинг бўлиши кузатилади; б) bemorning мойил ёши; в) кам маълумот берувчи объектив маълумотлар, аммо баъзида ўсмаларнинг пайпасланиши; г) мусбат рентгенологик топилмалар; д) айrim холларда ректороманоскопия маълумотлари.

Даволаши – жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. У нафақат ичак тутилишини бартараф қилиш, балки ўсмани олиб ташлаш мақсадида ҳам ўтказилади. Барча ташрихларда абластик қабулларни ушлаб туриш зарур.

Бунинг учун, биринчи навбатда, қандай ташрих амалиётини қўллашни хал этиш, ўсманинг қанчалик ташрихга мойиллиги ва метастазлари борлиги аниқланиши лозим (жигар кўрилади, чунки унда метастазлар эрта аниқланади).

Якуни. Йўғон ичакнинг ракли обтурацияси билан bemorlar ташрих амалиётини кўтара олмайдилар. Бундай холатларда ўлим кўрсаткичи юқори бўлиб 27,6-52% ни ташкил қиласди.

Ичакнинг чандиқли стенози оқибатида ўткир ичак тутилиши

Учраши. Ичакнинг чандиқли стенози оқибатида юзага келадиган ўткир ичак тутилиши кам учрасада, айrim адабиётларда механик ичак тутилиши холатларидан 0,46-3,4% чандиқли стенозлар ташкил этиши ёритилган.

Этиология ва патогенези. Ичакнинг чандиқли торайиши тугма нуқсонлар натижасида ёки турли касалликлар оқибатида орттирилиши кузатилиши мумкин. Ичакнинг чандиқли стенозлари сил ва дизентерия

яралари, терминал илеит – Крон касаллиги оқибатида ҳам рўй беради, ичакнинг ўлган инвагинати ёки ичакнинг гангреноз соҳасининг мустақил кўчиши натижасида (мезентериал тромбоз), ҳамда турли заҳарланишлар ва бўшлиқдаги ташрихлар оқибатида, қорин бўшлиғи аъзолари ёмон сифатли ўスマларини рентгено- ва радио усулда даволашдан сўнг пайдо бўлиши мумкин.

Чандиқли стенозлар ингичка ичакда йўғон ичакка қараганда кўпроқ жойлашади. Улар ягона ёки кўплаб бўлиши мумкин. Ичакнинг чандиқли торайишлари масофаси турлича: ичакни ўраб оловчи қисқа чандиқли ҳалқадан тортиб 1-50 см масофагача ичак бўшлигини облитерациялашгача боради. Ичак бўшлигининг тўсилиши тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Ичак бўшлигининг тўлиқ тўсилиши кўпинча ёт жисм ёки овқат бўлаги билан юзага келади.

Ичакнинг чандиқли тўсилишининг клиник манзараси обтурацион ичак тутилиши каби кечади.

Анамнезидан сил, дизентерия, мезентериал тромбоз, инвагинация, неоплазма ўтказганлиги, нур даво билан даволангандиги аниқланади. Даврий ичак тутилиши хуружлари ёки тез-тез санчиқлар бўлиши ҳам аниқланади.

Бемор ошқозон-ичак тракти томонидан дискомфортга шикоят қиласди: кўнгил айниши, қабзият, санчиқлар ва х.к. Объектив кўзга яққол кўринадиган, хатто яхшигина эшитиладиган ичакнинг перисталтикаси аниқланади.

Рентгенологик текширув. Барий аралашмасини перорал қабул қилиш (50 мл) ичак тутилиши характеристини, обтурация жойини аниқлашда кўмак беради.

Ичакнинг чандиқли обтурациясини *ташхислаш* мушқул бўлсада, анамнестик, клиник ва рентгенологик маълумотларни ҳисобга олиб, аниқ ташхислаш имкони мавжуд.

Даволаши – жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Консерватив муолажалар билан келгуси хуружларни бартараф этиш мумкин, аммо улар

ичак тутилиши қайталанишини олдини олишда күчсиздир. Ташрих вақтида қовузлоқлар ва шишган гипертрофияларга олиб келувчи ичак орасидаги ичакнинг чандиқли торайиши топилади. Обтурацияни бартараф этишдан олдин, ичакка назар солиш, ягона ёки кўплаб стриктуралар мавжудлигини аниқлаш, сўнгра ҳаракатларнинг кейинги режасини тузиш зарур.

Чандиқли стриктураларда ҳам паллиатив, ҳам радикал ташрихлар қўлланилади. Паллиатив ташрихларга: а) айланиб ўтувчи энтероанастомоз, б) энтеропластика, торайтирувчи чандиқли ҳалқани бўйлама кесиш ва кесмани кўндаланг йўналишда тикиш киради. Радикал ташрих – ичак резекцияси сифатида кенг ҳажмдаги стриктураларда, кўплаб торайишларда қўлланилади.

Якуни ўз вақтида ташрих ўтказилса, қониқарли бўлиши мумкин.

Ичакдан ташқари обтурация – ичакнинг ташқаридан киста, ўсма ва бошқа хосилалар билан босилиши

Тутқич кисталари (хилёз ва травматик), аста-секин катталашиб, тутқич варакларини қаватлантиради, ичак бўшлигини тўлиқ ураб олмагунча аста ичакни боса бошлайди. Кечиши секин бўлиб, олиб келувчи ичак гипертрофияланишга улгуради. Анамнездан қоринда санчиқлар, қабзият бўлганлиги аниқланади.

Тухумдон кисталари, ичак қовузлоқлари ёки чарвига ўсиб кириб, ўзининг жойини ўзгартиради ва ичакни тортиб, букилмалар хосил қилиши мумкин. Кўпроқ ичакнинг киста билан қисилиши кичик чаноқда рўй беради, чунки у ерда чегараланган бўшлиқли муносабатлар мавжуд.

Ичакнинг инфильтрат ёки абсцесс билан босилиши. Кўпинча кичик чаноқ бўшлиғида кузатилади, аммо қовузлоқлараро абсцесс ёки инфильтратларда ҳам рўй бериши мумкин. Бундай шароитларда ичак тутилиши нафақат механик босилиш, балки йирингчали қопчаларнинг токсик таъсири билан намоён бўлади, чунки токсик моддалар ичак мушакларига таъсир кўрсатиб, уларда паретик холат чақиради. Бу кўпроқ аппендикуляр инфильтратда кузатилади.

Корин бўшлиғи аъзолари ёмон сифатли ўсмалари ҳамда тутқич безларининг йирик конгломератлари, ичак қовузлоқларининг механик букилиши ва босилиши натижасида ичак тутилишини чақиради, бу эса ўз навбатида ичакнинг бўшашини тўсади, баъзан ичак бўшлиғининг тўлиқ обтурацияси билан асоратланади.

Бу турдаги ичак обтурацияларида *клиник манзара* асосий касаллик, босилиш даражаси ва жараён ривожланиши тезлигига боғлиқ холда турлича бўлади. Барча шароитларга боғлиқ холда симптоматика ҳам ўзгариши мумкин. Ичак тутилишини чақирувчи хосиланинг пайпаслаш имкони ҳам мавжуд.

Ичакнинг аста-секин босилишида ичакнинг мушак қавати гипертрофияланишга улгуради. Ичак қовузлоғи бўшлиғининг кескин тўсилиб қолиши ўсмасимон хосиланинг ўрни ўзгариши, унинг кескин катталашиши, тухумдан кистаси оёқасининг буралиши билан рўй бериши мумкин.

Рентгенологик текширув (50 мл контрастнинг перорал бериш натижасида) бу кўринишдаги ичак тутилиши аниқ манзара беради. Олиб келувчи қовузлоқларнинг кўринадиган таранглашиши ва контраст ҳаракатининг секинлашиши кузатилади. Бунда ўсма жараёнига хос белгилар ҳам кўринади: «бўшлиқлар» симптоми, «бўшлиқлар» устидан ичак қовузлоқларининг букилиши ва уларнинг нотўғри жойлашиши, «қовузлоқларнинг силжиши». Ичак обтурацияси соҳасида ичак қирғоқлари торайган ёки бир қанча масофагача босилган бўлиши мумкин.

Ташхисот bemorni диққат билан текшириш ва сўраш билан ўтказилади. Ташхисотда рентгенологик топилмалар ҳам кўмак беради.

Даволаи жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Ташрих мақсади – нафақат ичак ўтказувчанлигини тиклаш, балки босиб турувчи агентни йўқотишдан иборат. Биринчи навбатда, ичак тутилиши сабаби бартараф қилинади, иккинчидан – босиб турувчи агент йўқотилади. Ташрих амалиёти характери кўплаб холатларга боғлиқ: bemornинг аҳволи, ёши, тана вазни, ҳамроҳ касалликлари ва х.к. Ўсма ёки кистани олиб ташлашда қийинчилик

туғылса ёки олиб ташлаш имкони бўлмаса, айланиб ўтувчи анастомоз қўйилади.

Якуни шубҳали бўлиб, ичак тутилиши босқичига, асосий касалликка, амалиётларнинг кўриниши ва ўлчамига боғлиқ.

ТЎҒРИ ИЧАКНИНГ ЎТКИР ОБТУРАЦИЯСИ

Тўғри ичак ўзининг котган холати ва нисбатан кенглиги билан ЎИТ ривожланиш жойи ҳисобланади. Бу ерда странгуляцион ичак тутилишлари деярли учрамайди, аммо обтурацион тури кўп кузатилади. Уларга: 1) тўғри ичакнинг туғма ривожланиш нуқсонлари - атрезиялар; 2) ёмон сифатли ўсмалар билан тўсилиши; 3) ёт жисмлар билан тўсилиши; 4) ахлат массалари билан тўсилиши – ахлат тошлари киради. Тўғри ичак обтурациясининг охирги икки кўринишида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Тўғри ичакнинг ёт жисм билан тўсилиши

Ёт жисмлар тўғри ичакка эндоген – ичакнинг юқоридаги соҳалари орқали, экзоген – орқа чиқарув йўли орқали ёт жисм киритиш билан киради.

Тўғри ичакка эндоген йўл орқали турли ёт жисмлар: тангалар, туғмалар, мих, пичноқ, қошиқ, игна, суяклар, овқатнинг дағал қисмлари, ахлат тошлари ва х.к. тушади.

Тўғри ичакка ташқаридан кирадиган ёт жисмлар орқа чиқарув йўли орқали кириб, улар ҳам ўзига хос майда нарсалардан тортиб ҳажмли, стакан, шиша ва бошқалар бўлиши мумкин. Бу нарсалар кўпинча азият бериш орқали, bemornining сексуал мойиллиги ёки рухий бузилиш таъсири остида кириши мумкин. Айрим холатларда озор бериш ёки жиноят мақсадида бошқа одамлар томонидан амалга оширилади. Учинчи йўл ҳам мавжуд – ўткир нарсага тушиши: арматура типидаги металл, таёқлар ва х.к. Бундай кўринишдаги шикастларда орқа чиқарув йўлини ўраб турувчи соҳанинг ташқи шикасиланиши кузатилади.

Катта ҳажмдаги ёт жисмлар тўғри ичакни эркин холда ахлат массаси билан тарк этади. Баъзан ўткир нарсалар сфинктер атрофида тиқилиб қолиши

мумкин (игналар, балиқ сүяклари ва х.к.), улар ичак деворига кадалиб қолади. Ичак шиллиқ қаватининг шикастланиши натижасида ичакни ўраб турувчи клечатканинг яллиғланиши – парапроктит ривожланиши мумкин. Тўғри ичакда тиқилиб қолган йирикроқ жисмлар ичакни мустақил тарқ эта олмайди, ичак бўшлигини беркитиб қўяди, ичак бўшашишини қийинлаштиради ёки тўла ичак тутилишини чақиради. Тўғри ичак ампуласида ёт жисмнинг узоқ вақт туриб қолиши натижасида яраланишлар, қон қуишлишлар ва шиллиқ қаватининг яллиғланиши юзага келади, булар беморни дефекация вақтида безовта қиласди.

Клиник манзараси. Бемор шикоятлари қуйидагилар: дефекация актининг қийинлашуви ёки айрим холларда ичакнинг бўшамаслиги. Беморнинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди. Қорин бироз шишган, баъзан ичакнинг кескин перисталтикаси кузатилиши мумкин.

Ректал текширув касалликка оид маълумотларни тўлиқ бера олади. Шу ерда қуйидагини ёдга соламизки, тўғри ичакка эхтиёткорлик билан бармоқни киритиш зарур, чунки бармоқ ичакдаги ўткир нарсага тўқнашиши мумкин (балиқ сүяклар, игна).

Даволаи. Тўғри ичакдаги ёт жисмни олиб ташлаш кўрсатма бўлади. Агар жисм унчалик катта бўлмаса, буни осонгина бажариш мумкин. Ёт жисмнинг каттароқ ҳажмларида эса маҳаллий анестезия ёки наркоз остида тўғри ичак сфинктерини кенгайтириш талаб қилинади.

Оқибати ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ўтказилса, яхши якун топади.

Ахлат тошлари

Тўғри ичакнинг ахлат массалари – ахлат тошлари билан тўсилиши унчалик кам кузатилмасада, кўплаб bemорлар ташрих қилинмаганлар гуруҳига киритилади.

Этиология ва патогенез. Ахлат тошлари сабаблари функционал ва органик характерда бўлиши мумкин. Ўз навбатида функционал ахлатли тўсилишлар ичак моторикаси бошқарувининг бузилиши фонида спастик ва паралитик турларга бўлинади. Ахлатли тўсилишлар сабаблари бўлиб

қуидагилар хизмат қиласы: а) периколитлар, эктазия, дивертикулитлар, ичак ўлчамининг катталашыши (Гиршспрунг касаллиги), шпора хосил бўлиши, ҳамда ичак қовузлоқлари птози натижасида ичак деформациясининг юзага келиши; б) орқа чиқарув йўли ёриқлари, бавосил, ярали проктит ва ичакнинг спастик холати билан кечувчи касалликлари: буйрак тош касаллиги, сурункали холециститга боғлиқ холда сфинктернинг узоқ вақт спазми; в) ичак атонияси холати, айниқса, қахексик ва кучсиз беморларда – қорин тифида, рак касалликлари ва атоник қабзиятларда; г) овқат таркибига қийин парчаланадиган махсулотлар: яхши пишмаган ноҳат, ловия, суюқ, ўсимлик баргларини қўшиш.

Клиник манзараси. Тўғри ичакнинг ахлат массалари билан тўсилиши натижасида касаллик тинч ва узоқ муддат кечади. Қабзият пайдо бўлганда, бемор қоринда оғирлик ҳисси, кучли бўлмаган симилловчи оғриқ сезади. Қайт қилиш кузатилмаса, кекириш ва кўнгил айниш кузатилади. Бундай bemорларда хатто иштаха сақланиши мумкин.

Тез-тез дефекацияга натижасиз чақириклар юзага келади, улар кўпинча оғрикли бўлиб, анус атрофида яраланишлар пайдо бўлади. Баъзан бир вақтда сийдик тутилиши ҳам кузатилади. Ҳамроҳ оч қолиш ёки бошқа касалликлар (ракли қахексия, оч қолувчининг дистрофияси) кузатмаса, беморнинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди.

Қорин бироз шишган. Қорин пайпасланганда, оғриқсиз ёки йўғон ичак бўйлаб бироз оғриқ сезилиши мумкин, бунда ҳамирсимон консистенцияли хосила қўлга урилади, терида теккан бармоқ «излари» қолади.

Орқа чиқарув йўли кенгайган, сфинктер кучсизланган. Бармоқ билан текширилганда, тўғри ичак ампуласининг ичак бўшлиғини тўла беркитиб кўйган қаттиқ ахлат тошлари билан тўлганлиги аниқланади.

Копростаз *ташхисоти* қийинчиллик тугдирмайди, аммо тўғри ичакни бармоқ билан текширишни унутмаслик зарур.

Даволаши ҳамиша хуқна (сифонли, юқори ва мойли) кўринишида консерватив олиб борилади. Баъзан йўғон ичак бўшлиғи ахлат тошлари

билин шунчалик зич беркилиши натижасида юувучи сув кира олмайды, тезликда ичакни тарк этади. Бунда механик тарзда – түғри ичак ампуласини бармоқ билан тозалаш зарур. Ичакни бундай тозалаш баъзан ичак шиллиқ қаватини шикастламаслик учун маҳаллий оғриқсизлантириш остида ҳамда эхтиёткорлик билан олиб бориш керак.

Түғри ичакдан ахлат тошларини механик йўл билан олиб ташлангандан сўнг, юқори сифонли хўқналари ўрнатилади, шунинг билан ичакни тозалаш якунланади. Беморга тузли сургилар бериш ҳам фойдалидир.

Оқибати ахлат тошларини олиб ташлашда консерватив даволаш асоратсиз касалликлар (ракли ўスマЛАР) кузатилмаса, яхши якун топади.

4.4. СТРАНГУЛЯЦИОН ИЧАК ТУТИЛИШИ

Странгуляцион ичак тутилиши остида нафақат ичакнинг, балки тутқичининг, ундаги қон томирлар ва нерв ўтказгичлари билан босилиши тушунилади. Бунда қисилган аъзода кескин қон билан таъминлаш бузилади ва қўпинча гангрена ривожланади. Странгуляцион ичак тутилиши ўзининг оғирлиги, зудлик билан рационал ёрдам кўрсатилишига қарамай, фалокат билан якунланиши билан фарқ қиласди.

Аъзонинг ўзи ўки атрофида буралиб қолиши каби странгуляцион ичак тутилиши ошқозон-ичак трактининг узун тутқичга эга соҳасида кузатилади, чунки тутқич аъзо ҳаракати учун йўл қўйиб беради. Ичакнинг фиксацияланган қисмларигина, ўн икки бармоқли ичак ва түғри ичак ўзининг тутқичига эга бўлмаганлиги учун, бундай кўринишдаги ичак тутилишига учрамайди. Буралишлар йўғон ичак ёғли ўсимталари, ошқозон-ичак трактининг бир қисми бўлган катта чарви каби аъзоларда, шу аъзоларнинг ўзи ўки атрофида айланиши эса улардаги тўқималар озиқланишининг бузилишига ва ЎИТ клиник манзарасига ўхшаш касаллик ривожланишига сабаб бўлади.

Ошқозон-ичак тракти странгуляцион ичак тутилишига: 1) ошқозон, ингичка ичак, кўричак, кўндаланг ва сигмасимон чамбар ичакнинг буралиб

қолиши; 2) тугунча хосил бўлиши; 3) йўғон ичак ёғли ўсимталари буралиб қолиши; 4) катта чарвининг буралиб қолиши киради.

Ошқозон-ичак тракти турли қисмларининг буралиб қолиши нисбатан кўпроқ учрайди ва барча ичак тутилишининг 40-50% ни ташкил қиласди.

Кўричакнинг буралиб қолиши

Этиология ва патогенези. Кўричакнинг буралиб қолиши етарлича ҳаракатчанлиги ҳисобига юз беради, ўсимтанинг хусусий ва ёнбош ичакнинг умумий тутқичи бўлиши – ривожланишнинг туғма нуқсони ҳисобланади. Кўричакнинг ҳаракатчанлиги йил ўтган сари ортиб боради, чунки ёшга боғлиқ холда кўричакнинг узайиши ва кенгайиши, баъзан пастга тушиши физиологик холат деб қаралади. Сурункали қабзият, ичак бўшашининг ушланиб қолиниши ва ахлат массасининг димланиши, кўп миқдорда газ хосил бўлиши, ҳамда яралар, ўсма, полип ва сурункали колитнинг мавжудлиги – чамбар ичак проксимал қисми ва кўричак эктазиясига олиб келади, бунга хатто кўричак туғма атонияси мушак аппарати гипоплазияси ҳам сабаб бўлади. Кўричакнинг буралиб қолишига турли яллигланиш жараёнларидан сўнгги турли битишмалар, тортишмалар, қобиқланишлар пайдо бўлиши, ичакнинг етарлича қон билан таъминланмаслиги, айрим туғма нуқсонлар ҳам сабаб бўлади.

Кўричак буралиб қолишининг 3 та асосий кўриниши фарқланади. Биринчи кўриниши – кўричакнинг ёнбош ичак билан бирга умумий тутқичи атрофида буралиб қолиши (Расм 4.7. а). Бундай ичак тутилишида буралиш ингичка ичакнинг катта қисмлари ва йўғон ичакнинг проксимал қисмини тортиши мумкин. Ичакларнинг буралиб қолиши натижасида томирларнинг босилиши қузатилади, бу эса ичак деворлари некрози билан асоратланади. Буралишда иштирок этаётган ичакнинг барча конгломератларининг мезогастроум соҳасида ёнбош ичак чукурлигига ўтиши кузатилади.

Иккинчи кўриниши – кўричакнинг ўз бўйлама ўқи атрофида буралиб қолиши (Расм 4.7. б). Бу хол фақат кўричакнинг хусусий тутқичи

бўлгандагина руй беради. Буралиш соат йўналиши ёки унга қарама-қарши йўналишда рўй бериши мумкин. Буралиб қолган ичак одатда ёнбош чуқурчада қолади ва бироз медиал силжиши мумкин. Кўричакнинг дистал қисмидан, ёнбош ичакнинг кўричакка ўтиш жойидан бироз қўйироқда буралиб қолишида ахлат ва газ келмаслиги симптомлари кузатилмаслиги мумкин (Расм 4.7. в).


Учинчи кўриниши – кўричакнинг ўз кўндаланг ўки атрофида буралиб қолиши ва букилиши (Расм 4.7. г). Бундай холатларда, ёнбош ичак буралишда иштирок этмайди.

Буралиб қолган кўричак қорин бўшлигининг юқори соҳасига силжийди, яъни қорин олдинги девори бўйлаб сирғалиб, жигар остига ёки ошқозон томонга, хатто чап қовурға остигача боради, баъзан шу соҳалардан кўричакни олиб ташлаш ҳам кузатилади. Бунда ичакнинг томирли тури камроқ шикастланади.

Шундай қилиб, буралиб қолишида кўричак ҳамиша ўз жойида турмасдан, қорин бўшлигининг бошқа соҳаларига силжийди.

Кўпроқ биринчи кўринишдаги кўричак буралиши, қолганлари эса камроқ кузатилади.

Кўричак буралиб қолиши *клиник манзараси*. Анамнездан қорин ўнг ярмидаги қайталанувчи оғриқ ва санчиқларнинг бўлиши, қабзият, даврий қорин шиши, қорин бўшлиғида яллиғланиш жараёнларини ўтказганлиги аниқланади.



Расм 4.7. Кўричакнинг буралиб қолиши (схема). а- кўричакнинг ёнбош ичак билан бирга умумий тутқичи атрофида буралиб қолиши; б – кўричакнинг ўз бўйлама уки атрофида буралиб қолиши; в – кўричакнинг ўз бўйлама ўқи атрофида ёнбош ичакка ўтиши жойидан дистал соҳадан буралиши; г – кўричакнинг ўз кўндаланг ўқи атрофида буралиб қолиши.

Касаллик кескин, ўткир бошланади. Шок манзараси камдан-кам холатларда кузатилади. Пульс ва тана ҳарорати ўзгаришсиз бўлади.

Оғриқ тўлғоқсимон характерда бўлиб, интенсивдир. Кўпинча қорин ўнг ёнбош соҳасида, қорин пастида ва киндик атрофида жойлашади. Қайт қилиш касалликнинг бошланишида пайдо бўлади, сўнгра катта ёки кичик танаффуслар билан ахлатли характерни эгаллайди.

Ахлат ва газ келмаслиги ҳамиша кузатилади.

Қорин кўздан кечирилганда, унинг асиметриялиги ва йирик конгломератнинг ичакка тўнтарилганлиги аниқланади. Бундай шишнинг

шакли ва жойи доимий эмас, аммо кўпроқ қорин чап юқори қисмида ёки медиал киндик соҳасида аниқланади. Ичакнинг кўзга кўринадиган перисталтикаси камроқ, Вал симптоми эса кўпроқ кузатилади.

Пальпацияда корни юмшоқ, лекин буралган кўр ичак соҳасида оғриқ ва резистентлик сақланиб туради. Бутун қорин деворини катталашиши кузатилганда, буралган ичак деворини қаттиқлиги ҳисобига пальпация йўли билан ичакни буралган қисмини ажратса бўлади. Перкуссияда кенгайган кўр ичак устида паст тонли «барабан» овози эшитилади. Баъзан бу перкутор овоз металл шовқинига ўхшайди – *Kiwull* симптоми.

Аускультацияда ўткир ичак тутилишида ичак шовқинига хос товушлар эшитилади. Кўп холатларда «ичак ишқаланиш шовқини» эшитилади – Скляров симптоми.

Орқа пешовни бармоқ билан текширилганда Обухов касалхонаси симптоми мусбатлиги аниқланади.

Рентгенологик текширув. Контрастсиз рентгеноскопияда кўр ичакни шарсимон ёки овал шаклдаги кенгайишни аниқлаш мумкин. Кўр ичак ўз жойида баъзи холатларда мезогастроум ёки эпигастроумга силжиган бўлиши мумкин. Хатточи 20 см гача борувчи катта горизонтал сатҳ аниқланиши мумкин.

Ташхисни ойдинлаштириш учун контрастли рентгеноскопия ёки ирригоскопия ўтказиш керак бўлади. Клизма вақтида контраст йўғон ичакни пастга тушувчи қисмини ўртасигача боради ва ундан юқорига кўтарилемайди.

Кўр ичак буралишини кечиши ичак буралиши тўрини вариабеллиги ва буралган жойда қўшни аъзолар иштироки билан боғлиқ. Кўр ичак буралишини икки хил тури мавжуд: 1) обтурацион ичак тутилиши типидаги енгил кечиши (бу ерга ичак буралишини иккинчи ва учинчи қўриниши киради); 2) странгуляцион ичак тутилиши типидаги оғирроқ кечиши (одатда кўр ичак ва ёнбош ичак тутқичини қисилишида кузатилади). Кўр ичак буралишида ичак проксимал қисмидаги ичак тутилишларига нисбатан интоксикация, сувсизланиш ва шок қўриниши кечроқ ривожланади.

Диагностикаси. Күр ичак буралишини диагностикаси «барабан» шовқинли қорин деворини ассиметрияси, «воллейбол түпи» каби қаттиқлашиш, «бўш» илеоцекал чуқурлик - Шимана-Данса симптом каби симптомлар йифиндиси ва рентгенологик текширувга асосланган холда амалга оширилади.

Даволаи. Хирургик. Күр ичак буралишида операцияни күр ичакни қайта бурашдан бошлаш керак. Қайта бураш вақтида юпқа ичак деворини ёрилишидан эҳтиёт бўлиш керак. Ичакни кескин катталашувида олдиндан ичак декомпрессиясини амалга ошириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар ичакни хаётийлиги сақланган бўлса, ичакни тўғрилаб қўйиш билан чекланса бўлади. Ичак гангренаси яққол бўлса ёки гумон қилинса илеоцекал резекцияси амалга оширилади ва илеотрансверзо-анастомоз қўйиш билан якунланади.

Майда некротик жойларни тикиб қўйиш тавсия қилинмайди, чунки бу усул некрозни тарқалишини олдини олмайди.

Ичак буралиб қолишини рецидиви хавфи бўлса, цекопексияни бирон бир усулинни қўллаш керак бўлади. Бунда, ҳажми катталашган ичакни кичкиналаштириш мақсадида ичакни олди ва ён деворидан цекопликацияси амалга оширилади, бундан сўнг қорин парда бир қисми билан орқа ёнбош деворга фиксация қилинади. Баъзи муаллифлар бундай холатларда кўричакни пликацияси мақсадида ичак тениясига паралел 2-3 қатор сероз-мушакли узлиksиз чоклар қўйиш билан ичакни торайтиришга эришганлар.

Оқибати. Күр ичак буралишида летал холат ҳозирги кунгача юқори 24,1%. бўлиб қолмоқда.

Кўндаланг чамбар ичак буралиши

Этиология ва патогенези. Кўндаланг чамбар ичак буралишига мойиллик қилувчи омил бўлиб, уни узунлиги ва кенг ичак тутқич билан таминланганлиги ҳисобланади. Келтириб чикарувчи фактор бўлиб ичак

тутилишига сабаб бўлувчи барча сабаблар (травма, чурралар, ичакни қаттиқ ва қўйик овқатлар билан тўлиши) ҳисобланади.

Ичак буралишининг бу тури кўпроқ 40 ёшдан юқори бўлаган эркакларда кузатилади.

Клиник қўриниши. Кўндаланг чамбар ичак буралиши одатдаги ичак тутилишининг типик қўриниши сифатида намоён бўлади. Анамнезида қабзият, периодик оғриқлар, ичак санчиқлари аниқланиши мумкин. Касаллик тўсатдан, бирдан бошланади, лекин секин - аста бошланиши ҳам мумкин.

Беморни умумий ахволи секин - аста ёмонлашиб боради. Қайт қилиш касалликни бошланишида 1-2 марта кузатилади, сўнг касаллик асоратлари (интоксикация, перитонит) ривожланмагунча маълум вақт кузатилмайди.

Қорин кескин катталашган ва асимметрик бўлади, перкуссияда ичак усти соҳасида тимпаник шовқин аниқланади – Kiwull симптоми. Пальпацияда қорин девори юмшоқ, оғриқсиз, ишган ичак усти соҳасида бироз резистентлик аниқланади.

Рентгенологик текширув. Контрастсиз рентгеноскопияда катта, узун кўндаланг сатҳли ҳаволи пуфак аниқланади. Ирригоскопияда контрастни талоқ бурчагидан ўтиб патологик ўзгарган жойда тўхташи аниқланади.

Кечиши. Касалликни кечиши ичак тутқичини эзилиши даражасига боғлиқ. Ичак тутқичини оз миқдорда эзилишида касаллик секин - аста ривожланиб, интоксикация белгилари секин - аста кузатилади. Ичак тутқичини катта қисми эзилишида касаллик кечиши ва интоксикация белгилари тез намоён бўлади.

Диагностикаси. Касаллик диагностикаси осон эмас, сабаби бу турдаги ичак тутилиши кам учрайди. Характерли белгилари бўлиб, йўғон ичак тутилиши клиник белгилари ва рентгенологик текшируви хулосалари ҳисобланади.

Даволаи. Хирургик. Ичак тутқичи томирлари йўналишига қараб ичакни қайси томонга буралганлиги аниқланади ва қарама қарши томонга деторсия амалга оширилади. Ичак таркиби ҳаво ва суюқ ахлат олдиндан орқа

пешов орқали киритилган йўғон зонд орқали ташқарига чиқарилади. Ичак хаётийлиги сақланган холатларда юқоридаги монипуляция билан чекланса бўлади, акс холда соғлом тўқима чегарасидан ичак резекциси амалга оширилади.

Оқибати. Касалликни оқибатини эрта диагностикаси ва малакли ёрдам натижасида яхшиласа бўлади.

Сигмасимон ичак буралиши

Этиология ва патогенези. Сигмасимон ичак осон буралишига унинг ҳаракатчанглиги ва катта, кенг ичак тутқичи борлиги сабаб бўлади. Сигмасимон ичак узунлиги ҳар хил қўринишга эга. Одатда қисқаси 25 см, ўрта узунлиги - 30-45 см ва узунлиги 60 см дан ортадиган турлари тафовут қилинади.

Ичакнинг узунлиги туғма бўлишига қарамасда бир қатор текширувлари шуни кўрсатадики, ичакнинг узунлиги ёш ўтган сари катталashiб боради. Ичакни узунлашиши асосан ичакнинг ҳаракатчан қисмида кузатилиб, бунга қаттиқ, қўпол овқатлар истеъмол қилиш, қабзият ва ахлат маҳсулотларини туриб қолиши сабаб бўлади.

Сигмасимон ичакнинг буралишида ичак тутқичини баландлиги эмас, балки унинг кенглиги катта аҳамиятга эга: ичак тутқичи кенгайган сари ичак қовузлоқлари яқин жойлашган бўлади, бу эса ўз навбатида ичакни буралиш хавфини оширади. Ичак тутқичини орқа қорин деворига ёпишганлиги ҳам катта аҳамиятга эга, ўртача у 13 см га teng, унинг қисқалиги сигмани буралишига яхши шароит яратиб беради.

Сигмасимон ичак тутқичини чандиқли ўзгаришлари ичакнинг шакли ва ўлчамини ўзгартириб юборади, бу эса ўз навбатида ичак тутқичини торайиши ва ичак қовузлоқларини яқинлашувига олиб келади.

Ичак буралиши механизми. Сигмасимон ичак шишганда винтсимон ёки спиральсимон буралиш ҳаракатида бўлади, бу эса физиологик буралиш ҳисобланади. Лекин баъзан бу физиологик буралиш патологик буралишга

айланиб кетади. Бунда йўғон ичак бўлифидаги газ ва ахлат махсулотлари ҳаракатга келиб, газ юқорига, ахлат эса пастга ҳаракатланиб иккита кучга бўлинади, бу эса ўз навбатида ичакни буралишига олиб келади. Сигмани иккига ажратган қовузложи ҳаракати натижасида ичакни бўйлама ўқи бўйлаб ичакни буралиши келиб чиқади.

Ичакнинг буралиши ҳар хил бўлиб, $180\text{-}270\text{-}360^\circ$ ва баъзан $540\text{-}720^\circ$ буралган бўлиши мумкин.

Сигмасимон ичакни буралишини бевосита келтириб чиқарувчи факторлари бўлиб диетани кучайтириб юбориш, ичакда хаддан ташқари газни қўп тўпланиши, қорин прессини бирдан кучайишлари ҳисобланади.

Сигмасимон ичак буралиши қўп холатларда ёши катта бўлган эркакларда кузатилади.

Клиник қўринииши. Беморлар анамнезида овқат ҳазм қилиш системасида бир қатор ўзгаришлар аниқланади: дефекация вақтида оғриқ ҳисси борлиги, сурункали қабзият, қоринда периодик шиш ва ичак шовқинлари борлиги. Баъзан ўзи ўтиб кетувчи ичак тутилиши белгилари намоён бўлади.

Касаллик кечишини иккита асосий тури тафовут қилинади: 1) «тўлқинсимон» кечиши, тез ва оғир кечиб, кўпинча шок билан асоратланади; 2) секин кечиши, нисбатан яхши, сифатли кечади.

Беморларни умумий аҳволи касалликни кечиш турига боғлиқ. Биринчи турида bemорни умумий аҳволи оғир, пульси тезлашган, артериал босими паст, тана ҳарорати паст ёки меъёрида, тили қуруқ бўлади. Иккинчи турида bemорни умумий аҳволи нисбатан қоникарли, териси ўзгаришсиз, тўлғоқсимон оғриқларни ҳисобга олмаса, bemор хотиржам, тили нам, пульс, АБ ва тана ҳарорати меъёрий бўлади.

Буралишнинг биринчи турида қучли оғриқ ҳисобига bemорлар ўзини бошқара олмайди, ўзига жой топа олмайди, кўпинча тизза-тирсак холатига туриб олади, чап ёнбошга ётиб оёқларини қоринга яқинлаштириб олади. Иккинчи турида bemорлар ўзини хотиржам тутади, ичакни кескин катталлашишига қарамасдан юриши мумкин.

Оғриқлар касаллик бошида асосан қоринни пастки қисмida кузатилади, лекин кейинчалик бутун қорин деворини эгаллади. Сигма буралишини биринчи турида оғриқлар интенсивлиги юқори бўлиб, хуружсимон ва доимий характерга эга. Иккинчи турида оғриқлар паст интенсивликка эга бўлиб, тўлғоқсимон характерга эга. Ичак тутилишини барча белгилариға қарамасдан bemor баъзан оғриқ сезмаслиги мумкин.

Касаллик бошланишида бир ёки бир неча марталик қайт қилиш кузатилади, кейин бу холат маълум вақтга йўқолади, яна такрорланади. Ахлатли қайт қилиш кузатилмайди.

Касалликни асосий белиси бўлиб газ ва ахлат келмаслиги ҳисобланади. Бундай bemорларни кўздан кечирганда қорин деворини кескин ассиметрияси кузатилади. Қорин деворидан кенгайган ичак проекцияси кўриниб туради. Бу симптом касалликни бошланишида аниқланади, кейинчалик ичак катталашиши, бутун ичак бўйлаб тарқалганда йўқолиб кетади.

Пальпацияда қорин девори юмшоқ, оғриқсиз бўлади. Баъзан чап томонда, пастда локал оғриқ ва қорин мускулларини таранглашуви кузатилиши мумкин. Қорин деворини енгил силкиш «плеск шовқинини» келтириб чиқаради – Скляров симптоми.

Перкуссияда кенгайган сигмасимон ичак устида тимпанит аниқланади – Kiwull симптоми. Бу овоз бутун кенгайган ичак бўйлаб эшитилади, бу эса кенгайган ичак чегараларини аниқлашда ёрдам беради.

Перистальтика сақлаган холатларда аускультацияда ичак шовқинлари эшитилади. Хаттоқи «тушаётган томчи шовқини» ни эшитса бўлади – Вильмс симптоми. Парез борлигига ичак шовқинлари йўқолиб кетади, «ўлик сокинлик» пайдо бўлади, лекин кенгайган ичак устида юрак уруши ва нафас шовқинлари аниқ эшитилади – Lotheisen симптоми.

Ректал текширувда бу турдаги ичак буралишига хос, бўш, очиқ тўғри ичак аниқланади – Обухов касалхонаси симптоми. Яна Цеге-Мантейфел симптоми, яъни тўғри ичакка 500 млдан ортиқ сув сифмаслиги аниқланади.

Рентгенологик текширув. Кескин катталашган сигмасимон ичак «ёрқин қорин», «гигант шпилька» ёки «икки ўзак» шаклида диафрагма остигача бутун қорин бўшлиғини эгаллайди. Барча бу белгилар сигмасимон ичак буралишининг характерли белгилари ҳисобланади. Бундан ташқари сигмани иккала қовузлоғида ҳам суюқликнинг кўндаланг сатҳи аниқланади.

Контрастли хукна ичакни буралган жойигача тўлдиради, контрастни йўналишига қараб қайси томонга буралиш содир бўлганлигини аниқласа бўлади.

Кечиши. Сигмасимон ичак буралиши икки буралиш типига қараб икки хил бўлади: тез кечувчи ва секин - аста ривожланувчи. Биринчи турида ҳамма касалликлар странгуляцион ичак тутилиши кўринишида кечади. Иккинчи турида касаллик секин – аста, 8-10-12 кунлар давомида ривожланиб, организмни бор кучлари сарф бўлмагунча ва интоксикация пайдо булмагунча намоён бўлмайди. Рационал ёрдам кўрсатилмаса бемор коллаптоид холатга тушиб қолади ва беморни сақлаб қолиш қийин бўлиб қолади.

Диагностикаси. Сигмасимон ичак буралишининг бир қатор специфик симптомлари, беморларга ташхис қўйишида катта аҳамиятга эга. Бу симптомларга қоринни бирдан катталашуви ва асиметрия - «нотекис қорин», Kiwull, Цеге-Мантејфел, Обухов касалхонаси симптомлари киради. Нисбатан яхши сифатли кечиши, анамнестик маълумотлар ва специфик рентгенологик текширув хulosалари сигмасимон ичак буралишини диагностикасида катта рол ўйнайди.

Даволаши. Сигмасимон ичак буралишининг «тўлқинсимон» кечувчи турида ва ўтни консерватив муолажаларга сарфламасдан, керакли ташрих олди тайёргарлигини кўргандан сўнг, тезкор оператив давога ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Консерватив муолажаларни қўллаш беморни холати оғир бўлмаган, яъни фақатгина секин кечувчи турида мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда ичак


тутилиши белгиларини бартараф қилишни иложи бўлмаса, тезкор оператив давога ўтиш шарт.

Бунинг учун ичак тутқичи томирларини йўналишига қараб ичакни қайси томонга қараб буралганлиги аниқланади, сўнг деторсия амалга оширилди. Ичак декомпрессиясидан сўнг ичак хаётийлиги аниқланади.

Сигмасимон ичак бурилиш оператив давосининг асосий икки мақсади бор: 1) ичак тутилишининг хуружларини бартараф қилиш ва 2) касаллик қайталанишини олдини олиш. Сигма буралишида барча операциялар иккита асосий гурухга бўлинади: оддий усувлар (деторсия) ва радикал (резекциялар).

Ичакни қориннинг олд деворига фиксация қилиш (Nussbaum, 1880) ёки париетал қорин пардадан қилинган лоскут ёрдамида қоринни орқа деворига фиксация қилиш (Ф.М.Пикин, 1923), катта ичакни фиксация қилиш кийинлиги ва тикилган жойларни йиртилиб кетиши сабабли ўз мохиятини йўқотди ва хозирда қўлланилмайди.

Сигмасимон иchan тутқичини ўзгартириш операцияси - цекопликация – хозирги кунда бир неча хил кўринишларда қўлланилмоқда. Кўп жарроҳлар томонидан И.Э.Гаген-Торн (1928) томонидан таклиф қилинган усул, ичак тутқичига - 3-4 қатор параллель холда олди ва орқа варакларини қамраб оловчи ва кейинчалик ипларни боғлаш натижасида ичак тутқичини горфировкасини хосил қилиш усули фойдаланилади (Расм 4.8).



Расм 4.8. И.Э.Гаген-Торн бўйича мезосигмопликация.

Ф.А.Рейн (1923) сигмасимон ичак тутқичини қисқартыриш мақсадида ичак тутқичини асосиға бўйлама кесишни ва кўндаланг тикишни таклиф қилган.

К.С.Симонян (1966) буралишга моил сигмасимон ичак тутқичини Гаген-Торн бўйича мезосигмопликация қилишни уч қатор чоклар ёрдамида амалга оширишни ва қорин пардада тайёрланган лоскут ёрдамида чап латерал қорин деворига фиксация қилишни таклиф қилган.

Тугун хосил қилиш

Тугун хосил қилиш ичак тутилишининг оғир ва хавфли тури ҳисобланиб, ўзининг юқори летал холат келтириб чиқариши билан характерланади.

Этиология ва патогенези. Ичак тутилишининг тугун хосил қилиш турида ичакнинг бир нечта қисми иштирок этиши тушунилади. Асосан тугун хосил қилиниши сигмасимон ва ингичка ичак иштироқида кузатилади, кам холатларда кўричак ва ингичка ичак ўртасида хосил бўлади.


Ичак тугунини хосил бўлиши механизми. Ичакни тугун хосил қилиши учун бир қатор мойиллик қилувчи анатомик факторлар бўлиши керак: ингичка ичакни қорин бўшлиғи бўйлаб бемалол экскурсия қилиб юриши учун узун қовузлоқقا эга бўлиши керак, сигмасимон ичак қовузлоқларини яқинлаштирувчи тор ва кичкина ичак тутқичи бўлиши керак, ичак тутқичини чандиқли ўзгаришлари, ёнбош ва кўр учакнинг умумий ичак тутқичи, битишмалар шулар қаторида хисобланади.

Келтириб чиқарувчи факторларга қўйидагилар киради: а) ичак қовузлоқларини қисилишга мойил холда такланиши; б) ичак перистальтикасини кучланиши; в) ичак қовузлоқларини тугун хосил қилгунча буралиши; г) ичак қовузлоқларини газ ва ахлат билан ҳар хил тўлиши; д) қорин босимини ортишига сабаб бўлувчи барча омиллар.

Ичак тугунини күп учрайдиган қисмларидан ингичка ва сигмасимон ичаклар энг күп ўрганилган. Wilms (1909) ингичка ва сигмасимон ичак ўртасида тугун хосил бўлишини икки турини таъкидлаган:

- 1) сигмасимон ичак қовузлоғи юқорига йўналган;
 - 2) сигмасимон ичак қовузлоғи пастга йўналган;
- а) ингичка ичак сигмасимон ичакни олдидан орқага қараб йўналади;
- б) ингичка ичак орқада жойлашган бўлади (расм 4.9).

Сигмасимон ва ингички ичак ўртасида тугун хосил бўлганида қисилган халқа бўлиб, асосан ингичка ичак тутқичи хисобланади. Ингичка ичақда некротик ўзгаришлар сигмасимон ичакка нисбатан эртароқ ривожланади. Сабаби сигмасимон ичак тутқичи ичак қовузлоғи билан қопланган ва чадиқли ўзгарган бўлади, бу эса ўз навбатида эзилишни олдини олади.



Расм 4.9. Ингичка ва сигмасимон ичак ўртасида тугун хосил бўлиши. *a* – биринчи тури; *b* - *Wilms* бўйича иккинчи тури.

Тугун хосил бўлиши кўпроқ эркакларда кузатилиб, асосан ёшларда кексаларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Клиник кўриниши. Тугун хосил бўлиши одатда тўсатдан тўлиқ соглик даврида, хеч қандай белгиларсиз, олдиндан бошланади

Бемор безовталанган, бақирган, ўзига жой топа олмаган, мажбурий холатга тушган бўлади (ёнбош холда оёқлари букилган холатда, тизза-тирсак холатида). Ташқи кўриниши тез ўзгаради, юзи ўткирлашган бўлади

(Гиппократ юзи), цианоз пайдо бўлади. Пульс паст тўлқинли, тезлашган. Артериал босими паст. Тана ҳарорати меъёрий ёки паст. Тили қурук, олигурия кузатилади.

Шок холати эрта ривожланади – касалликни биринчи соатларидаёқ. Оғриқлар кучли, чидаб бўлмас даражада ва доимий характерда бўлади. Локализацияси ноаниқ бўлади, бутун қорин девори бўйлаб оғрияпти дейишади.

Қайт қилиш тез келиб чиқади ва кўп маротабалик бўлади. Қайт маҳсулоти кўп бўлиб, кейинчалик ахлат хидли характерда бўлади.

Қорин кўздан кечиришда шишмаган, хаттохи ўзгаришсиз бўлиши мумкин. Лекин бундай холат узоқ давом этмайди. Қисқа вақт ичидаги ичаклар шишиб қорин деворида ассиметрия пайдо бўлади.

Одатда қисқа муддат ичидаги парези келиб чиқиши ҳисобига ичаклар перистальтикаси кўринмайди, аускультацияда ҳам эшитилмаслиги мумкин.

Касаллик бошида пальпацияда қорин юмшоқ, қисилиш соҳасида оғриқ кузатилади. Лекин ичак деворида некробиотик жараёнларни ва перитонитни тез ривожланиши ҳисобига қорин девори таранглашади ва кучли оғриқли бўлиб қолади. Баъзи холатларда «плеск шовқини» ни аниқласа бўлади – Скларов симптоми.

Қорин девори перкуссиясида қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиши ҳисоби товушларни бўғиқланиши кузатилади.

Ректал текширувда Обухов касалхонаси симптоми аниқланади.

Рентгенологик текширув. Контрастсиз рентгенологик текширувда ингичка ва йўғон ичакларда механик ичак тутилишига хос белгилар аниқланади.

Рентгенограммада гаустралари кўринган холда катталашган йўғон ичак кўринади. Қоринни чап ва ўрта қисмлари бўшлиғида кўндаланг сатҳли суюқлик сақлаган ингичка ичак қовузлоқлари кўринади.

Ирригоскопияда сагитал холатда сигмасимон ичакни ўраган ингичка ичак ҳисобиға «signet-ring» - «халқа белгиси» аникланади.

Диагностикаси. Тугун хосил қилиш диагностикаси қуйидаги характерли симптомларга асосланади: а) касаллики қориндаги кучли оғриқлар билан түсатдан, бирдан бошланиши; б) тез ривожланувчи шок; в) қорин томонидан клиник белгиларини камлиги, қоринни оз ёки умуман шишимаслиги, ичак шовқинларини йўқлиги, қорин бўшлиғида суюқликни эрта пайдо бўлиши; г) характерли рентгенологик белгилар.

Дифференциал диагностикаси. Тугун хосил килинишини одатда қуйидаги касалликлари қиёсланади: ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, ўткир панкреатит, алиментар интоксиация.

Даволаши. Фақат оператив йўл билан. Ташихни тезкор равища да ўтказиш лозим. Шокка қарши кураш ташрих билан параллел равища да олиб борилади. Тугун хосил бўлган беморларда ташрих қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак: 1) оғир холатларда беморни шокдан чиқариш учун чора тадбирлар қўлланиши шарт. Беморга биринчи навбатда (100-200 мл) миқдорда артерия ичига қон қуйилади, кейинчалик вена орқали қон ўрнини босувчилар (плазма ёки донор зардоби, оқсилга бой препаратлар) юборилади; 2) бундан сўнг гемодинамика ва нафас олишни назорат қилган холда эндотрахеал наркоз бошланади, бу ўз навбатида гипоксияни даволашда ёрдам беради; 3) операция амалга оширилади. Бунда: лапаротомия амалга оширилади, ичак тутқичига 0,25% навокаин эритмаси юборилади ва тугун бартараф қилинади; 4) беморнинг умумий аҳволини яхшиланиши кузатилади, шокка қарши муолажалар давом эттирилади; 5) операция якунланади: ичаклар хаётийлиги аникланади, кўрсатма бўлган холда ичак резекцияси амалга оширилади, қорин девори қаватма-қават тикиб беркитилади.

Натижса. Тугун хосил бўлишида тугунни жойлашган жойига қараб (юқорида бўлса) натижа ёмон.

Катта чарви буралиши

Чарви буралиши нисбатан кам учрайдиган касалликлар туркумiga киради. Адибиётларда жами бўлиб 26 холатларда катта чарви буралиши хақида маълумотлар ёритилган.

Этиология ва патогенези. Катта чарви буралиши кузатилган кўп қисм bemорлар, чов чуррасини сурурнкали олиб юрувчилари ҳисобланади. Чурра қопида катта чарвини бўлиши натижасида, чарви томирларида димланиш, унинг шиши, тромбози кузатилади. Бу эса ўз навбатида катта чарвини буралиши ва буралиб қолишига олиб келади.

Lejars катта чарви буралишини уч гурухга бўлади:

- 1) катта чарви буралишини қисилган чурра ҳисобига бўлиши,
- 2) катта чарви буралишини қисилмаган чурра ҳисобига бўлиши,
- 3) катта чарви буралишини чуррага боғлиқ бўлмаган холда бўлиши.

Бу синфланишга яна бартараф қилинган чуррадан кейинги чарвини буралишини қўшса бўлади.

Кўп холатларда катта чарвини чап қисмига нисбатан ўнг қисмини буралиши кузатилади. Катта чарвини буралиши ўз ўқига нисбатан ҳар хил 2-3 дан 10-12 тагача кузатилиши мумкин.

Катта чарвини буралишини бевосита фактори бўлиб жисмоний зўриқиши, оғир юк кўтариш, ичак перисталтикасини кучайиши, кўп миқдорда овқат истеъмол қилиш ҳисобланади.

Клиникаси. Катта чарвини буралиши жараёни аста - секин бошланиши билан фарқ қиласи. Беморни умумий ахволи узоқ вақт ўзгаришсиз бўлади. Анамнезида мавжуд бўлган чуррани тез-тез қисилиб туриши аниқланади.

Асосий симптоми бўлиб секин - аста кучайиб борувчи, доимий характерга эга бўлган, киндик остига иррадиация берувчи қориндаги оғриқ ҳисобланади. Оғриқни интенсивлиги чарвини буралган майдонига боғлиқ: катта чарвини асосига яқин ва юқори бўлгани сари оғриқ кучлироқ ва интенсивроқ бўлади.

Касалликни узоқ кечишида тана ҳароратини кўтарилиши ва перитонеал белгиларни қўшилиши кузатилади (Щеткин – Блюмберг симптоми).

Қорин девори нисбатан катталашган. Палпацияда қорин девори юмшоқ, оғриқли бўлади. Қаттиқ консистенцияли, юзаси нотекис ва чегараси ноаниқ бўлган, кўндалангига ҳаракатчан ўсма аниқланади.

Рентгенологик текширувда характерли белгилар аниқланмайди.

Диагностикаси. Катта чарви буралиб қолишига куйидаги белгилар хос: 1) қориндаги оғриқ интенсив бўлиб, домий ўсиб боради, қов ости соҳасига иррадиация берувчи ва доимий характерга эга; 2) катта, тез хосил бўлувчи хосилани борлиги; 3) чуррани борлиги (ташрихдан кейинги); 4) интоксикация белгиларини йўқлиги.

Жарроҳлик давоси. Соғлом тўқима чегарасигача, уралиб қолган чарвии резекциясини амалга ошириш кўрсатилган.

Ўз вақтида жарроҳлик йўли билан даволанганда охири яхши натижани беради. Профилактика чора тадбирларини кўриш учун мавжуд бўлган чуррани олиб ташлаш тавсия этилади.

4.5. ИЧАК ТУТИЛИШИННИГ АРАЛАШ ШАКЛИ

Ичаклар тутилишининг аралаш шакли обтурация элементлари каби странгуляция элементларини ҳам ўз ичига олади. Тутилишнинг бу шаклига: 1) ичак ривожланишинг нуқсони оқибатида ўткир тутилиш, 2) инвагинация, 3) ёпишқоқ тутилиш, 4) қоринни ички қисилган чурралари киради.


Ичак ривожланишининг нуқсони оқибатида ўткир тутилиши

Мазкур бобда биз тутилишга сабаб бўлган патологик жараёнларнинг клиникаси, кечиши, тасхиши ва даволанишини қўриб чиқамиз. Нуқсонларнинг турли кўринишлари эса ичак ривожланишинг асосий нуқсонларига бағишлиланган бобда келтирилган.

Ривожланишдаги нуқсон мавжудлиги боис ичак тутилишига оид бажарилган барча ташрихларнинг 0,5-1,5% холатларида кузатилади.

Малротация

Этиологияси ва патогенези. Йўғон ичак малротацияси асосан ОИТ нормал эмбриологик ривожланишини бузилиши билан боғлиқ (расм 4.10)



Расм 4.10. 5-6 ҳафталик ҳомиланинг ичак найининг жойлашиш схемаси. *a* - ёнбошдан кўриниши; *б* - олдиндан кўриниши; 1 - ошқозон; 2 - олдинги ичак; 3 - киндик ҳалқаси; 4 - киндик-ичак йўлиниң қолдиғи; 5 - кўр ичак; 6 - орқа ичак; 7 - аорта; 8 - юқори чамбар артерия; 9 - пастки чамбар артерия; *в* - чапдан ўнга буралиши охиригача етмаган: йўғон ичак чапда жойлашган, ингичка эса ўнгда; *г* - ичак буралиши амалга ошмаган: йўғон ичак ингичка ичак чамбарагининг илдизи остида йотиб қолган.

Ичак найсининг нормал ротацияси бузилганда, асосан катталарда учта турдаги аномалия аҳамиятга эга: 1) ўрта ичак 90° га биринчи бор бурилганда ўз ротациясини якунлаши, нонротация. Аномалиянинг бу шаклида барча ичак битта умумий чамбарга эга ва қуйидагича жойлашади: ўн икки бармоқ ичакнинг дистал қисми ва барча ингичка ичак ўнгда, йўғон ичакнинг бошланғич бўлими чапда жойлашган; 2) малротация - қисман ротация (тез учраб турадиган шакли). Аномалиянинг ушбу шаклида ингичка ичакнинг ўрта бўлими 180° га бурилиб қолган, ўн икки бармоқли ичакнинг пастки қисми чамбаракнинг илдиз остида ётади, кўричак эса ўнгда эпигастринида жойлашади; 3) кўр ичак тушишининг бузилиши - юқори жигаростида жойлашиши.

Ичак ротациясининг етишмовчилигига ичак тутилишининг турли шакллари ривожланиши мумкин. Катталарда учрайдиган шаклларини кўриб чиқамиз.

Ҳаракатчан кўричак - *coecum mobile*. Аномалияning ушбу шаклида ичак ротацияси тўғри яқунланган, лекин ичак тутқичининг орқа қорин деворига бирикиши амалга ошмаган ёки кўр ва ёнбош ичакларнинг умумий эркин ичак тутқичи хосил бўлган - *mesenterium ileocaecalis commune*. Охирги аномалия кўпроқ кўр ичакнинг буралиб қолиши билан асоратланади.

Йўғон ичакни ретроперитонеал жойлашиши. Кўндаланг-чамбар ичак ўн икки бармоқли ичак ортида жойлашади, юқори чамбар артерия эса йўғон ичак олдидан ўтади. Бу шакл кам учрайди ва адабиётларда бор йўғи 32 та шундай холатлар қайд этилган.

Туғма аномалияси бор шахсларда ўткир ичак етишмовчилиги ҳар доим ҳам болалик даврида ривожланмайди, у деярли кечрок - балоғат ва хатто катта ёшда келиб чиқиши мумкин.

Клиник тасвири. Анамнезида ЎИЕ ихтиёрий ёки баъзи бир чоратадбирлардан (иссиқлик, мажбурий холат) сўнг тугайдиган даврий тутқаноқлар бўлиши мумкинлигига кўрсатмалар мавжуд. Баъзи бир шахсларда доимий ёки қайталаниб турувчи қорин димланиши, оғриқлар, ичқотиши ёки ичкетиши кузатилади, bemорлар баъзи бир турдаги озуқаларни ёмон қабул қилишади.

Касаллик симптоматикаси ўткир обтурацияли ёки странгуляцияли тутилишнинг тасвирига монанд бўлади, кўпроқ у ёки бу симптомларнинг устунлигига кўра аралаш тасвирини беради.

Камдан-кам холатларда касал умумий кўриқдан ўtkazilganda қуён лаби, олтибармоқ каби туғма аномалиялар аниқланиши мумкин.

Рентгенологик текширув. Умумий рентгеноскопияда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак кенгайиши ва уларда катта микдордаги газларни ийғилиши аниқланади. Иккита босқичда кўринади: биттаси чапда,

ошқозонда, бошқаси эса кичкина ўлчамда, ўнгда, кенгайган дуоденум соҳасида.

Контраст клизма қилинганда, кўричак эпигастрал соҳасида ёки унинг ротацияси ва ҳаракатига қўра қориннинг юқори квадратида аниқланади.


Ичакларнинг жойлашиши бўйича бошқа аномалиялар ҳам аниқланади. Катталарда ЎИЕ диагностикаси мальротация негизида қийин, лекин рентгенологик маълумотларга таянган холда бўлиши мумкин.

Мальротация негизида ўткир етишмовчиликни оператив даволанади. Ташрих усулини танлашда иккита мумкин бўлган мальротацияни вариантларини ҳисобга олиш керак.

1. Ўн икки бармоқли ичак ўз устига ётган кўричак ёки кўричакка париетал пардадан тортилиб турган қорин оғирликлари билан қисилиб қолади. Кўтариувчи ва кўндаланг чамбар ичаклар қориннинг ўнг квадратида жойлашади.

Бундай холатда кўр ичакдан ўнгда (латерал) жойлашган париетал қориннинг орқа пардаси кесилиши билан якунланадиган Ladd (1933) усулини (Расм 4.11) қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бу ўн икки бармоқли ичакни кўричак ва оғирликлар билан қисилиб қолишдан халос этади. Баъзида ичакларнинг қовузлаклари орасидаги бир нечта битишиналарни кесишга ҳам тўғри келади. Одатда ушбу кесмалар ўн икки бармоқли ичакни қисилиб қолишдан бартараф этади, лекин кўр ичакни ўз нормал жойига - ўнг ёнбош чуқурга жойлаштиришга уриниб кўриш керак эмас, чунки жойлашган жойида турмайди ва барибир силжиб кетади. Қорин пардани кесгандан сўнг кўричакни жойлашган жойида қолдириш шарт.



Расм 4.11. Кўр ичак юқорида жойлашиши билан пайдо бўладиган туғма ичак тутимишининг ташрих схемаси: *а* - *Ladd ташрихи* – париетал қорин парда ва кўричак ўртасидаги битишмаларни кесиши; *б* – кўричак қорин бўшлигининг чап яримида қолади, ўн икки бармоқли ичак париетал қорин мембронасининг қисилишидан халос этилган.

2. Ингичка ичак ўрта бўлимнинг айланиб қолиши. Қорин бўшлиғи очилганда ингичка ичакни бужмайган қовузлоқлари олдинда ётади, йўғон ичакни ўнг ярми кўзга ташланмайди (у чапда жойлашган бўлади). Баъзи бир холатларда, тасаввурда ингичка ичак қовузлоқлари чарвидаги ойнак орқали ўтгандек бўлади. Бир томир оғирлигига осилиб турган барча ичакни яхши мўлжал олиш учун, осон бажариладиган эвентрация қилишга тўғри келади. Қарама - қарши йўналишда айланиб қолган ичак тўғриланади. Лекин ташрихнинг бу босқичида тугатилмайди. Жигар остидан юқори жойлашган йўғон ичакнинг чиқувчи бўлими ва кўричакни халос этиш керак бўлади. Бу халос этиш *Ladd* усулида бажарилади. Бундан сўнг *colon* нинг ўнг ярмини қорин бўшлигининг чап ярмига доимий қоладиган жойига қўчирилади. Ичак найининг турли хил аномал бурилишларида олдиндан топиш қийин бўлган варианлар хосил бўлиши мумкин. Узун чарвилар билан таъминланган йўғон ичакнинг турли бўлимлари ортиқча ҳаракатда бўлганида, ушбу бўлимни фиксация қилиш муаммоси туради. Бунда париетал қорин парда кесилади ва қорин парда орти бўшлиғига босилади ва қорин париетал пардалари билан фиксация қилинади; агар бунинг имкони бўлмаса, унда касалнинг холати

кўтарса, энг яххиси йўғон ичакнинг ҳаракатчан бўлимини резекция қилиш керак.

Дубликация

Дубликация – ОИТ нинг иккига ажралиши – кўпроқ адабиётларда келиб чиқиши бир хил бўлишига қарамай «*ileum duplex*», «гигант дивертикул», «энтероген киста», «иккига ажраган ичак», «интрамурал киста» каби турли хил номларда ёритилган.

Этиологияси ва патогенези. Дубликациялар кўпроқ ичак чарвисида ёки ретроперитонеал бўшлиқда жойлашади. Мазкур хосилаларнинг деворлари ҳазм қилиш трактини қайсиdir бир бўлимига хос шиллиқ парда ва ясси мускул толаларидан ташкил топган. Дубликация девор қаватлари сонига боғлик бўлиб, маълум бир қалинликда бўлиши, уни хилёзли ва лимфатик кисталардан фарқлаб туради.

Бундай дубликациялар кўп холатларда ҳазм қилиш трактини қайсиdir бир бўлими билан ўзаро боғланган ёки унинг бир қисмини ташкил этади, лекин кистозли шакллари ўзига хос жойлашиши ҳам мумкин.

Хосилаларнинг шакллари ва катталиклари ҳар хил. Баъзи холатларда «икки ўқ» хосил қилувчи ва асосий ичак тутқичи атрофида чарвига етувчи узун найлар кўринишида бўлади. Лекин бу хосилалар ичакнинг чарви томонида шиллиқ ости қаватида ёки субсероз, интрамурал жойлашиши ҳам мумкин. Баъзи бир холатларда бу узунчок бўшлиқли хосилалар ичак тутқичи билан ўсади, лекин ўзига хос кириш қисмiga эга. Ушбу найларни узунлиги 1-2 см дан 40 см гача ва ундан юқори, баъзида эса асосий ичак катталигидан ўтадиган ўлчамгача этади. Бошқа холатларда улар кистани эслатиб турувчи думалоқ шаклга эга бўладилар. Баъзида уларнинг узунлиги 40-50 см ли ичак деворидан чиқувчи дивертикул кўринишига эга бўлади; улар кўкракдан ўтиб, қорин бўшлигининг четигача тарқалиши мумкин.

Дубликациялар кўпинча бир хилда эркаклар ва аёлларда учрайди. Ёшга боғлик бўлганда эса, ичак дубликациялари кўпинча кўкрак болаларида (60-

70%), кейин 1 дан 3 ёшгача бўлган болаларда (20%) учрайди. Қолган барча ёшдагиларга эса 10% холат тўғри келади.

Дубликациянинг ўлчами, характеристи ва жойлашишига қўра *клиник манзараси* ҳар хил бўлиши мумкин. Ингичка ичак дубликацияси кўпинча ёнбош соҳада жойлашади ва обтурацион тутилиш тасвирини яратиши мумкин. Йўғон ичак соҳасида жойлашган дубликация унинг кириш қисмини ўткир ёки сурункали тутилиши билан ривожланадиган обтурацияга олиб келиши мумкин. Тўғри ичак соҳасида жойлашган дубликация дефекация пайти учун тўсиқ бўлиши мумкин. Бармоқ ёрдамида текширув ўтказилганда бу хосила эластик оғриқсиз ўсимта кўринишида аниқланади. Тўғри ичак бўлинганда (икки тармоқли дубликация) ахлат ажралиши ҳар иккала ичак тармоғида амалга ошади.

Рентгенологик текширув. Ингичка ва йўғон ичак кисилишига хос рентгенологик белгилар: Клойберг косачалари, босқичлар, аркадлар, ёруғ қорин борлиги аниқланади. Оғиз орқали юқори бўлмаган миқдорда (50 мл) контраст бериш, ҳамда контраст клизма қилиш обтурациянинг жойлашишини ва унинг характеристини аниқлашга ёрдам беради. Баъзида икки тармоқли шаклида ичакнинг иккита кирув қисми аниқланади.

Дубликация диагностикаси осон эмас. Ташрих столида ҳам уни аниқлаш қийин, баъзида эса бунинг имкони йўқ.

Даволаи оператив бўлиши керак. Ташрих дубликацияни радикал олиб ташлаш учун ва ичак тутилиши хуружини йўқ қилиш мақсадида ўтказилади. Ичакни дубликацияси билан кўп холатларда ичак резекцияси мақсаддага мувоғиқ бўлади. Дубликацияни олиб ташлашда шуни ёдда тутиш лозим, уларни ичакдан ажратиш қийин ва бунда охирги қисмини осонгина жароҳатлаш мумкин. Бундан ташқари, ичак томирлари дубликация томирлари билан боғланган ва унинг томирларини ажратиш, ҳамда боғлашда ичак тутқичи озиқланишини бузуб қўйиш мумкин. Кейинчалик асоратлар ва хосилаларни кўпайиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олган холда айланма анастомозлар,

қисман резекциялар, яраларни тикиш күренишидаги паллиатив ташрихлар күрсатылмаган.

Натижса ўз вақтида ташрих үтказилганда қониқарли.


Инвагинация

Ичак инвагинацияси катта ёшлиларда тутилишга оид ташрихнинг барча холатларини 2 дан 8% гача бўлган қисмини ташкил этади.

Этиологияси ва патогенези. Инвагинация асосида – бир ичак кесмасини ўзидан кейинги келувчи қисмига кириши ётади. Инвагинация учта ичак деворидан иборат – битта ташқи, иккита ичкарига кирган ва орқага қайрилган ичак цилиндрдан хосил бўлади. Бу оддий уч цилиндрли инвагинация деб номланади. Унда ташқи цилиндр – қабул қилувчи (*intussuscipliens*) ва ички – олиб кирувчи (*invaginatum* ёки *intussusceptum*) ларга ажralади. Инвагинатнинг ички якуний қисми – ички цилиндрни ўрта қисмига ўтиш жойи – бош деб номланади, унинг асосини эса – ташқи цилиндрни ўрта қисмига ўтиши (қайрилган жой) – бўйинча дейилади. Ичак чарвиси бўйлаб, асосан инвагинат бўйинчасидан киритилган ичак чарвиси ҳисобланган бофичсимон хосилани аниқлаш мумкин.

Инвагинатнинг ички цилиндрини озиқланиши унинг чарвисини қисиши даражасига боғлиқ холда ёмонлашади. Чарвини кучсиз қисилишида ички цилиндр озиқланиши бузилмаслиги мумкин ва ичак таркибини пассажи сақланиб қолиши сурункали инвагинацияда кузатилади. Чарвини янада узок ва кучли қисилишида киритилган ичак деворида некробиотик ўзгаришлар ривожланиши мумкин. Лекин инвагинатнинг ташқи цилинди некротик ўзгарган ички цилиндрни қорин бўшлигини ўраб турувчиларидан чеклаб туради ва шу билан перитонит ривожланишини олдини олади. А.П.Лебедев (1965) маълумотларига кўра, якка туридан ташқари ҳар хил босқичдаги (Расм 4.12) кўплаб инвагинациялар хосил бўлиши мумкин ва 3,6% холатларда, мураккаблари эса - 6,8% холатларда учрайди. Инвагинацияни тутилишнинг бошқа механик шакллари билан комбинациялари бўлиши мумкин.

Инвагинат хосил бўлишини тушунтириб берувчи бир нечта холатлар мавжуд: 1) механик, 2) спастик, 3) паралитик.



Расм 4.12. Макропрепарат. Ингичка ичакни кўплаб инвагинацияси. 1 – олиб келувчи қовузлоқ; 2 - инвагинат – 10 см; 3 – ингичка ичакни олиб кетувчи қовузложи.

Механик холат ичакни юқори жойлашган қисмини қуи жойлашган қисмига киргизишга сабаб, шундаки инвагиницияланган цилиндр полиплар, ўсмалар, гематомалардан холис. Бундай хосила ичак перисталтикаси натижасида олдинга сурилади, унинг оёқчаси эса ўз ортидан унга ёпишган ичак деворини суст тортади. Кириб турувчи цилиндр инвагинация хосил бўлишида суст рўлни ўйнайди ва шунчаки ичкарига тортиб туради.

Спастик холатга кўра, инвагинация хосил бўлиши ичак кўндаланг ва циркуляр мускуларини қисқариш координациясини бузилиши натижасида юзага келади. Бунда яна олдиндан ичак чегараланган қисмининг ҳалқа мускулини спазми юзага келади, унга қараб эса шунингдек кўндаланг қисқарувчи мускул билан қуи ётган ичак кесмаси ҳаракатланади. Кириб турувчи цилиндрни циркуляр спазми инвагинат бўйинчаси соҳасида ичакнинг барча янги қисмларига тарқалади ва инвагинатнинг ўрта цилиндрини узайтиради.

Паралитик холатга (*Leichtenstern*, 1876) кўра, олдиндан ичакнинг қайсиadir бир қисмидаги мускули парезга учрайди, ушбу қисмга эса ичакнинг яхши перисталтика қилувчи қовузложи киритилади.


Илеоцекал бурчак соҳасида инвагинация хосил бўлишида ичакнинг ушбу бўлимини ўзига хос тузилиши аҳамиятга эга: ёнбош ичакнинг қисқа терминал якуни ўлчами бўйича кенг кўричакка қўйилади. Ёнбош ичакнинг жадал перисталтикасида у осонгина кўричак бўшлиғига кириши мумкин. Шунинг учун ушбу ичак бўлимини туғма узун умумий чарвиси мавжудлиги мақсадга мувофиқ ва кўп маротаба кузатилади. Шундай ёндош омиллардан ташқари қорин бўшлиғи жарохати, жисмоний зўриқиши, ич кетиш, сурги дориларини қабул қилиш кабиларни келтириб чиқувчи омиллар ҳам мавжуд.

Инвагинацияни ҳар хил турлари (Расм 4.13) бўлиши ва ОИТ нинг ҳар хил жойида жойлашишини ҳисобга олган холда, инвагинацион ичак тутилишини ёритишида қулай бўлиши учун таснифни ишлаб чиқдик.

Инвагинация таснифи

A. Инвагинациянинг ўткир шакллари.

1. Ингичка ва йўғон ичаклар соҳасидаги инвагинациялар:
 - a) ингичка ичакни ингичка ичакка, юқорига чиқувчи ва тушувчи инвагинацияси (ретроград);
 - б) илеоцекал бурчак соҳасида ингичка-йўғон ичак инвагинацияси;
 - в) йўғон ичакни йўғон ичакка, юқорига чиқувчи ва тушувчи инвагинацияси (ретроград);
 - г) чувалчангсимон ўсимтани кўричакка инвагинацияси.
2. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак соҳасидаги инвагинациялар.
 - а). Инвагинацияни сурункали шакллари.



Расм 4.13. Ичак инвагинациясининг турлари: 1- ингичка ичак; 2 – ёнбош-чамбар ичак (оддий); 3 - ёнбош-чамбар ичак (мураккаб); 4 – кўричак-чамбар ичак; 5 – йўғон ичак.

Келтирилган таснифга тушунча сифатида қуидагиларни айтиб ўтмоқчимиз: илеоцекал инвагинация гуруҳига ёки аникроқ қилиб айтганда ингичка-йўғон ичак инвагинация гуруҳига бир нечта турлар: илеоцекалли, кўр-йўғон ичак ва ингичка-йўғон ичак турлари, хусусий кўр ичак инвагинациялари ҳам, улар орасида қуидагилар ажратилади: а) 1910- йилда Blauel томонидан ёзилган “Блауэл” шаклдаги кўр ичак куполасининг инвагинацияси ва б) кўр ичакнинг ёнбош инвагинацияси, бунда инвагинат бошчасини ушбу ичакнинг ёнбош девори хосил қиласи.

Чувалчангсимон ўсимтани кўр ичакка инвагинацияси нисбатан кам учрайди, лекин адабиётларда шундек холатларни тарифлангани мавжуд.

Кўп сабабларга боғлиқ равишда ингичка ва йўғон ичаклар инвагинацияларининг ўткир шаклларини клиник манзарасини турлилиги билан фарқланади: ёшга боғлиқ (касал қанча ёш бўлса, касаллик шунчак авжида кечади), инвагинацияга учраган ичакларнинг кисилиш даражасига боғлиқ, заарла-

нишнинг давомийлигига боғлиқ, жойлашишига ва бошқа кўп сабабларга боғлиқ.

Баъзида анамнезда қоринда санчиқсимон оғриқларга шикоятларнинг мавжудлиги, инвагинация ёки қандайдир бир ўсимта борлиги билан боғлиқ бўлади. Касаллик баъзида оғриқ кучсизлантирувчиларини беришга кўрсатма бўлса ҳам, бехосдан бошланиши, кўзга кўринадиган сабабларнинг йўқлиги билан фарқланади.

Оғриқлар кучли, тўлғоқсимон характерга эга, 12-20 минут оралиқ билан давом этади, шунингдек тўлиқ йўқолмагунча ва оғриқлар доимий бўлмагунча аста - секин қисқариб боради.

Инвагинациянинг бошланишида қайт қилиш пайдо бўлади, кейин эса тўхтайди ва касалликнинг охирида ахлат туси кўринишига эга бўлганда яна тикланади.

Ич ва газларнинг ушланиб қолиши, кўпроқ қонли ажралмалар (транс-судат) билан қиёфаланади. Кейинчалик баъзи бир касалларда суюқ ёки шакланган ахлат кузатилса ҳам, ич ва газларнинг тўлиқ ушланиб қолиши ривожланади.

Кўпинча қорин хиёл шишган бўлади. Юқори инвагинацияларда метеоризм бўлмаслиги мумкин. Қорин девори юмшоқ, кучсиз. Кўп холатда юмалоқ, овал ёки узунчоқ шаклдаги юмшоқ-эластик хосила ёки кам ҳаракатчан, кўпинча қориннинг ўнг ярмида ўта чукур ётувчи дуккак кўринишидаги инвагинатни пайпаслаш мумкин.

Қорин перкуссияси одатий типдаги тимпанитни беради, аускультацияда эса касалликнинг эрта даври ва перисталтика мавжудлиги пайтида доимий ичак перисталтикаси эштилади.

Рентгенологик текширув. Обзор рентгеноскопияда асосан ингичка ичак инвагинациясида кўндаланг сатҳ ва косачалар кўриниши мумкин. Ингичка-йўғон ичак инвагинациясида йўғон ичакда нотекис газларнинг тўпланиши, ингичка ичакда эса косачалар ва ёй йўқлиги кузатилади. Баъзида шишган йўғон ичак фонида инвагинат сояси кўринади. Илеоцекал ва йўғон ичак

инвагинациясида контраст ирригогкопия жуда бебаҳо маълумотларни беради: текис ботик контурлари билан тўлиш дефекти ва «икки тишли», «уч тишли» ёки «кокард» кўринувчи тасвиirlар хосил бўлади, инвагинатнинг ўзи эса ҳалқалар серияси ёки гафрали найлар кўринишида учрайди.

Диагностикаси. Классик учлик борлигида: 1) ичак тутилиши белгилари, 2) қоринда ўсимтанинг пайпасланиши, 3) ахлатда қоннинг борлиги – инвагинацияни аниқлашда қийинчилик тұғдирмайды.


Даволаши фақат жарроҳлик йўли билан. Кўп холатдаги катталарда инвагинациянинг ўсимтали этиологиясини ва мумкин бўлган рецидивларни ҳисобга олиб, биз ичак резекциясини анастомозлар билан шакллантиришни тавсия қиласиз.

Янги инвагинацияни дезинвагинация қилиш мумкин. Шу мақсадда бошида инвагинат чарвисининг илдизига спазм холатини ечиш ва инвагинатни тўғирлашдаги барча муолажаларни енгиллатиш учун кучсиз новокаин (0,25%) эритмаси юборилади. Кейин чап қўл билан барча инвагинатни ушлаб олинади, ўнг қўл билан эса унинг бошчасига енгил босилади ва аста секин киритилган ичак цилиндрини чиқариб олинади. Хеч бир холатда инвагинатни унинг бўйинчasi томонидан киритилган ичак охирига тортиш йўли билан тўғирлаш мумкин эмас, агарда ичак дистрофик ўзгарган бўлса, бу усул билан фақат ичак бутунлигига зиён етказиш мумкин (Расм 4.14).

Агарда дезинвагинация амалга оширилса, унда ичак хаётийлиги аниқланади. Ичакнинг биринчи кириш жойи одатда қалинроқ, шишли бўлади, баъзида эса олдинги ивагинат деворида қонталашлар мавжуд бўлади. Ичакни хаётийлиги яроқли бўлса, кам эффектли бўлган фиксация ва пликация амалга оширилмай, қорин бўшлиғига тўғрилаш мумкин.

Дезинвагинация ўтказишни имкони бўлмаганда айланма анастомозни кўйиш мумкин эмас, чунки у норадикал чора ҳисобланади; шу билан бирга инвагинация кучайиб бориши ва анастомоз вазифасини бузиб кўйиши мумкин.

Натижаси. Тутилишнинг бошқа кўринишларига қараганда, инвагинацияда яхши.



Расм 128. Инвагинацион ичак тутилишида дезинвагинация қилиш техникаси.

Ичак сурункали инвагинацияси. Сурункали инвагинация касаллик нинг нисбатан кам учрайдиган шаклилларига киради.

Этиологияси ва патогенези. Ичак инвагинациясининг асосан рецидив шаклида ҳар бир хуруждан кейин дезинвагинация хосил бўлади ва бу хуруж кўп маротаба такрорланиши мумкин, лекин уларнинг ҳар бири тутилишнинг ўткир шакли ҳисобланади. Агарда ҳар бир ўткир инвагинат бир неча бор такрорланса, унда у рецидивга айланиши мумкин.

Сурункали инвагинацияда киритилган ичак дезинвагинация бўлмайди ва ноаниқ кўп муддатга, баъзида ойлаб шундай холатда қолади; бунда ичак ўтказувчанлиги сақланиб қолинади ва қон айланишининг бирдан бузилиши,

киритилган цилиндрда қон туриб қолиши ва шиш билан боғлиқ баъзи бир морфологик ўзгаришлар ривожланишига қарамай хосил бўлмайди. Ичак сурункали инвагинацияси кўпинча аниқланмайди, беморлар эса турли хил диспепсик холатларга шикоят қилишади ва сурункали дизентерия каби турли хил гумон касалликлардан даволанишади.

Касаллик одлатда кекса ёшли эркакларда кўпроқ учрайди.

Клиник манзараси. Корин бўшлиғида санчиқ, кекириш, қайт қилиш, ичкетиши, ичқотиши аҳамиятга эга. Анамнезда ҳамроҳ оғриқли хуружларга кўрсатмалар бор. Ахлати доимий эмас, кўпинча ичкетиши ич қотиб қолиши билан навбатлашиб кетади.

Корин девори юмшоқ, кучсиз. Кўпинча инвагинат ўсимта ёки қандайдир бир хосила кўринишида пайпасланади. Метеоризм «ўсимта» борлигини яшириб туриши мумкин.

Рентгенологик текширувда, асосан контраст қўллаганда инвагинат борлиги ҳақида хабар берувчи керакли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Диагностикаси осон эмас, агарда бу касалликнинг характерли белгиларини – коринда оғрикларнинг даврий рецидивлари билан ўткир бошланиши, доимий бўлмаган ахлат келиши, баъзида қон тўплами билан, «ўсимта» ни пайпаслаш мумкин бўлса, рентгенологик текширувларнинг маълумотлари ҳисобга олинса, имкони бор.

Даволаи жарроҳлик йўли билан. Дезинвагинация қилиш мумкин, лекин кўпроқ киритилган ичакнинг қисман ўзгариши ва инвагинацияга сабаб бўлган хакикий ўсимтанинг бор бўлиши туфайли ичак резекцияси кўрсатилган.

Натижаси жарроҳлик йўлисиз даволангандаги гумонли, яъни асоратлар бўлади, лекин радикал даволангандаги натижага қониқарли.

БИТИШМАЛИ ИЧАК ТУТИЛИШИ

Кўпчилик муаллифларнинг маълумотига кўра, ичакларнинг битишмали тутилиши ўткир тутилишнинг кўп учрайдиган шакли ҳисобланади: ўткир ту-

тилиш бўйича ўтказиладиган барча ташрихлар сонининг 35-45% ни ташкил этади.

Этиологияси ва патогенези. Битишмаларнинг қорин бўшлиғида ривожланиши ташқи вазиятлар (сероз қоплам жароҳатланиши, яллиғланиш жараёнлари) ва организм хусусиятига боғлиқ. Беморларнинг битишма хосил бўлишига мойиллик юқори бўлса, қолганларида эса ўша этиологик омиллар қорин бўшлиғида битишмалар ривожланишини чақирмайди.

Қорин бўшлиғида битишмалар хосил бўлишининг асосида ферментатив жараён ётади: сероз қобиқ жароҳатланганда доим қорин экссудатида иштирок этадиган фибриногендан фибрин тола чиқишини таъминловчи тромбаза ферменти ажралади. Фибриннинг нозик толалари экссудат ҳужайралари билан араласиб қорин пардани десерозациялашган юзасига ўтиради ва бир неча вақтдан сўнг ён атрофдаги тўқималар билан бирикиб кетадиган тўр хосил қиласи, 2 соатдан кейин мезотелий ҳужайралари билан қопланади, 3 соатдан кейин эса сероз қобиқнинг бутунлиги тикланиб қолади.

Тез орада бир - бирига илашиб турувчи ичак қовузлоқларининг десерозациялашган юзалари асосан вақтинча системасиз жойлашган коллаген толалардан иборат силлиқ ва плёнкасимон битишма хосил қиласи. Тахминан 7-10 кундан тўрсимон хосилалар кўринишида коллаген толаларни ҳар иккала томондан қоплаб турувчи эластик толалар хосил бўлади.

5-6 кунларнинг биринчи кунида бундай плёнкалар қон томирларини ўзида тутмайди ва енгилгина сўрилиб кетади. Лекин 7-10 кунлардан қон томирлари янгидан хосил бўлиш жараёни бошланади ва қорин пардани тубида жойлашган томирлардан бошланиб битишмалар ўсиб ўтади. 12-14 кунлардан томирлар силлиқ битишмалари бутун қатlamни тўлдиради ва қарама - қарши томон томирлари билан алоқага киради.

Кеч муддатда, 6-10 ойдан кейин, редукция юзага келади ва асосан қорин бўшлигининг харакатчан органлари ўртасидаги битишмалар йўқолади, нерв толалари, ҳамда томирлар сўрилиб кетади. Лекин вақтинча сақланиб ту-


рувчи ўсишларда, асосан кам ҳаракатчан органлар ўртасида янги хосил бўлган нерв тўқимаси сақланиб туради.

Перисталтика қилувчи ичаклар томонидан давом этувчи тортишмалар таъсири остида коллаген толалар жуда йўғон магистрал тугунчаларга йиғилади, эластик тўрлар эса қисқаради ва аста - секин сўрилиб кетадиган алоҳида фрагментларга парчаланади. Бу жараёнда битишмаларни қайта шакланишида силлиқ ўсишлар аста - секин алоҳида тортишмаларга парчаланади. Кейинчалик баъзи бир тортишмалар ёрилади, бошқалари қучлилари билан қўшилиб кетади ёки аксинча ингичка, толасимонларга айланади. Агар шундек ипсимон ёки толасимон битишмалар ёрилса, унда унинг эркин охири бошқа аъзога ўсиб бориши мумкин – «кўприк» хосил қилган холда ичак қовузлоғига, чарвига ёки хусусий чарвисига, ичак қовузлоғи осонгина кириши мумкин бўлган «чемодан ручкаси» қўринишида бўлади ва қисилиб қолади (Расм 4.15).

Битишма бириккан орган қанчалик ҳаракатчан бўлса, шунчалик тез ўзгаради, ёрилади ва тўлиқ сўрилиб кетиши мумкин.

Қорин бўшлигининг битишмалари травматик юзага келиши, қорин парда яллиғланиши ва таъсирланишида келиб чиқишига кўра туфма (Леновскийли ва Джексоновскийлар) ва орттирилганга бўлиш қабул қилинган.

Қорин парда яллиғланиши ва таъсирланишида битишмаларнинг ривожланиши кўпинча турли органларда инфекциялар борлиги билан боғлик (ўткир аппендицит, холецистит, аднексит ва бошқалар).



Расм 4.15. Ичакнинг битишмали тутилиши (схемаси).

Асосан битишмаларни жадал ривожланиши турли этиологияли чекланган ёки тарқоқ перитонитда юзага келади. Битишмали жараёнлар ривожланишига нафақат у ёки бу органни ўткир йирингли касалликлари, балки қорин парда туберкулёзи сингари сурункали специфик инфекциялар олиб келади.

Жарохатланишлар натижасида келиб чиқкан битишмалар қорин бўшлигининг барча жарохотланишларида ривожланади, колаверса биринчи навбатда ташрих пайтида. Барча лапаротомиялар одатда қорин парданинг у ёки бу даражадаги жарохати билан кечади ва иложсиз битишмалар хосил бўлишига олиб келади.

Қорин бўшлигининг битишмалари шаклига кўра силлиқ, плёнкали, ипли, тракционли, чарвидан ўсиб чиқкан кўринишларга бўлинади. Характерларига кўра улар қаттиқ ва ғовак бўлади.

Битишмали жараённи қорин бўшлиғида жойлашишининг ўзига яраша қонунуниятлари бор. Шундек қилиб, битишмалар кўпинча қорин бўшлигининг қуи қисмида, камроқ эса юқорисида жойлашади. Битишмалар кўпинча қорин деворининг чандиқлари билан боғланган. Ичак қовузлоқлари ўртасидаги битишмалар камдан-кам холатларда обтурация чақирмайдиган, лекин ичаклар букилиши ва перисталтикасини издан чиқарувчи кенг силлиқ ўスマлар хосил қиласди. Камдан-кам битишмалар ичак чарвисини деформацияга учратади ва «икки ўзакли» кўринишидаги ичак қовузлоғини жойлашишига олиб келади, штопрсимон айланмани хосил қиласди ва охир - оқибат, бутун конгломератга ичак қовузлоғини ёпиштириб қўяди.

Ичакнинг битишмали тутилиши ўткир тутилишнинг рецидивланишига кўп олиб келади ва шунинг натижасида беморлар кўп маротаба ташрих ўтказишади. Ўткир тутилиш юзага келиши учун, мойил омил – битишма бўлишидан ташқари келтириб чиқарувчи овқатланишдаги хатолик, овқат истеъмол қилишнинг доимий эмаслиги, ич кетиш, сурги дориларини кўп дозада қабул қилиш, оғирлик кўтариш каби омиллар ҳам мавжуд. Тутилиш келиб чиқиши-

да катта рўлни кўпинча механик эмас, ичак моторикасига тегишли динамик омиллар ўйнайди. Спастик ва паралитик характерли ичак перисталтикаси-нинг турли хил бузилиши битишмали жараёнда динамик тутилишни хосил қилиши мумкин.

Битишмалар ривожланишини профилактикаси

1. Ташрихда қорин бўшлиғи органларининг жароҳатланишини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, қорин бўшлиғи органлари ва тўқималари билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.
2. Мезотелийни десквамациясига йўл қўювчи, қуруқ марли салфеткалар билан қорин қопламасини артиш керак эмас
3. Тўқима қуриб қолишини олдини олиш учун, физиологик эритмада сиқилган илик нам салфеткалар билан ўраш керак.
4. Қорин бўшлиғида қон тўпланиб қолишини олдини олевучи қатъий гемостаз.
5. Қорин бўшлиғида тикув материали, тампонлар, дренажлар ва бошқа турли хил ёд жисмларни колдирилиши.
6. Қорин бўшлиғини тампонадаси қатъий чекланган бўлиши лозим. Қорин бўшлиғига тампонада қўйишга 3 та асосий кўрсатма мавжуд: 1) гемостазни етишмовчилиги; 2) қорин бўшлиғида йирингли жараённи борлиги; 3) инфильтратни борлиги.
7. Қорин бўшлиғининг барча десерозланган юзалари орган деворига туширилган холатда қатъий перитонизация қилиниши керак.
8. Ташрихдан сўнгги даврда ичак перисталтикасини олдиндан қўзгатишга қаратилган чора-тадбирлар.
9. Инфекцияга қарши курашга қаратилган чора-тадбирлар.

Ўткир битишмали тутилиш. Ўткир странгуляцияли битишмали тутилишда ичак қовузлоги билан бирга унинг чарвиси ёки бутун ичак конгломерати битишма ёки тортишма билан бузилиши ёки қисилиши юзага келади.

Бунда кисилишга ва эзилишга нафақат ичак найи, балки касалликка жадаллик беріб турувчи унинг чарвиси ҳам учрайди.

Клиник манзараси. Странгуляцион битишмали ЎИТ нинг асосий оғир кечиши ва ноқулай симптомларни тез ривожланиши билан фарқланади. Аナンездә күпинча ҳамрох ташрихлар, қоринни кесиб киравчы жарохатлар, турли хил яллиғланувчи касалликларга күрсатмалар бор.

Касалликнинг бошланиши ўткир, бехосдан, куннинг хохлаган пайтида, хатто уйқунинг ўртасида бошланиши мумкин.

Касалнинг умумий холати тезда ўзгаради; касалликнинг биринчи соатларида шок ривожланиши мумкин. Бемор безовталанади, бақиради, мажбурий холатда бўлади.

Оғриқлар кучли, қаттиқ, доимий, интервалсиз, ноаниқ жойсиз ва қориннинг барча томонига тарқалувчи иррадиацияли бўлади.

Қайт қилиш касалликнинг энг бошидан кузатилади, бошида рефлекторли, кейин эса қотиб қолади. Олигурия касалликнинг бошланишида ривожланади. Тил тезда қуриб қолади. Юз белгилари ўткирлашади – Гиппократ юзи. Қўл-оёқ ва шиллиқ пардаларнинг сезиларли цианози кузатилади.

Қорин деворида күпинча ташрихдан ёки кесиб кирави жарохатлардан сўнгги чандиқлар аниқланади. Бошида қоринни шиши пайдо бўлади, кейинчали шиш бироз кучаяди. Кўпинча қоринни асимметрияси кузатилади. Касалликнинг бошланишида сезиларли перисталтикани кўриш мумкин, кейин эса у 2-3 соатдан сўнг тўхтайди. Аускультацияда қоринда «тушаётган томчининг шовқини» эшитилади. Кейинчалиқ, ичак парези ривожланганда, «ўлик сокинлик» пайдо бўлади. Скларов симптоми - «ишқаланиш шовқини» - одатда яхши намоён бўлади. Ич ва газларни тутилиши касалликнинг бошидан ривожланади.

Ректал текширувда Обухов касалхонасининг симптоми аниқланади.

Рентгенологик текширув. Странгуляцион битишмали тутилишда рентгенологик маълумотлар етарлича эмас. Газ миқдоридан суюқликни миқдори ортиқ бўлади. Перисталтик ҳаракатлар кучсиз ифодаланган, суюқликнинг

куйилиши ва кўндаланг сатҳни жойлашиши кўринмайди. Диафрагма ҳаракати сустлашган.

Ўткир обтурацион битишмали тутилишда ичак қовузлоғини, букилиб қолиши, унинг битишмаси ёки тортишмаси билан қисилицаб қолиши кузатилади, бу жараёнда чарви иштирок этмайди.

Анамнезда ўтказилган ташрихлар, жароҳатлар, яраланишлар ёки турли хил яллиғланиш касалликлари кузатилади. Кўпинча мустақил ёки ташрих йўли билан бартараф қилинган қоринда оғриқларга, ичак шовқини пайдо бўлганлигига, ич ва газларни ушланиб қолинишига, тутилиш хуружларини доимий бўлишига кўрсатмалар бўлади.

Странгуляцион ичак тутилишига ўхшаб бошланиши учалик ўткир эмас. Касаллик аста-секин кучайишни бошлаши мумкин.

Клиник манзараси. Касаллик ичак обтурацион тутилиш типи бўйича кечади: қоринда доимий қисиб оғрувчи оғриқлар, сезиларли перисталтика, Валя, Скляров, Обухов касалхонаси симптомларини ривожланиши кузатилади. Қайт қилиш бошланишида кам, кейинчалик тезлашади ва ахлат тусига кириши мумкин.

Рентгенологик текширув ичак утилишида аниқланадиган косачани, кўндаланг сатҳни ва ёйни типик тасвирини беради.

Диагностикаси. Ўткир битишмали ичак тутилишини аниқлаш учун оғриқлар, ич ва газларни тутилиши, қайт қилиш, анамнестик маълумотлар, рентгенологик топилмалар ва асосан қорин бўшлиғида ташрихдан сўнгги чандиқларни борлиги катта аҳамиятга эга.

Странгуляцион ичак тутилиши учун касалликнинг жадал кечиши ва камдан - кам шок ривожланиши характерли.

Битишмали ичак тутилишини странгуляцион шаклини *даволаши* – жарроҳлик йўли билан, қанчалик олдин бошланса, шунчалик яхши, чунки ичак деворида некробиотик жараёнлар тезда ривожланиб кетиши мумкин.


Битишмали ичак тутилишини консерватив даволаш етарлича натижа бермайды, чунки консерватив муолажалар касалликни қайталанишини олдини олмайды.

Консерватив тадбирлардан фойдаланишдан натижа бўлмагандан сўнг 1,5-2 соат ичида жарроҳлик тадбири ўтказилади.


Ташрих. Странгуляцион тутилишда кўпинча қисиб турувчи тортишмаларни кесишга тўғри келади (Расм 4.16).

Ҳозирги кунда битишмали ичак тутилишида, ўткир тутилишни олдини оловчи ва bemорда касалликни кечишида ножӯя таъсирлардан халос этувчи интенстинопликация ташрихи – “Noble” ташрихини қўллаш кўп тарқалган (Расм 4.17).

Мазмуни шундан иборатки, ингичка ичакларнинг барча қовузлоқларини битишмалардан ажратилади, кейин параллел холда қаторга 25-30 см узунлигда жойлаштирилади ва ичак қовузлоқларини тартибсиз ўсишига тўсқинлик қилиш учун ўзаро серо-сероз чоклар билан тикиб, фиксация қилиб қўйилади.



Расм 4.16. Битишмаларни кесиш усуслари: *а* – очик лапаротомияда; *б* – лапароскопик ташрихда.



Расм 4.17. Ичак битишмали тутилишини йўқ қилиш ва олдини олиш усули – Нобел ташрихи.

4.6. ДИНАМИК ИЧАК ТУТИЛИШИ

Динамик ичак тутилиши ичакдаги махсулотларни ҳаракатига қаршилик кўрсатувчи хеч қандай механик бузилишларсиз, ичак мушаклари моторика-сининг функционал ўзгаришлари билан чақирилади. Бу функционал бузилишлар ҳам спастик, ҳам паралитик ҳаракетерли бўлади. Шунга боғлиқ равища динамик ичак тутилиши иккита асосий турларага бўлинади: паралитик ва спастик.

Паралитик ичак тутилиши

Паралитик ичак тутилиш ичак мотор вазифасини йўқотиши натижасида унинг перисталтикасини тўхташи билан характерланади. Ичак мушакларини бутун ичак деворини тонусини пасайиши ёки йўқолиши билан ҳаракатсизланishi ва унинг бузилиши туфайли, ичак кириш қисмини газсимон ва суюқ махсулотлари билан тўлиб қолиши юзага келади.

Ичакни шишиб қолиши, ичак ички босимини ортиши ичак деворидаги қон алмашинувини бузади, тўқималарни гипоксиясини ва димланиб қолишини келтириб чиқаради.

Ичак стазини келтириб чиқариш учун бутун ичакни параличи бўлиши шарт эмас, балки ичак қовузложининг бир қисмини параличи етарли ҳисо-

бланади. Шу парлич бўлган қисми ўзидан ичак таркибини ўтказмай кўяди, бу эса ўз навбатида сув омбори сингари бутун ичак бўйлаб стазни келтириб чиқаради.

Паралитик тутилиш қорин бўшлифинг турли хил ва шу қаторда ташрихнинг асоратлари сифатида ривожланади.

Деярли барча перитонитлар, ўткир аппендицит, флегмонозли холецистит каби қатор яллигланувчи касалликлар ичак парези ва шиши, ҳамда унинг махсулотларини тўпланиб қолиши билан кечади. Ичак парези қорин бўшлиғига турли хил қон, сийдик, ўт, панкреатик каби суюқликларни тушиби натижасида ҳам ривожланади; катта гематома билан париетал қорин парданни кўчиши каби қорин орти бўшлиғида турли хил жараёнларда, тос, умуртқа синишида кўп учрайди, баъзи бир интоксикацияларда ва марказий нерв системасини турли хил жараёнларида. Маълум муддатли ичак спазмидаги зўриққанида паралич келиб чиқади. Шунинг учун ичак мушакларининг спастик ва паралитик холатларини биридан бошқасига ўтиши мумкин бўлган ягона иккита даража сифатида кўрилади.

Клиник манзараси. Оғриқлар ўткир қисиб оғрувчи эмас, симмиловчи характерга эга. Ич ва газларнинг тўлиқ ушланиб туриши кузатилади. Қайт қилиш кечроқ қўшилади. Қорин барча қисмларда teng шишади. Ичак перисталтикаси йўқ, қоринда «ўлиқ сокинлик» аниқланади. Қорин девори юмшоқ, кучсиз ва кам оғриқли, лекин асосан ичакни парезини чақирган жараёнга боғлик.

Агар паралитик ичак тутилишни биринчи соатларида bemor нисбатан кам азоб чекса, унда 1-2 ва ундан ортиқ кун ўтишида ЎИТ нинг барча характерли белгилари намоён бўлиши мумкин: интоксикация, касалнинг умумий кўринишини ўзгариши, апатия, холсизлик, юрак фаолиятини пасайиши, модда алмашиниши жараёнларини бузилиши (сув, оқсил, туз) ва бошқа оғир симптомлар пайдо бўлади.

Лаборатор текширувда асосий касаликка мос келувчи ўзгаришлар аниқланиши мумкин: лейкоцитоз, лекоцитар формуласини чапга силжиши.

Рентгенологик текширувда паралитик ичак тутилишини қуидаги белгилари аниқланади: а) шиш нафақат ингичка, балки йүғон ичакка тарқалади; б) ичак бўшлигини кўп қисмини газлар, камини эса суюқлик ташкил этади; в) рентгенологик тасвир статик, у 1-2 кун давомида ўзгармайди. Ичак перисталтикаси йўқ, сатҳни силжиши ва қуилиши кузатилмайди; г) ёйларни суюқлик даражаси бир баландликда жойлашади; д) косачалар миқдори кўп эмас ва уларни контурлари аниқ эмас; е) ингичка ичак қовизлогини кенглиги йўғон ичак диаметридан 2-3 маротаба юқори; ж) қорин бўшлиғида эркин суюқлик йўқ; з) диафрагма харакатини чекланиши ва юқори жойлашиши кузатилади.

Кечиии. Паралитик ичак тутилиш одатда ташрих, жароҳатлар ёки бошқа этиологик омиллардан сўнг қисқа вақтда бошланади. Ташрихдан сўнг ичак парези асоратланмаган холатларда 2-4 кун давом этади, асоратланганда эса ичакнинг функционал фаолиятини бузилиши механик тутилишга ўтиши мумкин.

Паралитик ичак тутилишини *диагностикаси* операцион жароҳат, тос суганини синиши каби ишлаб чиқарувчи сабаб бўлганида қийин бўлмайди. Мазкур холат учун кескин оғриқларни йўқлиги, барча симптоматикани секин ривожланиши, қоринни юмшоқлиги, оғриқсизлиги ва кучсизлиги характерли.

Паралитик ичак тутилишда *даво* консерватив йўл билан. Фақатгина тўғри кўрсатмалар бўлганида жарроҳлик амалиёти қўлланилади: деструктив аппендицит, холецистит, перитонит.

Паралитик тутилишни консерватив даволаш бир қатор чоратадбирлардан иборат, булар:

1. Сусайтирувчи рефлектор импульсларни ечиш учун ва фаол ичак перисталтикасини тиклаш учун вегетатив нерв системасига таъсир қўрсатиш керак ва қуидагилар қўлланилади: а) ганглиоблокатор воситалари - диколин ва димеколин (1 мл 1% эритма тери остига ёки мушак орасига); б) ичак перисталтикасини бевосита қўзғатувчи воситалар: прозерин, простигмин, питуитрин ва бошқалар. Бундан ташқари натрий хлорни 10% гипертоник эритмасини 10-20 мл миқдорда вена ичига юборилади.

2. Қорин ва ичаклар шишини пасайтириш учун назогастрал зонд қўйиш ёки узун най билан ичакни интубация қилиш каби воситалар катта аҳамиятга эга.

ОИТ таркибини аспирациясида оқсил, минерал ва углеводлар алмани нувидаги йўқотишлиарни тўлдириш чораларини қўриш керак. Бу мақсадда bemorga вена ичига томчи йўли билан қон ўрнини босувчилар юборилади; ичакни мотор функциясини тикланишига алоқадор натрий ва калий ионлари ни тўлиб боришига ҳам эътибор қилинади.

3. Ичак паралитик холатини даволашда бошқа воситалар ҳам аҳамиятга эга: ичак перисталтикасини яхши қўзғатувчи ҳисобланадиган енгил ҳазм бўладиган овқатларни эрта қабул қилиш, даволовчи гимнастика ва ётоғдан эрта туриш.

Натижса ўз вақтида аниқланганда ва даволанганда қониқарли.

Спастик ичак тутилиш

Спастик ичак тутилиши нисбатан қўп учрайди.

Этиологияси ва патогенези. Спастик ичак тутилишини пайдо бўлишига олиб келувчи этиологик омиллар ўзининг характерига кўра турлича. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) ичак ичини қаттиқ, қийин ҳазм бўлувчи овқатлар, ёд жисмлар, гижжалар билан тасирланиши, шу билан бирга битишмалар, ўсмалар, қисилишлар каби ичакдан ташқари тасирлантирувчилар; 2) қорин ичи ва қорин ташқи турли хил касалликлари (ўт-тош санчиғи, қорин бўшлиғи жарохати, сийдик йўллари касаллиги); 3) турли хил интоксикациялар: аскаридоздаги токсинлар, никотин, қўрғошин билан; 4) марказий нерв системасини турли хил касалликлари: неврозлар, истерия, неврастения. Бир қатор холатларда этиологик омилларни аниқлашни имкони бўлмайди.

Ичак яssi мушакларини спастик қисқариши одатда ўткир, интенсив оғриқ сингари, кўпинча чидаб бўлмайдиган, кесувчи характерда сезилади. Ичак спазмини давомийлиги ҳар хил бўлиши мумкин – бир неча дақиқадан

то кўп соатгача ва хатто кунлаб ва ҳафталаб давом этиши мумкин. Функционал имкониятлар зўриқканда спазм қарама қарши томон – ичак мушакларини парезига ўтиши мумкин.

Ичакни спастик холатини учраши кўпинча болалик ёшида, камроқ эса кексаларда кузатилади.

Клиник манзараси. Касаллик бошланиши тўсатдан, қориндаги кучли тўлғоқсимон локализацияси аниқ бўлмаган, бутун қоринга иррадиация бе-рувчи оғриқлар билан бошланади. Беморлар безовталанган, мажбурий холатда бўлади.

Кўп маротаба қайт қилиш кузатилади. Ич ва газларни келмаслиги асо-сан доимий характерга эга бўлади, лекин қоринда спазм тўхтаган вақтда ич келиши кузатилиши мумкин. Олигурия бўлиши мумкин.

Беморнинг умумий холати азобли оғриқларга қарамай ўзгармаган бўлиши мумкин, шок ва коллапс ривожланиши кузатилмайди.

Қорин кўпинча ясси, тортилган бўлади.

Қорин девори одатда оғриқсиз, лекин баъзида қорин прессини кучайиши кузатилади, асосан жадал кечадиган спазмлар, ташхисда хатоликларга йўл қўйишга сабаб бўлади.

Пульс, тана ҳарорати меёрида бўлади, лекин артериал босим баъзида ортиши мумкин, механик ичак тутилиш каби ўзгаришлар бу турдаги ичак тутилишига хос эмас.

Спастик тутилишда *рентгенологик текширув* турли кўринишдаги ичак спастик атоник холатини характерловчи функционал ўзгаришларни кўрса-тувчи тасвирларни беради. Баъзида ичакни спастик тутилишида ингичка ичак чарвиси бўйлаб чапдан, тепадан, пастдан ва ўнгдан занжирдек кетувчи майда «косачаларни» кўриш мумкин.

Контраст текширувда йўғон ичакда контраст қоришмаларини чўкишини кескин тўхташи кузатилади ва у ерда кўп кун қолиши мумкин.

Спастик тутилишни кечиши турли хил бўлиши мумкин. Баъзи холатларда ичак спазми тезда тўхтайди, бошқа холатларда уни чақирган сабаб-

ларга боғлиқ радиоактивнота узоқ вақт давом этиши мумкин. Аянчли якун билан тугаши ҳам мумкин. Иссиклик, оғриқ қолдирувчи ва спазмолитик воситаларни (новокаин блокадаси, атропин ва бошқалар) қўллашда спазм кучсизланади ёки умуман тўхтайди. Наркозда, ҳамда орқа мия анестезиясида спазм тўхтайди.

Ичак спастик тутилишининг кечишини 4 даражаси фарқланади:

- 1) перисталтикани қўзгалиши (қисман ичак тутилиши, ичак санчиғи),
- 2) спастик холат (тўлиқ ичак тутилиши),
- 3) паралитик даражаси
- 4) перитонит.

Диагностикаси. Спастик ичак тутилишини механик турида ҳам ичак мушакларини спазми борлигига қарамай фарқлаш қийин. Этиологик омилни, аскаридоз, истерия ва бошқаларни борлиги спастик ичак тутилишни тўғри тан олишда ёрдам беради. ЎИТ ни типик белгилариға қарамасдан, касалнинг умумий қўриниши ва холати кам ўзгаради ва шок, коллапс ва интоксиқация симптомлари бўлмайди.

Хуружни бартараф қилувчи спазмолитик воситаларни (новокаин блокадаси, атропинизация) қўллаш яхши натижада беради, кейин қўйилган хуқна эса ич ва газларни чиқишини таъминлаб, ичак тутилишини бартараф қиласди.

Даволаши фақат консерватив йўл билан. Ташрихни хато сифатида баҳолаш керак. Ичак спазмини консерватив даволаш спазмга қарши воситаларни (икки томонлама паранефрал блокада, атропинизация, папаверин ва бошқалар, ичак соҳасига иссиқлик қўйиш, ванналар, сифонли ва гипертоник хуқналар) қўллашдан иборат.

Натижаси ўз вақтида ташхис кўйганда ва даволангандада яхши натижага эришиш мумкин.

ЎИТни даволаш қийин муаммони келтириб чиқаради. Жарроҳ олдида ташрих тадбиридан такшқари патогенетик даволаш принциплари билан боғлиқ барча комплексли чора-тадбирларни қўллаш масаласи туради. Бу борада адабиётларда кўплаб таклифлар ва ёзувлар бор. Кўп муаллифлар невро-

ген, плазмоген ва токсик ўзаро рад этувчи омиллар билан курашишга йўналтирилган, ЎИТни патогенетик даволашни схемасини ишлаб чиқсанлар. Ўткир ичак тутилишини даволаш консерватив ва оператив бўлиши мумкин.

5-БОБ ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШНИ ДАВОЛАШ

5.1. ДАВОЛАШНИНГ КОНСЕРВАТИВ УСУЛЛАРИ.

Бу усулларга новокаинли паранефрал блокада, ганглиоблокаторларни юбориш (диколин, димеколин), сифонли клизма ва бошқалар киради. Авваламбор бу чора-тадбирлар ёрдамида тутилишнинг динамик шакли билан деярли барча bemорларни патологик холатдан чиқариб олишга эришилади. Бундан ташқари консерватив чора-тадбирлар тутилишнинг баъзи механик кўринишларини, уларнинг «динамик фаза»да ривожланишини, бошланғич даврида ривожланган ўзгаришларни қайтиш имкони бўлганда, йўқ қиласди. Охиригиларининг сонига эса асосан тутилишнинг битишмали шакллари, ичакни баъзи бир букилишлари, ички қисилишлар ва бошқалар киради.

ЎИТ билан оғриган касалларда, жараённи даволашнинг консерватив йўл билан йўқ қилишга эришилади. Адабиётлардаги маълумотларда тафовути етарлича аҳамиятли: 31,4 дан 66,97% гача ва шифокорнинг индивидуал ёндошишига боғлиқ. Лекин умуман консерватив даволанган bemорлар, ЎИТ билан келган bemорларни 1/3 ва 2/3 қисмини ташкил этади.

ЎИТ билан оғриган bemорларда консерватив даволашни қачон ўтказишга кўрсатма деб ҳисоблаш керак? Бу саволга қўйидагича жавоб бериш мумкин:

1. Динамик ичак тутилишни барча кўринишларида;
2. Буйрак ёки жигар санчиқлари каби органларни касалликлари билан чақирилган ичакни рефлектор тутилишида;

3. Ичакни яхши прачаланмаган ва дағал овқатлар билан обтурациясида;
4. Гижжалар инвазияси негизида ичак обтурациясида;
5. Механик тутилишнинг баъзи бир кўринишларида: а) странгуляция белгиларисиз оддий битишмали тутилишда; б) ичак инвагинациясининг эрта шаклларида; в) касаллик бошланишида сигмасимон ичакнинг буралиб қолишида; г) дегидратация ва интоксикациянинг хеч қандай белгилари йўқлигида, касалликни факат бошланиш даврида ҳар доим ҳам аниқ ташхис қўйилмайдиган механик тутилишни баъзи бир кўринишларида: беморни умумий яхши холатда, пульс минутига 70-80 та бўлганида, артериал босим 110-120 мм сим.уст. ва юқори, тили нам ва бошқалар.

Ташрихсиз ичак тутилишини бартараф этиш уринишларига қаратилган консерватив чора-тадбирларни ўтказишга қарши кўрсатмаларни қўйдагилар деб ҳисоблаш керак:

- Ичак механик тутилишини барча кўринишлари, тахикардия, цианоз, артериал босимни 110 мм сим.уст. дан паст бўлиши, организм интоксикациясини кичик белгилари, тилни қуруқ бўлиши, организмни сувсизланиш белгилари;
- Ахлатли қайт қилиш холатларини борлиги;
- Перитонит белгилари билан барча холатларда.

Консерватив усулларини 1-2 соатдан ортиқ қўллаш керак эмас. Консерватив даво фойда бермаса, ташрих йўли билан даволашга ўтиш керак, ўтказилган чора - тадбирларни эса ташрихдан олдинги тайёргарлик деб баҳолаш лозим.

Бу ерда биз шуни такидлашимиз керакки, бу вазият кўп маротаба эътибордан чиқиб қолади ва шифокор ичак тутилишини ташрихсиз ўтказишга ҳаракат қилиши ёки ташхисни тўғри қўйиш хошишига кўра кўпинча bemor узоқ вақт стационарда ушланиб қолади. Бир қатор холатларда шифокорлар ташрих bemor холатини яхшилашини ҳисобга олишмайди. Беморларга вақтида ташрих ўтказмаслик ва стационарда узоқ ушлаб туриши билан

уларнинг холати ёмонлашиб бориши ҳақида кўпгина муаллифлар айтиб ўтишган.

Ташрихсиз, ўткир ичак тутилиши бартараф қилинган барча беморлар, ичак тутилишига сабаб бўлган жойни аниқлаш учун кейинги рентгенологик текширувга муҳтоҷ бўлади. Шу турдаги ичак тутилишида қўпинча касалликни қайталанишга хос битишмали жараён ёки даврий ичак тутилишини чакиравчи ёмон сифатли ўсмалар аниқланади. Ҳар қандай холатда бемор аниқ ташхис қўйилмагунча ва шу масала ечилмагунча стационарни тарк этмаслиги керак.

ЎИТни йўқотишига қаратилган консерватив даволаш қўйидаги чоратадбирлардан иборат: 1) вегетатив нерв системасига таъсир кўрсатиш (паранефрал новокаинли блокада, ганглиоблокаторлар ва бошқалар); 2) ошқозон - ичак трактини таркибини декомпрессия қилиш.

Мазкур чора-тадбирларни кўриб чикамиз.

А.В.Вишневский бўйича паранефрал новокаинли блокада ҳам даволашда, ҳам дифференциал таққослашда аҳамиятга эга. Унинг даволаш аҳамияти орган тонусига таъсир кўрсатишдан иборат; у ичак мушакларининг спастик холатини ечади ва бундан ташқари, тўқималар трофикасига яхши таъсир кўрсатади. Унинг диагностик аҳамияти унинг механик ичак тутилишидан динамик (спастик) ичак тутилишини фарқлаш имконини беради.

Паранефрал блокада ҳар иккала томондан 80-100 мл микдорда кучсиз новокаин эритмасини (0,25%) икки томонлама юборилганда фойдали бўлади. Бу блокадани ўтказиш техникасини биз ёзмаймиз, сабаби у кўп қўлланмаларда кенг ёритилган.

Блокадани қўйишдан сўнг bemорни ётогига ётқизилади, усти ўралади ва қузатилади. Шу вақтда унга қон ўрнини босувчи суюқликларни қўйиш мумкин, агарда бунга эхтиеж бўлса. 40-60 дақиқадан сўнг bemорга сифон клизма қўйилганда яхши натижани билдирувчи, ич ва газларни юриши қузатилади.

Ичакларни динамик тутилиши, уни парезида ганглиоблокаторлар - диколин ёки димеколин фойдали бўлади ва ганглияларда эфферент импульсациялари бирданига йўқолганида, ичак моторик вазифасини яхшилайди.

Ганглиоблокаторлар – диколин ёки димеколин (1 мл 1% эритма дозасида тери остига ёки мушак орасига) қўлланилганида - сифон клизма 8-10 минутдан кейин қўйилади.

Ичак спастик холатини йўқ қилишида 1 мл микдорда тери остига 0,1% атропин сулфат эритмаси каби бошқа дори воситалар қўлланилади.

Ичак перисталтикасини қўзғатувчи (физостигмин, питуитрин ва бошк.) воситаларни, бартараф килинмаган ичак тутилишида сурги воситаларини қўллаш қарши кўрсатма ҳисобланади. Асос сифатида қуйидаги хulosалар ҳисобланади: 1) кучли ичак перисталтикасини қўзғатиш йўқ килинмаган тўсиқда ичакни тез зўриқишига олиб келади; 2) агар ичак парези эмас, спазми бўлса, унда у яна кучаяди; 3) сурги воситаларини бетартиб бериш унинг таъсирини кутишни талаб қиласи (4-6 соат) ва шу билан вақтни бекор ўтишини таминлайди; 4) ЎИТ каби «ўткир қорин» нинг барча шаклларида сурги воситаларини бериш қарши кўрсатма ҳисобланади.

ОИТ ни ичак таркибидан бўшатилиши. Тозаловчи клизма қўлланган холда ОИТ ни ичак таркибидан бўшатилиши кўпроқ унинг дистал қисмидан бошланилади, кейин эса узун ичак найдани киргизиш ёки ошқозонни ювиш ёрдамида проксимал қисми бўшатилади.

Ичакни дистал қисмини унинг ўткир тутилишида бўшатилиши сифон клизма ёрдамида амалга оширилади, бунда ушбу усулни қўллашга қарши кўрсатмаларни ҳисобга олиш керак. Ичак деворида дистрофик ўзгаришлар бўлганида, ОИТ касаллигининг барча қўринишларида клизма умуман қарши кўрсатилган. Бу даврда ҳар қандай клизма хавфли, чунки йўғон ичак кириш қисмига сув қўйилганда қорин ичи босими ортади ва деструктив ўзгарган ичак қовузлогини ёрилишига сабаб бўлади.


Сифон клизмани ўтказиши техникаси. Ўткир ичак тутилиши билан оғриган bemорда сифон клизмани қўллаганда баъзи бир қоидаларга амал

қилиш керак, яна бу қоидаларсиз клизма яхши ёрдам күрсатмаслиги ёки зарар етказиши мумкин.

Сифон клизма даволовчи шифокор борлигига қўйилади ва нафақат муолажани тўғри ўтказилишини, балки унинг натижаларини яхши ёки ёмонлигини тасдиқлаб беради.

Сифон клизмада қўлланиладиган сув хона ҳароратида бўлиши керак, лекин совук эмас, чунки бемор совкотиб қолиши мумкин. Сифон клизмаси учун қўлланиладиган сув миқдори етарли даражада кўп бўлиши керак.

Сифонли клизма учун йўғон ошқозон зондидан фойдаланиш қулай, унга ойнакли най орқали охирида 1-1,5 л сув сифдирадиган катта воронкаси бор шланг уланган (Расм 5.1).



Расм 5.1. Сифон клизмани ўтказиш услуби.

Резинали найни олдиндан ҳавони чиқариб юбориш учун сув билан тўлдирилади ва вазелин билан яхшилаб мойлаб, анал тешикка киритилади. Домий сувни қўйиб юборилганда зондни аста-секин ичакка иложи борича сурилади. Оғриқли хиссларни чақирмаслик учун сувни кучсиз оқим билан қўйиш керак (воронкани 1 м дан баландга қўттармаслик керак). Сув қуйилиши узилишсиз бўлиши керак, у воронкани сифон қоидасига қўра бемордан паст даражада туширилганида эса оқиб тушиши керак. Воронка паст жойлашганда сувнинг янги порцияси билан воронкани тўлдириш керак, ундан кейин эса уни қўтариш керак. Шунингдек сув тез қуйилаётганида у билан ҳавони кирмаслигини таъминлаш керак. Агар бу нарса содир бўлган бўлса, унда воронкани озгина пастга тушириш керак.

Баъзида беморни ёнбошдан ён томонга айлантириш, шунингдек уни тизза-тирсак холатига ўтказиш фойдали ва унга 1 л сув қўйиб, тезда уни чап ёндан орқага айлантириш ва сувни қўйиб юбориш керак. Бу усул буралиб қолган сигмосимон ичакни тўғрилашга ёрдам бериши мумкин.

Сифон клизмада, ҳамда рентгеноконтрастда янги йўғон ичак инвагинацияси тўғриланади; сув босими инвагинат бошини эзади ва ортга қайтишига имкон бериб, дезинвагинацияга олиб келади.

Сифон клизмани натижасини яхши деб, фақат ювилган сувни тузи ўзгариб қора ёки жигаррангга кирганда ва кўп микдода газлар чиқиши бошланганда ҳисоблаш мумкин; бунда мустақил ич келиши ҳам пайдо бўлиши мумкин. Лекин агарда ювинди сувлар тиниқ бўлиб ёки сарғайиб қолса ва уларда йўғон ичак деворидан ювилган ахлатни майда қисмлари сузиб юрса, унда бу натижа қоникарсиз деб баҳоланиши керак, bemorni эса тезкор ташрихга тайёрлаш керак.

ОИТ проксимал қисмини бўшатиш йўғон зонд ёки назогастрал най ёрдамида амалга оширилади. Баъзида узун най билан ичак интубацияси қўлланилади. Бу усуллардан ҳар бири аниқ кўрсатмаларга эга.

Ошқозонни йўғон ошқозон зонди билан ювиш орқали бўшатилиши ўткир ичак тутилишида ҳам диагностик, ҳам даволаш мақсадида қўлланилади. Диагностик мақсадлар учун бу муолажа қўйидаги холатларда ишлатиласди: 1) ошқозон ўткир кенгайишини, спазм ҳисобига ошқозон ўтказувчанлиги бузилишини, ҳамда артерио-мезентериал тутилишини аниқлаш учун; 2) ошқозон танасини буралиб қолишида кардияни ўтишини ёки диафрагмал чуррада уни кисилишини текшириш учун.


Ошқозонни ювишнинг даволовчи аҳамияти, ЎИТнинг барча кўринишларида ўз ўрнига эга, бунда ошқозон чўзилган ва тўлган бўлади. Бундан ташқари, у олдинда турган наркозга тайёргарлик ҳисобланади.

Назогастрал интубация қачонки найни ҳазм қилиш трактининг юқори қисмидаги ошқозон ва ичак таркибини доимий тортиб олиш учун узоқ муддатга колдириш керак бўлган холатда ишлатиласди. Йўғон зонд олдинги

тадбир сифатида ошқозон күп миқдорда озуқа қолдиқларини ташкил этганды қўлланилади.

Ингичка ичакни бурун орқали ошқозонга киритиш муолажаси. Бемор ярим ўтирган холатида зондни киритиш қулайроқ. Бурун ва бурун - томоқ шиллик қаватини анестетик (1% дикаин эритмаси, 2% новокаин эритмаси ва бошқ.) билан суртилади. Шарера шкаласи бўйича 14-16 ўлчамли, 4-5 та ён тешиклари бор ва қаттиқ эластик консистенцияли (юмшоқ зонд ярамайди) бўлиши билан фарқланувчи дуоденал зондни глицерин ёки стерил ёғ билан ёғлаб бурун орқали киритилади. Зондни қизилўнгач бўйлаб ҳаракатини енгиллаштиришда bemorga сув ичиш тавсия этилади.

Пассив сўриб олиш учун зондни охирига аппаратни сўриб олувчи тешигига уланса, мақсадга мувофиқ бўлади (Расм 5.2).



Расм 5.2. Ошқозонни аспирация қилиш аппарати. 1- пассив сўргич (отсос) улаш жойи; 2- ошқозон зондини улаш жойи.

Ошқозон ташкил қилган озуқаларни алоҳида идишга йиғиб олиб, уни кўриниши кузатилади ва миқдори ўлчанади, чунки параллел суюқликлар ва электролитларни парентерал киритилгандаги йўқотишни қоплаб бориш кепрак.

ЎИТ даволаш учун, ичакни узун най билан интубация қилишни 1931-йилда Wangensteen таклиф қилган ва ишлаб чиқкан, шундан буён бу усулдан фойдаланиб келинмокда.

ЎИТ да Smith (1962) узун най билан интубация қилишни кенг қўллаб келмоқда ва қуйидаги фикрни айтиб утган: бу усул ичак моторикасини тиклашга ва уни эрта бўшашига ёрдам беради.

Ичак интубацияси учун узун найларнинг кўпгина турли хил мосламалар билан жихозланган (ҳаво ва қўрғошин билан тўлдирилган пуфакчалари мавжуд бўлган) ва уни ичакдан қулай ўтишига мўлжалланган бир бўшлиқли ва икки бўшлиқли каби моделлари таклиф қилинган.

Барча бу ичак найлари 3,2-3,5 м гача узунликка эга. Жуда ҳам қисқа найлар (1,5-2 м) ингичка ичак бошланғич қисмини дренажлаш учун ишлатилиди. *Wangensteen* бўйича узун ичак найини киритиш муолажалари 3 ва ундан кўп маротаба давом этади ва беморлар бу холатни енгил ўтказмайдилар. Найни ўтишини тезлатиш учун С.Симонян (1966) вена ичига привратникни тез ёпилишини тўхтададиган атропин ва кальций хлорни қўллашни таклиф қиласди.

Узун ичак найини киритишни техникаси. Зонд бурун орқали киритилиди. Бунинг учун беморни боши орқага ташланган, яrim ўтирган холатга ўтказилади. Бурун ва бурун - томоқ шиллик пардасини дикаиннинг 1% эритмаси билан оғриқсизлантирилади. Зонд ва унга бириктирилган қопча учини ёғ ёки глицерин билан ёғланади ва пинцет ёрдамида бурун орқали киритилиди. Зонд бурундан ўтиб, қизилўнгачга тушганда, ошқозонга найни ўтишини енгиллаштириш учун беморга оз миқдорда сув берилади. Кейин ошқозонда димланган ошқозоничи таркиби чиқариб олинади ва бир вақтда ошқозон то нусини ошириш ва уни перисталтикасини қўзғатиш учун ичишга сув берилади. Ошқозон сувга тўлганда, зондни тугаш қисми оғирлик ҳисобига пилоросга тушади. Привратникни беркилган жойидан зондни ўтишини таъминлаш учун беморга 1 мл 0,1% *Atropini sulfurici* эритмаси ва 10 мл 10% *Calcii chlorati* эритмаси вена ичига юборилади. Бир неча дақиқадан сўнг привратник атонияси келиб чиқади ва зондни ўникки бармоқ ичакка, кейин очичакка эркин ўтишини имконини яратади. Димланган ошқозон ичак таркибини чиқариб ташлаб ва ичак шишини баратараф этилганидан кейин, содир бўлган ичак перисталтикаси натижасида най ичак бўйлаб ҳаракатланади. Унинг ҳаракатланишига қўрғошин билан тўлган қопча оғирлиги ҳам имкон яратади. Беморни ютиниш ҳаракатлари баъзида зондни эркин ва етарлича тезлиқда

олдинга қараб ҳаракатланишига күмаклашади. Бурундан ташқарыда турган зонд қисми чўзилмаслиги ва ёғ билан мойланмаслиги керак. Ҳар икки соатда кўл билан 5 см ичкарига сурлади.

Зондни бош қисми жойлашганлиги ҳақида, унинг оғиз қисмидан чиқаётган ажралмалардан билиб олиш мумкин: қориндан шаффофф суюқлик, ўн икки бармоқли ичакдан – ўт билан бўялган суюқлик, ингичка ичакдан – жигарранг ичак ташкил қилувчилар ажралади. Зонд жойлашишига аниқлик киритиш учун кўплаб жарроҳлар рентгенологик текширув ўтказишини тавсия қилинади.

Ошқозон - ичак таркибини зонд орқали чиқариб олиш суюқликларни пассив чиқариб олиш учун мўлжалланган аппарат ёрдамида амалга оширилади (Расм 5.2). Жуда кучли сўриб оловчи аппаратларни қўлламаслик керак, чунки бу ичак деворини найга сўрилишига олиб келиши мумкин. Ичакдан сўриб олинувчи суюқликни миқдори одатда кунига 500-1500 мл дан ортмайди.

Найни бир соат давомида 60-70 см дан эхтиёткорлик билан ва астасекин чиқариб олиш керак, чунки тез чиқариб олишда ичакни ретроград инвагинацияси юзага келиши мумкин.

Ингичка ичак интубациясини узоқ вақт қўлланилишига кўрсатмалар сифатида паралитик ва эрта ташрихдан сўнгги ичак тутилиши ҳисобланади. Лекин баъзи муаллифлар кўрсатмаларни кенгайтириб берган: а) паралитик ичак тутилиш, б) қисман ичак тутилиш, в) қорин бўшлиғида яллиғланиш жараёнини борлиги, г) декомпрессия ёрдамида қисқа вақт ичидаги ўтиб кетувчи битишмали ичак тутилиш.

Узоқ вақт ичак интубациясини қўллашга қарши кўрсатмалар бўлиб, ингичка ичак странгуляцион тутилишини барча турлари, ҳамда йўғон ичакни обтурацион ва странгуляцион ичак тутилишини барча турлари ҳисобланади. Ичак перисталтикаси йўқ пайтида, беморларда ичак тутилишининг узоқ муддатга интубация қилмаслик мақсаддага мувофиқ бўлади.

Ичакни узок муддатли интубациясида ўзига хос асоратлар кузатилиши мүмкин ва улар ҳақида адабиётларда кўплаб кўрсатмалар бор. Хавфли, хаётга хавф солувчи асоратларга қуидагилар киради:

1. Ичак ёки ошқозон перфорацияси, асосан қаттиқ найлар ўтказилганда кузатилади. Ичак перфорацияси юмшоқ най қўллаганда ҳам кузатилиши мүмкин, агар зонд учи обтурация жойига яқинроқ жойлашган холда узок туриб қолса ва бу ерда дистрофик ўзгарган ичак осонгина яраланади ва перфорацияга учрайди.
2. Ошқозон ва ичак бўшлиғида узун ичак найини тугун хосил қилиб қолиши мүмкин. Бу асорат кўпинча найни олдинга сурганда учрайди.
3. Кенгайган қўрғошинли қопча билан ичакни тикилиб қолиши.
4. Агар най кўричакка кирган бўлса ва илеоцекал клапандан ўтиб қолган бўлса, шу соҳадаги клапанда ушланиб қолиб, орқага найни чиқаришни иложи бўлмаслиги.
5. Найни чиқаришда ичак деворини ёрилиши.
6. Найни чиқариб олишда ичакни ретроград инвагинацияси.
7. Найни охирида жойлашган қопчадан ичакка симобни тушиб қолиши. Шунингдек адабиётларда меркуриал аппендицит келиб чиқиши натижасида ўсимтасини перфорацияси, ҳамда меркуриал фистулаларни хосил бўлиши ёзиб ўтилган.
8. Найни бурунга, томоқقا ва қизилўнгачка босилиши натижасида беморларда оғриқлар ва шикастланишлар каби маҳаллий асоратлар келиб чиқиши мүмкин. Баъзида отит, синусит, бурун пардасини абсцесси ва шунга ўхшаш касалликлар ривожланади.

Ичак давомий интубацияси усули, биз кўриб тургандек ҳар томонлама мураккаб хисобланади ва даволовчи шифокордан катта тажрибани ва меҳнатни талаб қиласи.

Шунинг учун биз бу усулни фақат тўғри кўрсатмаларда замонавий аппаратлар билан жихозланган ва юқори малакали тиббиёт кадрларига эга шо-

шилинч жарроҳлик стационарларида барча кўрсатмаларни ҳисобга олиб қўллашни таклиф киламиз.

5.2. ЙЎГОН ИЧАКДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАШРИХЛАРНИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Йўгон ичак касалликларини даволаш - оғир муаммо. Хирург олдида нафакат касалликнинг хирургик давоси, балки тўлиқ комплекс патогенетик давоси ҳам асосий вазифа бўлиб туради. Бу масалада жаҳон адабиётларида кўплаб таклиф ва фикрлар билдирилган.

Йўгон ичакка хирургик йўллар. Кўндаланг чамбар ичак операцияларида патологик ўчоқни жойлашишига қараб, қуйидаги қорин девори кесмаларидан фойдаланилади: ўрта-ўрта, пастки-ўрта, ханжарсимон ўсимтадан қов соҳасигача бўлган кесма, ўнг ва чап томонлама трансректал ёки параректал.

Патологик аъзога кириш учун қуйидаги асосий принципларга эга бўлиш керак:

- Кесма аъзо ва қорин бўшлиғи бошқа аъзоларини кўриш учун етарли даражада бўлиши керак.
- Кесма имкони борича қорин девори пресси вазифасини бузмаслиги керак.

Чамбар ичакда ўтказиладиган операциялар хусусиятлари:

- ичак деворини нозиклашиши, ичак таркибини инфекцияланиши;
- ичак девори, асосан қон томирлари кирган жойларини қорин парда билан қопланмаганлиги, қон билан таъминланиш хусусиятлари;
- ичак деворини қон билан таъминловчи ёғ ўсимталари ва уларга ўтувчи қон томирларни борлиги.

Операция вактида қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

Анастомоз чоки икки қаторли ипакдан, тугунли бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади; ичкиси – бутун девор орқали, ташқи кавати - сероз-мушакли.

Анастомоз тури: охирни-охирга, охирни-ёнбошга ва ёнбош-ёнбош. Булардан ташқари яна аппарат ёрдамида ва инвагинация усулида анастомоз кўйиш усуллари мавжуд.

Патологик ўчоқни жойлашган жойи, касаллик характери, асорат тури, операцияни режали ёки тезкор ўтказилиши ва беморни умумий аҳволини ҳисобга олган холда бир босқичли, икки босқичли ва уч босқичли операция турлари мавжуд.

Ичак чоклари: Ичак чоки герметикликни, барча ичак девори қаватларини бир-бираига тўғри келишини ва анастомозни мустахкам ўсишини таъминлаши керак.

Одатда икки қаторли сероз-мускулли (Черни чоки), кам холатларда уч қаторли чокдан фойдаланилади. Ички қаторни бутун ичак девори орқали (Алберт чоки), ташқи каватини – сероз-сероз чоклардан (ёки сероз-мускул Ламбер чоки) кўйилади. Бундан ташқари адабиётларда бир қаторли, тугунли сероз-сероз (Пирагов-Матешук чоки) чокларидан фойдаланишни тавсия қилаётган маълумотлар кўпайиб бормоқда.

ЧАМБАР ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қорин парда билан тўлиқ қопланмаган йўғон ичак мобилизациясида органни қон билан таъминланишини бузмаслик керак.

Ичак резекциясидан кейин қолган ичак қисмлари қон билан яхши таъминланган бўлиши керак. Ичакни қон билан таъминлайдиган томирларни ичак тутқичи томонидан ёғли ўсимталар орқали, ичак деворига киришини эсдан чиқармаслик керак. Билмасдан бу ўсимталарни резекция қилиш, ичакни қон билан таъминлашини бузади, бу эса иchan некрозига олиб келади.

Анастомоз кўйилишида ичак деворларини тортишиб қолишини олдини олиш керак. Анастомозни ичакнинг ҳаракатчан ҳамма томонидан, қорин парда билан қопланган қисмига кўйиш керак.

Юқоридагиларни ва ичакни қон билан таъминланиш хусусиятларини ҳисобга олган холда, қуйидаги ичак резекциялари амалга оширилади:

Йүғон ичакни ўнг томонини резекцияси илеотрансверзоанастомоз қўйиш билан (ўнг томонлама гемиколоэктомия).

Илеоцекал соҳа резекцияси илео-асцендоанастомоз қўйиш билан.

Кўндаланг чамбар ичак резекцияси коло-колон анастомоз билан.

Йўғон ичакнинг чап қисмини ва пастга тушувчи қисмини резекцияси трансверзосигма анастомози билан.

Сигмасимон чамбар ичак резекцияси охирлари орасига охирини-охирига анастомози (долихосигмада) ёки десцендоректал анастомози (бутун сигмасимон чамбар ичакни олиб ташлашда) қўйиш билан.

Чамбар ичак чап қисмини трансверзоректал анастамоз қўйиш билан (чап томонлама гемиколоэктомия) резекция қилиш, тўғридан - тўғри анастомоз қўйиш, иложи бўлмагандан (чандиқланган калта ёки ёғли ичак тутқичини ичак охирига тикиш) йўғон ичак чап қисми катта дефектини ингичка ичак трансплантати (иleo-coloplastika).

Йўғон ичак чап қисмини ва бутун кўндаланг чамбар ичак резекцияси ўнг қисмини антиперисталтик фойдаланиш билан. Чап йўғон ичак ва бутун кўндаланг чамбар ичак резекцияси ва ўнг бўлагини антиперисталтик усулда фойдаланиши; бунда ёнбош ичак терминал қисмини кўр ичакка яқин қисмидан кесилади ва илеоасцендоанастомоз ва цекоректал (еки илеоцекоректал) анастомоз қўйилади.

Бутун чамбар ичакни олиб ташлаш - тотал колоэктомия илеоректал анастомоз қўйиш билан (бир моментли ёки икки моментли усул билан, ингичка ичак резервуарларини хисобга олган холда) амалга оширилади.

Йўғон ичак хирургиясида қўйидаги оператив аралашувлар фарқланади:

Йўғон ичак резекцияси (resectio intestini crassum);

Йўғон ичак ўнг қисми резекцияси;

Илеоцекал бурчак резекцияси;

Кўндаланг чамбар ичак резекцияси;

Йўғон ичак чап қисми резекцияси;

Сигмасимон ичак резекцияси;

Йўғон ичак субтотал резекцияси;

Колоэктомия.

Йўғон ичакдаги паллиатив операциялар:

Ичаклараро айланиб ўтувчи анастомозлар хосил қилиш;

И.Э.Гаген-Торн бўйича мезосигмопликация.

Табиий бўлмаган орқа пешов (anus praeternaturalis):

Гартман операцияси;

Вақтинчалик табиий бўлмаган орқа пешов.

Майдл усули (Maydl).

Р.А.Гирдаладзе усули:

Доимий табиий бўлмаган орқа пешов.

Оддий усул.

Ламбрет (Lambret) усули.

Йўғон ичак потологик қисмини бартараф қилишдан сўнг, кейинги муҳим масала ичак найларини узлуксизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун ичаклараро анастомоз хосил қилишни турли хил варианлари ва усуллари мавжуд. Улардан кўпроқ тарқалганларини қуидаги грухҳарга бўлинади:

I. Хосил бўлиш усулига кўра:

- 1) қўл ёрдамида;
- 2) механик;
- 3) аралаш.

II. Физиологик йўналганлиги бўйича:

1) клапанли (инвагинацион):

а) тўлиқ инвагинацион усул билан:

Вақтинчалик инвагинацияловчи иплар қўллаш билан;

Хартумли этак хосил қилиш орқали.

б) ботириш усули:

Рамбдор, Мейлард, Оппел модификациялари;

Инвагинат некрозланган қисмини режали ботириш усули орқали; вактингалик инвагинацияловчи иплар қўллаш билан ботириш.

- в) дупликат усули
бир моментли, икки моментли;
қўл чоклари, чоксиз (елимли).
- 2) одатий (традицион).

III. Ичакни кесиш йўналиши бўйича:

- 1) ичакни бўйлама кесиш билан .
- 2) ичакни кўндаланг кесиш билан.

IV. Шакллантириш тури бўйича:

- 1) учига - учи:
 - а) йўғон ичак қисмини тикиш билан;
 - б) йўғон ичак деворини тўғри горфировка қилиш;
 - в) ингичка ичакни қийшиқ кесиш билан;
 - г) терминал анастомоз қўйишни ёпиқ усуллари;
 - д) ингичка ичакни ботириш билан.
- 2) охирига - ёнбоши:
 - а) бўйлама охирига ёнбоши;
 - б) кўндаланг охирига ёнбоши;
 - в) бўйлама инвагинацион охирига ёнбоши;
 - г) кўндаланг инвагинацион охирига ёнбоши.
- 3) ёнбошига охир;
- 4) ёнбошига ён:
 - а) бўйлама ёнбош изоперисталтик;
 - б) бўйлама ёнбош антиперисталтик;
 - в) бўйлама кўндаланг;
 - г) кўндаланг ёнига.

V. Қўйиладиган чоклар сонига кўра:

- 1) бир қаторли;
- 2) 2 қаторли;

3) 3 қаторли.

VI. Чоклар характеристига кўра:

- 1) тугунли;
- 2) узлуксиз;
- 3) чоксиз.

VII. Ичак девори қаватларини чокка олиш чуқурлиги бўйича:

- 1) сероз-сероз;
- 2) шиллик-шилликости;
- 3) сероз-мускул;
- 4) шиллик қаватини олмасдан;
- 5) ичак девори ҳамма қаватларини олиб.

VIII. Тугунчалар жойлашиши бўйича:

- 1) тугунлар ташқарида сероз қаватида;
- 2) тугунлари билан ичкарига (ичак бўшлиғида).

IX. Анастомоз хосил қилишда қўшимча техник воситалар қўллаш бўйича:


- 1) магнитли халқа;
- 2) лазер;
- 3) электрли ток;
- 4) шакл холидаги металл ва бошқалар.

5.3. ЙЎГОН ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ

Йўғон ичак ўнг қисмининг касалликлари асосан ёмон сифатли ўсмалиари туфайли олиб ташланади (кўричак, кўтарилиувчи чамбар ва кўндаланг чамбар ичак қисми) (5.3 расм).


Ташрих техникаси. Йўғон ичак ўнг қисмини параректал, қийшик кўндаланг, ўрта ва трансректал кесмалар билан очилади. Резекция қилинаётган йўғон ичак қисмини мобилизация қилиш мақсадида кўричак ва кўтарилиувчи чамбар ичакни медиал томонга тортилади, қорин девори кесмаси ташқи қирғоги ташқарига тортилади. Бунда париетал қорин парда тортилади ва ичакка ўтиш қисмидан 1,5-2 см қолдириб скапел билан кесилади. Қорин

парда кесилаётган пайтида унинг ташқи қирғоғи қон тўхтатувчи қисқичларга олинади. Париетал қорин пардани кесишни, кўтариливчи чамбар ичак ўртасидан бошланади ва аввал пастга кўричак остига ёнбош ичак тутқичигача, сўнг тепага, ўнг чамбар ичак эгрилиги атрофида амалга оширилади.



Расм 5.3. Йўғон ичак ўнг қисми ракида резекция қилиш чегаралари: а – кўричак ва кўтариливчи чамбар ичак ракида; б – жигар эгрилиги ва кўндаланг чамбар ичакнинг ўнг учдан бир қисмидаги ракида; в – кўндаланг чамбар ичак ракида резекция.

Қорин парда кесилаётган пайтида унинг ташқи қирғоғи қон тўхтатувчи қисқичларга олинади. Сўнг ичакни париетал қорин парда ва қоринпарда орти клетчаткаси билан бирга, токи у жароҳат юзасига чиқарилмагунча биринчи тўмтоқ ажратилади (Расм 5.4). Агарда кўндаланг чамбар ичакнинг кўп қисмини олиб ташлаш керак бўлса, бундай холатда уни ошқозон кўндаланг ичак бойламидан ажратилади ва катта чарвини бир қисми олиб ташланади.




Расм 5.4. Йўғон ичак ўнг қисми резекцияси. Кўричак ва кўтариувчи чамбар ичак мобилизацияси. Кўричак ва кўтариувчи чамбар ичак ажратилиши ва мобилизацияси.

Йўғон ичакни ёнбош ичакка иммобилизациясидан сўнг, илеоцекал бурчакдан 6-10 см қолдириб, босиб турувчи ичак жоми қўйилади. Худди шундай жом билан ўсимтадан 10-12 см узоқликда кўндаланг чамбар ичак кесилади. Сўнг резекция қилинаётган ичакни олдинга ва ташқарига тортиб, кўйилган жомлар чизиги бўйлаб қон томирлар боғлаш йўли билан ичак тутқичи томонидан ичак мобилизацияси бошланади.

Шундан сўнг анастомоз кўйишга киришилади. Агар ёнбош ва кўндаланг чамбар ичаклар орасига ёнбошига ёнбош типида анастомоз қўйилса, олдин ёнбош ичак резекциясини бажариш керак. Бунинг учун олдин кўйилган жом ёнига иккинчи ичак жоми қўйилади ва улар орасидан ичак кесилади. Ёнбош ичак проксимал охири герметик тикилади ёки илеотрансверзоанастомоз кўйиш усулига кўра очик қолдирилади. Агар анастомоз охирига охири типида қўйилса, ёнбош ичак охири махкам (зичлаб) тикилади.


Сўнг иккита жом орасидаги кўндаланг чамбар ичак кесилади ва препарат олиб ташланади (Расм 5.5). Кўндаланг чамбар ичак икки қаторли чоклар билан герметик тикилади.



Расм 5.5. Йўғон ичак ўнг қисми резекцияси. Кўндаланг чамбар ичак резекцияси ва сероз-мускул тугунли чоклар билан чўлоқни беркитиш.


Йўғон ичак ўнг қисми резекцияси. Одатий бўлиб қолган охирига охир анастомозини хосил қилишда иккала ичак чўлтоғини тикиб бўлгач, улар орасига анастомоз қўйишни бошлаймиз. Бунда, уни тикилган ёнбош ичакни кўндаланг чамбар ичакка олиб келамиз ва изоперисталтик қилиб жойлаштирамиз. Чўлтоқдан 3-4 см узокроқда, ичакларни эркин қирғоғи бўйлаб, иккита ушлаб турувчи чок қўямиз, улар орасидаги масофа 5-6 см бўлиши керак.

Ушлаб турувчи чоклар орасига сероз-мускул тугунли биринчи қатор чокларини шундай қўямизки, бунда кейинги кесма йўғон ичакдаги *taenia libera* бўйича ўтиши керак, ингичка ичак эса эркин қирғоғи бўйлаб ўтиши керак. Чок чизигидан 0,5 см ташлаб, скалпел ёрдамида йўғон ва ингичка ичакни сероз ва мускул қаватларини шиллик ости қаватигача кесиб борамиз. Шиллик ости қаватида жойлашган қон томирларни боғлаймиз ва ичак бўшлигини очамиз. Анастомознинг орка лабларини узлуксиз кетгут чоклари ёки ингичка тугунли ипак чоклар ёрдамида тикамиз, олдинги лабларни эса тугунли чоклар билан. Шундан сўнг, анастомознинг олд деворига иккинчи қатор тугунли ипак сероз-мускул чокларини қўямиз (Расм 5.6).



Расм 5.6. Йўғон ичак ўнг қисми резекцияси. Ёнбош ва кўндаланг чамбар ичак орасига ёнбошига ёнбош типи бўйича анастомоз қўйиш.

Ёнбош ва кўндаланг чамбар ичакларни одатий охирига ёнбош усули ёрдамида бирлаштирганимизда, аввал жомлар орасидаги кўндаланг чамбар ичак кесилади ва чамбар ичак чўлтоғи хосил қилинади. Сўнг икки жом орасидаги ёнбош ичак кесилади ва препарат олиб ташланади. Анастомоз кўндаланг чамбар ичак чўлтоғи қирғоғидан 5-7 см узоқликда қўйилади. Бунинг учун ёнбош ичакни кўндаланг чамбар ичакни *taenia liberasiga* олиб келинади ва тугунли ипак сероз-мускул чоклари билан тикилади. Сўнг кўндаланг чамбар ичак бўшлиғи очилади. Шундан сўнг ичакни ҳамма каватларини олган холда аввал орқа лабларга, сўнг олдинги лабларга тугунли чок қўйилади (Расм 5.7).



Расм 5.7. Йўғон ичак ўнг қисмни резекция қилиш. Ёнбош ва кўндаланг чамбар ичак орасига, охирига ёнбош типидаги анастомоз қўйиш.

Ўнг томонлама гемиколоэктомияларида мавжуд ананавий илеотрансверзоанастомоз ўрнини босувчи охирни ёнбошга уловчи инвагинацион илеотрансверзоанастомозлар таклиф қилинган (ихтирога патент №03238. 2006й ЎзР ПВ).


Ушбу таклиф қилинаётган усулнинг мақсади травматиклигини пасайтириш, ташрих техникасини соддалаштириш, ташрихдан кейинги асоратларни камайтириш, ташрих вақтини тежаш.

Ичакнинг (йўғон ёки ингичка) патологик ўзгарган қисмини олиб ташлангач, инвагинацион илеотрансверзоанастомоз хосил қилишга киришилади. Бунинг учун ёнбош ичакнинг дистал қисми 2,5-3 см масофада

шундай мобилизация қилинады, бунда унинг озиқланиши (қон билан таъминланиши) сакланиб қолиниши керак. Шундан сўнг, йўғон ичак чўлтогидан 3-4 см қолдириб, ингичка ичак дистал учи фиксацияланади, бунинг учун унинг тенияси бўйлаб бўйлама йўналишда бир қатор тугунли сероз-мускул чокларини қўямиз ва бу билан бўлажак анастомознинг орқа деворини хосил қиласиз. Кейинчалик, чоклар чизигидан 0,5 см қолдириб, яъни тения марказидан бўйлама холатда йўғон ичакни кесиб очамиз. Сўнг, йўғон ичак бўшлиғига инвагинатни жойлаштирамиз. Ўртасидан битта тугунли сероз-мускул чоки билан фиксациялаб, анастомозни олдинги деворига қолган чокларни қўямиз. Чоклар шундай қўйиладики, инфекцияланишни олдини олиш учун ичак бўшлиғига кирмаслиги керак (Расм 5.8).

Чоклар бир қатор қўйилишини ҳисобга олсак, улар сероз юзалар бир-бирига яхшироқ тегиши учун кенгроқ ва этаклар мустахкам битиши учун сероз-мускул қаватни кенгроқ олиш шартдир.

Анастомозни қорин бўшлиғига ботирамиз. Орқа қорин деворидаги париетал қорин пардадаги дефектни қатор тугунли кетгут чоклари ёрдамида тикамиз. Қорин деворидаги жарохатни қаватма - қават тикиб беркитамиз.



Расм 5.8. Ингичка ичак дистал учи фиксацияси. Илеотрансверзоанастомознинг охирги қўриниши.


Баъзан фақатгина илеоцекал бурчак резекцияси амалга оширилади, бу асосан ичак девори некрози билан асоратланган инвагинация ва буралишлаб

рида бажарилади. Илеоцекал бурчак резекциясининг техникаси йўғон ичак ўнг қисми резекцияси билан бир хил.

СИГМАСИМОН ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ

Бир босқичли сигмасимон ичак резекцияси


Қорин девори кесмаси кўпинча пастки ўрта ёки қийшиқ кўндаланг, баъзан чап пара ёки трансректал тарзда амалга оширилади. Олиб ташланувчи сигмасимон ичак қисми ташрих соҳасидан ажратилади ва қорин бўшлиғи салфетка билан ёпилади. Агар йўғон ичак жуда таранг ва ахлат масса билан тўлган бўлса, ичак декомпрессияси амалга оширилади. Сигмасимон ичак мобилизацияси қисман ичак девори бўйлаб ўтказилади. Унинг тутқичлари кесилади ва чўқтирувчи анастомоз бажарилади (Расм 5.9). Бу холатда баъзи муаллифлар фикрига кўра мақсадгага мувофиқ анастомоз охирини охирига тарздагиси ҳисобланиб, бу бошқа анатомоз турларига нисбатан яхши натижа беради.



Расм 5.9. Ичак ракида сигмасимон ичак резекцияси чегаралари.

Мобилизация қилинган ичаклар иплар воситасида ушланади. Ичакнинг проксимал ва дистал қисмлари ўзаро яқинлаштирилади ва орасига сероз мускулли чок ўрнатилади (Расм 5.10). Ундан сўнг ичакнинг барча қаватларига узлуксиз кетгут чоклар қўйилади. Анастомознинг олдинги деворига тугунли

сероз мускулли чоклар қўйилади. Кетгут тугунли чоклар мезосигма орасига тикилади.




Расм 5.10. Сигмасимон ичакнинг бир босқичли резекцияси. Охирига кўринишида анастомоз. Биринчи қатордаги тугунли чокларни анастомознинг орқа деворига ўрнатилиши. Тугунли чокларни анастомознинг олдинги деворига ўрнатилиши.

Сигмасимон ичак резекциясидан сўнг ўтказилувчи анъанавий анастомозлашдан ташқари, инвагинацион колоректал анастомоз ҳам мавжуд. Бунинг учун лапаротомия ўтказилади, патологик ўзгарган ичак соҳаси аниқланади ва резекция ўтказилади. Кейин ичакнинг дистал кесмасига иккита ушлаб турувчи иплар ўрнатилади. Ичакнинг олиб келувчи қисми озиқланишини сақлаб қолиш мақсдида 3-4 см масофада мобилизация қилинади. Бу ўша соҳадаги тутқични қон томирлари билан бирга сақлаш орқали амалга оширилади.

Пинцет билан ботирилган ичак кесмасини асосидан ва дистал қисмини иплар воситасида ушлаган холда, орқа қаторга бир қаватли сероз мускулли чок ўрнатилади. Шу йўл билан анастомознинг орқа девори шакллантирилади.

Ундан сўнг мобилизация қилинган олиб келувчи ичак найи олиб кетувчи ичак бўшлиғига ботирилади. Кейинги босқичда инвагинатга анастамознинг олдинги деворини хосил қилувчи бир қаторли тугунли чок ўрнатилади. Бу чокларни ўрнатиш ичак найининг ўртасидан бошланади. Бунда биринчи чок фиксация қилувчи чок ҳисобланади (Расм 5.11).



Расм 5.11. Йўғон ичакнинг дистал қисмига сероз мускулли чоклар ўрнатиш орқали фиксация қилиш. Инвагинацион колоректал анастомознинг тугулланган кўриниши.

Чоклар етишмовчилигини олдини олиш максадида чоклар бир хил тўқималарга, ичак бўшлиғига тешиб ўтмайдиган холатда қўйилиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Navruzov S.N. Xirurgik kasalliliklar// Tibbiyot instituti 6-7 kurs talabalari uchun darslik. 2006. 220 v.
2. Nazirov F.G., Gadaev A.G. Umumiyl amaliyot vrachi uchun qo'llanma// - М.: GEOTAR - Media, 2007. -1056v.
3. Болтабоев Д.Э., Душамов М.Р., Худайберганов З.Ю. и др. Заворот сигмовидной кишки у больных с долихоколон// Хирургия Узбекистана - 2008. №3, С. 21-22.
4. Воробьев Г.И., Халиф И.Л. Неспецифические воспалительные заболевания кишечника// -М.: Миклош, 2008. -400с.
5. Ганцев Ш.Х. Онкология// Учебник для студентов медицинских вузов. - М.: Медицинское агентство, 2006. -488с.
6. Гарелик П.В., Макшанов И.Я. Хирургические болезни// -М.: Гродно, 2003. -267с.
7. Генри М.М., Свона М. Колопроктология и тазовое дно// - Москва: Медицина, 1988, 464 с.
8. Емельнова С.И. Иллюстрированное руководство по эндоскопической хирургии// Учебное пособие для врачей хирургов, 2005. -254с.
9. Ерюхин И.А., Петров В.П., Ханевич М.Д. Кишечная хирургия. Руководство для врачей. М.: 1999. 143с.
10. Залит И.Н., Пророков В.В. и др. Заболеваемость и первичная множественность рака ободочной кишки// Клиническая медицина. - 2006. - №2. - С.15-20.
11. Ивашкин В.Т., Лапина Т.Л. Рациональная фармакотерапия заболеваний органов пищеварения// Руководство для практических врачей. -М.: Литера, 2003. -1046с.
12. Изимбергенов М.Н., Адайбаев К.Т., Елемесов А.А. Внутрикишечная зондовая озонотерапия в лечении кишечной непроходимости и перито-

- нита// IV Среднеазиатский межд. конгресс гастроэнтерологов. Ташкент, 2000. 276с.
13. Имре Литтманн. Брюшная хирургия// Атлас и руководства для врачей. Будапешт 1970. 545с.
 14. Казарян Г.А, Давтян А.Г. Колоноскопия в диагностике и лечение мелких полипов толстой кишки// Хирургия Н.И.Пирогова. -1998. -№4. -С. 67-69.
 15. Каланов Р.М., Мехдиев Д.И., Галямов А.Х. и др. Малоинвазивные методы диагностики и лечения толстокишечной непроходимости// IV Среднеазиатский межд. конгресс гастроэнтерологов. Ташкент, 2000. 277с.
 16. Каримов Ш.И., Турсынов К.Н., Асраров А.А. и др. Эффективность применения перитониального диализа, кишечного лаважа и энтерального зондового питания в комплексном лечении разлитого гнойного перитонита// Мет. рек. Ташкент, -1984. 13с.
 17. Козаченко А.В., Щербаков В.И. Заворот сигмовидной кишки. Журнал «Журнал неотложных состояний» 2008, 5(18), 42-44.
 18. Колесов В.И. Острый аппендицит// -М.: Медицина, 1959. -301с.
 19. Комаров Ф.И., Гребнев А.Л. Руководство по гастроэнтерологии// - М.:Медицина, 1995. -528с.
 20. Кондратенко П.Г. Руководство по клинической хирургии// Донецк, 2005. -572с.
 21. Кригер, Д.Г. Федоров А.В., Воскресенский П.К. Острый аппендицит// - М.: Медпрактика-М, 2002, 244 с.
 22. Кузин М.И. Хирургические болезни// Учебник., - М.: Медицина, 1995. - 640с.
 23. Кузьмин А.И., Веселов В.В. Стандартизация эндоскопической информации об анастамозах после колопроктологических операций// Российский онкологический журнал. -2000. -№ 5. -С. 35-38.

24. Кузьмин-Крутецкий М.И., Иншаков Л.Н. Эндоскопические методы в диагностике и лечении толстокишечной непроходимости// В кн.: Новые методы в эндоскопии. Ижевск, -1997. -С. 34-37.
25. Кузьмин-Крутецкий М.И., Филин А.В. Неотложная и срочная колоноскопия// В кн.: Диагностическая и лечебная эндоскопия в хирургической практике. -1996. -С. 107-112.
26. Логинов А.С., Парфенов А.И. Болезни кишечника// Руководство для врачей. - М.: Медицина, 2000.- 632 с.
27. Майстренко Н. А., Мовчан К. Н., Волков В. Г. Неотложная абдоминальная хирургия// Практикум. - СПб: Питер, 2002. -304 с.
28. Максименкова А.Н. Хирургическая анатомия живота// М.Медицина. 1972. 664с.
29. Маматкулов А.Х., Халилов М.Т., Абдуворисов Д.Г. Способ получения рентген изображения. Патент №6085 ПВРУз от 16.08.1999.
30. Матлас П., Михаэль Г. Спиральная и многослойная компьютерная томография//М. Медицина. 2011. 709с.
31. Матяшин И.М., Ольшанецкий А.А., Глузман А.М. Симптомы и синдромы в хирургии// „Здоровя" Киев-1975. 175с.
32. Наврузов С.Н. «Хирургик касалликлар» 2006 й.
33. Наврузов С.Н. «Хронический толстокишечный стаз» 2005.
34. Наврузов С.Н., Наврузов Б.С. «Болезнь Крона» 2009 й.
35. Наврузов С.Н., Наврузов Б.С. «Неспецифический язвенный колит» 2008 й.
36. Наврузов С.Н., Наврузов Б.С., Мирзаахмедоа М.М. «Болезнь Гиршспунга» 2013 й.
37. Наврузов С.Н., Тагаев Ш.Б., Наврузов Б.С. Роль эндоскопии в диагностике болезни Крона толстой кишки// Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана. -2005. -№2. -С. 61-63.

38. Назыров Ф.Г., Калиш Ю.И., Струский Л.П. Состояние и перспективы развития эндоскопической службы в Республике Узбекистан// Хирургия Узбекистана. -1999. -№3. -С. 10-11.
39. Николаев А.В. Топографическая и оперативная хирургия// Учебник. - М.: 2007. -784с.
40. Нычик А.З. Основы оперативной техники в хирургии// Практическое пособие. Тернополь, 2003. -204с.
41. Оноприев В.И., Павленко С.Г. Классификация колоректальных анастомозов// Вестник хирургии. -2001. -№2. -С. 26-27.
42. Османов Г.А. Диагностика и хирургическое лечение заболеваний тонкой кишки в хирургической клинике.: Автореф. дис.... канд. мед. наук. Москва, 2001. 25с.
43. Островерхов Г.Е., Бомаш Ю.М., Лубоцкий Д.Н. Оперативная и топографическая анатомия// -Курск; Москва: Литера, 1996. -720с.
44. Пахомова Г.В., Утешев Н.С. и др. Проблемы колопроктологии// М- 2000.
45. Петров В.П., Ерюхин И.А. Кишечная непроходимость// - М.: Медицина, 1989, 288 с.
46. Порнин О.В., Бойко В.В. Патология червеобразного отростка и аппендэктомия// -Х. Мединица, 2007. -271с.
47. Поташев Л.В., Киязов М.Д., Игнашов А.М. Ишемическая болезнь органов пищеварения// -Л.: Медицина, 1985. -216с.
48. Протоколы диагностики и лечения острых хирургических заболеваний органов брюшной полости// Ассоциация хирургов Санкт-Петербурга. Санкт-Петербургский научно-исследовательский институт скорой помощи им. И.И. Джанелидзе. - СПб., 2007, 58 с.
49. Ривкин В.Л., Бронштейн А.С. Руководство по колопроктологии// М: Медпрактик 2001.
50. Ривкин В.Л., Файн С.Н., Бронштейн А.С. Руководство по колопроктологии// -М.: ИД Медпрактика-М. - 2004, 488 с.

51. Романов Э.И. Поликлиническая и лабораторная практика. Хирургические манипуляции: Карманный справочник врача. - Нижний Новгород: Изд-во Нижегородской государственной медицинской академии, 1999. - 176 с.
52. Савельев В.С. Руководство по неотложной хирургии органов брюшной полости// - М., Издательство «Триада-Х», 2004, - 540 с.
53. Савельев В.С., Гельфанд Б.Р. Абдоминальная хирургическая инфекция: клиника, диагностика, антимикробная терапия// Практическое руководство. -М.: Литтера, 2006. -168с.
54. Савельев В.С., Гельфанд Б.Р. Перитонит// Практическое руководство. -М.: Литтера, 2006. -208с.
55. Семионкин Е.И. Колопроктология// Учебное пособие.
56. Сергиенко В.И., Петросян Э.А., Фраути И.В. Топографическая анатомия и оперативная хирургия// -М.: ГЭОТАР-МЕД, 2001. -Т 1,2. -832с.
57. Серов В.В., Пальцев М.А. Патологическая анатомия// Учебное пособие. 1998. 640с.
58. Слепцов И.В., Черников Р.А. Узлы в хирургии// - СПб.: Салит-Медкнига, 2000. -176 с.
59. Совцов С.А., Пряхин А.Н., Газизуллин Р.З. Лапароскопическая аппендэктомия// Учебное пособие для врачей. 2005. 65с.
60. Тагаев Ш.Б. Показание к тотальной колэктомии в хирургическом лечении болезни Крона толстой кишки// Теоретическая и клиническая медицина. -2005. -№2. -С. 94-96.
61. Тимошин А.Д., Шестаков А.Л., Юрасов А.В. Малоинвазивные вмешательства в абдоминальной хирургии// -М.: Триада-Х, 2003. -216с.
62. Тотиков В.З., Калицова М.В. Лечебно-диагностическая программа при острой спаечной обтурационной тонкокишечной непроходимости// Хирургия им. Н.И.Пирогова. -2006. -№2. 38с.
63. Урман М.Г. Травма живота// - Пермь: ИПК «Звезда», 2003.- 259 с.

64. Федоров В.Д., Воробьев Г.И., Ривкин В.Л. Клиническая оперативная колопроктология// Руководство для врачей. -М.: ГНЦ проктологии, 1994. - 432 с.
65. Чен Г., Сола Х.Е. Руководство по технике врачебных манипуляций// - Витебск: Белмедкнига, 1996. -384с.
66. Чиссов В.И., Дарьялова С.Л. Онкология// Учебник с компакт-диском. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2007. - 560 с.
67. Шевченко Ю.Л. Частная хирургия// Учебник для медицинских вузов. - СПб: Специальная литература, 1998. -Т 1,2. -517с.
68. Эмилио Итала. Атлас абдоминальной хирургии// Москва Медицинская литература, 2006. 1450с.
69. Юдин Я.Б. Прокопенко Ю.Д. Федоров К.К. Острый аппендицит у детей// -М.: Медицина, 1998. -256с.
70. Юхтин В.И. Полипы желудочно-кишечного тракта// -М.: Медицина - 1978. 345с.
71. Яицкий Н.А., Седов В.М. Опухоли кишечника// Монография. - Санкт-Петербург. «АНТ-М», 1995. -376 с.
72. Atamanaip S.S. et al. Elective Treatment of Detorsioned Sigmoid Volvulus//Turk. J. Med. Sci., 2008, 38(3), p.227-234.
73. Ausch C., Madoff R.D., Gnant M. Aetiology and surgical management of toxic megacolon// Colorectal Dis. 2006; 8. №3. P. 195-201.
74. Baixauli J., Delaney C.P., Wu J.S. Functional outcome and quality of life after repeat ileal pouch-anal anastomosis for complications of ileoanal surgery// Dis Colon Rectum. 2004; 47. №1. P. 2-11.
75. Bhatnagar B.N., Sharma C.L., Gupta S.N. Study on the anatomical dimensions of the human sigmoid colon// Clin. Anat, 2004, Apr., 17(3), p.236-243.
76. Bhuiyan M.M., Maehowski Z.A., Linyaraa B.S. Management of sigmoid volvulus in Polokwane-Mankwenc Hospital// Afr. J. Surg., 2005, Feb, 43(1), p. 17-19.

77. Cornwell E.E 3rd. The fate of colonic suture lines in high-risk trauma patients: a prospective analysis// Journal of the American College of Surgeons, 1998. V. 187. №1. P. 58-63.
78. Dentali F. Meta-analysis: anticoagulant prophylaxis to prevent symptomatic venous thromboembolism in hospitalized medical patients // Ann. Intern. Med. - 2007. - V. 146. P. 278 - 288.
79. Farner B.A. Comparison of danaparoid and lepirudin in heparin-induced thrombocytopenia // Thromb. Haemost. - 2001. - V. 85. - P. 950 - 957.
80. Garbus J.E., Potenti F., Wexner S.D. Current controversies in pouch surgery// South Med J. 2003; 96. №1. P. 32-36.
81. Gerwig W.H. Volvulus of the colon// Surg. Clin. North. Am. 1955, 35, pJ395-1399.
82. Gordon R.. Watson K. Ileosigmoid knot// J. R. Coll. Surg. Edinb., 1984, 29, p. 100-102.
83. Hartert W. Wie konen wir die Ergebnisse der Dickdarmresection verbessern? Untersuchungen aut crund von 43 Dickderm resection der Tubinger cherir-gischen Klinik wegen carcinoms// Arch. Fur Klinische Chirur, 1922. V. 119. №4. P. 644-691.
84. Hull R.D. Treatment of proximal vein thrombosis with subcutaneous low-molecular-weight heparin Vs intravenous heparin. An economic perspective // Arch. Intern. Med. - 1997. - V. 157. - P. 289 - 294.
85. Jones-Ian T., Fazio V.S. Colonic volvulus, etiology and management //Dig. Disease, 1989, 7, p.203-209.
86. Kantor J.L. Anomalies of the colon: their roentgen diagnosis and clinical significance// Radiology, 1934, 23, p.65 I -662
87. Laredo J., Filtzer H.S. Right colonic intussusception// Am J Surg 2000; 179. №6. P. 485.
88. Lee S.H., Park Y.FL Won Y.S. The ileosigmoid knot: CT findings// Am. J. Roentgenol, 2000 Mar; 174(3): 6R5-7
89. Peitz H.G. Volvulus in childhood// Radiologe, 1997, Jun» 37(6), p.439_445.

90. Lop Labrador A., Rico P., Abradelo M. Surgical treatment in colonic volvulus// Fifth Congress of European Council for Coloproctology, Barcelona, 1995, p.57.
91. Lord S.A., Boswell W.C., Hungeipiller J.C. Sigmoid Volvulus in pregnancy// Am. Surg., 1996, 62, p.380-382.
92. Madiba T.E., Thomson S.R. The management of sigmoid volvulus// J. R, Coll. Surg. Edinb., 2000,45, p.74-80.
93. Mahajna A., Krausz M., Rosin D. Bowel preparation is associated with spillage of bowel contents in colorectal surgery// Dis Colon Rectum. 2005; 48. №8. P. 1626-31.
94. Margolin D.A., Whitlow C.B. The pathogenesis and etiology of colonic volvulus// Sem. Colon Rectal Surg., 1999, 10, p. 129-138.
95. McRae S.J. Initial treatment of venous thromboembolism// Circulation. - 2004. - V. 110. -Suppl. 1. -P. 3 - 9.
96. Mellor M.F.A., Drake D.G. Colonic volvulus in children.Value of barium enema for diagnosis and treatment in 14 children, // Am. J. Radiol, 1994, 162, p.1157-1159.
97. Moriura S., Kobayashi I., Ishiguro S. Continuous mattress suture for all hand-sewn anastomoses of the gastrointestinal tract// Am J Surg. 2002; 184. №5. P. 446-448.
98. Ogata M., Tmai S., Hosotani R., et al. Abdominal sonography for the diagnosis of large bowel obstruction// Surg. Today, 1994, 24(9), p.791-794.
99. Orchard J.L., Mehta R., Khan A.H. The use of colonoscopy in the treatment of colonic volvulus// Am. J. Gastroenterol, 1984, 79, p.864-867.
100. Raveenthiran V. Emptiness of the left iliac fossa: a new clinical sign of sigmoid volvulus// Postgrad Med. J., 2000, 76, p.638-636.
101. Remzulli P., Christoph A. Maurer, Peter Netzer, Markus W. BQchler. Pre-operative Colonoscopic Derotation Is Beneficial in Acute Colonic Volvulus// Dig. Surg., 2002,19, p.223-229.

102. Sackier J.M. Gastrointestinal volvulus// Surgery (South African Edition) 1989, 66, p. 1578-1583.
103. Tavflogin K., Aydin E.S., Ertekin C. Our current approach in the treatment of sigmoid colon volvulus// Ulus Travma Derg. 2002, Apr, 8(2), p.102-107.
104. Tiah Ling, Goh Siang Mieng. Sigmoid volvulus; diagnostic twists and turns// European Journal of Emergency Medicine, 2006. April, 13(2), p.84-87.
105. Turan M., Sen M., Karadayi K., et al. Our sigmoid volvulus experience and benefits of colonoscope in detortion process// Rev. Esp. Enferm Dig. 2004, 96, p. 32-35.
106. Yoshitaka Fumya, Hiroshi Yasuhara, Hironobu Yanagie. Role of Ganglion Cells in Sigmoid Volvulus. 7 World Journal of Surgery, 2005, January, 29(1) p.88 - 91.

МУНДАРИЖА

Ишлатилган қисқартмалар рўйхати.....	4
Ўзбекистон Республикасида колоректал хирургиянинг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи.....	5
I Том. УМУМИЙ САВОЛЛАР	8
1-боб. ЙЎҒОН ИЧАКНИНГ АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ.....	8
Умумий характеристика.....	8
Чамбар ичак артериялари.....	16
Чамбар ичак веналари.....	26
Йўғон ичакнинг лимфа тизими.....	27
Чамбар ичак иннервацияси.....	28
2-боб. ЙЎҒОН ИЧАК ФИЗИОЛОГИЯСИ.....	33
2.1. Ионлар ва сувнинг сўрилиши.....	33
2.2. Секреция.....	35
2.3. Ҳазм қилиш	36
2.4. Ичак бактериялари.....	36
2.5. Моторика.....	41
2.6. Анал ушлаш ва дефекация	43
3-боб. ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ.....	45
3.1. Клиник усуллар.....	45
3.2. Умумий клиник лаборатор текширувлар.....	50
3.3. Иммунологик усуллар.....	55
3.4. Қон зардobi гормонларини текшириш.....	56
3.5. Сўрилишни текшириш усуллари.....	56
3.6. Ичакнинг мотор-эвакуатор функциясини текшириш усуллари.....	59
3.7. Рентгенологик текширув.....	68
3.8. Компьютер томографияси.....	75
3.9. Магнит-резонанс томография.....	75
3.10. Ультратовушли текшириш.....	76
3.11. Колоноскопия.....	77
3.12. Виртуал колоноскопия.....	83
3.13. Лапароскопия.....	86
4-боб. ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИ.....	87
4.1. Умумий қисм.....	87
4.2. ЎИТ симптоматологияси ва ташхисоти.....	97
4.3. Обтурацион ичак тутилиши.....	110
4.4. Странгуляцион ичак тутилиши.....	131
4.5. Ичак тутилишининг аралаш шакли.....	149
4.6. Динамик ичак тутилиши.....	171
5-боб. ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИНИ ДАВОЛАШ.....	178

	5.1. Даволашнинг консерватив усуллари.....	178
	5.2. Йўғон ичақда ўтказиладиган ташрихларни асосий принциплари.....	188
	5.3. Йўғон ичак резекцияси.....	194
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	203
	МУНДАРИЖА.....	212